

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛАИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш. Қ. Қурбонов, А. Ш. Қурбонов, О. Р. Каримов

**ҲАЗМ ВА ОЗИҚЛАНИШ
ФИЗИОЛОГИЯСИ**

Қарши - 2004

54.13

1030974
2

Устозимиз, профессор
К.Р. Рахимовнинг ёрқин
хотирасига багишиланади.

Кўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолияти ҳақида замонавий маълумотлар баён қилинган, иккинчи қисмда овқатланиш ва у билан bogliq масалалар, xусусан оқилона овқатланиш, ног’три овқатланиш боис юзага келадиган хасталиклар, турли адоли гуруҳларига мансуб кишилар озиқланишига қўйиладиган физиологик талаблар ҳақида гапирилган. Ушбу ўқув кўлланма одам ва ҳайвонлар физиологияси бўйича таҳсил олаётган магистратура тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан олий ўқув юртларининг биология факультети талабалари, мактаб, лицей ва коллежларда ишлайдиган ўқитувчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

Ўшбу ўқув кўлланма Қарши давлат университети
иммий кенгашининг 2004 йил 3 феврал қарори билан
нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:


Л. С. Қўчқорова
Биология фанлари доктори

Тақризчилар:

Б. А. Содиқов
Ўзбекистон Республикаси ФА
Физиология ва биофизика институ-
тининг лаборатория мудири,
биология фанлари доктори

Т.Т. Тиловов
Қарши Давлат университети
Экология кафедрасининг мудири,
биология фанлари номзоди, доцент

© Ш.Қ.Курбонов, А.Ш.Қурбонов, О.Р.Каримов 2004й.



1. ҲАЗМ (ОВҚАТ ҲАЗМ БҮЛИШИ) ФИЗИОЛОГИЯСИ

Одам ва ҳайвонлар ўзларининг ҳаёт жараёнида узлуксиз равища турли хил фаолиятлари учун (юриш, чопиш, жисмоний ва ақлий меҳнат қилиш, ўсиш ва улгайиш, кўпайиш ва ҳоказо) тегишли қувват (энергия) сарфлаб туради ҳамда янги ҳужайра ва тўқималар ҳосил қилиб ёки уларнинг таркибини янтилашиб туради. Сарфланадиган қувват ва «қурилиш» материаллари (энергетик ва пластик материаллар) ташқаридан танага кирган овқатли моддалардан махсус тизим - ҳазм аъзолари орқали ўзлаштирилади.

Шуниси ҳам борки, одам ва ҳайвон организми овқат сифатида қабул қилинадиган озиқ моддалардан (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) қайд қилинган материалларни айнан шу тизим ёрдамида мураккаб ҳолда қайта ишлаб ўзлаштиради ёки ҳазм қилади.

Танага овқат сифатида қабул қилинган барча озиқ моддаларни физикавий ва кимёвий йўл билан қайта ишлаш овқат ҳазм бўлиши дейилади. Бу жараён давомида озиқ моддалар энергетик ва пластиклик хусусиятларини сақлаб қолиб, таркибий ўзгаришга учрайди ва тирик организм томонидан ўзлаштириладиган ва энергия алмашинувида қатнашадиган ҳолатга ўтади.

Ҳазм аъзоларининг фаолияти танага овқаг қабул қилиш (овқатланиш) билан ўзгариб туради. Овқатланиш жараёнининг амалга оширилиши ёки унинг тўхталиши очлик ва тўқлик туйғуси билан юзага келади. Ушбу туйғулар маълум физиологик асосларга зга бўлиб, тегишли қонуниятлар асосида рўй бериб туради.

Очлик туйғуси (патологик очликдан фарқли ҳолда) асосан маълум вақт мобайнида овқат қабул қилмаслик натижасида махсус деполар ва қон таркибида энергетик ва пластик моддаларнинг камайиб кетиши туфайли юз берадиган ҳолат. Очлик ошқозонда ловуллаш (ачиш), кўнгил айниши, баъзан бош айланиши, бош огриши, умумий ҳолсизланиш каби субъектив ҳолатларни чақиради ва булар оқибатида овқат топиб ейиш туйғуси, ҳатти-ҳаракатлари бошлиданади. Очлик ва у билан борглик обьектив ҳамда субъектив туйғулар МНТ нинг турли соҳаларида тегишли

нерв хужайралари ва тутунларининг қўзгалиши туфайли келиб чиқади. Бундай нерв ҳужайралари мажмуаси академик И. П. Павлов томонидан овқатланиш маркази деб аталган.

Овқатланиш маркази морбофункционал жиҳатдан мураккаб гипоталамо-лимбико-ретикуло-кортикал комплекс бўлиб ҳисобланади. Ушбу комплекснинг энг муҳим қисми гипоталамусдаги латерал ядролар бўлиб, ундан тарқаладиган нерв импулслари овқатланиш маркази фаолиятини бошқариб боради. Агар ушбу ядролар сунъий йўл билан (масалаи, кучсиз электр токи билан) қитиқланиса, ҳайвон тўярини билмасдан жуда кўп миқдорда овқат ейди (гиперфагия), бунинг тескарисича, айтилган нуқталар бузиб ташланса (масалаи электроқаогуляция ёрдамида), у умуман овқат емай қўяди (афагия). Гипоталамуснинг вентромедиал ядролари тўқлик туйгуси ҳосил қилювчи нуқталар ҳисобланади, чунки уларни бузиб ташлаш гиперфагия ҳолатига олиб келса, қитиқлаш афагия, яъни овқатдан юз ўтиришга олиб келади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, очлик, тўқлик, овқатланиш билан боғлиқ барча ҳолатларни И. П. Павлов гоясига мувофиқ фақатгина гипоталамусга боғлаб қўйиш ногтўғри. Электрофизиологик тадқиқотлар одам ва ҳайвонлардаги очлик ва тўқлик туйгулари бош миянинг лимбик қисми, янги пўстлоқ ҳамда ретикуляр формациялари билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади, яъни мана шу марказлар ҳам овқатланиш жараёни учун мастьулдир.

Кўп йиллик тажрибалар натижасида шу нарса аниқланганки, гипоталамусдаги овқатланиш билан боғлиқ нуқталар қон таркибидаги озиқ моддалар миқдорига боғлиқ бўлар экан, ҳамда тананинг периферик қисмидаги турли хил рецепторлар таъсирида ўз фаолиятини ўзгартириб турар экан. Агар очлик туфайли овқат топишга жон-жаҳди билан киришган ҳайвон томирига овқатдан тўйиб тинч ётган иккинчи бир ҳайвон қонидан юборилса, биринчи ҳайвонда очлик билан боғлиқ рефлектор ҳолатнинг анча тинчланиб қолганлиги кузатилади. Бундай интичлантирувчи ёки тўқлик ҳолатини пайдо қилювчи қон таркибидаги воситачи моддаларнинг ҳар хил бўлиши аниқланган ва шунга яраша очлик ҳолатининг юзага келишида қўйидаги назариялар яратилган:

а) Глюкостатик назария . Унга кўра очлик туйгуси қонда глюкоза миқдорининг кескин пасайиб кетиши билан юзага келади. Гипоталамусда маҳсус глюкорецепторлар

бўлиб, улар қонда глюкоза камайишига жуда сезир деб тахмин қилишади.

б) Аминоацидостатик назария. Унга кўра овқатланиш марказининг кўзгалиши ва тормозланиши қон таркибидаги аминокислоталар билан белгиланади.

в) Липостатик назария. Унга мувофиқ овқатланиш марказларининг фаолият кўрсатиши қонда ўзгариб турадиган ёғ парчаланиш маҳсулотлари миқдори билан белгиланади.

г) Термостатик назария тарафдорлари гипоталамусдаги овқатланиш марказларидан тарқаладиган импульсларнинг камайиши овқатланиш туфайли қон ҳароратининг кўтарилиши билан тушунтиришади.

д) Гидростатик назария. Бу назарияга кўра танада сув заҳирасининг камайиши овқатланиш жараёнини пасайтиради.

е) Метаболик назария. У юқоридаги барча назарияларнинг бирлашишини тақозо қиласи ва организмнинг овқатланиш билан боғлиқ туйгулари танада рўй бериб турадиган барча озиқ моддаларнинг парчаланиши давомида Кребс цикли маҳсулотларига боғлиқ деб тушунтиради.

Кейинги йилларда ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қаватидан пептидлар кўринишидаги арэнтерин моддаси ажратиб олинган бўлиб, ундан озмунча танага юборилса ишгаҳанинг пасайиши аниқланган. Арэнтериндан ташқари яна холецистокinin, панкреозимин ва ингичка ичак гормонлари (интестинал гормонлар) ҳам иштаҳани пасайтириш хусусиятига эга.

Очлик ва тўқлик туйгуларининг юзага келишида тананинг турли қисмларидан бош мияга кўтариладиган нерв импульслари ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, ошқозон ичита жойлаштирилган резина балонча ҳаво билан шиширилса, очлик туйгуси анча пасайиб кетади ёки овқатли моддалардан холи бўлган ошқозоннинг даврий ҳаракат қилиши очлик туйгусини кучайтиради.

Юқоридагилардан шундай холосага келиш мумкинки, табиий шароитда очлик ва тўқлик туйгуларининг шаклланишида қайд қилинган сабаблар комплекс ҳолда таъсир этади.

Тўқлик туйгусининг келиб чиқиши мураккаб рефлексатор жараёндир. Масалан, овқатланиш бошланиши билан ҳали истеъмол қилинган озиқ моддалар қонга сўрилмаси иштаҳанинг пасайиши сенсор тўйиниш ҳолати деб аталади. Бунда оғиз бўшлигидаги кўпгина рецепторлардан бош мияга импульслар чиқиши ҳал қиувчи аҳамият касб этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам овқат узоқ вақт чайналиб шошилмасдан ютилса, тўқлик туйгуси тезроқ юз беради. Айрим пайтлари у ёки бу озиқ моддага нисбатан иштача кучли бўлиши ёки тамоман бўлмаслиги ҳолатлари кузатилади. Бу иштаҳани специфик иштача дейилиб, кўпинча танада тегишли моддаларнинг айни организмда тақчиллиги ёки кўплиги билан белгиланади. Умуман олганда анча мураккаб жараёнлар ҳисобланмиш очлик ва тўқлик туйгуларининг физиологик сир-асрорлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

1.1. Овқат ҳазм бўлишининг моҳияти. Ҳазм жараёнларининг классификацияси

Озиқ моддаларнинг ҳазм бўлиши бу тизимга мансуб аъзоларнинг асосан учта - гидролиз, мотор, сўриш функциялари туфайли ошқозон-ичак йўлида истеъмол қилинган озиқ моддаларни физикавий ва кимёвий қайта ишлашдан иборат мураккаб физиологик жараёндир. Ушбу жараён натижасида деполимерланган мономер кўринишидаги озиқ моддалар ичаклардан қон ва лимфага сўрилади.

Озиқ-овқатли моддаларнинг физикавий ўзгаришларига уларнинг ҳазм йўлида механик қайта ишланиши, бўкиши, майдаланиши, эриши киради.

Кимёвий ўзгаришларга эса бирин-кетин содир бўладиган қатор жараёнлар киради. Бунда ҳазм аъзоларидағи махсус безларнинг гландулоцитларидан ажralиб чиқадиган шиralар (сўлак, меъда шираси, ўт суюқлиги, ичак шираси ва бошқалар) ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу шиralарда танага полимер шаклида қабул қилинган озиқ моддаларни денатурацияга учратадиган ва олиго- ҳамда мономерларгача парчалайдиган уч гурӯҳ гидролитик ферментлар ёки гидролазалар - протеазалар, липазалар ҳамда карбогидразалар мавжуд бўлади. Ҳазм безларидан ажralиб турадиган шиralар миқдори, улардаги гидролазаларнинг миқдори бир-бирига нисбатан истеъмол қилинадиган озиқ моддаларнинг таркиби билан белгиланади, масалан, оқсили овқат кўпроқ ейилса протеазалар, ёғли овқатда липазалар ва углеводди овқатда эса карбогидразалар кўпроқ ажralади. Полимер кўринишидаги озиқ моддаларнинг ҳазм йўлларида деполимеризацияланиши бирин-кетин содир бўладиган жараён бўлиб, у оқсилиларнинг аминокислоталарга, ёғларнинг моноглицеридлар, глицирин ва ёр кислоталаригача, углеводларнинг эса моносахаридларгача

айланиши билан якун топади. Ҳосил бўлган ва ўзида барча энергетик хусусиятларни сақлаб қолган ва фақатгина таркибий муҳим ўзгаришларга учраган мономерлар қон ва лимфага тегишли механизмлар асосида сўрилади.

Қайд қилинган гидролазаларнинг келиб чиқишига қараб ҳазм жараёни уч турга бўлинади, яъни агар гидролазалар бевосита ўсимлик ёки ҳайвон маҳсулотлари таркибида танага кирса аутолитик микроблар, бактериялар ва содда ҳайвонлар туфайли бўлса симбиотик ва бевосита макроорганизм безлари томонидан синтез қилинганида эса хусусий ҳазм фарқланади. Масалан, энди тугилган бола организмида истеъмол қилинган овқат она сути таркибидаги гидролазалар ёрдамида парчаланса (аутолитик), кавшовчи ҳайвонларда гидролизланиш жараёни микроблар ва бактериялар томонидан ишлаб чиқарилган ферментлар таъсирида амалга оширилади (симбиотик).

Юқори организмларда, шу жумладан, катта одамларда ҳам қайд қилинган ҳазм турларидан хусусий ҳазм асосий ўрини эгаллади.

Ҳазм жараёнларининг айнан амалга оширилиш жойларига қараб ҳужайра ичида ва ташқарисида юз берадиган овқат ҳазм бўлиши фарқланади. Ўз павбатида ҳужайра ташқарисида рўй берадиган ҳазм яна иккига, дистант (ошқозон ичак йўлининг бўшлиқларида) ва контакт (ичак девори юзасида ёки мембрана юзасида) турларига ҳам бўлинади.

Ҳужайра ичида бўладиган ҳазм озиқ моддаларнинг пиноцитоз ёки фагоцитоз йўли билан ҳужайра ичига киритилганидан кейин у ердаги лизосомал ферментлар таъсирида амалга оширилади (ёки цитоплазмада ёки у ерда мавжуд бўладиган вакуолаларда). Одам танасида бундай ҳазм тури асосан лейкоцитларда ва лимфоретикулогистиоцитар тизимида учрайди. Истеъмол қилинган озиқ моддаларнинг ўзлаштирилишида унинг аҳамияти унча катта эмас. Дистант ҳазмланишга кирадиган ва бўшликларда юз берадиган ҳазм - ошқозон-ичаклар бўшлиғида сўлак безлари, меъда безлари, меъда ости бези ҳамда ичак безлари томонидан синтез қилинадиган ширалар таркибидаги гидролазалар ва жигар ишлаб чиқадиган ўт суюқлиги иштирокида амалга опирилади.

Контакт ёки мембранада овқат ҳазм бўлиши энтероцит мембранаси юзасида тизилиб жойлашган ферментлар иштирокида ҳужайра ичи ва ташқариси чегарасида рўй беради. Ферментлар асосан бу ҳолатда ингичка ичак энтеро-

цитларининг гликокаликслари тагида тизилган бўлади. Бундай ҳазмланиш, яъни мембранада овқат ҳазм бўлиши бўшлиқлардаги ҳазмланишинг узвий давоми ва ҳал қилиувчи қисмидири. Бўшлиқда ҳосил бўлган олиго- ва димер моддалар ичак мембраннысига келиб, мономерларгача парчаланади ва қон ҳамда лимфага қулайгина сўрилади. Ҳазм ширалари ажратадиган безлар томонидан (сўлак, меъда ва меъда ости безлари) ферментлардан ташқари яна бошқа моддалар ҳам синтез қилинади ва улар ферментларнинг оптималь ҳолда таъсир қилиши учун тегишли муҳит реакциясини яратиш ва оқсилларнинг денагурацияси учун хизмат қиласи.

Овқат ҳазм бўлишида ҳазм аъзоларининг яна бир муҳим функцияси борки, уни мотор ёки ҳаракат функцияси деб юритилади. Бу функция ҳазм аъзолари таркибига кирувчи мускулли қаватнинг фаолияти билан амалга оширилади (чайнаш, ютиниш, озиқ моддаларнинг бир жойдан иккинчи жойга сўрилиши, қолдиқ қисмларнинг ажратиб чиқариб юборилиши, шираларнинг бўшлиқларга бевосита кўйилиши, ворсинкалар ҳаракати ва ҳоказо).

Ҳазм жараёнининг тўлиқ бўлишида бу тизимнинг охирги функцияси озиқ моддалари, сув, витаминалар ҳамда ажralган шираларнинг бевосита ошқозон ичак йўли орқали сўрилиши, яъни сўриш функциясидир. Ҳазм аъзоларининг юқорида қайд қилинган гидролитик, ҳаракат ва сўриш функциялари улар қисмларининг фаолиятлари таърифланганда батафсил кўриб чиқилади.

Ҳазм аъзоларининг ноҳазм функциялари ҳам бор. Масалан, улар организмда гомеостаз ҳолатини таъминлашда ажратадиган ширалари билан метаболизм ва энергия алмашинувини бошқаришда иштирок қиласиган моддаларни ажратади. Буни бу тизимнинг экскретор функцияси деб аталади. Бундан ташқари, яна ошқозон-ичак тизимининг эндокрин функцияси ҳам бор. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ошқозон-ичаклардаги гормон ишлаб чиқарувчи ҳужайралар мажмуаси максус ички секреция безлари ҳужайраларидан сон жиҳатидан ҳам, вазн ва миқдор жиҳатидан ҳам кўп экан. Бу нарса ҳазм аъзолари бу борада ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишорадир (А. М. Уголов ишлари).

Қолаверса, ошқозон-ичаклардаги симбионтлар (ощо-зон-ичак микрофлораси) организмнинг иммун тизими шаклланишида ҳам бефарқ қолмайди.

1.2. Ҳазм аъзолари функцияларини ўрганиш усуллари

Танадаги ҳар бир тизим функциясини ўрганишда мавжуд ва ихтиро қилинган усуллар мұхым ақамият касб этади. Хусусан ҳазм аъзолари борасыда академик И. П. Павлов ва у яраттан мактабнинг хизмати бекіёсdir. Үнгача ҳазм аъзоларида рўй берадиган жараёнлар ўткір усуллар қўлланилиб ўрганилар эди ва бунда тажриба ўтказиладиган ҳайвон кучли жароҳат олар ва шу сабабли олинган натижалар табиий ҳолдан анча узоқ бўларди. 1842 йили Москвалик хирург В. А. Басов меъда ширасини унга сунъий йўл билан тешик қўйиб (ошқозонга фистула қўйиб) ўрганишни ихтиро қилди, И. П. Павлов эса уни мукаммаллаштириб ниҳоясига етказди, яъни ҳайвон барча хирургик жараёнларга риоя қилиб операция қилинади ва унинг яраси тамоман яҳши бўлиб кеттанидан кейин меъда шираси йигиб олинади (у таркиби ва миқдори билан табиий меъда ширасига анча яқин бўлади). Бундай ҳайвонлар тажрибаларда узоқ вақт давомида фойдаланилади.

Соф меъда ширасини олиш И. П. Павлов ва Е. О. Шумова-Симоновскаялар томонидан 1899 йили таклиф қилинган. Эзофаготомия қилинган ҳайвон меъдасига фистула қўйиш билан меъда шираси илк бор йигиб олинди («Ёлғон овқатланиш»). Бундай операция қилинган ҳайвонларнинг овқатланиши кесилган қизилўнгач ва меъдага қўйилган фистула орқали амалга оширилиб турилган.

Тоза меъда ширасини бевосита овқатланиш жараёнида йигиб олиш учун И. П. Павлов «кичик меъдача» усулини таклиф қилди. Бундай меъдачага келган нерв томирлари кесилмайди (*n. vagus*), унга фистула қўйилиб овқатланишнинг барча даврларида (рефлектор, гуморал) шира йигиб олиб ўрганилади (Гейденгайн усулида адашган нерв кесилади).

И. П. Павлов томонидан ўт суюқлигини текшириш учун умумий ўт йўлини тери юзасига чиқарип тикиб қўйиш усуликаси яратилди.

Ичак секрециясини ўрганиш учун ингичка ичакнинг бир қисми асосий қисмдан кесиб ажратилиб, унинг бир учи (кўпинча дистал қисми) (Тири усули), ёки икки учи (Тири-Велла) ташқарига (терига) чиқазилиб тикиб қўйилади. Бу тажрибаларни ҳам И. П. Павлов мукаммаллаштирган.

Ошқозон-ичак йўлининг мотор функциясини ўрганиш учун ҳам меъда ёки ичакнинг тегишли қисмiga фистула

үрнатилиб иш олиб борилади.

Ҳозирги пайтда ҳазм аъзолари фаолиятини ўрганишда рентгенологик ва радиотелеметрик усуллари кенг қўлланилмоқда.

Тажрибалар давомида ошқозон-ичакларда юз берадиган сўрилиш жараёнини ўрганиш учун ҳазм аъзоларидан чиқиб бораётган қон томирларига маҳсус мосламалар қўйилиб қон йигиб олинади (Е.С. Лондоннинг ангиостомик усули).

Одамларда ҳазм физиологиясини ўрганиш учун маҳсус усуллар яратилган, масалан, сўлак безларидан ажраладиган суюқликлар Лешли-Красногорский капсуласи ёрдамида тўплаб олинади. Меъда ва ичаклардаги ҳазм жараёни одамларда маҳсус резина най (зонд) орқали ўрганилади. Бунинг учун зонд ютилади ёки бурун тешигидан ошқозон ва ичакларга туширилади. Унда бир нечта кўрсаткичлар бўлиб, улар ёрдамида меъда, 12 бармоқ ичак, ингичка ичаклардаги муҳит реакциясини, кислота ажралишини, меъдадан озиқ моддаларини ичакка ўтказилишини ва бошқа жараёнларни ўрганиш мумкин.

Ҳозирги пайтда ҳазм аъзолари фаолиягини ўрганишда радиоэлектроника усулидан кенг қўламда фойдаланилмоқда (радиопилюля, қайтаргич ва қабул қилиб олгичлар ёрдамида). Ушбу тизимнинг мотор функцияси силлиқ мускуллар биоптенциалларини регистрация қилишга асосланган электрогастография ёрдамида ўрганилади.

Ошқозон-ичакларни ички юзасини текширишда эндоскопия усули кенг қўлланилаётги. Яна бу мақсад учун биопсия усули анча қўл келади. Озиқ моддалар сўрилишини ўрганишда нишонланган аминокислоталар, ёғ кислоталаридан фойдаланиш мумкин.

1.3. Оғиз бўшлиғида ҳазм

Қабул қилинган овқатни қайта ишлаш оғиз бўшлиғидан бошланади. Бу ерда у ўртача 15-18 секунд чайналиб, майдаланади, сўлак билан аралаштирилиб зрий бошлайди, таъмига нисбатан таҳлил қилинади, айрим озиқ моддаларнинг (крахмалнинг) гидролизланиши бошланади ҳамда овқат луқмаси шаклланади.

Оғиз бўшлиғига тушган ҳар қандай овқат дастлаб у ердаги таъм билиш, тактил ва ҳароратни сезувчи рецепторларни қитиқлади (оғиз бўшлиғида сочилиб жойлашган) ва

хосил бўлган импульс марказга интиувчи нерв йўллари билан (учламчи, юз ва тил-томуқ нервлари) тегишли рефлектор марказларга етиб бориб, даставвал сўлак ажралишига, кейин меъда шираси, меъда ости бези шираси, ўт суюқлиги каби ҳазм ширалари ажралишига фаол таъсир кўрсатади. Қайд қилинган нерв импульслари яна ошқозон ичак тизимининг мотор функциясига ҳам таъсир ўтказади. Шу боис овқатни обдон чайнаб ютиш унинг яхши ҳазм бўлишига олиб келади. Бундан ташқари овқатнинг оғиз бўшлиғида тегишли вақт сақданиши ютиниш рефлексини чақиради. Оғиз бўшлиғида содир бўладиган ҳазм жараёнида чайнаш тегишли ўрин эгаллаб, унинг рефлектор равишда рўй беришида учламчи нервнинг афферент толалари орқали чайнаш марказига борадиган қитиқданиш ва унга жавобан шу нервнинг эфферент толалари орқали чайнаш мускулларга келадиган импульслар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Чайнашнинг амалга оширилишида яна чайнаш мускулларда жойлашган проприорецепторлар ҳам тегишли аҳамият касб этади.

1.3.1. Сўлак ажралиши

Оғиз бўшлиғидаги ҳазм уч жуфт катта - қулоқ олди, тилости ва жағ ости ҳамда у ерда тарқоқ ҳолда жойлашган кўплаб майда безлар томонидан амалга оширилади. Ишлаб чиқарадиган сўлак таркибига кўра улар уч гуруҳга бўлинади: серозли муцинсиз суюқ сўлак ажратади, уларга кулоқолди ва айрим майда безлар киради), аралаш (қисман муцинили, уларга тилости ва жағ ости безлари киради) ҳамда шиллиқли (муцини кўп тил асоси ва танглайдаги майда безлар) сўлак безлари.

Оғизда овқат бўлмаганида умумий сўлак ажралиш миқдори ўртача 0,24 мл/мин. га teng, у оғиз бўшлигини намлаб туриш учун хизмат қиласи. Овқатни чайнаш жараёнида бу кўрсаткич 3,0-3,5 мл/мин. гача кўпаяди (200 мл/соат). Сўлак миқдори асосан овқат таркиби ва миқдори билан белгиланади.

Сўлак шилимшикроқ, хира суюқлик бўлиб, зичлиги 1,001-1,017 га teng, реакцияси (pH) унинг ажралиш тезлигига қараб 5,8 дан 7,4 гача ўзгариб туради. Тезроқ ажралган сўлак реакцияси 7,8 гача кўтарилиши мумкин. Аралаш сўлакнинг 99,4-99,5 % и сув, қолган қисми қуруқ моддадан иборат. Унинг таркибида анорганик моддалардан хлоридлар, карбонатлар,

фосфатлар ва бошқа Na, K, Ca, Mg тузлари бўлади. Сўлак таркибидағи органик моддалар анирганик моддалардан кўп бўлиб уларга оқсиллар, аминокислоталар, айрим угленодлар, мочевина, аммиак, креатиниллар киради. Унинг таркибидағи муцин овқат луқмасининг осон ютилиши ва қизилўнгач орқали ҳаракатланишини жадаллаштиради.

Одам сўлагидаги α -амилаза полисахаридларни (крахмал, гликоген) парчалаш хусусиятига эга. Бунда декстринлар, дисахаридлар (мальтоза) ва қисман глюкоза ҳосил бўлади. Озиқ моддалар оғиз бўшлигида қисқа вақт сақланганлиги учун айтилган озиқ моддаларнинг сўлак α -амилазаси таъсирида гидролизланиши меъдада давом этиши мумкин. Лекин овқат луқмаси меъда шираси билан аралашиши туфайли бу жараён дарҳол тўхтайди, чунки меъда ширасидаги хлорид кислотаси α -амилазани фаолсизлантиради.

Яна сўлак таркибида оз микдорда бўлсада протеиназалар, липазалар, ишқорий ва кислотали фосфатазалар, рибонуклеазалар бор, бироқ улар ҳазм жараёнида бевосита иштирок қилмайдилар. Сўлакда учрайдиган лизоцим ферменти (мурамидаза) боис у бактерицидлик хусусиятига эга (кўз яраларини ялаш билан даволаш, итларнинг танасидаги яраларини ялаб тузатиши ва бошқалар). Сўлакнинг ферментатив таркиби истеъмол қилинадиган озиқ моддаларининг таркибига, миқдорига яқиндан боғлиқ.

Бевосита овқатланиш билан боғлиқ сўлак ажралишининг бошланиши овқат оғизга тушганидан кейин 1-3 ва 20-30 секунддан кейин бошланади. Улбу вақт (сўлак ажралишининг латент даври) овқатланиш марказининг қанчалик даражада қитиқланишига боғлиқ. Бу марказ асосан узунчоқ мияда жойлашган (лекин унинг элементлари орқа миянинг кўкрак сегменти ён шохларида ва МНТ нинг юқори қисмларида ҳам мавжуд), унга айтиб ўтилганидек учламчи, юз, тил-томоқ ва адашган нервлар орқали импульслар бориб етади ва тегишли эфферент нервлар орқали келган жавоб сўлак ажралишини чақиради. Сўлак безларининг парасимпатик иннервацияси узунчоқ миядаги тегишли ядролардан, симпатик иннервацияси - орқа мия кўкрак сегментнинг (II-IV сегментлар) тегишли илдизлардан бошланади. Парасимпатик нерв учларида (сўлак безига келиб) ацетилхолин ажралса, симпатик толалардан норадреналин медиатор моддалари ажралади.

Сўлак ажралиши шартли рефлектор йўл билан ҳам

бошқарилади, овқатнинг ранги, ҳиди сўлак ажралишини кучайтириши ҳам сусайтириши ҳам мумкин (яхши ҳид кучайтиrsa, ёмон ҳид, организмнинг сувсизланиши, салбий эмоция, оғриқ, ақдий кучаниш - секинлаштиради).

Оғизда овқат ҳазм бўлишининг якунловчи қисми бу ютиниш (ютиш) бўлиб, у рефлектор жараён. Агар тилнинг илдизи ва ҳалқум кокайн билан артилса у ердаги рецепторлар сезгиси йўқолиши сабабли ютиниш рефлекси йўқолади, натижада одам ютинолмай қолади. Ютиниш рефлексининг маркази узунчоқ мияда, IV мия қоринчасининг тубида жойлашган.

Ютиниш жараёни бир-бирига боғлиқ қатор қисмлардан (даврлардан) иборат: 1) оғиз даври (ихтиёрий); ҳалқум даври (тез ноихтиёрий); 3) қизилўнгач даври (секин ноихтиёрий). Ютиниш нафас олиш жараёнининг вақтингча тўхталишига олиб келади, юрак уришини тезлаштиради ва бундай изма-из келадиган ҳолатларнинг мақсадди амалга оширилишида МНТ нинг турли қисмлари (узунчоқ миядан бош мия пўстлоқларигача) фаол қатнашади.

Шу нарсани қайд қилиш жоизки, умумий ҳазм тизими фаолиятининг фақат бошлангич оғиз ютиниш даври ҳамда дефекация жараёнлари ихтиёрий равишда амалга оширилади. Ошқозон ичак тизимининг қолган бошқа қисмларида ҳаракат қилиш ноихтиёрий (меъда ҳаракати, ичаклар моторикаси ва бошқалар).

Ютинишнинг иккинчи, тез ва ноихтиёрий бажариладиган ҳалқум фазаси оғизда овқат ёки сўлак бўлмаса амалга ошмайди. Буни бир неча марта ютиниш тез-тез, кетма-кет ҳаракатларини қилиб кўриб синаш мумкин. Биринчи ютиниш осон, қолганлари эса қийин бажарилади. Чунки оғизда оз бўлса-да сўлак мавжуд бўлади, шунинг учун бу вақтда ҳалқум ютиниши осон бажарилади, кейин (сўлак ютиб юборилгандан кейин) ютиниш оғирлашади. Оғиз бўшлигининг бу хусусиятларидан турли таблеткаларни тилнинг илдизига (тубига) кўйиб осонгина ютиб юборишида фойдаланилса бўлади.

Ютинишнинг қизилўнгач даври ундаги мускулларнинг (ҳалқасимон) юқоридан пастта қараб перистальтик қисқариши туфайли амалга оширилади. Қизилўнгачнинг бундай қисқариши озиқ модданинг меъдага ўтишида гравитация кучлари таъсирисиз амалга оширилишини таъминлайди (бош паст, оёқлар юқорида бўлганида, тана горизонтал ҳолда бўлганида ёки космонавтларнинг вазнсизлик ҳолатида ва бошқалар).

Қизилўнгачнинг даврий ҳаракатлари, унинг ошқозонга (кардиал) тушадиган қисмидаги сфинктер, меъданинг тузилиши, симпатик ва парасимпатик нервлар билан таъминланганлиги боис бу қисм бир бутун комплекс ҳолда ютилган овқатли моддаларни ошқозонга тушишини доимий суръатда таъминлаб туради. Баъзи бир патологик ҳолатларда меъданинг кардиал қисмида тонус пасайиб у ердаги сфинктер кучсизланиб қолади ва меъда ичида аралашма қизигўнгачгача қайтиб чиқади (зарда қилиш ёки жигилдон қайнаш ҳолатлари).

Овқатни тез, шошилиб ейиш, газли сувлар ичиш, сода ичиш ва баъзи шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар, ошқозонда газ тўпланиши, ҳаво кўпайиши (аэрофагия) ва кекириш юз беришига олиб келади.

1.4. Ошқозонда ҳазм

Меъдада овқат ҳазм бўлиши у ерда овқатли моддаларнинг тўпланиши, уларнинг механик ва кимёвий қайта ишланиши ва озиқ моддаларнинг пешма-пеш ичакка ўтказилишидан (эвакуация) иборат. Овқат меъдада бир неча соат сақланиб бўқади, аралаштирилиб эритилади, меъда шираси ва сўлак билан тушган ферментлар таъсирида гидролизланади ҳамда қатор бактериялардан (меъда ширасидаги кислота таъсирида) ҳоли бўлади. Сўлак карбогидразалари бу ердаги овқат массасининг марказий қисмдаги (меъда шираси етиб боргунча) углеводларни парчаланишига олиб келади. Овқатли модда таркибидағи оқсиллар (айниқса меъданинг шиллиқ қаватига яқин турганлари) кислотали меъда шираси таъсирига учраб ўзгаради. Меъданинг мотор фаолияти туфайли аралаштирилган ва суюлтирилган овқат қатлами унинг антрап қисмига сўрилади (пешма-пеш) ва ўн икки бармоқ ичакка ўтказилади. Меъдадаги овқат бир йўла меъда шираси билан тўлиқ аралашиб кетмасдан бундай ҳолатга унинг биринчи навбатда шиллиқ қаватта тегиб турган қисми кўпроқ учрайди.

1.4.1. Секретор функция

Меъда шираси унинг шиллиқ қаватида жойлашган маҳсус ҳужайралар тўпламидан иборат майдар безлар томонидан ишлаб чиқарилади. Бу безлар асосан уч хил, яъни асосий (нейпсинотен ишлаб чиқаради), париетал ёки қоплама

(хлор кислотаси ишлаб чиқаради) ва қўшимча шилимшиқ модда ишлаб чиқарадиган ҳужайралардан таркиб топган. Бу ҳужайраларнинг безлар таркибидағи миқдори меъданинг ҳар хил қисмларида турлича.

Бир сутка давомида одам меъдасида ўртача 2,0-2,5 литр шира ажралади. У рангсиз суюқлик бўлиб, 0,3-0,5% и хлорид кислотадан иборат ва шунинг учун ҳам унинг реакцияси кислотали ($\text{pH } 1,5-1,8$). Меъда ширасидаги хлорид кислота овқат билан тушган оқсилларни денатурациялади, бўйичиди ва шу йўл билан уларни пепсин таъсирида парчаланишини таъминлайди ҳамда пепсиногенни фаоллаштиради (бу ҳолат асосан хлорид кислота томонидан меъда шираси реакциясининг кислотали бўлиши билан амалга оширилади).

Меъда ширасида ноорганик моддалардан сув (995 г/л), хлоридлар (5-6 г/л), сульфатлар (10 мг/л), фосфатлар (10-60 мг/л), бикарбонатлар (0-1,2 г/л), натрий, калий, кальций, магний ва аммиак (20-80 мг/л) бўлади. Ширанинг осмотик босими қон плазмасиникидан юқори бўлади. Ундаги органик моддалар меъда безларининг секретор фаолияти, меъда шиллиқ қаватидаги моддалар алмашинуви ва қондан ўтган маҳсулотларидан иборат бўлиб, асосан азотли моддалардан ташкил топган. Улар мочевина, сийдик кислотаси ҳамда полипептидлардир, ширада оқсиллар миқдори 3 г/л, мукопротеидлар 0,8 г/л, мукопротеазалар 7 г/л. Ширадаги оқсиллардан ҳазм жараёнида энг муҳим функцияни ферментлар бажаради.

Меъда безлари (гландулоцитлар) томонидан асосан икки гуруҳдан иборат бир қанча пепсиногенлар ишлаб чиқарилади. Уларнинг биринчиси эндопептидазалар дейилиб, улар оқсил молекулаларининг ички боғларини узади, иккинчиси эса экзопептидазалар, қайсиким оқсил молекулаларининг ташқи боғларини узади. Эндопептидазалар меъданинг фундал қисмидан, экзопептидазалар эса меъданинг антрав қисми ва ўн икки бармоқ ичакнинг бошлангич қисмидан секреция қилинади. Пепсиногенларнинг пепсинта айланиши учун ундан полипептид (пепсин ингибитори ҳисобланувчи) ажралиши керак. Ҳозирги пайтда одам меъдаси ширасида 7 кил пепсинлар фарқланади ва улар турли хил муҳит реакциясида оқсилларни парчалаш хусусиятига эга.

Меъда шираси протеазалари таъсирида оқсиллар юқори молекулали полипептидларгача парчаланиб, бунда жуда кўп миқдорда аминокислоталар ҳам ҳосил бўлади. Лекин, меъда протеазалари таъсирига учраган оқсиллар

(полипептидлар) меъда ости бези ва ингичка ичак протеазалари томонидан осонлик билан парчаланади.

Меъда шираси таркибида яна муҳим аҳамиятга эга бўлган мукоидлар бор (15 г/л), улар меъданинг фундаль ҳамда пилорик қисмлардаги безларнинг юза эпителейсидан ажралиб шиллиқ қаватни турли хил механик ҳамда кимёвий таъсиротлардан ҳимоя қиласи (унинг қалинлиги 1,0-1,5 мм). Пилорик қисм безлари томонидан кучсиз ишқорий хусусиятга эга протеолитик, липолитик ва амиломиглик ферментлар ҳам ажралади, лекин уларнинг меъдада овқат ҳазм бўлишида аҳамияти муҳим эмас.

Меъданинг секретор фаолияти ёш ва жинсга боғлиқ индивидуал хусусиятга эга. Турли хил патологик ҳолатларда ширанинг миқдори, ферментлари фаоллиги, кислоталиги ўзгариб туради (гиперсекреция, гипосекреция, хлорид кислотанинг бўлмаслиги - ахлоргирия, гипоацидлик).

Меъданинг шиллиқ моддаси унинг деворларини ўзидан ажралиб чиқадиган хлорид кислотанинг емирувчи таъсиридан ҳимоя қилиб туради. Унинг турли сабабларга кўра зарарланиши (алкоголь ва турли хил кислоталар таъсирида) шиллиқ қаватни емирилиб кетишига олиб келади. Бунинг оқибатида меъда ширасидаги пепсинлар унинг деворини емириб яра ҳосил қилиши мумкин.

Ошқозонда овқат бўлмагандага унинг безлари томонидан камгина ширар ажралиб туради. Унга овқат тушиши билан ширар ажралиш жараёни жадаллашади. Бу ҳолат безларнинг бир бутун ҳисобланган нерв ва гуморал стимуляция қилинишидан келиб чиқади. Бундай стимуляция асосан овқат тури билан белгиланади. Овқат тури ва миқдорига қараб ширар таркиби ва миқдори, ундаги пепсинларнинг бир-бирига нисбати ва бошқалар ўзгариб туради. Бу нарса биринчи марта И. П. Павлов лабораториясида аниқланди. Бундай ширар ажралиш қабул қилинган овқатли моддаларни мақсадида мувофиқ даражада ҳазм бўлишига олиб келади. Шира ишлаб чиқарувчи безлар асосан адашган нервдан тегишли импульсларни олиб туради. Бу нерв учларидан ажраладиган ацетилхолин медиатори ёрдамида секретор безлар фаолиятги бошқарилади. Меъдага борадиган адашган нерв кесилса (ваготомия) унинг секреторлик функцияси кескин пасаяди. Меъдага борадиган симпатик нерв толаси унинг секрециясини тормозлайди. Лекин ширадаги пепсиногеннинг концентрациясини симпатик стимуляция кучайтиради.

Меъда секрециясининг кучайишини таъминлайдиган гуморал омил бу гастриндир, у пилорик қисм шиллиқ қаватидаги тегишли ҳужайралар (G-ҳужайралар) томонидан синтез қилинади. Бу ҳужайралар жарроҳликлек йўли билан олиб ташланса меъда секрецияси кескин равища пасайиб кетади. Гастрин синтези адашган нерв орқали ҳамда турли кимёвий ва механик таъсиротлар туфайли бошқариб борилади. Гастриннинг кимёвий стимулятори оқсиллар парчаланиши маҳсулотидир. Гастрин меъда шираси таркибида хлорид кислотанинг ажралишига энг кучли, пепсинга бироз кучсизроқ ва мукосекретлар ажралишига эса энг кучсиз таъсир қилади. Гастринсимон рағбатлантириш хусусиятига яна гистамин ҳам эга (у ҳам меъда шиллиқ қаватида ҳосил бўлади).


Меъда безларининг секреторлик фаолиятига таъсир кўрсатувчи гуморал омиллардан яна секретин, бомбезинлар бор (секретин хлорид кислота секрециясини камайтиради). Қатор интестинал гормонлар ҳам (глюкагон, энтерогастрин ва бошқалар) меъда секрециясига фаол таъсир кўрсатади (кўпинча уни кучсизлантиради).

Меъда секрецияси одатда унинг шиллиқ қаватидан қон айланиши интенсивлигига bogлиқ. Гастрин, гистаминал дастлаб айтилган жойда қон айланиши кучайтиради ва бунинг натижасида шира секрецияси жадаллашади.

Нерв ва гуморал омиллар таъсирида кузатиладиган меъда секрецияси уч даврга бўлинади. Биринчи давр шартли рефлектор қитиқлагичлар (овқатнинг ранги, ҳиди, уни эслаш) ҳамда шартсиз қитиқлагичлар (огиз бўшлиғи ҳамда ҳалкумда тегишли нерв рецеңторларининг механик ва кимёвий йўл билан қитиқланиши) таъсирида юзага келади. Уни шира ажралишининг мия даври дейилади. Бу давр эзофаготомия қилиниб меъдасига фистула қўйилган итларда исбот қилинган. Бундай ҳайвоннинг «ёлғон овқатланиш»идан 5-10 минут ўтипи билан шира ажралиши бошланади. Овқатни кўриш, ҳидини сезиш ва луқмани ютиш туфайли ажралган меъда ширасини И. П. Павлов «иштаҳали» шира деб атаган.

Рефлектор таъсиrot туфайли шира ажралишида ҳал қилувчи ролни адашган нерв ўйнайди. Шунинг учун эзофаготомия қилинган ҳайвонда адашган нерв кесилиши боис овқатни кўриш, ҳидини сезиш ва уни ютиш ҳеч қандай шира ажралишига олиб келмайди.

Шира ажралишининг мия даври турли хил ички ва ташқи омиллар таъсирида тормозланади, масалан, иссик



иқдим шароитида тормозланишга учраган шира ажралиш аччик-чучуклар (мурч, қалампир ва бошқалар) билан қайта тикланади (бу моддалар шира ажралишини күчайтириш хусусияттага эта). Шунинг учун бўлса керак иссиқ иқдим шароитида яшовчилар овқатида аччик-чучукларга кўпроқ ўрин берилади, яъни улар иссиқ ҳарорат туфайли камайган меъда секреция тиклашга ёрдам беради.

Шира ажралишини иккинчи даври меъда даври дейилиб, у бевосита ошқозонга тушган овқат таъсиридан пайдо бўлади. Бу даврни кузатиш учун меъдага қўйилган фистула орқали модда юбориш ёки озиқ модда аралашмасини зонд орқали меъдага тушириш керак. Шунда шира ажрала бошлайди, лекин бундай ширанинг миқдори мия фазаси даврида ажраладиган ширадан 2-3 марта кам бўлади. Шира ажралишининг меъда даврида озиқ моддаларнинг меъда деворидаги адаштан нерв учларига таъсири ҳамда механик ва кимёвий йўллар билан юқорида қайд килинган медиатор моддалар (гистамин, гастрин ва бошқалар) ҳал қиуувчи рол ўйнайди.

Меъда шираси ажралишининг учинчи даври - ичак даври дейилади. Агар ингичка ичакка турли хил озиқ моддалар фистула орқали қўйилса (гўшт қайнатмаси, карам шарбати, оқсил гидролизи маҳсулотлари) меъдада шира ажралишини кузатиш мумкин. Ингичка ичакка қўйилган озиқ аралашмасининг меъда секрециясига таъсири ҳам нерв, ҳам гуморал йўл билан амалга оширилади.

Ингичка ичакда ҳосил бўлган гидролиз маҳсулотлари меъда секрециясининг тормозланишига олиб келади. Бундай хусусият ёғ парчаланиши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар, аминокислоталар, крахмал парчаланишидан пайдо бўлган моддалар билан чақирилади. Шунингдек ингичка ичакда юзага келадиган секретин, серотонин, глюкагон ва бошқа гормонлар ҳам меъда секрециясини тормозлаб туради.

Меъда секрециясининг овқатланиш тарзи билан ўзариб туриши И. П. Павлов ва И. П. Разенков томонидан илк бор ўрганилди. Масалан, 30-40 кун давомида ҳайвон асосан углеводли овқат истеъмол қиласа (нон, сабзавотлар) меъдада шира ажралиши камаяди (шира ажралишининг иккинчи ва учинчи даврида). Агар ҳайвон 30-60 кун давомида асосан оқсилли маҳсулотларни кўп еса шира ажралиши қайд килинган даврларда кучаяди. Шуни айтиш жоизки, бунда нафақат ширанинг миқдори, унинг ажралиш динамикаси

ўзгаради, балки унинг таркибидағи ферментлар фаоллиги ҳам ўзгариб кетади. А. М. Уголевнинг таъқидашича, ҳайвон узоқ вакт ўсимлик маҳсулотлари билан овқатлантирилганда унинг меъда ширасида ўсимлик оқсилларини парчаловчи ферментларнинг фаоллашуви («фитолитик фаоллик»), ҳайвон оқсиллари билан овқатлантирилганида эса айнан шундай оқсилини парчаловчи ферментлар фаоллигининг кучайиши («зоолитик фаоллик») кузатилади.

1.4.2. Меъданинг ҳаракат (мотор-эвакуатор) фаолияти

Меъданинг ушбу функцияси унинг деворидаги силиқ толали мускулларнинг қисқариши билан амалга оширилади. У туфайли овқатли моддалар меъдада түпланади, меъда шираси билан аралаштирилади (шиллиқ қаватта тегиб турган қисмларда), ичаклар томон сурилади ва пешма-пеш ўн икки бармоқ ичакка эвакуация қилинади.

Овқатли моддалар меъдага тушганда ва овқатланиш туташининг дастлабки пайтларида меъдада қисқариш жуда кучсиз бўлади. Бу ҳолатни меъданинг овқатли релаксацияси дейилади ва у овқатни ушбу жойда түпланиш ҳамда меъда шираси ажралишига ижобий таъсир ўтказади. Бироз вакт ўтиши билан меъда қисқариши кучая бошлайди (бу ҳолат унинг айтграб қисмида кардиал қисмига қараганда яққол кўриниб туради).

Меъданинг қисқариши унинг қизилўнгачга яқин катта згилиш (большая кривизна) қисмидан бошланади (мана шу жойда ритмларни кардиал бошқарувчи нукталар бор). Меъда ичига балонча қўйилиб, унинг қисқариши ёзиб олинса, уч хил тўлқинлар фарқланади (I-хил тўлқин - бир фазали, 5-20 секундли паст амплитудали оддий тўлқинлар; II хил тўлқин - у ҳам оддий лекин амплитудаси бироз каттароқ ва 12-60 сек давомийликка эга; III-хил мураккаб тўлқинлар - улар пилорусга тегишли бўлади;) I- ва II- тўлқинлар перисталтик табиатга эга бўлиб, улар туфайли меъдада маълум тонус сақланади, ундаги овқатнинг шиллиқ қаватга яқин қисмлари аралаштирилади. Меъдадаги овқатли массанинг марказий қисми унинг мотор функцияси туфайли аралаштирилмайди, шунинг учун бу жойдаги озиқ моддалар олдин-кетин истеъмол қилиниш тартибига кўра қатма-қат бўлиб жойлашади (стратификация). III хил тўлқинлар овқат аралашмасини ичакларга сурилишига ёрдам қиласади.

Меъданинг овқатга тўлиши билан уч хил ҳаракат

бошланади, яъни перистальтик қисқариш, пилорик соҳанинг терминал қисми систолик қисқариши ва меъда туви ҳамда танасининг мускуллари қисқариши туфайли кичрайиши (торайиши). Перистальтик қисқаришлар ҳар минутда уч марта тақрорланиб туради. Қайд қилинган ҳаракатлар туфайли меъдада овқатли массалар шира билан аралаштирилади, юқоридан пастга қараб суриласди.

Меъданинг ҳаракат фаолияти қабул қилинган овқатнинг миқдори, тури ва бошқа хусусиятлари билан ҳамда ҳазмланиш даражаси билан аниқланади.

Меъда моторикаси нерв ва гуморал йўллар билан бошқарилади. Чунончи, меъдага адашган нервнинг эфферент толалари орқали борадиган импульслар унинг моторикасини, перистальтик қисқариш ва эвакуатор фаолиятини кучайтиради, қисқариш кучини оширади. Иккинчи томондан бу нерв ўн икки бармоқ ичакда ҳосил бўлган ёғ парчаланиши маҳсулотлари таъсири билан меъда моторикасини пасайтиради. Шундай қилиб, адашган нерв меъда ҳаракат фаолиятини ҳам қўзгатади, ҳам тормозлайди. Симпатик нервдан келган импульслар меъда ҳаракат функциясини асосан тормозлайди.

Меъда фаолиятига симпатик ва парасимпатик таъсиrottлар асосан рефлектор йўл билан оғиз бўшлиги, ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон, ичаклар рецепторларининг қитиқланиши билан амалга оширилади.

Уибу фаолиятига гастроинтестинал гормонлар сезиларли таъсир этиб, улардан гастрин, мотилин, серотонин ва инсулинлар моторикани кучайишига олиб келса, секретин, глюкагон, бульбагастронлар эса пасайтиради.

Меъдадан озиқ моддаларни ўн икки бармоқ ичакка ўтишига жуда кўп омиллар жумладан, овқатнинг миқдори, таркиби, майдаланиш ва эриш даражаси, ҳарорати, мұҳит реакцияси (pH), осмотик босими, ошқозоннинг пилорик қисми билан ўн икки бармоқ ичак орасидаги босим фарқи, пилорик сфинктернинг ҳолати ва бошқалар фаол таъсир этади. Овқат таркибида углеводлар кўп бўлса, оқсилли овқатларга қараганда меъдада кам сақланади. Если овқатнинг ўтиши энг паст тезлиқда бўлади. Суюқликлар эса меъдага тушиши билан ичакка ўта бошлайди. Юқоридаги омиллар таъсири боис меъдага тушиган аралаш овқатлар унда 6-10 соатгача сақланиши мумкин.

Меъданинг эвакуатор функциясида асосий ролни

пилорик сфинктер ўйнайди деган фикр анча вақтгача ҳукмрон эди ва бу ҳолат соғлом ва операция қилинмаган одамларда яққол кўринади. Тадқиқотлар бу жараёнда меъда мускулларининг қисқариш кучи, меъда ва ўн икки бармоқ ичақдаги босим фарқи муҳим аҳамият касб этишини тасдиқлайди. Эвакуатор функцияниң нерв ва гуморал бошқарилишида меъда ичидаги овқат аралашмасининг миқдори, кимёвий таркиби, pH и ва бошқалар муҳим.

Меъданинг эвакуатор функцияси унинг деворлари ва ўн икки бармоқ ичақдан келадиган рефлектор жараёнларга яқиндан боғлиқ. Ошқозон механорецепторларининг қитиқланиши бу жараённи тезлаштиришади. Ўн икки бармоқ ичақда механорецепторларнинг қитиқланиши сусайтиради. Ўн икки бармоқ ичақдан меъда эвакуациясини секинлаштирувчи кимёвий омилларга у ердаги кислотали муҳит ($\text{pH } 5,5$), гипертоник эритмалар, этанолнинг 10% ли эритмаси, глюкоза ва ёғ парчаланиш маҳсулотлари киради.

Мураккаб рефлектор механизмга эга бўлган ошқозон-ичаклардаги озиқ моддалар аралашмасининг ноихтиёрий ҳолда оғиз бўшлиғига чиқарилиши қусиш дейилади. Бу жарён ингичка ичак қисқариши билан бошланиб у ердаги аралашманинг бир қисми дастлаб меъдага чиқади. 10-20 секунд вақт ўтиши билан ошқозон мускуллари кучли қисқаради, қизилўнгачдан унга тушидиган йўл очилиб аралашма оғиз бўшлиғига чиқарилади (бу вақтда диафрагма мускуллари ҳам кучли қисқаради).

Қусиш организмнинг ҳимоя рефлекслари ҳисобланниб, рефлектор йўл билан тил илдизи, ҳалқум, меъда, ичакларнинг шиллиқ қавати ва вестибуляр аппарат рецепторларининг қитиқланиши билан рўй беради. Қусиш овқатнинг ранги, ҳиди, мазаси ёмон бўлганида шартли рефлектор йўл билан амалга оширилади. Қусиш маркази узунгачоқ мияда IV мия қоринчасининг тубида жойлашган бўлиб баъзан қондаги айрим моддаларнинг (ҳомиладорлик токсикози пайтида ҳосил бўлган) ҳамда танага юборилган апоморфинларнинг таъсиридан у қўзгалиб қусишни чақириши мумкин. Ушбу марказга импульслар адашган нерв, тил-томоқ нерви ва бошқа нервлар орқали етиб боради ва қусишни чақиради.

1.5. Ингичка ичакда ҳазм

Овқат ҳазм қилиш тизимининг бу қисмида озиқ

моддалар қон ва лимфага сўриладиган ҳолгача (асосан мономерларгача) деполимеризацияланади. Ингичка ичакдаги ҳазм жараёни дастлаб унинг бўшлигида, кейин шиллиқ қавати юзасида амалга оширилади (меъда ости бези шираси ферментлари ва ҳақиқий ичак ферментлари ёрдамида).

Ичакдаги ҳазмда ўн икки бармоқ ичак алоҳида ўрин тутади. Ошқозонда овқатли модда бўлмаганида ўн икки бармоқ ичакдаги муҳит реакцияси кучсиз ишқорий бўлиб ($\text{pH } 7,2\text{-}8,0$), меъдага овқат тушиб, тегишли вақтдан кейин ўн икки бармоқ ичакка ўтиши билан муҳит реакцияси дарҳол кислотали томонга оғади, лекин кўп вақт ўтмасдан яна қайта ишқорли муҳит тикланади. Бунинг сабаби, у ерга тушган аралашма таркибида хлорид кислотанинг ўт суюқлиги, меъда ости безининг шираси, ўн икки бармоқ ичак шиллиқ юзасидан ажраладиган шира таъсирида нейтралашувидир. Бу суюқликлар меъда ширасидаги пепсиннинг ҳам таъсирини йўқотади. Ўн икки бармоқ ичакдаги муҳит реакцияси яъни $\text{pH } 4,0$ дан $8,5$ гача ўзгариб туради. Ушбу реакция қанчалик кислотали бўлса, шунча ўт суюқлиги ва меъда ости бези шираси кўп ажралиб, меъданинг эвакуатор фаолияти пасаяди ва озиқ моддаларнинг оч ичакка меъёрий аста-секин ўтиши таъминланади.

1.5.1. Меъда ости безининг секрецияси. Меъда ости бези ширасининг таркиби ва хусусиятлари

Овқатнинг меъдадан ўн икки бармоқ ичакка ўтиши туфайли меъда ости безидан ажраладиган шира миқдори сутгасида $1,5\text{-}2,5$ литрга етади. Шира рангсиз суюқлик, реакцияси кучсиз ишқорий ($\text{pH } 7,5\text{-}8,8$). Ширага ишқорийликни ундаги бикарбонатлар беради. Шира таркибида NaCl ва KCl лар ҳам бўлади. Ширага бикарбонат ва хлоридларни концентрацияси бир-бирига тескари пропорционал ҳолда бўлади.

Меъда ости бези ферментлари ациноз панкреоцитлар томонидан синтезланади. Улардан амилаза, липаза ва нуклеаза тўғридан-тўғри фаол ҳолда синтез қилинса, протеазалар зимоген ҳолда ажралади ва бошқа ферментлар таъсирида фаол ҳолга ўтади.

Меъда ости бези ширасидаги трипсиноген ўн икки бармоқ ичак ферменти энтерокиназа таъсирида трипсинга айланади. Энтерокиназа И. П. Павлов лабораториясида 1899 йили Н. П. Шиповальников томонидан очилган. Ҳосил бўлган трипсин нофаол ҳолда синтезлашган химотрипсиногенни

химотрипсинг айлантиради. Трипсин ва химотрипсин оқсилларнинг ички занжирларини узиш хусусиятига эга. Улар яна юқори молекулали полипептидларга таъсир қилиб, уларни паст молекулали пептидлар ва аминокислоталаргача парчалайди.

Меъда ости бези яна прокарбоксипептидаза А ва В, прозэластаза ҳамда профосфолипазаларни синтезлайди, улар трипсин таъсирида тегишли ҳолда карбоксипептидаза А ва В га, эластазага ҳамда фосфолипазаларгача фаоллашади. Шулардан карбоксипептидазалар оқсили ва пептидларни парчаланишига олиб келади.

Бу бездан полисахариidlарни дисахариid ва моносахариidlаргача парчалайдиган α-амилаза, дисахариidlарни (мальтоза) глюкозагача парчалайдиган мальтаза ажратади. Меъдадан ўн икки бармоқ ичакка тушган нуклеин кислоталарни рибо- ва дезоксирибонуклеазалар парчалайди. Ундаги ёғларга эса фосфалипаза А ва эстеразалар таъсир этади.

Одамларнинг аксарият қисмида меъда ости бези ва ўт йўли ўн икки бармоқ ичакка келиб битта умумий йўл билан туташади. Бу йўл Оди сфинктери билан таъминланган бўлиб, унинг қисқариши ва бўшашиши туфайли ўт суюқлиги ҳамда меъда ости бези суюқликлари ўн икки бармоқ ичакка бир-бирига ҳалақит қиласдан қўйилади. Баъзан патологик жараёнлар туфайли дуоденал суюқлик ўт пуфаги ёки меъда ости безига ўтиб кетиши мумкин. Бунинг натижасида ўт пуфаги ва меъда ости безида яллигланиш ҳолатлари кузатилади. Дуоденал суюқлик таркибидағи омиллар (масалан, энтерокиназа) меъда ости безидан ажралиб чиқадиган протеазаларни фаол ҳолга келтириб безда, ўт халтасида яллигланиш ҳолатлари рўй бериши мумкин. Оч наҳорда меъда ости бези шираси оз мунча ажралиб туради. Унинг кучайиши овқатланишдан 2-3 минут ўтиши билан бошланади ва 6-14 соатгача давом этади. Ширанинг миқдори, таркиби истеъмол қилинган овқат билан белгиланади. Бир вақтнинг ўзида меъдадан ўн икки бармоқ ичакка ўтган овқат массаси қанча кислотали бўлса бездан шира шунча кўп ажралади ва унинг таркибида бикарбонат бирикмалар кўп бўлади. Овқат таркибига яраша без ширасида тегишли ферментлар кўпроқ бўлади (оқсили овқатда протеазалар, углеводлisisида карбогидразалар ва ёғли овқатда липазалар кўп ажралиб чиқади).

Меъда ости бези фаолиятининг бошқарилишида нерв

ва гуморал омиллар таъсири И. И. Павлов ва унинг шогирдлари томонидан ўрганилган. Безга борадиган адашган нерв қитиқланса, ферментларга бой бир мунча шира ажралиши кузатилади.

Овқатнинг ранги, ҳиди ва уни қабул қилинг билан боғлиқ бошқа омиллар шартли рефлектор йўл билан дастлабки шира ажралишини чақиради. Бу даврни шира ажралишининг бошлангич даври дейилади. Бу даврга чайнаш ва ютиниш билан боғлиқ шартсиз рефлектор фаолият ҳам киради. Ушбу даирда оғиз, ҳалқум, бурундан нерв импульслари узунчоқ мияга ўтказилади ва эфферент йўл орқали безга етказилади, натижада шира ажралиши юз беради.

Одамларда меъда ости бези йўлига қўйилган фистула ёрдамида шу нарса аниқланганки, овқат ҳақида гап кетишидан 2-3 минут вақт ўтиши билан панкреатик шира ажрала бошлайди [шартли рефлектор йўл билан шира ажралиши].

Ошқозон деворларидаги механорецепторларнинг қитиқланиши меъда ости бези шираси ажралишини кучайтиради. Бу ҳол адашган нерв қитиқланиши билан юзага келади. Ошқозон ости безидаги симпатик тола ундан шира ажралишини тормозлаб туради.

Қатор марказга интиувчи нерв толаларидан борадиган импульслар меъда ости безидан шира ажралишини тормозлайди. Шу йўл билан кучли оғриқ, жисмоний, ақлий зўриқишиш натижасида шира ажралиши камаяди.

Меъда ости безининг қўзгалишида нерв тизимиға қараганда гуморал омиллар устун туради. Бу ўринда айниқса гастроингестинал гормонлар муҳим аҳамиятта эга. И. И. Павлов лабораториясида ўн икки бармоқ ичакка хлорид кислота фистула орқали қўйилганида меъда ости безидан кучли шира ажралиши кузатилган ва бу ҳолни ўша вақтда рефлектор йўл билан амалга ошадиган жараён деб тушунтиришган. Лекин 1902 йил Бейлис ҳамда Старлинглар итнинг ўн икки бармоқ ичагидан олинган хлорид кислотали аралашма уни вена қонига юборилганда бездан шира ажралишининг кучайишини кўрсатишиди ва аралашма таркибида ўн икки бармоқ ичакда синтез қилинадиган омил - секретин гормони мавжудлигини исботлашди. Кейинчалик бу гормоннинг ҳақиқатан ҳам ўн икки бармоқ ичакдан ажралиши тасдиқланди, унинг структурали тузилиши аниқланди ва 1966 йил уни Бадански синтез қилишга муваффақ бўлди.

Секретин бездан бикарбонатларга бой шира

ажралишини кучайтиради, лекин ундаги ферментлар миқдорини ўзгартирмайды. Ферментлар миқдори ва фаоллигини оширадиган гормонларга ўн икки бармоқ ичақда синтез қилинадиган панкреозимин ва холецистокининларнинг аралашмаси ҳисобланади. Бу гормонларнинг ажралишини ичақда оқсил, ёғ ва корбонсувларнинг парчаланиш маҳсулотлари ҳамда хлорид кислота рағбатлантиради.

Меъда ости бези секрециясини яна гастрин, серотонин, инсулин, бомбезин, ўт кислотасининг тузлари кучайтиради. Глюкагон, соматостатин, кальцитонинлар эса шира ажралишини тормозлайди.

Шуни қайд қилиш аозимки, меъда ости безидан шира ажралишининг бошқарилишида нерв тизими бошлаб берувчи функциясини бажаради, кейин унинг чукур давом этиши эса гуморал омилларга боғлиқ. Лекин гуморал омилларнинг бу борадаги таъсири бездаги нерв толалари сақланганида энг юқори бўлади.

1.5.2. Ўт ажратиш ва ўт чиқариш

Ўт суюқдиги ва унинг ҳазмда иштироки. Унбу ҳазм суюқлиги жигар маҳсулоти бўлиб, ҳайвонлар ва одамларда аниқланишича, унинг жигар хужайраларидан етарли ажралмаслиги ёки ўн икки бармоқ ичакка тушмаслиги ҳазм жараёнларининг бузилишига сабаб бўлади. Ўт суюқлиги қўйидаги функцияларни бажаради: 1) ёғларни эмульсиялаб липаза ферментининг уларга таъсир қилиш имкониятини осонлаштиради; 2) ёғ парчаланишидан ҳосил бўлган маҳсулотларни зритиб уларнинг сўрилишини енгиллаштиради; 3) меъда ости бези ва ичакларда синтез қилинадиган ферментларни (айниқса липазани) фаоллаштиради; 4) ўт тузлари ёғларни гидролизланмасдан сўрилиб кетиш даражасигача борадиган юпқа дисперсли заррачаларига айлантиради; 5) оқсиллар ва углеводлар гидролизланиши ва сўрилишини кучайтиради; 6) ингичка ичакнинг секретор ва мотор фаолиятини, ундан эпителиоцитларнинг пролиферация қилинишини рағбатлантириб, ҳазм жараёнининг бошқарилишида қатнашади; 7) бактериостатик фаолиятга эга; 8) ичакдан қон ва лимфага холестерин, ёгда эрувчи витаминалар ва кальций тузларининг сўрилишида иштирок қиласди.

Одамда сутка давомида ўртacha 500-1500 мл ўт суюқлиги ажралади. Ўт ажратиш ёки ўт ҳосил бўлиши, яъни

холерез доимий давом этадиган жараён бўлса, унинг ўн икки бармоқ ичакка тушиши ёки ўт чиқариш, яъни холекинез даврий бўлиб, асосан овқатланиш билан бөглиқ. Оч одамда у ўн икки бармоқ ичакка тушмасдан ўт пуфагида тўпланади, таркибини бироз ўзгартиради. Шунинг учун икки хил ўт суюқлиги бир-биридан фарқланади, яъни жигар ўти, пуфак ўти, уларнинг таркиби бир-биридан фарқ қиласди, бу 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Жигар ва пуфак ўт суюқликларининг таркиби (Шлыгин Г.К., 1967)

Ўт таркибидаги моддалар	Ўт суюқлиги	
	Жигар ўти	Пуфак ўти
Сув, г/л	974	866,5
Қуруқ қолдик, г/л	26	133,5
Ўт кислотаси тузлари	10,3	91,4
Ег кислоталари ва липидлар	1,4	3,2
Пигментлар ва муцин	5,3	9,8
Холестерин	0,6	2,6
Анорганик тузлар	8,4	6,5

Демак, ўт суюқлиги нафақат секрет суюқлик ҳисобланиб қолмасдан экскрет суюқлиқdir ҳам, чунки унинг таркибида эндоген ва экзоген моддалар учрайди.

Ўт суюқлиги таркибида аминокислоталар, оқсиллар, витаминлар, ферментлар ва бошқа моддалар ҳам учрайди.

Жигар ўти одатда ишқорли реакцияга эга бўлиб (рН 7,3-8,0), тиниқ, ялтироқ, сариқ рангли суюқлик. Пуфак ўти эса ўзида муцин ҳамда бошқа моддаларни кўпайтириб (сув ва минерал тузлар шимилиб кетади), реакцияси пасаяди (рН 6,0-7,0), солиштирма оғирлиги ошади.

Ўт суюқлигининг сифат белгисини унинг таркибидаги ўт кислоталари, пигментлар ва холестерин белгилайди. Одам жигарида холестериндан холат ва хенодезоксихолат кислоталари ҳосил бўлиб, ингичка ичақда эса улардан бир нечта ўт кислоталари пайдо бўлади. Ушбу кислоталар ва уларнинг тузлари ўт таркибида гликохолат ва таурахолат кислоталари билан бириккан ҳолда бўлади. Одатда охирги бу иккала кислотанинг нисбати тегишли ҳолда 80 ва 20 % атрофида

бўлади. Истеъмол қилинган таомларнинг таркибига қараб бу нисбат ўзгариб туради, масалан, углеводли овқатлар кўпроқ истеъмол қилинса глокохолат кислота, оқсили овқатларда эса таурохолат кислота миқдори кўпайди.

Ўт суюқлиги билан экскреция қилинадиган моддалар ўт пигментлари билирубин ва биливердинлардир, улар гемоглобин ва бошқа порфирийларнинг парчаланиш маҳсулоти бўлиб ҳисобланади. Бу пигментлар ўтга тегишли ранг бериб туради.

Ўт суюқлиги таркибидағи ўт кислоталарининг ичак орқали қонга сўрилиши натижасида уларнинг жигарга бориб яна қайтадан тўпланиши жигардаги маҳсус безлар томонидан ўт ишлаб чиқарилишига фаол таъсир кўрсатади. Ингичка ичакдан ўт кислоталари жигарга келиб қанча кўп тўпланса, ўт суюқлиги шунча кўп ажралади. Яна, ўт суюқлиги ажралишига ижобий таъсир кўрсатувчи гуморал омилларга секретин, глюкагон, гастрин, панкреозимин ва холецистокининлар киради. Нерв-рефлектор йўл билан ўт ҳосил бўлишини адашган нерв кучайтиради, симпатик нервнинг қитиқданиши эса бу жараённи тормозлайди.

Ўт йўли бўйлаб ўт суюқлигининг чиқарилиши асосан ўн икки бармоқ ичак ва ўт йўлларидағи босимнинг ҳар хил бўлиши ҳамда жигардан ташқаридағи маҳсус сфинктерлар фаолияти билан аниқланади. Ўт чиқарилишидағи зарур босим ўт ҳосил бўлиш жараёни ва ўт йўллари силлиқ мускулларнинг қисқариши туфайли юзага келтирилади.

Ўт суюқлигининг ўн икки бармоқ ичакка қўйилишида овқатнинг ранги, ҳиди ва бошқа овқатланиш билан боғлиқ омиллар муҳим рол ўйнайди. Дастреб ўт пупаги қисқаради ва Одди сфинктери очилиб оз мунча суюқлик ичакка тушади (ўт чиқарилишининг бошлангич даври), бу давр 7-10 минут давом этади. Шундан кейин асосий звакуатор давр бошланади ва ўт пупагидаги барча суюқлик ичакка қўйилиб шундан кейин жигар ўти ҳам оқиб туша бошлади.

Ичакка оқиб тушган ўт суюқлигининг миқдори овқат турига боғлиқ. Бу дастреб И. П. Павлов лабораториясида аниқланган ва кейинчалик ўз тасдигини топди. Ўт суюқлигини кучли чиқарувчи озиқ моддаларга тухум сариги, сут, гўшт ва ёвлар киради. Нон оз миқдорда ўт суюқлигини чиқаради. Ўт чиқарилишининг ушбу асосий даври 3-6 соат давом этади. Шундан кейин ўт чиқарилиши секинлашиб ўт суюқлигининг пупакда тўпланиши бошланади. Аниқла-

нишича одамда 100 гр тухум саригининг истеъмол қилиниши ўт пуфагидан 58 ± 12 минут давомида ўн икки бармоқ ичакка ўт суюқлиги куйилиб туришига олиб келади. 200 гр сут ичилганидан кейин бу жараён 56 ± 16 минут давом этади.

Ўт суюқлиги ажралашининг рефлектор бошқарилишига шартли ва шартсиз рефлектор йўл билан оғиз, ҳалқум ва ошқозондаги турли рецепторларнинг қитиқланиши асосий сабабчи бўлади.

Оч ҳайвонларнинг қон томирига тўқ ҳайвон қони юборилиши билан ўт суюқлигининг интенсив ҳолда ўн икки бармоқ ичакка қуйилиши аниқланган.

Ўт суюқлигининг ўн икки бармоқ ичакка қуйилишини панкреозимин-холецистокинин, гастрин, секретин, бомбезинлар кучайтиrsa, глюкагон, кальцитонин ва антихолецистокинилар тормозлайди.

1.5.3. Ичак секрецияси

Ингичка ичакнинг шиллиқ қавати ўзидан хира, шилимшиқ, таркиби ағча мураккаб шира ажратиб туради (суткасида 2,5 л атрофида). Ушбу шира икки хил ҳужайралар, яъни ўн икки бармоқ ичакнинг юқори қисмида жойлашган Бруннер ҳамда ўн икки бармоқ ичакнинг пастки қисми ва ингичка ичакнинг бор бўйига тарқалган Либеркюн ҳужайралари томонидан синтез қилинади. Бруннер безларидан ажралган шира рангсиз, қуюқ, кучсиз ишқорий реакцияга эга, таркибида унча кучли бўлмаган амилолитик, липолитик ва протеолитик ферментлар бор.

Ингичка ичак шираси центрифугада айлантирилса, қаттиқ ва суюқ қисмларга ажратилади, бу қисмларнинг нисбати ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, у ичак юзасидаги рецепторларнинг қитиқланиш даражасига боғлиқ. Суюқ қисм таркибида анорганик моддалардан хлоридлар, бикарбонатлар, натрий, калий ва кальцийнинг фосфатли тузлари бор. Реакцияси секреция тезлигига қараб 7,2 дан 8,6 гача ўзгариб туради. Унинг таркибида органик моддалардан шиллиқ модда, оқсиллар, аминокислоталар, мочевина ва моддалар алманинүвининг бошقا маҳсулотлари бўлади. Ширанинг қаттиқ қисмида парчаланиб кетмаган эпителиал ҳужайралардан иборат қуйқа шилимшиқ моддалари бўлади. Қаттиқ қисмдаги шилимшиқ модда ингичка ичак юзасини қоплаб олиб, уни механик ва кимёвий таъсиротлардан ҳимоялаб туради. Шилимшиқ қаватда барча турдаги озиқ моддаларни парчалай-

диган ферментлар сезиларли фаоллиқда бўлади.

Ичакнинг шиллиқ қаватидаги юза эпителий ҳужайралари доимий равища янгиланиб туриш хусусиятига эга. Бу ҳужайралар микроворсинкалар асосида юзага келиб пешма-пеш тепага қараб силжийди ва уларнинг учига чиқиб, ичак бўшлиғига узилиб тушади. Ўшбу янгиланиш 1,4-6 кун давом этади ва бир сутка давомида ҳосил бўлган ичак ширасининг таркибида узилиб тупған ҳужайралар миқдори ўртача 250 г ни ташкил қилади.

Ичак ширасида 20 га яқин турли хилдаги овқат ҳазм бўлиш жараёнида иштирок этадиган ферментлар мавжуд, уларнинг аксарияти ичак ҳужайраларида синтез қилинса, маълум қисми қондан ичак деворларига, ундан ширага ўтади (энтерокиназа, пептидазалар, ишқорли фосфотаза, нуклеазалар, липаза, фосфолипаза, амилаза, лактаза, сахарараза ва бошқалар). Бу ферментларнинг фаоллигига проксимодистал градиентт ўрин тутади, улар аборал йўналишда пасайиб боради. Ингичка ичак ширасининг ферментатив спектри овқатланиш таркибига, ичак деворларининг қитиқданиш хусусиятига, турли хил ичдан ва четдан таъсири қиладиган омиллар таъсири ва касалликлар таъсирида ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар эса ўз навбатида ингичка ичакда бўладиган ҳазм жараёнига таъсири этмасдан қолмайди.

Ичак шираси ажралишини бошқарувчи омилларга қайд қилинганидек, ичак юзасининг механик ва кимёвий қитиқданиши киради. Бу ҳолат ўз навбатида овқатли моддалар ва улар парчаланишининг маҳсулотлариdir. Яна интестинал гормонлар ҳам бу ўринда аҳамиятли, масалан, ГИП ва ВИП шира ажралишини рагбатлантирса, соматостатин тормозлайди. Ичак тираси ажралишини, бошқарилишида бевосита овқатланиш жараёни, унинг ранги, ҳиди ҳам аҳамиятга эга.

1.5.4. Ингичка ичак бўшлиғи ва мембранныса озиқ моддаларнинг гидролизланиши

Ингичка ичакда ҳазм жараёни бўшлиқда ва унинг ички юзаси девори чегарасида (мембранныса) содир бўладиган бир-бирига чамбарчас узвий bogланган икки қисмдан иборат. Яна, бу ерда ҳужайра ичида ҳам ҳазм бўладиган жараён борлиги қайд қилинган, лекин бундай ҳазм катта одамлarda деярли аҳамият касб этмайди.

Бўшлиқдаги ҳазм у ерга тушадиган меъда ости бези

суюқлиги, ўт суюқлиги ҳамда ичак шираси таркибидаги ферментлар иштирокида мейдада қайта ишланиб тушган озиқ моддаларнинг гидролизланишидир. Бу гидролизланиш асосан юқори молекулали полимерларнинг олигомерларгача парчаланиши билан характерланади.

Маълумки, олигомер ҳолидаги озиқ моддалар ўзларининг тириклиги (катталиги боис) қон ва лимфага сўрила олмайди, шунинг учун улар яна парчаланиб оддий молекула ҳолига ўтиши керак. Бу жараён ингичка ичакнинг шиллик қавати юзасидан мембраннысида содир бўлади ва уни мембранныда овқат ҳазм бўлиши дейилади (А. М. Уголов).

Шиллик қаватнинг юза қисми ичак бўшлигидан келган шилимшиқ модда билан қопланган бўлиб, унга энтероцит томондан узилиб тушган ҳужайралар аралашганлиги боис ферментларга анча бой бўлади. Эпителиоцитлар томонидан синтез қилинган ферментлар гликокаликсларнинг тагида апикал мембранага тизилишиб олган бўлишади ва бу жойга жуда тор бўлганлиги сабабли, микроблар ўта олмайди, фақат олигомерлар, димерларгина ўтиб, ўша ерда тизилиб турган ҳақиқий ичак ферментлари таъсирида мономерларгача парчаланади ва дарҳол қон ҳамда лимфага сўрилади.

Ингичка ичак эпителиоцитларининг ҳар бирида 1700-3000 микроворсинка бўлади. Ичак эпителийсининг ҳар 1 мм² юзасида 50-200 млн. гача микроворсинкалар бўлади ва бундай ниҳоятда катта юза мембранныда ҳазм жараёнининг муҳим аҳамият касб этишига ишорадир.

Ингичка ичақда содир бўлиб турадиган бўшлиқ ва мембранныда ҳазм барқарор проксимо-дистал градиентга эга. Бу нарса озиқ моддаларнинг пешма-пеш тўлиқ ҳазм бўлишини таъминлайди. Лекин ушбу градиент, один айтиб ўтганимиздек, овқат тури, ички, ташқи омилларнинг таъсири боис ўзгариб туради ва бу нарса мейёрий ҳазм жараёни учун бефарқ эмас.

1.5.5. Ингичка ичакнинг мотор (ҳаракат) функцияси

Ингичка ичакнинг ушбу функцияси озиқ моддаларни етарли даражада гидролизлаш ва сўриш учун хизмат қиласди. Ичакнинг ҳаракат функцияси боис қуйидагилар амалга оширилади: ичакка тушган озиқ моддалар ҳазм ширалари билан аралашади; химуснинг ичак бўйлаб ҳаракати юзага келади; ичак деворига тегиб турадиган химус қисмларининг янгиланиб туриши рўй беради, ингичка ичақда тегишли

босимни юзага келтириб айрим озиқ моддаларни қонга сүрилиши учун шароит яратилади.

Ичак ҳаракати унинг силлик толали мускуллари бўлмиш ташқи (узунасига) ва ички (ҳалқасимон) қатламларининг фаолияти (қисқариши) билан юзага келади. Ингичка ичак ҳаракатлари ўзларининг функционал хусусиятларига қараб икки гурӯхга бўлинади: биринчиси - локал ҳаракатлар, улар ичак бўшлигидаги озиқ моддаларни аралаштириш ва деворига тегизиш учун хизмат қилади; иккинчиси овқатмассасини бир жойдан иккинчи жойга силжитиш учун амалга оширилади. Ингичка ичак ҳаракатида қўйидаги қисқаришлар фарқланади: ритмик сегментациян, маятниксимон, перистальтик, антиперистальтик, тоник.

Ритмик сегментациян қисқариш асосан ичак мускуларининг ички ҳалқасимон қатлами (толалари) фаолияти ҳисобланади. Бу қисқариш натижасида юзага келган сегментларда турли босимлар пайдо бўлиб, овқат қоришимасини сегментдан сегментга ўтиши таъминланади.

Маятниксимон қисқаришда узунасига жойлашган ташқи толалар иштирок қилиб, озиқ моддани (химусни) олдинга-орқага ҳаракат қилдиради. Демак, ритмик сегментациян ва маятниксимон қисқариш туфайли овқат қоришимаси ичак бўйлаб асосан ширалар билан аралаштирилади, ичак деворларига суркалади ва қисман аборал йўналишда сурилади. Шунинг учун бу иккала қисқариш турини битта гурӯхга, яъни ритмик сегментациян ва маятниксимон қисқариш деб ҳам юритилади. Ингичка ичакнинг юқори қисмида бундай қисқаришлар минутига 9-12 та, паст қисмида эса 6-8 тагача кузатилади.

Перистальтик қисқариш овқат қоришимасини аборал йўналиш бўйлаб силжишини таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида аборал йўналиш бўйлаб бир нечта перистальтик қисқариш ҳолатлари кузатилади. Антиперистальтик қисқариш - тўлқинларнинг орал йўналиш бўйича тарқалишидир, у меъёрий ҳолат ҳисобланмайди. Перистальтик қисқаришлар тезлиги 0,1-3 см/сек. дан 7-21 см/сек. гача бўлади. Тоник қисқариш жуда секин тарқаладиган ёки тарқалмайдиган қисқариш бўлиб, ичакни анча ингичкалаштириб туради.

Ингичка ичакнинг мотор фаолияти овқатнинг физиавий ва кимёвий хусусиятларига боғлиқ бўлиб, одатда дагал овқатлар (қора нон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари) ва ёғ уни жадаллаштиради.

Ингичка ичакнинг мотор функцияси интрамурал ва марказий нерв системаси томонидан бошқариб борилади. Интрамурал нерв системаси ичакларда координациялашган қисқарувни амалга ошишида ҳал қуловчи рол ўйнайди. Айниқса, уларнинг перистальтик қисқариш аҳамияти катта.

Парасимпатик нерв толаларидан борадиган импульслар одатда ичаклар ҳаракатини жадаллаштирса, симпатик толалар - тормозлайди. Лекин ичак кучли қисқариб турганида парасимпатик толанинг қитиқланиши ушбу қисқаришни секинлаштириши ва симпатик толанинг қитиқланиши тинчлик ҳолатида турган ичакни қисқартириши ҳам кузатилган. Овқатланиш жараёни дастлаб шартли ва шартсиз ичак моторикасиний тормозлаши, кейинроқ эса кучайтириши мумкин.

Орқа мия ва бош миянинг тури қисмларини қитиқлаш ва бузиб ташлаш йўли билан орқа миядаги кўпгина марказларнинг, узунчоқ мия, гипоталамус, лимбик тизим, мия яримшарлари пўстлогининг ингичка ичак моторикаси фаолиятида иштирок қилиши аниқданган.

Мия яримшарларининг пўстлоги ичак моторикасига асосан гипоталамус ва лимбик тизим орқали таъсир этади.

Мазали таом ҳақида гапириш ёки ўйлаш ичак моторикасini тезлаштиrsa, бемаза, ёқимсиз таомлар ҳақидаги бундай тасаввур бунинг тескарисига тормозлайди. Лекин, баъзан кучли кўрқинч, ҳаяжон, ичак перистальтикасини анча жадаллаштириши ва ич кетишига олиб келиши ҳам мумкин.

П. Г. Богач аниқлаган қонуниятга кўра, ичаклар қитиқланганида шу нуқтадан каудал йўналишга қараб кетган қисмида қисқариш кучайиб, ичак ичидаги аралашмани пастга суради, юқори қисмдаги ҳаракатлар эса тормозланиб у ердаги химус узоқроқ сақланар экан.

Ичак моторикасини кучайтируви кимёвий омилларга кислоталар, ишқорлар, тузлар, бу ердаги гидролизланиш маҳсулотлари, айниқса ёғ парчаланишидан юзага келган моддалар киради. Бундай хусусиятга интестинал гормонлардан серотонин, гистамин, гастрин, мотилин, ХЦК-ПЗ (холецистокинин панкреозимин), вазопрессин, окситоцинлар эга.

1.6. Сўрилиш жараёни

Ошқозон ичак йўлида сув ва маъданли моддалар ҳамда оқсиллар, углеводлар ва ёгларнинг гидролизланиш маҳсулотлари мураккаб физикавий ва кимёвий жараёнлар тариқасида қон ва лимфага сўрилади.

Сув ва маъданли моддаларнинг сўрилиши. Одам ва ҳайвонлар ошқозон-ичак тизими танада сув ва маъданли моддалар алмашинуvida фаол иштирок этади. Бир кечаю қундуз давомида ҳазм аъзоларига истеъмол қилинадиган озиқ моддалар ва ичимлик суви таркибида 2,0-2,5 л, ҳазм ширалари таркибида эса 6-7 л сув тушади. Унбу миқдордаги сувнинг 100-150 мл и нажас билан чиқариб юборилади, қолган қисми эса асосан қошга ва қисман лимфага сўрилади. Сувнинг сўрилиши меъдада бошланса ҳам у ингичка ичақда ва энг кўпи йўғон ичақда рўй беради (бир суткада 8 литргача).

Сўриладиган сувнинг бир қисми осмотик градиент асосида резорбцияланади, асосииси - ичак химусининг изотоник эритмасидан бўлади. Изотоник ва гипертоник эритмаларнинг сўрилиши тегишли энергия сарфланиши билан амалга оширилади. Эритмадан бирон модданинг ичак эпителиоцитларига сўрилиши ўзи билан сувни ҳам олиб ўтади. Бу вазифани асосан натрий ионлари бажаради ва шу ион сўрилишига таъсир кўрсатувчи омиллар сув сўрилишига ҳам дахлдор. Масалан, натрий насосининг ингибитори оуабаин натрий сўрилишини ёмонлаштиради. Бу жараён шакар ва аминокислоталар транспорти билан уйгунашиб кеттанилиги боис, шакар сўрилишини тормозловчи фlorицин сув сўрилишини ҳам сезиларли даражада камайтиради. Ўт суюқлиги сув ва натрий сўрилишини яхшилади. Ичаклардаги муҳитт реакцияси (pH) 6,8 бўлганида сув сўрилиши энг юқори бўлади. Унинг 3-га тенгланishiши билан ушбу сўрилиш тўхтайди. МНТ нинг хлороформ ва эфир билан тормозланиши сув сўрилишини камайтиради, бундай ўзгариш яна ваготомия (адашган нерв кесилиши) қилинганидан кейин ҳам кузатилади. Гуморал омиллардан АКТГ ва тироксин ичаклардан сув сўрилишини кучайтиради.

Гастронтестинал гормонлардан гастрин, секретин ва ХЦК-ПЗ сув сўрилишини пасайишига олиб келади.

Натрий ионлари ичак бўшлиқларидан қонга эпителиоцитлар ҳамда ҳужайралараро каналлар орқали сўрилади. Уларнинг эпителиоцитларга ўтиши электрокимёвий градиент асосида пассив ҳолда рўй беради. Эпителиоцитлардан натрий ионларининг қон ва лимфага ўтиши эса фаол ҳолда бўлади. Натрий сўрилишига таъсир қиласидиган стимуляторлар ва ингибиторлар унинг айнан эпителиоцитлар орқали ўтиши хусусиятларига таъсир қиласиди. Натрий ионининг ҳужайралараро каналлар орқали ўтиши электрокимёвий градиентга

асосан пассив ҳолда рўй беради.

Ичакнинг турли қисмларида натрийнинг ташилиши ёки сўрилиши турлича тезлиқда бўлади. Яна ингичка ичақда шакар ва аминокислоталарнинг бўлиши ёки бўлмаслиги натрий сўрилишига фаол таъсир қиласи.

Танада натрийнинг камайиб кетиши унинг ичак химусидан қон ва лимфага ўтишини кучайтиради. Буйрак усти безлари ва гипофиз гормонлари натрий сўрилишини кучайтирса, гастрин, секретин ва ХЦК-ПЗ сусайтиради.

Калий ионларининг сўрилиши асосан ингичка ичакда электрокимёвий градиентга асосан пассив ва фаол кўринишда бўлади. Хлор ионларининг энг яхши сўрилиши ошқозонда ҳамда ёнбош ичақда бўлади.

Икки валентли ионларнинг ошқозон-ичак трактидан сўрилиши жуда секин ўтади (натрийнинг сўрилишига қараганда кальцийнинг сўрилиши 50 марта секинроқ). Кальцийнинг қон ва лимфага сўрилиши учун маҳсус ташувчилар керак, ўт суюқлиги, витамин D, меъда ости безининг шираси кальций сўрилишга ижобий таъсир қиласи.

1.6.1. Оқсилларнинг сўрилиши

Оқсилларнинг сўрилиши ичакларда улар аминокислоталаргача гидролизланганидан кейин кузатилади. Ингичка ичакнинг турли қисмларида бу жараён турли тезлиқда бўлади. Энг яхши сўриладиган аминокислоталарга аргинин, метионин, лейцин киради. Фенилаланин, цистеин, тирозинлар бироз секинроқ, аланин, серин, глутамин кислоталар эса жуда секин сўрилади. Аминокислоталарнинг ичақдан эпителлоцитларга ўтиши маҳсус ташувчилар орқали амалга ошадиган фаол жараён, у фосфор сақловчи макроэрглардан ажralадиган анча-мунча энергия ҳисобидан бўлади. Пассив, яъни диффузия йўли билан сўриладиган аминокислоталар озчиликни ташкил қиласи.

Энтероцитларнинг апикал мембраналарида аминокислоталарни транспортировка қилувчи қатор ўтказувчилар бўлади.

Аниқданишича, ичакларда рўй берадиган гидролизланиш натижасида ҳосил бўлган аминокислоталар ичакка тўтиридан-тўғри туширилган аминокислоталарга нисбатан қонга тезроқ сўрилар экан (А.М.Уголовнинг foяларига кўра гидролизланиш натижасида ҳосил бўлган аминокислоталарнинг дарҳол ўтказувчилар билан бирикиши ушбу эффектга

олиб келади). Турли аминокислоталар сүрилишда бир-бирига халақыт қилиши ҳам, ёрдамлашиши ҳам мумкин. Натрий элементининг транспортировка қилиниши аминокислоталар сүрилишини рагбатлантиради. Ёш организмларда аминокислоталар сүрилиши кекса организмнидан кучлироқ бўлади. Яна уларнинг сүрилиш тезлиги қонда аминокислоталар концентрациясига ҳам боғлиқ. Қонга сүрилган аминокислоталар дарвоза венаси тизими орқали жигарга боради ва бу ерда уларнинг кўпчилиги оқсиллар синтези учун ишлатилади. Соғлом одам жигарида бир сутка давомида 13-18 г қон плазмаси альбумини синтезланади. Булардан ташқари жигарда яна қон ивишини таъминловчи протромбин, фибриноген, проконвертин каби оқсиллар синтез қилинади. Жигарда аминокислоталар дезаминаланишга учраб анча-мунча заҳарли хусусиятга эга бўлган амиақ ҳам ҳосил бўлади. Бу маҳсулот ўз навбатида мочевинага айланади ва шу йўл билан жигарнинг заҳарли моддаларини зарарсизлантириш функцияси амалга оширилади.

Қон билан бутун танага тарқаладиган аминокислоталар турли хил зарур оқсиллар, ферментлар, гормонлар, гемоглобин ва бошқа оқсил табиатли моддалар синтези учун хизмат қилади. Аминокислоталарнинг бир қисми бевосита энергия ажралиши учун хизмат қилади.

1.6.2. Углеводларнинг сүрилиши

Углеводларнинг сүрилиши асосан моносахариidlар кўринишида интичка ичакда амалга оширилади. Гексозаларнинг (глюкоза, галактоза) сүрилиши бошқа моносахариidlарга қараганда анча тез бўлади. Яна глюкоза ва галактозанинг сүрилиши фаол ҳолда амалга ошиди. Олигосахариidlарнинг парчаланишидан ҳосил бўлган моносахариidlар ичакка соф ҳолда қўйилган моносахариidlарга қараганда тез сүрилади (аминокислоталар сүрилишига ўхшаш механизмда). Глюкозанинг сүрилишига ижобий таъсир қиладиган нарсалардан яна бири бу натрий транспортидир. Агар эритма таркибида бу ион бўлмаса, глюкозанинг сүрилиши 100 марта пасайиб кетади, концентрация градиентига қарши сүрилиш эса умуман тўхтаб қолади.

Фруктозанинг сүрилиши натрий транспортини билан боғланмаган.

Углеводларнинг сүрилиши ингичка ичакда проксимо-дистал градиентга эга. Масалан, оч ичакда глюкоза сүрилиши

ёнбош ичакка нисбатан уч марта кучлироқ. Ўтказилган тажрибалар шу нарсаны тақозо қиласиди, парасимпатик нерв толалари углевод сўрилишини кучайтирса, симпатик толалар камайтиради.

Углеводлар сўрилишининг бошқарилишида ички секреция безлари алоҳида ўрин тулади. Буйрак усти безлари, гипофиз, қалқонсимон безларнинг гормонлари ҳамда серотонин, ацетилхолин углеводлар сўрилишини яхшиласа, гистамин ва соматостатин секинлаштиради.

Ичақда сўрилган глюкоза дарвоза венаси тизими орқали жигарга боради ва унинг анчагина қисми гликогенга айланади. Қолган глюкоза қон орқали тана бўйлаб тарқалади ва энергия берувчи манба бўлиб хизмат қиласи. Қонга сўрилган глюкоза меъеридан ортиқ бўлса, унинг бир қисми триглицеридга айланиб, ёғ деполарида ёғ бўлиб тўпланади. Углеводларнинг қонда доим бир хил концентрацияда бўлиши (соглом одамда) мураккаб бошқарув тизими орқали таъминланади.

1.6.3. Ёларнинг сўрилиши

Ёларнинг сўрилиши асосан ўн икки бармоқ ичақда ва ингичка ичакнинг проксимал қисмида кузатилади. Уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан бири шуки, кўпгина озиқовқат маҳсулотларининг ҳазм бўлишида, бир турдан иккинчисига айланишда тегишли жараёнлар сув мұхитида ўтади, ёлар эса сувда эримаганилиги сабабли уларнинг бундай ҳолатта учраши учун мураккаб биокимёвий ўзгаришлар бўлиши талаб қилинади.

Ичак бўшлигига панкреатик липазанинг таъсири остида триглицеридлар диглицеридларга, улар эса ўз навбатида ўт кислоталари тузи эритмасида яхши эрийдиган моноглицерид ва ёғ кислоталарига айланади. Шундан кейинги жараёнлар ичак эпителиоцитлари юзасида ичак липазаси таъсирида амалга оширилади, яъни бу ерда моноглицеридлар, ёғ кислоталари, ўт кислоталарининг тузлари, фосфолипидлар ва холестеринлар майдага мицеллалар (диаметри 100 нм атрофида) ҳосил қиласи ва улар апикал мембрана орқали эпителиоцитларга ўтади. Эпителиоцитларда триглицеридлар ресинтези рўй беради. Улардан яна холестерин, фосфолипидлар ҳамда глобулинлардан хиломикронлар - юпқа оқсилил пўстга ўралган майдага ёғ заррачалари ҳосил қилинади. Бу заррачалар эпителиоцитларнинг апикал ва базал

мембраналари орқали ворсинкалар ҳаракати боис лимфа томирларига ўтиб олади. Умуман олганда сўрилган ёғларнинг асосий қисми лимфага ўтади ва уларнинг жуда кам қисми қон томирларига ўтиши мумкин. Лимфа ва қонга сўрилган ёғлар умумий қон йўли орқали танага тарқалиб, уларнинг кўп қисми ёғ деполарида тўплана бошлади. Организмнинг энергетик ва пластик эҳтиёжи учун ёғлар айнан мана шу ёғ деполаридан сарфланади.

Вегетатив нерв тизимининг парасимпатик қисми ёғ сўрилишини кучайтиrsa, симпатик қисми секинлаштиради. Ички секреция безларидан буйрак усти безларининг пўстлоқ қисми, қалқонсимон без, гипофиз гормонлари ва дуоденал секретин, ХЦК-ПЗ лар ёғ сўрилишини рагбатлантириб туради.

1.7. Йўгон ичакда ҳазм

Ингичка ичақдан химус (овқат аралашмаси) вақти келиб, илиоцекал сфинктер орқали йўгон ичакка ўтади. Бу сфинктер шундай тузилишга ва хусусиятта эзаки, меъёрий шароитда у овқат аралашмасини фақат ингичка ичақдан йўгон ичак томон ўтказади.

Одам оч пайтида бу сфинктер доим ёпик туради, овқатланишдан 1-4 минут вақт ўтиши билан ҳар 1,5-2 минутда у рефлектор йўл билан очилиб, ўртача 15 мл химус йўгон ичакка ўтади.

Овқат асосан ингичка ичақда тўлиқ гидролизланиб, сўрилиб бўлади, фақат озиқ толаларигина қисман ичак шираси ва узилиб тушган шиллиқ қаваглар билан биргаликда йўгон ичакка ўтади. Бу жойда ингичка ичақдан ўтиб келган шира таркибидаги ва йўгон ичакда ишлаб чиқарилган ширадаги ферментлар иштирокида қисман гидролизланиш жараёни давом этади. Йўгон ичакда ажраладиган шира жуда оз бўлиб (бир соатда 0,03-0,2 мл), реакцияси ишқорий ($\text{pH } 8,5-9,0$). Бу шира суюқ ва қаттиқ қисмлардан иборат, унда ферментлар жуда оз бўлади, масалан, ишқорий фосфатаза ингичка ичак ширасига қараганда 15-20 марта кам. Айрим ферментлар, масалан, энтерокиназа ва сахарараза умуман бўлмайди. Пептидаза, липаза, амилазалар кам миқдорда бўлади. Йўгон ичакда шира ажралиши уни механик йўл билан қитиқданганда 8-10 марта кўпаяди. Бир сутка давомида ингичка ичақдан йўгон ичакка 1,5-2,0 л химус ўтиб туради. Йўтон ичакнинг проксимал қисмида осмотик ва гидростатик

босимлар боис сутка давомида 6 л сув сўрилади. Йўгон ичакда аста-секин нажас шакланади, унинг суткалик миқдори 150-250 г. Ўсимлик маҳсулотлари ейилганида нажас гўшт ейилганига нисбатан кўпроқ ҳосил бўлади (бир хил миқдорда қора нон ёки картошка ейилганида шунча гўшт истеъмол қилинганига қараганда тегишли равища 5,6 ва 5,1 марта кўпроқ нажас ҳосил бўлади) ва унинг йўгон ичак бўйлаб ҳаракати тезроқ бўлади.

Йўтон ичак микрофлорасининг ҳазм жараёнида яхшигина ўрни бор. Йўгон ичак ичидаги 1 кг аралашма таркибида ўн миллиардлаб микроорганизмлар бўлади ва уларнинг 90 % и анаэроб ва 10 % и аэроб бактериялардир.

Йўтон ичак микрофлораси гидролизланмай қолган овқат қолдиқларини парчалайди, патоген микробларга қарши иммунологик баръер вазифасини бажаради, айрим ферментлар, витаминалар ва биологик фаол моддаларни синтезлайди.

Бактериялар томонидан синтезланган ферментлар иштирокида озиқ толалари (целлюлоза, гемицеллюлоза, пектин ва бойшқалар) гидролизланади (ўртacha 40 % гача) ва ҳосил бўлган маҳсулотлар сўрилиб тана эҳтиёжи учун ишлатилади. Йўтон ичак микрофлораси ингичка ичак химуси билан у ерга тушган энтерокиназа, амилаза, ишқорли фосфотаза ва трипсинни фаолсизлантиради.

Йўтон ичак меъёрий микрофлораси қатор патоген бактерияларни зарарсизлантиради, шунинг учун баъзан уларнинг камайтириб юборилиши (турли хил препаратлар таъсирида) ҳар хил касалликларга олиб келади. Йўтон ичак микрофлораси витамин К ва В гурӯҳ витаминаларини синтезлайди ва организмнинг уларга бўлган эҳтиёжини қисман таъминлайди.

Одамда ҳазм жараёни 1-3 суткани ташкил қилиб, шу вақтнинг энг кўпи йўтон ичакка тушган массанинг қайта гидролизланиши, сув ва бошқа керакли моддаларнинг сўрилиши, нажаснинг шаклланиши, унинг паастга қараб сиљиши учун кетади. Рентгенологик текширишлар ёрдамида йўтон ичак фаолиятида қуйидаги ҳаракатлар мавжудлиги аниқланган: катта ва кичик маятниксимон қисқаришлар, улар овқатни аралаштириш, бир томондан иккинчи томонга суриш, сув сўрилиш ва нажас шаклланишини амалга оширади; перистальтик ва антиперистальтик қисқаришлар, улар туфайли ҳам қайд қилинган вазифалар бажарилади ҳамда нажас аборал йўналиш бўйича силжийди. Бундай қисқариш-

ларнинг анча кучлирорги суткасида 3-4 марта тақрорланади.

Одамда контраст моддалар ишлатилиб шу нарса аниқланганки, овқат истеъмол қилинганидан 3,0-3,5 соат вақт ўтиши билан у йўғон ичакка бориб тушар экан. Сутка давомида у қолдиг моддалар (нажас) билан тўлади ва йўғон ичакнинг улардан тўлиқ ҳоли бўлиши учун 48-72 соат вақт талаб қилинади.

Симпатик нерв толасининг қитиқланиши йўғон ичак моторикасини тормозласа, парасимпатик нерв уни рағбатлантиради. Овқатли моддалар озиқ толаларига қағча бой бўлса, улар механик қитиқлагичлар сифатида йўғон ичак ҳаракат фаолиятини шунчалик яхшилайди. Серотонин, адреналин ва глюкагон йўғон ичак моторикасини сусайтирад экан.

Одам йўғон ичагидан бир сутка давомида (дефекация жараёнида ва ундан ташқари вақтларда) 100-500 мл газлар ажralиб туради. Метеоризм туфайли бу кўрсаттич З литргача етиши мумкин. Газлар асосан ичакларда панкреатик ва ичак шираси - биокарбанатларининг кислотали ичак химуси билан аралашуви натижасида ҳосил бўлади (CO_2). Яна ичак микрофлораси ҳам газ пайдо бўлишига олиб келади. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари (дуккаклилар, пиёз, карам, қора нон, картошка) газ ҳосил бўлишини анча кучайтиради.

Соғлом одам ичагида ҳосил бўлган газнинг 24-90 % и азот, 4,3-29 % и карбонат антидрид, 0,1-2,3 % и кислород, 0,6-47 % и водород, 0,26 % ини метан ташкил қилади. Яна унинг таркибида оз мунча водородсульфид, аммиак, меркаптан бўлади.

Тўғри ичак рецепторларининг нажас билан қитиқланиши туфайли дефекация жараёни юзага келади. Бунинг учун тўғри ичакдаги босим 40-50 см симоб устунига тенг бўлиши керак (одам кучанганида у 220 см симоб устунигача кўтарилади).

Тўғри ичакдаги сфинктерлар (ички ва ташқи) дефекацияни амалга ошишида ҳал қилювчи рол ўйнайди. Унинг ноихтиёрий ҳолда бўлиши орқа миянинг бел қисмидаги нерв марказларига, ихтиёрий ҳолда бўлиши эса узунчоқ мия, гипоталамус ва ярим шарлар пўстлогидаги марказларга боғлиқ. Симпатик тола дефекация жараёснини тормозласа, парасимпатик тола тезлаштиради. Кўпчиликда бир сутка давомида бир марта, 30% одамларда 2 марта ва ундан кўп, 8% одамларда 1 мартадан ҳам оз дефекация ҳолати кузатилади.

1.8. Ҳазм физиологиясининг ёшга бөглиқ жиҳатлари

Турли ёшдаги организмларнинг овқатланиши принципиал жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласы, масалан, она қорнидаги ҳомила билан эңди түгилған бола ёки мустақил овқатта үтиш, кексариш билан уларнинг овқати бир-биридан кескин ажрасынан турасы. Шундай экан овқатланиши хусусиятига қараб ҳазм жараёнининг ҳам ёш нұктаи-назаридан фарқ қиласынан томонлари бўлади, қуйида шулар ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, озиқланиши (овқатланиши) туфайли ҳар бир организм ўзига керакли пластик ва энергетик моддаларни олиб турасы. Ҳомила ва ёш болаларда бу моддаларга талаб жуда юқори бўлиб, уларни қабул қилиш ва ҳазм қилиш қатор специфик хусусиятларга зга.

Ҳомиланинг 3-4 ҳафталигидан бошлаб дастлабки ичак пайдо бўлади, 4-5-ҳафталарда оғиз ва клоака тешиклари шаклланади. 2 ой ривожланишининг охирига келиб қизилўнгач, меъда ва ичаклар ҳосил бўлади. Яна бу вақтда жигар ва меъда ости безларига ҳам асос солинади. Шундан кейин меъда, меъда ости бези, сўлак безларининг секретор аппаратлари шаклланади ва уларда ҳазм бўшлиқларига қутиладиган ферментлар, электролитлар ҳосил бўлади. Бир вақтнинг ўзида ҳомила ҳазм аъзоларининг мотор функцияси ҳам ривожланади ва бунинг натижасида ҳомила томонидан ютилган массанинг каудал йўналиш бўйича силжиши амалга оширилади. Бу масса амниотик суюқлик, ҳазм безларининг секретлари ва ҳазм аъзоларидан узилиб тушган шиллик моддалардан иборат бўлади.

Ҳазм аъзоларининг тўлиқ шаклланиши бола түгилгучиша ва ундан кейин ҳам маълум муддаттacha давом этади. Масалан, б 6 ойликдан 2,5 ёшгача сут тишлари чиқиб улар 6-25 ёшларгача ҳақиқий тишларга алмашинади. Ҳазм аъзоларининг тўлиқ шаклланиши болаларда турли ёшларда кузатилади. Шунга мувофиқ ҳар бир ёш даврлари тегишли ҳазм турлари билан характерланади.

А. М. Уголовнинг таъкидлашича одам ва ҳайвонларда ҳазм жараёнини улда иштирок қиласынан ферментларнинг келиб чиқишига кўра З турга бўлинади: шахсий (хусусий), аутолитик ва симбионт овқат ҳазм бўлиши ёки ҳазм ферментларининг локализацияланишига қараб эса ҳужайра ичида, ҳужайрадан ташқарида, бўшлиқда ва мембранныда ҳазм фарқланади.

Ҳомила ва энди тугилган ёш болаларда ҳазм ўзига хос бўлиб, антенатал даврида (она қорнида ёки тугилгунча) гистотроф (тухум ҳужайрасидаги ва сариқ танарадаги озиқ моддалардан фойдаланиш билан), гемотроф (йўлдош орқали она қорнидаги озиқ моддалардан фойдаланиш билан) ва амниотроф (бачадон ичидаги амниотик суюқлик таркибидағи озиқ моддалардан фойдаланиш билан) ҳазм фарқланади. Энди тугилган ва икки ёшгача бўлган болаларда лактотроф (она сути билан озиқданиш) ҳазм кузатилади. Қайд қилинган ҳазм турларининг қатор ўзига хос хусусиятлари бор.

Бола тугилганидан кейин кузатиладиган лактотроф овқатланишда бир томондан шахсий ҳазм тури асосий тур ҳисоблансада, дастлабки кунларда унинг амалга ошишида аутолитик ҳазм ҳам муҳим ўрин тутади, яъни сутнинг гидролизланиши унинг ўзини таркибидағи ёки онадан ўтган ферментлар иштироқида рўй беради. Бу даврда яна шу нарса муҳимки, озиқ моддалар гидролизланишида мемранада ҳазм тури анча-мунчга ўрин тутади.

Лактотроф овқатланиш бир томондан тугилган бола учун энг маъқул ва ноёб (организмга мослиги нуқтаи назаридан) ҳисобланса, иккинчи томондан бу давр шахсий ҳазм жараёнининг шаклланиши учун замин тайёрлаб беради. Вақти келиб болада дефинитив овқатланиш учун тизимдаги аъзолар функцияси тўлиқ шаклланади ва у тўлиқ шахсий ҳазмга ўтади, мустақил озиқлана бошлиайди.

Бола ривожланишининг антенатал даврида ҳазм жараёнининг бошқарилиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, яъни дастлаб бундай бошқариш маҳаллий, механик ва кимёвий омиллар билан гуморал асосда бўлади. Бу даврда ҳомилада диффуз эндокрин тизим юзага келади. Улар томонидан синтезланадиган пептидлар ошқозон-ичак тизими фаолиятини эндолизрин ва паракрин асосда бошқарниб боради. Ҳазм аъзолари фаолиятини бошқарипидаги нерв-рефлектор йўл эволюцион ривожланишда гуморал идора қилинишдан кейин пайдо бўлган тизим сифатида антенатал ривожланишнинг охирги даврларида бошланиб бола тугилгандан кейин ниҳоясига етади.

1.8.1. Антенатал даврда ҳазм

Ҳомиланинг 9-10 ҳафталик бўлиши билан йўлдош пайдо бўлиб, гистотроф ҳазм гемотроф ҳазм билан

алмашынади. Ҳомилада бўладиган ҳазм жараёнида йўлдошининг ўрни катта. Үнда юқори фаолликка зга бўлган протеаза, липаза ва карбогидразалар мавжуд бўлиб, унга тушган оқсил, ёғ ва полисахаридаларни парчалаш хусусиятига зга, ҳосил бўлган мономер моддалар ҳомила эҳтиёжи учун ишлатилади. Яна йўлдош ҳомилага оқсил ва гликогенни синтезлаб беради. Йўлдош ҳазм ферментлари амниотик суюқлиқдаги тегишли озиқ моддаларни ҳам гидролизлайди.

Ҳомиланинг 16-20 ҳафтагидан бошлаб, шахсий ҳазм аъзолари ишга туша бошлайди ва амниотроф ҳазм кучаяди. Амниотик суюқлик ҳомиланинг ошқозон-ичак тизимида түшиб гидролизланади ва унинг қонига сўрилиб пластик ҳамда энергетик эҳтиёж учун ишлатилади. Ҳомиланинг амниотик суюқликни ютиши 24-25 ҳафтанинг охирига бориб тўлиқ шаклланади ва у сутка давомида 200-500 мл суюқликни ютиш хусусиятига зга (ҳомила туғилиш олдидан бу кўрсаткич 1 л гача етиши мумкин). Бу суюқлик миқдори 1,0-1,5 л бўлиб, таркибида 99 % сув, 99 % аминокислоталар, глюкоза, липидлар, витаминалар ва гормонлар ҳамда ферментлардан иборат озиқ моддалар аралашмаси бўлади. Реакцияси нейтрал ёки кучсиз ишқорий. Ушбу суюқлик таркибидаги озиқ моддалар унинг ўзидағи ферментлар иштироқида (аутолитик ҳазм) ва ҳомила ошқозон-ичагидаги ферментлар ёрдамида гидролизланиб сўрилади. Ҳомила ичагининг гистогематик баръери юқори ўтказувчаникка зга бўлганлиги учун ундан ҳомила танасига нафақат мономер моддалар, балки димер, олигомер, полимерлар ҳам сўрилиши кузатилади.

Амниотик суюқлик таркибидаги ферментлар ҳомила ҳазм аъзоларидан ҳамда она қонидан ўтиб шаклланади (она қонига эса бу ферментлар унинг ошқозон-ичак тизимида транспортировка қилинади).

Ҳомиланинг ҳазм аъзолари морфологик ва функционал жиҳатдан бир йўла шаклланмасдан, даставвал ичакларда ҳазм жараёни пайдо бўлади. Бу нарса уларда мембронада овқат ҳазм бўлишининг устун туришини кўрсатади. Яна ҳомилада анчагина ривожланган ҳужайра ичида ҳазмланиш ҳам борлиги аниқланган.

Ҳомила ривожланишининг иккинчи ярмидан бошлаб амниотроф овқатланиш анча жадаллашади ва бу вақтга келиб ҳомила меъдасида анча-мунча пепсиноген ажralиб, тўпланади. Лекин у катта одамлардаги ошқозонда фаоллашмайди, чунки бу даврда ҳали меъда безлари хлорид

кислота ишлаб чиқармайды. Ҳомила мөйдасида пепсино-геннинг пепсинга айланиши, у ердаги сут кислотасининг таъсирида амалга оширилади. Мөйдада ҳазм у ердаги ферментларнинг күчсизлиги боис жуда секин боради. Бу даврда қайд қилинганидес, озиқ моддалар гидролизланиши асосан ингичка ичақда (мембранада ҳазм күринишида) рўй беради. 8 ҳафталик эмбрионнинг ингичка ичагида протеолитик ва амилолитик ферментлар мавжудлиги қайд қилинган. 10 ҳафталик ҳомилада ингичка ичагида сахарараза, малтаза, изомалтаза борлиги аниқланган. Лактаза ферменти кейинроқ, 33-34 ҳафталик ҳомилада пайдо бўлади. 26-28 ҳафугалик эмбрион ингичка ичагининг шилмиқ қаватида энтерокиназа ферменти мавжудлиги қайд қилинган.

Ҳомилада ошқозон-ичак трактининг мотор функцияси учалик яхши ўрганилмаган. Унда анал сфинктер доимий тоник қисқариш ҳолатида бўлади ва шунинг учун ҳам дефекация жараёни эмбрионда кузатилмайди.

1.8.2.Лактотроф ва аралаш овқатланиш даврида ҳазм

Лактотроф ёки сут билан овқатланиш бола организмини ҳомилалик даврида ва мустақил ёки дефинитив овқатланиш орасида оралиқ овқатланиш тури бўлиб, унинг бир қатор ўзига ҳос томонлари мавжуд. Сут бола организмини тутғилганидан кейин ҳар томонлама тўлиқ ва сифатли озиқ моддалари билан таъминлайдиган овқат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам боланинг тури сабаблар боис сутдан қолиши, ўз онасини етарли миқдорда эмаслиги, сутдан тўймаслиги бола ривожланишига морфологик ва функционал жиҳатдан салбий таъсир кўрсатади.

Сут билан овқатланиш туфайли бола организмида тегишли иммун тизими шакланади, унинг юқумли касалликларга чидамлилиги ошади. Сут билан болага ферментлар, гормонлар, витаминалар ва қатор биологик фаол моддалар ўтиб туради (бу моддалар бола организмида ҳали мустақил равишда етарли миқдорда ҳосил бўлмаганлиги боис айни пайтда жуда асқотади).

Бола 5-6 ойлик бўлганидан кейин унга зарур бўлган энергетик ва пластик материаллар учун фақат она сутги камлик қилиб қолади. Шунинг учун унга шу даврдан бошлаб қўшимча овқат бериш бошланади ва унинг организмида она сутди бўлмайдиган тури озиқ моддаларни ҳазм қилиш билан боғлиқ биокимёвий ва физиологик жараёнлар

шакллана бошлайди.

Бола түзилганидан кейин икки кун давомида келадиган сут увиз сути дейилади ва у таркиби билан оддий сутдан фарқ қиласы. Масалан, оддий сутда 1,2 % оқсил, 0,6 % казеин, 0,6 % лактальбумин ва глобулин бўлса, увиз сутида бу кўрсаткичлар тегишли ҳолда 5,5%, 2,0 % ва 3,5 % бўлади. Шу билан бирга оддий сутда ёғ ва лактоза увиз сутига нисбаган кўпроқ бўлади. Бу ҳолат энди тугилган бола организмининг дастлабки ва кейинчалик яхши ўсиб ривожланиши учун анча қулагай келади.

Сутнинг бола организмига ўтишида эмиш ҳаракати муҳим ўрин тутади. У рефлектор жараён бўлиб, бола лаблари рецепторларининг механик қитиқланиши билан юзага келади. Бунда пайдо бўлган импульслар учламчи нерв таркибидаги афферент толалар билан узунчоқ миядаги эмиш марказига кўтарилади. Яна эмиш ҳаракатини координацияланшида ўрта мия ҳам қатнашади. Эфферент импульслар тегишли марказлардан тил, жаг, лаб мускулларига учламчи, юз ва тил нервлари билан келади.

Эмиш рефлекси онтогенезда анча эртаки шаклланади, унинг 9,5-13 ҳафталик эмбрионда мавжудлиги аниқланган. 21-24-ҳафталарга келиб эмиш анча координацияланган рефлексга айланади.

Она сутининг бола организмида ҳазм бўлишида аутолитик ҳазм муҳим ўрин тутади. Бунда онадан ўтган ферментлар сут ҳазм бўлишини амалга оширади. Сутда липаза ва эстераза ферментлари анча фаолликка эга. Яна унда (айниқса увиз сутида) бир неча изоформадаги амилаза, протеазалар, фосфортазалар анча юқори фаолликка эга бўлади. Лактация даврининг чўзилиши билан ундаги ферментлар фаоллиги пасайиб кета бошлайди (8-9-ойларда).

2-3-ой давомида сут билан қабул қилинадиган гидролазалар ҳали ҳазм безларидан етарли даражада тегишли ферментларнинг синтез қилинмаслиги боис боланинг аутолитик овқатланишида муҳим аҳамият касб этади. Бола организмида хусусий (шахсий) ҳазм жараёни унинг сутдан ташқари қўшимча озиқланиши билан тезлашади.

Хусусий ҳазмда қатнашадиган суюқликлардан сўлак энди тугилган болаларда кам миқдорда ажралади (бола эмайёттан пайтида 0,4 мл/мин, эмищдан ташқари пайтларда 0,01-0,1 мл/мин). Боланинг 4 ойлигидан бошлаб сўлак ажралиш кучаяди ва бир ёшга бориб кунига 150 мл га етади

(бу күрсаткыч катта одамларниң қараганда 10 % ни тапкил қилади). Құшымча овқат бериш сұлак ажратишиң күпайтиради. Тишлилар чиңа бошлаши билан сұлак ажралиши жадаллашади ва уни физиологик гиперсаливация дейилади.

Сұлакнинг сут эмевчи болаларда кам миқдорда ажралиши улардаги сут эмиш жараёнини яхшилады (огиз бўшлигида манфий босим юзага келиши боис).

Бола сўлагидаги ферментлар у эмган сутнинг меъдада ҳазм бўлишига ёрдам беради (сутни твороглаштириди).

Энди туғилган болада меъда юмaloқ шар шаклида бўлиб, бир ёшга бориши билан чўзила бошлады ва 7-11 ёшли болаларда катта одамларниң үйашаш шаклга киради. Меъда ҳажми энди туғилган болаларда 5-10 мл, бир ёшларда 250-300 мл га етади. Меъданинг кардиал сфинктери энди туғилган болада кучсиз тонусга эга бўлганлиги сабабли дастлабки пайларда у тез-тез қусиб туради.

Бола улгайиб борган сари унинг меъдасидаги шира ажратуичи безлар сони күпайиб боради: энди туғилгандарда (1 mm^2 юзада) - 120-123; 2 ойликларда 1 800 000; 2 ёшикларда - 8 млн (катта одамларда - 25 млн). Энди туғилган болада меъда ичидаги аралашманинг реакцияси кучсиз ишқори, нейтрал ёки кучсиз кислотали (pH 6) бўлиши мумкин. Бола бир ёшга борганды бу күрсаткыч 3-4 га тенглашади. Умуман олганда эмадиган болаларда меъда шираси реакцияси катта одамларнидан паст.

Бола улгайиши билан унинг меъда ширасидаги ферментлар фаоллиги ошиб боради, масалан у бир ёшга етгунча протеазалар фаоллиги 3 марта ошади. Боланинг дастлабки пайларда кучсиз протеолитик ферментта эга бўлиши она сутнинг иммунлик ҳусусиятини сақланишига олиб келиши тахмин қилинади.

Энди туғилган бола меъда ширасида юқори липополитик фаоллик бор ва шу боис суг таркибидағи ёғлар яхши ҳазм бўлади. Уларда меъданинг мотор функцияси ҳам кучсиз бўлади, шунинг учун ҳам газлар кўпроқ тўпланаади.

Она суги меъдадан 12 бармоқ ичакка 2-3 соатда ўтиб кетса, сигир суги 3-4 соатда ўтади. Сутда оқсил кўл бўлса у меъдада 4,5-5,5 соатгача, ёғли аралашмалар эса 6,0-6,5 соатгача сақланиб қолиши кузатилган.

Бола туғилганда унинг ингичка ичаги ҳазм жараёнига меъдага нисбатан кўпроқ мослашган бўлади ва бу ҳолат ошқозондаги кучсиз ҳазмни компенсация қилиб туради.

Болада ингичка ичакнинг танага нисбатан узунлиги катта одамларникига қараганда сезиларлироқ. Ингичка ичақдаги ҳазм жараёни учун маъсул бўлган меъда ости безининг ривожланиши ўзига хос бўлиб, туғилган болада унинг вазни 2-4 г га, бир ёшга тўлгандан кейин 10-12 г га етади (катта одамларда 60-115 г). Безда ҳазм ферментлари турли вақтларда турлича, энг один трипсин ва химотрипсин, кейин липаза ва энг охирида амилаза фаоллиги шакланади.

Болани қўшимча овқатлантириш меъда ости безининг ривожланишини кучайтиради. Шуниси эътиборлики, агар бериладиган овқат таркибида оқсил кўп бўлса, протеазалар, ёғ кўп бўлса липаза ва карбонсув кўпайганида эса карбогидразалар кўпі ажрала бошлайди.

Туғилган боланинг жигари нисбатан катта бўлади, унинг массаси умумий тана массасининг 4 % ни ташкил (катта одамларда - 2-8 % ини) қиласди. Биринчи ойпилг охирида жигар икки марта каттаради. Жигар ҳужайраларидан ўт суюқлиги ажралиши анча эртаки бўлади. Зойлик ҳомилада ўт суюқлиги ажралиши кузатилган. Энди туғилган болаларда ҳар 1 кг тана вазнига нисбатан ажралган ўт катта одамларникига қараганда 4 марта ошиқ бўлади. Шунга қарамасдан уларда жигар тўлиқ функционаллашмаган бўлади.

Энди туғилган болаларда ингичка ичак шиллиқ қавати шакланган бўлади ва у ердаги ферментлар фаоллиги ҳам юқори бўлади. Шунинг учун ҳам бир ёшли болаларда мембронада ҳазм бўшлиқдагига нисбатан сезиларли даражада кучлидир (бўшлиқдаги кучсиз ҳазмни компенсация қиласди). Уларнинг ингичка ичагида мембронада ҳазм жараёни катталарга нисбатан кўпроқ жойни эгаллаган бўлади.

Ҳали туғилмаган болада ҳақиқий ингичка ичак ферментлари анча фаол бўлади (айниқса, дисахаридазалар - сахараза, малтаза, лактаза ва бошқаларда). Энди туғилган бола ичагида глюкоамилаза фаоллиги катта одамлардагининг 50-100 % ини ташкил қиласди. 11 ҳафтага ҳомилада ишқорли фосфатаза аниқланган, 23-ҳафтага келиб эса бу фермент фаоллиги 4 марта ошиади. 38-ҳафтага келиб унинг фаоллиги катта одамларникига тенглашади. Постнатал онтогенезнинг дастлабки даврларида ичак ҳужайраларида кузатилган пиноцинтоз ва ҳужайра ичидаги ҳазм юқори бўлади. Шунинг учун ҳам уларда оқсилларнинг парчаланмасдан қонга ўтиб кетиши кузатилади.

Она сутида қатор карбонсувлар билан сут шакари - β-

лактоза бўлиб, унинг парчаланиши фақат лактаза ферменти иштироқида амалга ошади. Лекин у на сўлак, на меъда шираси, на меъда ости бези ширасида учрайди. Шунга қарамасдан у яхшигина ҳазм бўлади, бу албатта ингичка ичак юзасида синтез қилинадиган лактаза таъсирида лактозанинг галактоза ва глюкозага парчаланиши билан амалага оширилади. Болага қўшимча овқат сифатида бериладиган сигир сути таркибида осон ҳазм бўладиган α -лактоза бўлади. У ичакнинг проксимал қисми-даёқ парчаланиб шимилиб кетади ва ичакнинг дистал қисмигача етмай қолади. Натижада мана шу жойда мавжуд бўладиган бифидумфлора ўлиб кетади ва дисбактериоз ҳолати юзага келиб, бундай овқатланадиган болаларда ҳазм жараёни бузилади.

Она сутидаги оқсилларнинг ҳам бола организмида парчаланиб сўрилиши (90-95%) сигир сутидаги оқсиликдан (60-70 %) юқори бўлади. Бола тутилганидан 3-19 соат ўтгунча унинг йўғон ичагидан қора-яшил клейсимон модда - меконий ажралиб чиқади (pH 6). Унинг таркибида ичак шиллиқ қаватлари, ҳомила атрофи суюқлигининг қолдиқлари, ўт пигментлари бўлади. Меконий 4-6 кунгача ўтиб туради. Бола бир ойлик бўлгунча дефекация ихтиёрсиз ҳолда давом этиб бир суткада 5-7 мартағача бўлади. З ойлик болада у бироз сийраклашиб, 1 ёшга еттанида 1-2 мартаға тушади.

Энди тутилган бола ошқозон-ичак йўли стерил ҳолатда бўлиб, унинг микроблар билан бойитилиши уч даврга бўлиниди; 1-давр бола тутилганидан кейин 10-20 соат давом этади ва у асептик давр дейилади; 2-давр 2-4 кун давом этиб, бу вақт ичида ҳазм йўлига микроблар ўрнашиб ола бошлияди; 3-даврда ошқозон-ичак микрофлораси стабиллашиб олади ва унинг 80-90 % ини бифидофлора ташкил қиласи. Бу хил микроблар биринчидан касаллик тутдирувчи (патоген) ва чиритувчи бактерияларни қириб ташласа, иккинчидан углеводларнинг ҳазм бўлишида ҳал қиувчи рол ўйнайди. Учинчидан улар витамин K ва B групна витаминлари синтезида катнашади.

Асосан она сути билан озиқланадиган болаларнинг 1 г нажасида $10^9\text{-}10^{10}$ гача бифидобактериялар бўлса, сунъий овқатланадиган болаларда бу кўрсатгич $10^6\text{-}10^7$ га тушади.

Бифидобактериялари меъридан кам болалар касалликка тез берилувчан, вазнининг тенгқурларидан кам бўлиши, ошқозон-ичаклар касаллигига кўп чалиниши билан ажралиб туради. Бола дефинитив овқатланишга ўтиши билан

унинг ичаклардаги микрофлора таркиби ҳам кескин ўзгариади.

Одатда бола икки ёшга тўлиши билан ва ундан кейин унинг организми жадал суръатлар билан ўса бошлайди ва шу боис унинг озиқ ва энергетик моддаларга бўлган талаби анча ошади. Бу талаб мустақил овқатланишга ўтиш билан қондирилади. Мустақил овқатланиш ҳазм жараёнида қатор морфологик ва функционал ўзгаришларга олиб келади.

Дефинитив овқатланишга ўтиш билан оғиз бўшлиги овқатни майдалаш, уни сўлак билан аралаштириш, овқат лукмасини шакллантириш каби функцияларни бажаради. Ушбу функцияларнинг бажарилишида тишлар мухим ўрин тутади. Уларнинг чиқиши маълум тартибда ва вақтларда юз беради, яъни 6-12 ойлик болаларда курак тишлар, 12-16 ойликларда бирламчи озиқ тишлар, 16-20 ойликларда қозик тишлар ва 20-30 ойликларда иккиласмчи озиқ тишлар чиқади. Булар сут тишлари дейилади, улар 6-7 ёшгача чиқиш билан тушиб доимий тиш билан алмашинади.

Сўлак ажралиши ҳам боланинг ёшига боғлиқ бўлиб, сўлақдаги амилолитик фаоллик 1-4 ёшли болаларда тобора фаоллашиб боради ва унинг юқори фаоллиги 2-7 ёшларда кузатилади. Бу ҳолат болаларнинг бу ёшда ширинликка ўчлиги билан тушунтирилади. Ҳар бир ёшда ўтил болаларда амилолитик фаоллик қизларницидан баланд бўлади.

Дефинитив овқатланишга ўтиш билан меъда фаолияти, унинг шиллик қавати (қалинлиги, ундаги ҳужайралар сони), шира ажратиш функцияси, мотор функцияси ривожланиб, мукаммаллашиб боради. Ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан айтилган кўрсаткичлар бироз юқорироқ бўлади.

Ичакларда ҳазм ҳам ривожланиб боради. Меъда ости безининг фаолияти (фермент ишлаб чиқариш ва фермент ажратиш) сезиларли даражада ўсиб, ундаги ферментлар овқат таркибидаги озиқ моддаларнинг турига боғлиқ бўлади.

Ушбу даврда ўт суюқлигининг ажралиши ҳам ўсиб боради. Бу ҳолатни жигар вазнининг ўсиши билан таққослаш мумкин. Энди тугилган болада у умумий тана массасининг 4 % ини ташкил қиласа, 8-10 ойликда бу сон икки марта кўпаяди, 2-3 ёшларда уч марта ошади, 14-15 ёшга келиб жигар 1300-1400 г га етади (кattаларда 1500 г).

1.9. Кексалик ва ҳазм

БМТ нинг кейинги йилларда берган маълумотларига кўра ҳозир ер юзида йилдан-йилга кекса одамлар сони ошиб бормоқда. Шу боис улар организмининг физиологик функцияларини, жумладан, ҳазм аъзолари фаолиятини кенг кўламда илмий ўрганиш кекса кишилар организмида эртачи юз берадиган турли салбий ҳолатларни олдини олишда асқотади. Кексайиб борган сари ҳазм жараёнинг кўпгина кўрсаткичлари пасайиб боради ва бунда асосий сабаб ҳужайра мембранныса липидлар миқдорининг ошиб бориши ва тегишли аъзоларда қон айланишининг кучсизланиб қолишидир.

Оғиз бўшлигида бўладиган ўзгаришларга даставал тишларнинг тушиб кетиши ва у билан боғлиқ овқатнинг етарли даражада майдаланмаслиги, сўлак безларида ажраладиган суюқликларнинг камайиб, уларнинг таркибидағи ферментатив фаолият пасайиб кетиши, энг муҳими - бу жойдаги рецептор юзаларнинг инволюцияланиб, озиқ моддалар таъсири туфайли юзага келадиган ва оқибатда нафақат оғиз бўшлигида, балки меъда ва ичакларда ҳазм жараёнининг яхши боришига таъсир қиласидиган рефлектор жараёнларнинг кучсизланиши киради.

ТИШЛАРНИНГ ТУШИШИ ТИШЛАМНИ (ПРИКУС) БУЗИЛИШИГА, ЧАЙНАШ ҲАРАКАТЛАРНИНГ МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛМАСЛИКИГА, ОВҚАТ МАЗАСИНИ ЯХШИ СЕЗМАСЛИККА ВА ШУЛАР БОИС ОҒИЗ БЎШЛИГИДА ҲАЗМНИНГ БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

Кекса кишиларда ширинликка нисбатан сезги пасайиб кетади, аччиқ ва шўр таъмнинг сезилиши учча пасаймайди (тегишли сўргичларнинг атрофияланиши боис). Сўлак ажралишининг пасайиб бориши тегишли безлар инволюцияси туфайли келиб чиқади. Шунинг учун кексалар оғзи тез-тез қуриб, ютиниш ҳаракатлари қийинлашиб қолади.

Кекса одамлар меъдасида шира ажралиши камайиб, ундаги хлорид кислота миқдори ва пепсиноген озайиб кетади. Пепсиноген камайиши 40-60 ёшлар атрофида энг сезиларли бўлади. Бу нарсаларнинг барчаси меъда безларида атрофияланиш туфайли рўй беради.

Ёш кетиши билан меъда мотор функцияси ҳам кучсизланиб, унинг тонуси пасаяди, перистальтик ҳаракатларнинг ўтиши секинлашади, қисқариш амплитудалари кичрайди.

Кекса кишиларда меъда ости безида ҳам атрофияланиш кучайиб, без кичрайиб кетади, кам ва ферментларга

камбагал шира ажрата бошлайды. Шунингдек 12 бармоқ ичакнинг ҳам эндокрин ва ҳазм функциялари пасайиб кетади. Бу ерда асосий сабаб без ва ичак тўқималарда склероз ҳолати ва қон билан таъминланишининг ёмонлашувидир.

Кекса кишилар ичагига тушадиган суюқликларда амилолитик, протеолитик ва липолитик фаолликлар пасайиб, улар ичида энг сезиларлиси протеолитик ва липолитик фаоллиқдир. Шунинг учун улар овқатида оқсилли ва ёғли таомлар камроқ ўрин эгаллаши (утлеводли овқатта нисбатан) мақсадга мувофиқдир.

Кексаларда жигар кичрайиб ундан ўт суюқлиги ажралиши камайиб боради (айниқса 70-80 ёшларда). Бундай ўзгариш эркакларда аёлларга нисбатан яққолроқ сезилиб турилади. Бундай одамларда ўт халтаси 1,5 марта катталашиди (навқиронлик даврига нисбатан), унинг қисқариши кучсизланади, ичидаги суюқлик у қисқарганда тўлиқ ҳолда 12 бармоқ ичакка куйилмайди.

Кекса одамлар ичагига липолитик фаоллик анча камайтилиги сабабли ёғлар яхши гидролизланмайди ва бу ҳолат оқибатда стеаторея (ёғ ҳазм бўлмаслиги боис кўплаб аклат билан чиқарилиши) хасталигига олиб келади.

Кекса одамларда крахмал, малтоза ва лактозаларнинг гидролизланиши пасайиб сахароза парчаланиши ўзгармас экан. Ичақдаги α-амилаза, γ-амилаза ва лактаза фаоллиги кучсизланаб, инвертаза фаоллигининг камаймаслиги қайд қилинган. Шунинг учун ҳам кекса одамлар сутга нисбатан ширинликларни яхши кўради.

Уларда оқсилларни ҳазм қилиш анча кучсизланаб кетади. Ичак шиллиқ қаватидаги инвалюцион ўзгаришлар у ердаги озиқ-овқатлар, минерал моддалар ва витаминлар сўрилишини ҳам пасайтириб юборади. Кексалар ичак тизимининг ҳаракат функцияси кучсизланганлиги боис уларда тез-тез ич қотиш, ич дамлаш ҳолатлари учрайди.

Кексалар ошқозон-ичак тизимининг барча қисмларида, жумладан, оғиз бўшлигига ҳам, микроблар кўпайиб кетади, айниқса, чиритувчи ва йиринглаштирувчи микроблар кўпайиб, ҳазм аъзолари фаолиятининг бузилишига, кўплаб газ тўпланишига, ҳосил бўлган токсинлардан заҳарланишларга ва шу боис кўпгина бошқа касалликлар ривожланишига олиб келади. Уларда тез-тез дисбактериоз ҳолатлар учраб туради.

2. ОЗИҚЛАНИШ ФИЗИОЛОГИЯСИ

2.1. Оқсилларнинг организм учун аҳамияти

Тирик организмнинг бирон функцияси оқсиллар иштирокисиз содир бўлмайди. Оқсиллар ҳар бир хужайра ва тўқиманинг таркибига киради. Ундан ташқари ферментлар ва кўргина гормонларнинг ҳам таркибий асосини оқсиллар ташкил қиласди. Организмни ҳимоячиси ҳисобланган антителолар ҳам оқсиллардан ташкил топган. Мускуллар (актин, миозин иплари) ва таянч тўқималарнинг (суяқ, пай) ҳам асосий компонентларини оқсил коллагенлар ташкил қиласди.

Оқсиллар мураккаб, азотли, юқори молекулали полимерлар бўлиб, таркиби аминокислоталардан иборат. Улар иккита катта гурӯҳга бўлинади, яъни протеидлар (мураккаб оқсиллар) ва протеинлар (оддий оқсиллар). Одам умумий массасининг 20 % и, хужайра қуруқ массасининг эса 50 % и оқсиллардир. Оқсилларнинг организмдаги функцияси хилмажил бўлиб, улар хужайра таркибининг асосини ташкил қиласди, янги хужайра ва тўқиманинг ҳосил бўлишида қатнашади, мускуллар қисқаришида иштирок қиласди, ферментлар ва гормонларнинг асосини ташкил қиласди. Протеинлар организмда ҳимоя функциясини ҳам бажаради. Оқсиллар токсинлар билан биришиб нофаол бирикмалар ҳосил қиласди ва улар оқибат натижада организмдан чиқариб юборилади. Қон ивиши, қон орқали кислород, карбонат ангиидрид ва керакли моддаларнинг ташилиши ҳам оқсиллар туфайли бўлади. Оқсиллар бошқа озиқ моддалар сингари (ёғ ва углеводдарга ўхшаш) организмда заҳира сақланмайди, шунинг учун у овқат билан пешма-пеш доимий ҳолда киритиб турилиши керак. Оқсилларга бўлган талабни ўрганиш учун танада оқсил баланси, яъни сутка давомида овқатли моддалар билан қабул қилинган оқсил ва шу вақт ичидаги уларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган моддалар ҳисобланади. Оқсил баланси ҳақида хулоса танада азот балансининг ўлчаш билан чиқарилади. Агар ейиладиган овқат таркибида оқсил етарли ва тўла қийматли бўлса танага кирган ҳамда сийдик билан чиқариб юбориладиган азот миқдори бир-бирига тенг бўлиб, азот баланси мувозанат ҳолатда дейилади. Ёш, ўсуичи организмда анаболик жараёнлар устун бўлиб, мускулларда оқсил массаси кўпаяди, гормонлар, ферментлар, ҳосил бўлади

ва ҳоказо. Шу боис буларда мусбат азот баланси, яъни овқат билан танага кирған азот миқдори чиқариб юборилади-ганидан күп бўлади. Кекса одамларда ва оқсили кам ҳамда тўла қийматсиз оқсили овқат еб юрадиганларда бунинг тескарисича манфий азот баланси кузатилади ёки уларда овқат билан кирадиган азот миқдори чиқариб юборилади-ганидан кам бўлади. Манфий азот баланси яна витаминалар, айрим аминокислоталар ва минерал моддалар меъёридан кам ейилса ёки бутунлай истеъмол қилинмаса, ошқозон-ичакларда бўладиган сўрилиш жарёнилари бузилса (камайса) ҳам содир бўлади.

2.1.1. Оқсилиларнинг биологик қиймати

Оқсилиларнинг биологик қиймати улар таркибидағи алмаштириб бўладиган аминокислоталарнинг алмаштириб бўлмайдиганларига нисбати ҳамда ошқозон-ичак йўлида қандай ҳазм бўлиши билан белгиланади. Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга қуидагилар киради: лизин, триптофан, валин, лейцин, метионин, фенилаланин, изолейцин ва треонин. Кейинги йилларда бу қаторга яна гистидин ва аргинин ҳам киритилди. Алмаштириб бўладиган аминокислоталарнинг (аланин, серин, аспарагин кислотаси, глутамин кислота, лизин, пролин, глицин, цистеин) кундалик рациоңда етарли миқдорда бўлиши мухим бўлиб, бу ҳол алмаштириб бўлмайдиганларини тежаб сарфлашга олиб келади.

Ҳар иккала гурӯҳ аминокислоталарининг бир-бирига нисбати она сути ва тухум таркибида истеъмол қилиш учун энг маъқул даражада бўлади. Катта одамларда алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга талаб қуидагича (г/сут.), триптофан - 1, лейцин - 4-6, изолейцин - 3-4, валин - 3-4, треонин - 2-3, лизин - 3-5, фенилаланин - 2-4, гистидин - 1,5-2,0, аргинин - 6. Ҳомиладорлик, сут эмизиш ва спорт билан шугулланиш бу миқдорларни бир мунча кўпайишига олиб келади. Оқсилиларнинг таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг барчаси ёки кўпчилиги бўлса, улар тўла қийматли оқсилилар, фақат алмаштириб бўладиган ва айрим алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталардан таркиб топган бўлса, тўла қийматсиз оқсилилар дейилади. Биологик тўла қийматли оқсилилар - гўшт, тухум, жигар, сут маҳсулотлари, балиқ ва I-категорияли ичак-чавоқ аралашмасида учрайди. Ўсимлик оқсилилари одам организмида асосан нон билан киради (7%), яна дуккаклиларда ҳам оқсили анчагина (24%).

Одам организми томонидан ҳайвон оқсилиниңг 97 % и ўзлаштирилса, ўсимлик оқсилиниңг 83-85 % игина ўзлаштирилади, холос. Оқсилларнинг ўзлаштирилишига таомларнинг тайёрлаш технологияси ҳам таъсир қиласи. Маҳсулотларнинг пиширилиши, сирка кислотасининг паст концентрацияли эритмаси билан озмунча аралаштирилиши уларнинг таркибидаги оқсилларга тегишли ферментларнинг (протеазаларнинг) таъсир этиши имкониятларини кенгайтиради, налижада улар яхши ўзлаштирилади. Агар овқат пиширилганидан кейин юқори ҳароратда узоқ вақт ушлаб турилса, унинг таркибидаги оқсиллар зичлашиб, ферментлар таъсирида парчаланиши ёмонлашади, қийин ҳазм бўлади. Шунинг учун қайнатилган гўштдан унинг юқори ҳароратда қовурилгани қийин ўзлаштирилади. Қовуриб пиширилган гўштнинг қийин ҳазм бўлиши кўпчиликка маълум, бундай таомнинг етарли даражада ўзлаштирилиши учун шунчак миқдордаги қайнатилиб пиширилган гўштга сарфланадиган ферментдан кўпроқ ва фаолроқ фермент керак бўлади. Ферментнинг ўзи ҳам оқсилидан иборат, унинг ишлаб чиқарилиши организмдан тегишли энергия ва аминокислотлар сарфланиши талаб қиласи. Шу боис ошқо-зон-ичаклари носоглом кишилар учун қовурилган гўшти овқат тавсия қилинмайди, уларда кўпинча ҳазм ширалари тегишли фаолликдаги протеолитик ферментларга эга бўлмайди.

Аҳолини тегишли миқдорда тўла қийматли оқсиллар билан таъминлаш анча муҳим муаммо бўлиб, уни ҳал қилинда энг аввал оқсилга бой бўлган турли-туман маҳсулотлар, масалан гўшт, балиқ, тухум, сут-қатиқ, дуккакли ўсимликлар донларнинг етарли бўлишига эришиш зарур. Булардан ташқари яна оқсилларнинг ноанъанавий манбалари ҳам мавжуд бўлиб, уларга кўпигина ўсимлик донлари, хусусан ёғ олинадиган донлар, бир ҳужайралилар (хлорелла ва бошқалар), синтетик йўл билан тайёрланадиган аминокислоталар ва бошқалар киради. Ёги олинганидан кейин доннинг қолган қисми кўпинча ташлаб юборилади ёки озуқа сифатида молларга берилади, ваҳоланки улар оқсилга жуда бой. 2-жадвада шундай донлар таркибида қанча оқсил бўлиши ҳақида маълумот келтирамиз.

**Айрим ўсимлик донларидағи оқсилларнинг
микдори**

Маҳсулотлар	Оқсиллар	Маҳсулотлар	Оқсиллар %
Соя	34,9	Маккажұхори муртаги	24,8
Күнгабоқар	20,7	Пахта чигити	34,5
Ерәштоқ	26,3	Зигир	22,0
Күнжут уруги	19,4	Рапс	22,3
Узум уруги	12,0	Махсар	10,0
		Помидор уругидан сиқиб олинган масса	35,0

Гүшт ва гүшт маҳсулотларида, масалан мол гүштида 21,6 %, жигарда 17,9 %, колбасаларда ўртача 15,5 %, тухумда 12,7 % оқсил мавжудлигини юқоридаги жадвалда көлтирилган маълумотлар билан солишиrsак, ўсимлик донларида бу қимматли озиқ модданинг анча күплигини күрамиз. Лекин ҳайвон маҳсулотларидағи оқсиллар таркибида айрим алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар ўсимлик оқсилларига қараганда кўпроқ бўлади. Шунга қарамасдан ўсимлик оқсилларини мақсадга мувофиқ ҳолда аралаштириб истеъмол қилиш йўли билан тўла қийматли оқсилларга бўлган организм эҳтиёжини тўла қондириш мумкин. Бу нарса кишиларнинг оқсилларга бўлган эҳтиёжини келажақда кишиларнинг оқсилларга бўлган эҳтиёжини ўсимлик маҳсулотлари ҳисобидан таъминлаш арzon ва осонроқ деган холосага олиб келади. Бунинг учун ўсимлик маҳсулотларидан тўлақонли оқсил синтез қилишда қишлоқ хўжалик технологиясининг янги ютуқларидан унумли фойдаланиш зарур.

Яна шу нарса муҳимки, ўсимлик оқсилларини ҳайвонларга бериб уларнинг оқсилидан фойдаланиш анча самарасизdir. Чунки ҳайвон еган оқсилнинг атиги 15-25 % и гўшт ва сут сифатида қайтариб бериб, 75-85 % ини ўзи учун сарфланни аниқланган. Бунинг ўrniga ўсимлик оқсилини турли хил замонавий биотехнологик жараёнлар воситасида ажратиб олиб тўғридан-тўғри (бевосита) фойдаланилса самарадорлик юқори бўлади. Ўсимликлардан ажратиб олинган қуруқ оқсиллар узоқ вақт уй ҳароратида сақланса ҳам бузилмайди, ҳеч қандай салбий ўзгаришларга учрамайди, уларни зараркунандалар еб битирмайди, ноқулай об-ҳаво шароитлари яроқсиз ҳолга келтирмайди ва аминокислоталарини

камайтирмаиди. Шунинг учун уларни керакли миқдорда заҳира қилиб олиш ва анча давомли муддатда сақлаш мумкин.

Үртача бир суткада қабул қилинадиган озиқ моддалар энергетик қиймати кўрсаттичининг 11-13 % и оқсиllар ҳисобидан қопланиши керак. Бу соннинг ўз ўрнида 55 % и ҳайвон оқсилига тўғри келиши керак. Катта одамларда азот баланси суткасига 55-60 г соф ҳолдаги оқсиil истеъмол қилинганида таъминланади. Лекин ҳар хил муҳит шароитлари ва бажариладиган жисмоний ишлар ҳисобга олинса бундай овқатланиш манғий азот балансига олиб келиши мумкин. Шунинг учун суткалик оқсиilга бўлган талаб 85-90 г ни ташкил қиласди. Үртача олгаңда суткасига 1 кг тана оғирлиги ҳисобига 1 г оқсиil қабул қилиш керак. Ёш болаларда оқсиilга талаб бир мунча юқори бўлиб (улардаги ривожланишининг кучилиги туфайли), у ўртача суткасида 1 кг тана массасига 1,5-2,0 г ни ташкил қиласди. Шунингдек, оғир жисмоний иш бажарилганида ҳам оқсиilга бўлган суткалик талаб ошиб кетади (120-150 г). Бажариладиган меҳнати хусусиятларига қараб гурухланган аҳоли учун ҳисоблаб чиқилган суткалик меъёрлари ҳақида маълумот 3-жадвалда берилган.


3-жадвал.

Тавсия қилинадиган оқсиil меъёрлари

Асосий гурух- лар	Ёшга кўра қўшимча гурухлар	Оқсиilга бўлган суткалик талаб, г			
		Эркаклар учун		Аёллар учун	
		жами	шу жумла- дан ҳайвон оқсиili	жами	шу жумла- дан ҳайвон оқсиili
1	18-29	72	40	61	34
	30-39	68	37	59	33
	40-59	65	36	58	32
2	18-29	80	44	66	36
	30-39	77	42	65	36
	40-59	72	40	63	35
3	18-29	94	52	76	42
	30-39	89	49	74	41
	40-59	84	46	72	40
4	18-29	108	59	87	48
	30-39	102	56	84	46
	40-59	96	53	82	45
5	18-29	117	64	-	-
	30-39	111	61	-	-
	40-59	104	57	-	-

Хайвон маңсулотлари билан қабул қилингандык оқсиллар осонлик билан танамиз оқсилларига айланади, ўсимлик оқсиллари эса бу ўринде анчагина паст ўринни эгаллады, чунки уларнинг таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар жуда кам бўлади, ёки баъзилари эса умуман бўлмайди. Шунга қармасдан фақат ўсимлик маңсулотлари оқсилидан истеъмол қилиб ҳам яшаш мумкин (масалан, вегетарианлик билан кун кечирадиганлар). Истеъмол қилинадиган ўсимлик маңсулотларининг таркибидағи алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар (масалан, дон ва дон маңсулотларида) ҳисобидан ҳам тегишли тўқималар, ҳужайралар таркибий қисмлари синтез қилинади. Лекин уларда (бошқа одамларда ҳам) алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг ичак микрофлораси фаолияти туфайли ҳосил бўлиши мумкин деган фикрлар ҳам бор. Агар оқсиллар кўрсатилган миқдордан кўп қабул қилинса, тўқималарда амиак ҳосил бўлиши кучайди, йўғон ичақда уларнинг парчаланишидан заҳарли моддалар кўплаб ҳосил бўлади, жигар ва буйракларга ошиқча юклама тушади. Аминокислоталар организмда дезаминланиш йўли билан карбонсувлар ва ёгларга айланиши ҳам мумкин (1-чизма).

1-ЧИЗМА.



Бўйраклар

Танада оқсиллар алмашинуви нейрогуморал йўл билан бошқариб борилади. Бу ўринда гормонлар (инсулин, кортикостероидлар, АКТГ, тироксин ва бошқалар) ҳамда витаминлар (никотин кислота ёки витамин B₁₂) алоҳида ўрин тутади.

2.2. Ёгларнинг организм учун аҳамияти

Ёглар энг аввало ҳужайра ва тўқималарнинг таркибига киради. Барча ёглар асосий органик моддаларнинг бир кўриниши бўлиб, таркибига ҳақиқий ёглар, яъни липидлар ва ёғсимон моддалар липоидлар (фосфатидлар, стеринлар ва бошқалар) киради. Одам организмида ўртача 10-20 % ёғ ёки лишидлар бўлиб, баъзан эса бу кўрсаткич 50% га етади (семириш туфайли). Липидлар энергия манбаи (1 г ёғ оксидланниб 9,3 ккал ёки 37,66 кДж энергия ажралади) улар оксидланганда кўп микдорда сув ҳам ҳосил бўлади (100 г ёғ 107 г эндоғен сув беради). Бу хусусият организм узоқ вақт сувсиз қолганида муҳим аҳамиятга эга. Ёглар билан организмга унда зриган витаминалар (А, Д, Е, К витаминалар), фосфатидлар, тўйинмаган ёғ кислоталари киради. Липидлар нерв толаси бўйлаб нерв импульсларининг ўтишини яхшилайди, ундан жинсий гормонлар, буйрак усти бези пўстлогининг гормонлари ҳосил бўлади. Липидлар организмни механик таъсиrotдан, совуқдан ҳимоя қилиш хусусиятига эга, яна улар тери эластиклигини таъминлаб туради. Одам танасида ёғлар икки хил кўринишда бўлади, таркибий (плазматик) ҳолда ва заҳира (ёғ деполари) ҳолда. Таркибий липидлар ҳужайра таркибида мураккаб бирикма - липопротеинлардан иборат комплекс ҳолда учрайди. Бу комплекслардан ҳужайра ядрои, рибосомалар ҳамда митохондриялар ҳосил бўлади. Таркибий липидлар одам узоқ вақт оч қолсада, бир хил микдорда сақланиб қолиш хусусиятига эга. Заҳира ёғ деполарда тўпланади (тери тагида, ичаклар атрофида чарви шаклида, буйраклар атрофида). Заҳира ёғнинг оз ёки кўп бўлиши овқатланиш хусусиятларига, ёшга, жинсга, моддалар алмашуви интенсивлигига, ички секреция безлари фаолиятига, ҳамда организмнинг индивидуал хусусиятларига борлиқ. Жинсий безлар ва қалқонсимон безлари фаолиятининг систлиги танада ёғ тўпланишига олиб келади.

Ёгларнинг таркибини ёғ кислоталари ташкил қилади. Ёглар 40 дан ошиқ ҳар хил ёғ кислоталаридан ташкил топган бўлиб, табиий ҳолда триглицеридларнинг аралашмаси ҳолида бўлади. Ёғ кислоталари тўйинган ва ўта тўйинмаган шаклларда бўлиб (кўй ва мол ёгининг 50 % и тўйинган ёғ кислоталаридан иборат), уларнинг бу ҳолати ёғнинг физикавий хусусиятларининг белгилашда муҳим ўрин тутади. Агар ёғ таркибида тўйинган ёғ кислоталари кўп бўлса, унинг эрувчанилиги паст, тўйинмаган ёғ кислоталари кўп бўлганида эса

юқори бўлади. Яъни, тўйинган ёғ кислотаси кўп ёғ хона ҳароратида қуюқ ёки тўнглаган шаклда бўлади, тўйинмаган ёғ кислотали ёғ суюқ ҳолда бўлади. Маргарин тайёрлаш жараёнида унданга тўйинмаган ёғ кислоталари тўйинган ёғ кислоталарига айланади.

4-жадвалда турли хил маҳсулотлар таркибида учрайдиган умумий ёғ ва ёғ кислоталари ҳақида маълумот берамиз.

4-жадвал

**Айрим маҳсулотларда учрайдиган ёғ миқдори
(100 г маҳсулотда г ҳисобида).**

Маҳсулотлар	Умумий ёғ	Ёғ кислоталари	
		Жами	Шундан тўйинмаган- лари
Қора нон	1,20	0,88	0,56
Макаронлар	2,76	2,06	0,49
Бодом	57,70	54,50	12,80
Ёнғоқ	65,20	61,40	40,40
Кунгабоқар ҳолваси	29,70	27,50	18,90
Сигир сути	13,60	3,42	0,21
Қаймоқ	30,00	28,44	1,42
Сариёғ	82,50	77,96	0,91
Кунгабоқар ёғи	99,9	94,90	59,80
Мол гўшти	16,00	15,10	0,56
Товуқ гўшти	18,40	16,20	3,70
Тухум	11,50	9,26	1,26
Зогора балиқ	5,30	4,09	0,36

Кўпчилик ёғ деганда биринчи навбатда сариёғни бирригчи ўринга қўяди ва уни кўпроқ истеъмол қилишга ҳаракат қиласди. Тўгри, сариёғ бошқа ёғларга қараганда анча ёқимли, унинг таркибида ретинол кўп учрайди ва осон ҳазм бўлади. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, организмнинг ёғга бўлган биологик талаби ҳайвон ва ўсимлик ёғлари аралаштирилиб истеъмол қилинганида тўлароқ қонади. (Кунлик ейиладиган ёғнинг 2/3 қисми ўсимлик, 1/3 қисми ҳайвон ёғи бўлиши лозим).

Аксарият ҳолларда ўсимлик ёғлари иккинчи, учинчи даражали ёғ ҳисобланиб, ҳайвон ёғларига юқорироқ баҳо берилади. Кўпгина текширишлар эса ўсимлик ёғларида учрайдиган ўта тўйинмаган ёғ кислоталари организмнинг

жимоя функциясини күчайтириб, турли хил юқумли касаллукларга ва радиацияга (нурланиш) чидамлилигини ҳайвон ёғида күп бўладиган тўйинган ёғ кислоталарига қараганда бир неча бор оширап экан.

5-жадвалда меҳнатта яроқли турли аҳолининг ёғта бўлган суткалик эҳтиёж меъёрлари ҳақида маълумот келтирамиз.

5-жадвал

Меҳнат турига қараб турли аҳоли гуруҳлари учун тавсия қилинадиган суткалик ёғ миқдори (г)

Асосий гуруҳ	Ёшга қараб қўшимча гуруҳлар	Эркаклар учун	Аёллар Учун
1	18-29	81	67
	30-39	77	63
	40-59	70	60
2	18-29	93	73
	30-39	88	72
	40-59	83	70
3	18-29	110	87
	30-39	105	85
	40-59	98	83
4	18-29	128	102
	30-39	120	98
	40-59	113	95
5	18-29	154	-
	30-39	144	-
	40-59	137	-

Тўйинмаган ёғ кислоталари (линол, линолен, арахидон, ёғ кислоталари) катта биологик аҳамиятга эга. Улар ҳужайраларнинг муҳим таркибини ташкил қиласи, нерв тўқимаси пўсти таркибига киради, холестериннинг оксидланиши ва организмдан чиқариб юборилишини яхшилайди, қон томирлар ҳолатини яхшилайди, В гуруҳ витаминаларнинг алмашинувида қатнашади. Улар организмнинг радиация ҳамда инфекцион касаллукларга чидамлилигини оширади.


Ёғсимон моддалардан фосфолипидлар, холестеринлар, ёғда эрувчи витаминалар ҳам организм учун жуда муҳимдир. Фосфатидлар молекуласи таркибидаги гидрофоб ва гидрофил группалари борлиги туфайли ёғлар сувда эрувчи витаминалар

билин болгандилар ва нерв ҳужайраси, жигар, мускул, юрак, жинсий безлар мембраналари таркибида киради. Фосфолипидлар қон ивишида фаол қатнашади, оқсил ва ёғларниң яхши ўзлаштирилишида иштирок қиласы. Фосфолипидлардан - лецитин атеросклероз профилактикасида муҳим ажамиятга этә (у қон томирларида холестерин түпланишига йўл қўймайди). Ёғсимон моддалардан яна стеринлар (β -ситостерол) ичақда холестерин сўрилишини тормозлайди ва шу йўл билан атеросклерозни профилактика қиласы. Холестерин (стеринларга киради) маълум миқдорда организм учун фойдали, у ўт кислоталарининг, жинсий ва буйрак усти безлари қобиқ қисмининг гормонларининг манбаи ҳисобланади. Одатда холестерин қон ва ўтда фосфатидлар, тўйинмаган ёғ кислоталари, оқсиллар билан бирикib коллоид эритма шаклида бўлади. Лекин моддалар алмаптинувининг бузилиши туфайли у томирларда кристалл ҳолда чўкиб, ёпишиб қолади (атеросклероз). Холестерин қондаги глобулин билан бирикib липопротеинлар ҳосил бўлишига олиб келади. Агар озиқовқат билан холестерин кам қабул қилинса, унинг организмда синтезланиши кучаяди ва қайд қилинган ҳолатнинг тескариси бўлиши мумкин. Шунга кўра умуман холестерили озуқа емаслик ногўри.

Липидларнинг ҳазм бўлиши, ўзлаштирилиши ва таркибидаги ёғ кислоталари уларнинг биологик ажамиятини белгилайди. Организмда синтез қилинмайдиган линолат ва бошқа тўйинмаган ёғ кислоталари бор ёғлар энг юқори биологик ажамиятли ёғлар ҳисобланади (линоленат ва арахидонат ёғ кислоталари линолат кислотасидан организмда сингезланиши мумкин). Ёғларнинг эрини ҳарорати қанча паст бўлса, улар шунчалик осонлик билан ўзлаштирилади. Одам танаси ҳароратидан паст ҳароратда эрийдиган ёғларнинг 97-98 % и ўзлаштирилса, 37°C да эрийдиганларнинг 90 % и ўзлаштирилади. 50-60 $^{\circ}\text{C}$ да эрийдиган ёғ эса 70-80 % га ўзлаштирилади. Овқатдаги ёғлар сариёғ бўлганида 93-98 % и, чўчқа ёғи бўлга-нида 96-98 % и, мол ёғи бўлганида эса 80-94 % и ўзлаштирилади. Ёғ энергетик жиҳатидан карбонсув ва оқсиллардан икки баравар зиёд, шунинг учун ҳам 25 г ёғга бу соҳада 175 гўшт ёки 330 г сут билан ёки 100 г нон ёки 222 г картошка тўғри келади. Одамнинг ёғга бўлган суткалик (ҳам пластик ҳам энергетик материал сифатида) эҳтиёжи 80-100 г бўлиб, бу миқдорга алоҳида ва ҳар хил овқатлар билан қўшиб истеъмол қилинган ёғлар киради. Бу кўрсаткич одамнинг

ёши, жинси, жисмоний иш миқдори, ҳаво шароитига боелик. Умуман организмнинг суткалик умумий энергияга бўлган эҳтиёжининг 33 % и ёғ ҳисобидан қондирилиши керак. Бу кўрсаткич шимолий ўлкаларда 38-40 % гача чиқса, жанубда 27-28 % га тушади. Тўйинмаган ёғ кислоталарига суткалик эҳтиёж 3-6 г, холестеринга эса 0,5-1 г ни ташкил қиласи.

Тирик организмда кузатиладиган ёѓлар алмашинуви жараёнида ёѓлар уч хил ўзгаришга учрайди: 1) ёѓлар гидролизланиб ўзидан энергия чиқаради ҳамда H_2O ва CO_2 ҳосил қиласи. Тана тўқималари ва жигарда кузатиладиган ёғ молекулаларининг парчаланишида тўқима ферменти - липаза катализаторлик вазифасини бажаради. Натижада глицерин ва юқори молекулали ёғ кислоталари ҳосил бўлади. Улар ўз навбатида яна парчаланиб, H_2O ва CO_2 ҳосил бўлади. Ҳайвонлар ва одам организмида ёғ кислоталари глюкоза ва аминокислоталардан ҳам ҳосил бўлиши мумкин; 2) ёғ молекулалари тўқима ва ҳужайралар таркибидағи мураккаб органик моддалар (липидлар) синтезида ҳам қатнашиши мумкин; 3) ёғ молекулалари дастлаб гликогентга айланиб кейин оксидида нишга учраши ҳам мумкин. 2-чиzmада ҳайвонлар ва одам организмида кузатиладиган ёѓлар алмашинуви схемаси келтирилган.



Тўқималар

Жигар

2.3. Карбонсувларнинг организм учун аҳамияти

Карбонсувлар инсон организми учун энергия манбай бўлиб, танадаги барча мускуллар, нерв тизими ва ички аъзоларни ташкил қилган ҳужайра ва тўқималар улар таркибида потенциал энергия ҳисобидан фаолият кўрсатади. 1 г карбонсувнинг оксидданишидан 4,1 ккал энергия ажralиб чиқади. Одам овқатининг асосий қисмини карбонсувлар ташкил қилиб, кунлик энергия сафининг 60 % и улар ҳисобига тўғри келади (қолган 40 % и оқсиллар ва ёѓлар ҳисобидан). Одам умри давомида (70 йил) ўртача 14 тоннадан ошиқроқ карбонсув истеъмол қилас экан.

Одатда карбонсувларнинг 52-66 % и донлар ва уларнинг маҳсулотлари кўринишида, 14-26 % и осон ҳазм бўладиган шакар ва шакар маҳсулотлари шаклида, 3-10 % и илдизмевалар ҳолида ва 5-7 % и полиз экинларининг маҳсулотлари ва мева-чевалар ҳисобидан қабул қилинади.

Карбонсувлар организмда асосий энергетик манбай бўлиб хизмат қилишдан ташқари яна улар пластик модда, яъни «қурилиш материали» сифатида ҳам ишлатилади (турли хил тўқима ва ҳужайраларнинг таркибига киради). Биритурвчи тўқималар (тофай, пай, суяк, қон ва лимфани ташкил қилган ҳужайралар мажмуаси) таркибида карбонсувлар ва уларнинг ҳосилаларидан иборат бўлган мукополисахариidlар бўлади. Карбонсувларга кирадиган гепарин қон томирларида қоннинг ивиб қолмаслигини таъминласа, глюкурон кислота турли хил бактерияларнинг ҳужайра пўсти орқали унинг ичига ўтишини чеклайди. Глюкурон кислота эса жигарнинг ҳимоя функциясида қатнашиб, моддалар алмашинуви оқибатида ҳосил бўладиган бир қатор заҳарли моддаларни танадан чиқариб юборишда фаол иштирок этади. Овқатли моддалар таркибида учрайдиган карбонсувлар уч гуруҳга, яъни моносахариidlар (глюкоза, фруктоза), олигосахариidlар (сахароза, лактоза) ва полисахариidlарга (крахмал, гликоген, клетчатка, пектин ва бошқалар) бўлинади. Моносахариidlар оддий шакарлар қаторига кириб, озиқ модда сифатида унинг икки тури, яъни глюкоза ёки узум шакари ҳамда фруктоза ёки мева шакари овқатланишда қенг кўламда ишлатилади. Улар одам истеъмол қиладиган карбонсувларнинг ўртача 20 % ини ташкил қиласди. Глюкоза қоннинг таркибида бўлиши шарт бўлган шакар, унинг қондаги миқдори 80-120 мг % ни ташкил қиласди. Бу кўрсатгич камайса ҳам, кўпайса ҳам

организмда бир қатор салбий ҳолатлар (бош айланиши, дармонсизлик, моддалар ва энергия алмашынушыннан бузилиши ва бошқалар) рүй беради, киши ўзини ёмон сезади. Қон таркибида глюкоза мева-чевалар, сабзасынан полиз маңсулотларини тұғридан тұғри истеъмол қилиш билан қабул қилинган крахмал, гликоген ва сахароза, лактоза каби карбонсувларнинг ошқозон-ичак йүйінде ферменттегів үйлесінен парчаланишидан ҳамда айрим аминокислоталардан синтез қилиниш орқали маълум миқдорда сақлаб турилади. Қонда унинг миқдори етарлы бўлса, кўшимча қабул қилинган глюкоза жигарда мұхим заҳира гликогенга айланади.

Фруктоза глюкозага нисбатан 3 марта ширинроқ бўлиб, у кўпинча мевалар, жумладан, олча, гилос, олма, нок, узум ҳамда полиз маңсулотлари (тарвуз, қовун) таркибида мүл бўлади. Фруктозага энг бой маңсулот бу асал. Унинг таркибида 25-37 % глюкоза ва 39-40 % фруктоза бор. Фруктоза қонда шакарни тез кўпайтиргайди, шунга кўра уни қандли диабет касаллигига учраганлар истеъмол қилиши унчалик хавфли эмас.

6-жадвалда кундалик овқатта кўп ишлатиладиган баъзи бир маңсулотларда глюкоза, фруктоза ҳамда сахарозанинг қанча бўлиши ҳақида маълумот берамиз.

6-жадвал

Озиқ-овқат маңсулотларида учрайдиган шакарлар миқдори

Маңсулотлар	Шакарлар, 100 г да г ҳисобида		
	Глюкоза	Фруктоза	Сахароза
Қора нон	0,12	0,15	0,02
2 нав бутдой ун	0,26	0,003	0,04
Бақалажон	3,0	0,8	0,4
Карам	2,6	1,6	0,4
Картошка	0,6	0,1	0,6
Пиёз	1,3	1,2	6,5
Сабзи	2,5	1,0	3,5
Лавлаги	0,3	0,1	8,6
Тарвуз	2,4	4,3	4,2
Қовун	1,1	2,0	5,9
Қовоқ	2,6	0,9	0,5
Гилос	5,5	4,5	0,3
Нок	1,8	5,2	2,0
Шафтоли	2,0	1,7	4,8
Олма	2,0	5,5	1,5
Узум	7,3	7,2	0,5

Сахароза қамиш шакари ёки лавлаги шакари деб ҳам аталади, унинг табиий манбалари лавлаги, шакарқамиш, асал, мева-чевалар бўлиб, организмда тегишили ферментлар таъсирида тез парчаланади ва знергия беради. Шакар Ҳиндистонда бундан 2500 йил илгари маълум бўлган ва уни Александр Македонскийнинг жанғичиларидан бири бу юртда ширин мазали қандайдир ўсимлик мавжудлигини ва уни арисиз асал беришини билдирган. Кейинчалик шакар Хитой, Арабистонга олиб ўтилган ва VII асрга келиб у араблар томонидан илк Европага тарқатилган. Россияда лавлаги шакари XII асрдан бери маълумлиги аниқланган ва XVI асргача у жуда ноёб ширинлик сифатида дорихоналардагина катта пулга согиб келинган. 1718 йили Пётр I нинг буйруги билан Петербургда бошқа давлатлардан олиб келинган хом ашё билан ишлайдиган биринчи шакар заводи қурилган. 1747 йили лавлагида шакар мавжудлиги немис физиги А. Маркграф томонидан очилиб бу ҳақда Берлин фанлар академиясида эълон қилинади ва Германияда лавлагидан шакар олинадиган завод барто қилинади. Россияда бундай завод дастлаб 1801 йили қурилиб бор-йўги 5 пуд шакар олинган. Кейинчалик 1820-1821 йиллари 8 тонна, 1845-46 йиллари эса 124 минг тонна шакар ишлаб чиқарилган XIX асрда ҳам шакар Россияда унчалик мўл-кўл бўлмаган. XX асрга келигина у нафақат Россия ёки собиқ СССР балки бутун дунё бўйича кенг тарқалиб, инсоният энг яхши кўрадиган таомларидан бирига айланади. Кейинги 150 йил ичида шакар ва шакар қўшилган маҳсулотлар (ҳар хил ширинликлар, қанд-курслар, ширин ичимликлар, пишириқлар ва ҳоказо) шунчалик кўп истеъмол қилинмоқдаки, бунинг оқибатида турли-туман касалликлар (атеросклероз, семизлик, қандли диабет ва бошқалар) юзага кела бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки кўриб ўтганимиздек инсоният таҳминан 200 йилдан бери кимёвий тоза шакарни истеъмол қилишга ўтди. Унгача авлодларимиз бундай маҳсулотни смаганилар ва табиийки уларнинг организмида уни ҳазм қилиш борасида тегишили мосланишлар юз бермаган. Кейинги авлодлар танасида эса бунчалик қисқа давр ичида кимёвий тоза шакарни безарар ўзлаштиришга адаптацияланни жуда ҳам қийин.

Шакарнинг кўп истеъмол қилиниши натижасида танада моддалар алмашинуви, биринчи навбатда карбонсувлар алмашинуви издан чиқади. Кўпинча қонда унинг миқдори

анча ошиб кетади. Бунинг юзага келиш механизми шундан иборатки, кўп шакар истеъмол қилиниши уни ҳазм қилиш учун тегишли ферментлар доимий суратда мўл ажралишига олиб келади ва қандли диабет ҳосил бўлишидан один аксарият ҳолларда қонда шакарнинг анча камайиб кетиши кузатилган, яъни айтилган ферментлар кўп чиқавериб қондаги бор шакарнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлган (гипогликемия). Маълум вақтта келиб бу тизим толиқади, чунки танада ҳар бир аъзо ҳам меъёридан кўп ишлайверса чарчаб ўз фаолиятини пасайтириб юборганидек, шакарни парчаловчи тизим ҳам кучсизланади ва қонда шакар миқдори меъёридан ошиб кетади (гипергликемия), натижада қандли диабет келиб чиқади.

Бу касаллик инсон ҳаёти учун анча хавфли бўлиб, умумий моддалар алмашинувининг бузилишига, танада ёғ тўпланишига (қондаги ортиқча шакар ёғта айланади), юрак ва қон томирлари хасталиклари ва бошقا касалликларга олиб келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Бутун дунё Соғлиқни сақлаш бўлими (ВОЗ) ҳисоботида шу нарса қайд қилинганки, юрак қон томирлари хасталиклиридан ўлим кам давлатларда кунлик шакар истеъмоли 56 г бўлса, шу касалликлардан кўп ўлим кузатиладиган давлатларда бу кўрсатгич 118 г ташкил қиласр қиласр экан. Кўпинча қандли диабеттга ёшлиқдан асос солинади, болаларнинг шириналликни яхши кўриши ҳаммага маълум, лекин тез-тез (бир кунда бир неча марта) қанд-қурсларни еявериш бола организмида карбонсувлар алмашинувининг бузилишига олиб келади (юқорида айтиб ўтилган механизм асосида) ва бу ҳол ё болалик пайтидаги қандли диабеттга олиб келади ёки каттарганидан кейин бу касалликни чақиради. Шунинг учун ёш болаларнинг айниқса ҳозирги пайтда кўпайган ва кимёвий тоза шакар ва унинг маҳсулотларидан тайёрланган ҳар хил қанд-қурсларни кўп истеъмол қилишига ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бунинг ўрнига таркибида шакари кўп турли хил мевалар (олма, нок, узум, анор, зардоли, олча, гилос ва бошқалар) ишлатиш мақсадга мувофиқ. Бу моддалар таркибидаги углеводлар биринчидан, бола организмининг шакарга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиради, иккинчидан бундай шакарлар танага ёлгиз эмас, балки витаминалар ва минерал моддалар билан бирга қабул қилинади ва бундай ҳол инсон учун табиийроқдир. Чунки авлодларимиз айнан шу йул билан шириналларга бўлган эҳтиёжини қондириб келган ва

ҳазм аъзолари бундай шириналарни ўзлаштиришга мингминг йиллар давомида мослашиб қолган. Яна шу нарса муҳимки, табиий шириналар билан таомланиш турли хил қанд-қурслар ва ширин ичимликлар билан қабул қилинадиган бўёклар ва бошқа кимёвий зарарли моддалардан организмни ҳимоя қиласди.

Ҳар хил ширин ичимликлар (кока-кола, фанта ва бошқалар) таркибида 10-14 % шакар мавжуд бўлиб улардан 1 стакан ичиш билан 5 дона рафинад қанд қабул қилган бўласиз (шу миқдордаги шакар кишининг тахминан 1 суткалик эҳтиёжига тўғри келади).

Сут шакари ёки лактоза ҳам озиқ модда сифатида ишлатиладиган карбонсув ҳисобланниб, у ичакларда маҳсус фермент - лактаза таъсирида глюкоза ва галактозагача парчаланиб энергия берувчи сифатида фойдаланилади. Сут шакарининг шириналик даражаси анча паст (агар сахарозанинг шириналик даражаси 100 бўлса, лактозаники 16), у сут эмувчи болалар учун карбонсув сифатида тўлиқ яроқлидир. Турли молларнинг сутида ҳамда сут маҳсулотлари таркибида лактоза миқдори ҳар хил. 7-жадвалда шу ҳақда маълумот келтирамиз.

7-жадвал

Сут ва сут маҳсулотларидағи лактоза (100 г маҳсулотда г ҳисобида)

Маҳсулотлар	Лактоза миқдори	Маҳсулотлар	Лактоза миқдори
Сигир сути	4,8	Қаймоқ	3,1
Йилқи сути	5,8	Қатиқ	3,6
Қўй сути	4,8	Қуруқ сут	37,5
Эчки сути	4,5	Қуюқлаштирилган сут	9,5
Туя сути	4,9		

Кишилар ўртасида сутни ҳазм қила олмаслик қасаллиги (лактоза интолерантлиги) ҳам учраб туради. Унинг асосий сабаби ичакларда айтиб ўтилган лактаза ферментининг кам бўлиши ёки бу фермент фаоллигининг пастлигидир. Бундай одамлар сут қатиги ёки сузмасини истеъмол қилиши мумкин, чунки уларда лактоза жуда кам бўлади. Иссик ҳарорат ва бошқа экстремал омиллар таъсирида лактаза ферментининг фаоллиги кескин пасайиб кетади, шунинг учун бундай иқлими ўлкаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам болалар орасида ёз ойларида сутни ҳазм қила олмаслик ҳолатлари

учраб тураты. Бундай пайтлари болаларни салқын жойларга олиш ва лактозаси ажратып олинган сут билан маълум вақтгача озиқлантириб туриш мақсаддага мувофиқ.

Полисахариidlардан озиқ модда сифатида энг кўп ишлатиладигани крахмалдир. У ўсимлик маҳсулотларида кўп бўлиб, истеъмол қилинганидан кейин ошқозон-ичак йўлида тегишли ферментлар таъсирида ди- ва моносахариidlаргача парчаланади ва энергия берувчи асосий модда сифатида фойдаланилади. Крахмал донлар таркибида (дуккақдошларда ва картошкада) бўлади. Ҳайвон маҳсулотларида учрайдиган ва ферментатив йўл билан парчаланиб ишлатиладиган полисахарид бу гликогендир. У жигарда (10 %), мускулда (0,3-1%) учрайди. Ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланиб энергия бермасада организм учун анча фойдали бир қатор полисахариidlар ҳам бор (целлюлоза, клетчатка, пектин, лигнин ва бошқалар), улар умумий ном билан озиқ толалари деб айтилади. Озиқ толалари донларнинг кепагида, меваларнинг уруглари таркибида, ўсимликларнинг поя, барг ва иддизларида кўп бўлади. Уларни парчалайдиган фермент одам ошқозон-ичак йўлида синтезланмайди, фақат йўғон ичақдаги микрофлора бундай ферментларни синтез қиласди ва шу ерда улар парчаланиб (айниқса ўт билан овқатланувчи ҳайвонларда) энергия манбаи бўлиб хизмат қиласди. Озиқ толалари ўзларига сувни бириктириб олиш хусусияти борлиги учун зриган турли хил ёт ва зарарли моддаларни ошқозон-ичак йўлидан ўзига шимиб танадан олиб чиқиб кетади. Иккинчидан, озиқ толалари ошқозон-ичакнинг ҳаракат функциясини кучайтиради. Агар истеъмол толаларида озиқ толалари кам бўлса ёки умуман бўлмаса ичакларда бор озиқ моддалар қонга сўрилиб нажас яхши шаклланмайди ва бу ҳол у ерда бўладиган ҳаракат функциясини кучсизлантиради. Натижада ҳазм жараёнлари меъёридан четта чиқади. Учинчидан, озиқ толалари ўт кислоталарининг тузларини ўзига бириктириб олиб қонда холестерин миқдорининг кўпайиб кетишини чеклаб турати. Худди шундай қонда шакар миқдорининг тез кўтарилиб кетмаслигини ҳам озиқ толалари таъминлаб турар экан. Кейинги йилларда шу нарса аниқландики, озиқ толалари ошқозон-ичакка гушган турли канцероген (рак келтириб чиқарувчи) моддаларни ҳам зарарсизлантириб ёмон сифатли ўсмалардан организмни химоя қиласди. Овқатда озиқ толаларнинг камлиги ёки бўлмаслиги йўғон ичақда нажас шаклланишини камайтиради,

бори ҳам жуда секин силжийди, натижада у ерда босимни күтарилишига олиб келади. Оқибатда ичакларнинг бу қисмида шишлар пайдо бўлиб, унинг ичига қолдиқ моддалар кириб қолади, яъни дивертикул касаллиги келиб чиқади. Таомларда озиқ толаларининг кам бўлиши ўт пуфагида тош қолиш касаллигига олиб келиши ҳам аниқланган. Озиқ толаларининг истеъмол таомларидағи тақчиллиги йўғон ичак меъёрий функциясининг бузилишидан ташқари семириш, қандли диабет, юрак-қон томирлари касалмиклари, эртачи қариш каби ҳолатларга олиб келади. Айтиб ўтилган барча сифатларни ўзида мужассамлаштирган озиқ толаси бу донларнинг кепаги ҳисобланади. Шунинг учун кепакли ундан тайёрланган нон ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар истеъмол қилиш ниҳоятда фойдали. Худди шунингдек бугдой ва бошқа донларнинг ёрмаси ҳам озиқ толаларга анча бой. Бу ўринда ота-боболаримиз истеъмол қилган таомлардан буғдой ёрмаси алоҳидә аҳамиятта эга, унга қуритилган ўрик, нўхат ва кўқатлар қўшиб тановвул қилиб туриш жуда фойдали. Одамнинг 1 суткада озиқ толаларига бўлган талаби ўртacha 30 г. Бир вақтнинг ўзида шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, агар таомлар таркибида озиқ толалари тегишли меъёрдан кўп бўлса бир қатор минерал моддаларни (Ca , Mg , Zn , Cu , Fe) ичаклардан қонга сўрилиши қийинлашади. Шу боис, хусусан кекса одамларнинг озиқ толали овқатлар истеъмол қилишида масаланинг бу томонини ҳам ҳисобга олиш керак. 8-жадвалда озиқ маҳсулотларида полисахаридларнинг қанча бўлиши ҳақида маълумот келтирамиз.

8-жадвал

Озиқ маҳсулотларидағи крахмал ва озиқ толалари миқдори (100 г маҳсулотда г ҳисобида)

Маҳсулотлар	Полисахаридлар		
	Жами	Крахмал	Озиқ толалари
Қора нон	40,5	33,9	7,3
2-нав буғдой нон	48,5	43,8	4,5
Макаронлар	70,9	67,7	5,2
Бақлажон	-	0,9	1,8
Карам	-	0,1	2,1
Картошка	-	15,0	1,8
Пиёз	-	0,1	1,3
Сабзи	-	0,2	1,29

Бодринг	-	0,1	1,2
Үрик	-	0	1,8
Гилос	-	0	0,9
Нок	-	0,5	1,4
Шафтоли	-	0	1,8
Олма	-	0,8	2,2
Үзүм	-	0,6	1,2
Бүгдй ёрмаси	-	64,8	4,6
Нұхат	-	44,0	11,1
Ловия	-	43,4	11,4

Бошқа озиқ моддалари сингари карбонсувларга бўлган суткалик талаб ёш, жинс ва қилинадиган меҳнат турига қараб ўзгариб туради. 9-жадвалда шу ҳақда маълумот келтирамиз.

9-жадвал

Аҳоли турли гуруҳларида карбонсувларга бўлган суткалик талаб (г)

Асосий гуруҳ	Ёшга нисбатан қўшимча гуруҳлар	Карбонсувларга талаб	
		Эркаклар учун	Аёллар учун
I	18-29	358	289
	30-39	335	277
	40-59	303	257
II	18-29	411	318
	30-39	387	311
	40-59	366	305
III	18-29	481	378
	30-39	462	372
	40-59	432	366
IV	18-29	566	462
	30-39	528	432
	40-59	499	117
V	18-29	586	-
	30-39	550	-
	40-59	524	-

3. ВИТАМИНЛАР

3.1. Витаминларнинг қашф қилиниши ва асосий хусусиятлари

Витаминларнинг илмий таърифи илк бор Англияда ишлаб юрган поляк олим К. Функ томонидан 1911 йилда эълон қилинган бўлсада, уларнинг мавжудлигини тажриба йўли билан анча оддин, аниқроғи, 1880 йилда рус тадқиқотчиси Н. И. Лунин аниқлаган. Унинг тажрибаларида бир гуруҳ сичқонлар табиий сут билан, иккинчи гуруҳи эса фақат тоза оқсили, ёғ, карбонсув ва минерал моддалардан иборат «сунъий» сут билан боқилганда, маълум вақт ўтиши билан иккинчи гуруҳ ҳайвонлари бирин-кетин ўлиб кетишган. Биринчи гуруҳ сичқонлари эса қўшимча овқат берилмаса ҳам бемалол яшайверишган. У ўзининг «Ҳайвонлар овқатланишида ноорганик тузларнинг аҳамияти» номли докторлик диссертациясида ҳайвон ҳаётини фақат оқсили, ёғ, карбонсув ҳамда минерал моддалар билан сақдаб қолиб бўлмаслигини, бунинг учун овқат таркибида яна қаидайдир тириклик учун муҳим аҳамият касб этадиган моддалар бўлиши зарур, деган ҳақли холосага келади. Лекин Петербурглик ёш врачнинг ушбу фикрига ўз вақтида тегишли эътибор берилмади. Фақат 1897 йили голландиялик X. Эйкман пўсти тозаланган гуруч билан овқатланиб касал бўлган товуклар ҳамда одамлар тозаланмаган гуруч истеъмол қилганида шифо топганини аниқлади. Бу тажрибалардан у гуруч кепагида бери-бери (фалаж) касаллигини даволайдиган омил бор деган холосага келади.

1907 йили Норвегия олимлари Холест ва Фрёлих ҳамда инглиз кимёгари Ф. Гопкинслар Н. Лунин ва X. Эйкман тажрибаларини тасдиқловчи тадқиқотлар ўтказишиди. К. Функининг хизмати шундан иборат бўлдики, у биринчи бўлиб гуруч кепагидан бери-бери касаллигини даволайдиган маҳсус модда кристалини ажратиб олди ва уни «витамин» деб аташни таклиф қилди. «Витамин» деганда дастлаб ҳаёт аминлари, яъни лотгинча «вита» - ҳаёт, «амин» - таркибида азот моддаси бор кимёвий гуруҳ тушунилган ва бу атама фанда ва халқ орасида кенг маънода сингиб кетган. Кейинчалик топилган бир қатор витаминлар таркибида азот бўлмаса ҳам бари бир витаминлар деб аталган (масалан, аскорбат кислотаси ёки витамин С ва бошқалар).

1929 иили Ф. Гопкинс ва К. Функларга витаминлар борасида олиб борган тадқиқотлари учун халқаро Нобель мукофоти берилди.

Тирик организмларнинг ҳамма турлари ҳам витаминларга мұхтож змас, масалан, ўсимликлар ва күргина бактериялар витаминсиз ҳаёт кечираверади. Айрим витаминлар ҳайвон танасида синтезланиш хусусиятига эга, масалан, С витамин каламушларда ҳосил бўлади ва шунинг учун улар цинга касаллиги (цингаскорбут) билан оғримайди. Одам ва маймуналарда эса у синтезланмаганлиги учун, овқат билан тегишли миқдорда доимий равишда қабул қилиб турилмаса, улар бу касалликка чалинади. У ёки бу витаминлар бўлмаслигидан юзага келадиган касалликлар «авитаминоэлар» деб юритилади. Барча витаминларга тегишли бўлган умумий хусусиятлардан бири шуки, улар энергетик манба ва ҳужайра ҳамда тўқималар ҳосил бўлиши учун пластик материал бўлиб хизмат қила олмайди.

Витаминларни ўрганища уларнинг физиологик фаолияти ёки кимёвий таркибиغا кўра гуруҳларга бўлиш қийин. Шунинг учун уларни зрувчанлик хусусиятига қараб ёғда (А, Д, Е, К витаминлар) ва сувда (В витаминлар комплекси, С ва Р витаминлар) зрувчи витаминларга бўладилар. Ҳозирги пайтда ҳайвонларда ва одамларда витамин табиатига эга, лекин айрим хусусиятлари билан улардан фарқ қиладиган (масалан, уларнинг авитаминоэлари номаълум) биологик фаол моддалар ҳам топилган, уларни витаминсимон моддалар дейилади (холин, липоат кислота, инозит, карнитин, линолат, линоленат кислоталар, убихинон, пангамат кислота ва бошқалар). Кўргина витаминлар ферментларнинг фаол қисми таркибига киради ва уларни коферментлар (витамин ҳосиллари) ҳам деб юритилади.

10-жадвалда витаминларнинг номланиши ва табиий манбалари ҳамда уларга бўлган ўртача суткалик талаб месъёрларини келтирамиз. Витаминларни классификациялашда (гуруҳларга бўлишда) таъкидлаганимиздек уларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятлари асос бўла олмайди. Шунинг учун ҳам витаминларни биридан иккincinnisinи ажратишда тегишли номенклатурага асосланилади. Витаминлар номенклатуроси (номланиши) уч хил, яъни лотин ҳарфлари асосида, кимёвий (халқаро) номланиши ва уларнинг физиологик таъсир этиш хусусиятига кўра берилган.

Шу нарсани ҳам қайд қилиш лозимки, ёғда зрувчи

Изъятые изъявления, поданные въ судъ, не подлежатъ оспариванию.

200

витаминалар ва сувда зрувчи витаминаларнинг айримлари витамерия хоссасига эта, яъни айнан олинган витаминдан ташқари структурали тузилиши билан унга яқин бўлган битта ёки бир нечта бирикмалар физиологик таъсири этиш хусусияти билан бир-бирига ўхшаш бўлади. Бундай моддалар айни витаминнинг витамерлари дейилади. Масалан, витамин А иккита (A_1 ва A_2), витамин Д бешта витамерга эта (D_1 , D_2 , D_3 , D_4 , D_5 ва D_{51}) ва ҳоказо.

Витаминалар физиологик таъсири этиш хусусиятига кўра ҳам гуруҳланиши мумкин. 11-жадвалда шу ҳақдаги маълумотларни умумлаштирамиз.

11-жадвал

Витаминаларнинг физиологик таъсири этиш хусусиятига кўра гуруҳланиши

Витаминалар гурӯҳи	Қисқача физиологик характеристики	Витаминаларнинг номлари
Тананинг умумий реактивлигини оширувчи витаминалар	Марказий нерв системасининг функционал ҳолатини, моддалар алмашинувини, тўқималар трофикасини бошқариб боради.	B_1 , B_2 , PP, A ва C
Антигеморрагик хусусиятли витаминалар	Кон томирларининг меъёрий ўtkазувчалигини ва тургунлигини таъминлайди ҳамда қоннинг ивишини кучайтиради.	C, P ва K
Антианемик витаминалар	Кон ҳосил бўлишини меъёрида сақлайди ва рағбатлантиради	B_{12} , B _C ва C
Антиинфекцион хусусиятли витаминалар	Танани инфекцияларга чидамлилгини, химоя функциясини кучайтиради, иммунитет ҳосил бўлишини рағбатлантиради.	C, A
Кўриш жараёнини бошқарувчи витаминалар	Кўриш ўткирлигини кучайтиради, рангли кўришни яхшилайди.	A, B ₂ ва C

3.2. Витамин А (ретинол)

Витамин А организмнинг кўпгина функцияларида фаол қатнашади. Масалан, кўриш жараёнининг меъёрий бўлиши, қатор касалликларга қарши тегишли иммунитет-

нинг ҳосил бўлиши, тери эпителийсининг соғлом бўлиши танада ушбу витаминнинг етарли даражада эканлиги-дан дарак беради. Витамин А нинг тақчиллиги туфайли одам баданининг териси товуқ ёки гоз териси шаклини олади, оёқ кафти, товон, бармоқлар териси куруқ бўлиб кўчиб туша бошлиди (танада терининг меъёрий функционаллашуви киши саломатлигининг 25 % га кафолатлайди).

Ички секреция безларидан қалқонсизмон безининг функцияси витамин А ва магний элементининг етишмаслигидан анча сусайиб кетиши аниқланган.

Булардан ташқари А витамин етишмаслигидан жинсий безлар ўз функциясини тўлиқ бажара олмай, хотиги-қизларда ҳайз кўриш цикли бузилади, эркакларда жинсий ожизлик содир бўлади. Бу витаминга тақчиллик саратон (рак) касаллигининг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлар экан.

Одам ва ҳайвонлар танасида ретинол ўсимлик таркибида учрайдиган каротиндан ҳам ҳосил бўлади. Каротел деган сабзи навида каротин кўп бўлади.

Одамнинг витамин А га бўлган кунлик эҳтиёжи кейинги ҳисоб-китобларга қараганда ўртача 1,5 - 2,5 мг булиб, унинг 1/3 қисми ретинол, қолган 2/3 қисми эса каротиндан иборат бўлгани мақсадга мувофиқ экан. Лекин, киши оғир жисмоний иш бажартганида, спорт билан шугулланганида ёки бошқа кучли стресс омил (руҳий, ҳиссий изтиробга тушиш, кучли оғриқ, юқори ёки паст атмосфера шароитида ишлаш ва ҳоказо) таъсирига учраганида ретинолга бўлган талаби бир неча марта ошиб кетар экан. Бундай пайтлари витамин А га бой маҳсулотларни кундалик истеъмолда кўпайтириш керак. 12-жадвалда шу витамин сероб бўлган озиқ моддалар ҳақида маълумот берамиз.

12-жадвал

Витамин А нинг асосий манбалари

Озиқ моддалар	Маҳсулотнинг 100 г да мг ҳисобида	
	Витамин А	β-каротин
Қорамол жигари	8,2	1,0
Товуқ тухуми	0,25	--
Сариёғ	0,52	0,30
Қаймоқ	0,16	0,07
Пишлоқ	0,26	0,16
Сабзи	-	9,0

Петрушка	-	5,7
Йисмалоқ	-	4,5
Отқулоқ (шавил)	-	2,5
Күк пиёз	-	2,0
Қизил қалампир	-	2,0
Помидор	-	1,2
Чаканда (облепеха)	-	7,9
Четан (рябина)	-	9,0
Итбурун (куритилгани)	-	4,9
Зардоли	-	1,6
Курага (гулин)	-	3,5
Ошқади	-	1,50
Тарвуз	-	0,10
Қовун	-	0,40

Жадвалда кўринганидек, ушбу витаминга энг бой маҳсулотлар бу қора мол жигари, сабзи, четан (рябина), чаканда (облепиха), петрушка ва шу каби кўкатлар экан. Сабзининг нафақат илдиз меваси, балки барги ҳам каротинга бой бўлади, шунинг учун уни бемалол салатларга қўшиб ёки қуритиб олинган завдасини овқатта сециб ишлатиш витамин А га бўлган эҳтиёжни қондирища муҳим аҳамият касб этади.

Витамин А нинг етишмаслигидан юзага келадиган асосий касалликлардан бири бу қоракўрлик ёки шапкўрлик. Бундай одам қоронги тушиши билан теварак-атрофни кўрмай қолади. Шапкўрлик элементлари бор-йўқлигини аниқлани учун қоронгилаштирилган хонага кириш билан кўриш ҳолатининг қандай бўлишини текшириб кўриш керак. Агар 3-4 секунд вақт ўтиши билан қоронгилаштирилган хонада нарса предметларни озмунча кўра бошласангиз организмингизда бу витамин етарли, 8-10 секунддан кейин кўриш тикланса - оз, 15-20 сониядан кейингина сал-пал кўра бошласангиз у анча камайиб кетган бўлиб, тегишли мутахассисга мурожаат қилиш керак бўлади.

Қадимги Хитой ва Ўрта Осиё ҳалқлари шапкўрликни чала пиширилган мол жигарини истеъмол қилиш билан даволашган, чунки юқоридаги жадвалда кўринганидек 100 г жигарда 8,2 мг ретинол бўлади. Шапкўрлик ўз вақтида бартараф қилинмаса ёш чиқарувчи безларнинг атрофия-ланиши ва кўз шоҳ қаватининг қуриб қолиши натижасида киши бутунлай кўрмай қолиши, ксерофталмия каби оғир хасталикка мубтало бўлиши мумкин.

3.3. Витамин Д (кальциферол)

Бу витамин танада маъданли моддалардан кальций, фосфор алмашинувида иштирок этиб, унинг етарли бўлиши истеъмол таомларидан айнан шу элементларнинг ингичка ичак орқали қонга сўрилишини яхшилади ва буйракларда бирламчи сийдикдан фосфорнинг қайта қонга ўтишини (реабсорбция) рагбатлантиради. Шу боис 40-50 ёшлардан кейин кальциферолнинг тақчиллиги скелет суюклари мустаҳкамлигини камайтиради, улар говак бўлиб қолади, суюкларда «огриқ» пайдо бўлади. Бу хасталик одатда қуёш нуридан кам баҳраманд бўладиганларда тез-тез учрайди. Бундай пайтлари тез-тез қуёшда тобланиш ва кальциферол препаратидан инъекция қилиш яхши ёрдам беради. Лекин уни меъёридан ошиқ қабул қилиш билан танани заҳарлаб қўйиш ҳам мумкин. Шунинг учун витамин Д билан танани бойитишида албатта шифокор маслаҳатини олиш керак.

Гап шундаки, суюк тўқималари ҳам танадаги бошқа тўқималар каби янгиланиб туради. Витамин Д етишмаслигидан қонда кальций миқдорининг камайиши янги суюк ҳужайралари шакланишини камайтиради ва у говак бўлиб қолади.

Ёш болаларда витамин Д нинг етишмаслиги улар сугининг бўшашиб кетишига - рахит касаллигига олиб қолади. Ушбу ҳолат бола оёқ суюкларининг тана оғирлигига бардош бера олмасдан қийшайиб қолиши билан характерланади. Суюкларнинг бўшашибидан кўкрак қафаси ҳам деформацияланади, унинг шакли товуқ кўкрак қафасига ўхшаш бўлиб қолади. Бундай болалар юқумли касалликларга чидамсиз, ланж бўлиб, уларда мускуллар тонуси анча паст бўлади. Витамин Д етишмаслигининг ўз вақтида олди олинмаса, улар улграйган сари ушбу ҳолат бола нерв тизимининг такомиллашиб боришига салбий таъсир кўрсатади ва паришон хотирлик юзага қелади. Бола ёмон ухлайди, инжиқ бўлиб, кўп терлайди, кўзгалувчан бўлиб қолади.

Кальциферол ҳароратта анча чидамли бўлиб, озиқ-овқатларни пишириши ва қайнатиш оқибатида парчаланиб кетмайди.

Бу витаминнинг қолганларидан фарқи шундаки, у бошқа витаминалр кўп бўладиган ўсимлик маҳсулотлари, сабзавотлар ва меваларда жуда кам учрайди. Асосий манбаи балиқ ёги, ўсимлик мойлари, сариёғ, тухум сариги ҳамда денгиздан олинадиган егулик маҳсулотлар ҳисобланади. Лекин ушбу маҳсулотлар билан бу витаминни организмга

етарли даражада қабул қилиш қийин. Энг яхшиси таъкидлаганимиздек, қүёш нури таъсирида организмда унинг тегишли миқдорда синтезланишига эришмоқ керак. Шу нарсани ҳам эсдан чиқармаслик керакки, қүёшда узоқ муддатли баданни қорайтириш кальциферол ҳосил бўлишини камайтириб юборади ва танада унга нисбатан тақчиллик пайдо бўлади. Баданни уқалаш кальциферол ҳосил бўлишини енгиллаштиради. Витамин D теридан ажралиб чиқадиган секрет (ёғсимон модда) таркибида бўлганлиги учун танани меъёридан ортиқ даражада совунлаб ювиш уни камайтириб юборади. Албатта бу ўринда тери гигиенаси қоидаларини бузмасликни унугтмаслик керак.

Витамин D нуқтаи назаридан қүёш нурига «тўймаслик» турли хил чиқиндила билан ифлосланган катта шаҳарларда айниқса кўп учрайди. Бизнинг серқуёш ўлкамизда эса қүёш кераклигидан кўп, шунинг учун бу соҳада тақчиллик йўқ. Лекин болаларнинг, баъзан катта ёшдаги кишиларнинг ҳам қўёшга тобланиши лозим бўлиб қолса, ушбу муолажани эрталаб соат 10^{00} гача ва куннинг иккинчи ярмида 17^{00} дан кейин ўтказишни эсдан чиқармаслик керак. Чунки соат 10^{00} дан 17^{00} гача бўлган вақт ичida қўёшда қорайиш зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ёш болаларда витамин D га тақчиллик бўлмаслиги учун уларга қишида маҳсус ультрабинафша нурли ванналар, керак бўлганида балиқ ёғи тавсия қилинади. Бу муолажаларнинг давомийлиги ва миқдори ҳақида албатта болалар шифокори билан маслаҳатлашиш зарур.

3.4. Витамин Е (токоферол)

Бу витамин кўпайиш витамини ҳам деб аталади, чунки унинг танада етарли бўлиши эркаклар ва аёллар жинсий безларининг фаолият кўрсатишида ижобий аҳамият касб этади. Токоферол сўзи («токос» - авлод, уруг, «ферро» - қорнида олиб юрмоқ) бола, авлод пайдо бўлиши, тутилиши маъносини англатади. Витамин E фақат ўсимликларда учрайди, ҳайвон танасида у синтезланмайди. Ҳайвонларни синтетик усуlda тайёрланган озиқ моддалари билан боқиш натижасида улар ўсиб ривожлансада, насл қолдириш хусусиятини йўқотади. Улардаги бу нуқсонни йўқотиш учун ишлатиладиган яшил япроқлар, айниқса дон муртаги, ҳамда ёнгоқлардан ажратиб олинган маҳсус омил витамин E номини

олган. Бу витамин юқори ҳарорат (170°C гача қиздирилса ҳам йүқолмайды) ва кислота таъсирига анча чидамли, лекин ультрабинафша нурлар таъсирида тез парчаланиб кетади ва осон оксидланиш хусусиятига эга.

Витамин Е пуштесизлик ёки бола бўлмаслик ҳолатларини тузатишда анча фойдали дармондори, шунинг учун ҳам уни узоқ вақтлар фақат инсоннинг кўпайиш билан боғлиқ хасталикларни даволашда қўлланилади деган фикр олға ҳукм суриб келинган. Ҳозирги кунда ҳам ҳалқ орасида витамин Е деганда жинсий имкониятларни кучайтирувчи восита деган тушунча кенг тарқалган. Бу фикрнинг албатта асоси бор, лекин токоферол айтилган функциядан ташқари организмнинг яна бошқа фаолиятларида ҳам иштирок этади. Масалан бу витамин қон томирларини тромблардан (ивиган қон бирикмаларидан) тозалайди, юрак мускуллари фаолиятини яхшилади, дам қисма ва қандли диабет касаллигидан қутулишда ёрдам қилади, ҳужайра мембраннынг тургунилгини таъминлайди, жигар ва ўт йўллари касалликларининг олдини олади ва ҳоказо.

Витамин Е ёрдамида юрак-қон томирлари касаллигини даволашни Канадалик олим В. Шуге ўз устида олиб борган кузатувларида исботлади. Кундалик овқатида токофероллик маҳсулотларидан кўп ишлатгани учун у 80 ёшида ҳам 50 ёшли одамдек кўринишга ва ҳатти-ҳаракатта эга бўлган. Витаминнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, улар ўсимлик ёғларида мавжуд бўлган ва вақт ўтиши билан оксидланиб ўзларидан эркин радикаллар ажратиб чиқарадиган ёғ кислоталарининг антиоксидловчиси бўлиб хизмат қилади. Эркин радикаллар ҳужайра мембранны орқали ўтиб унинг ичига шиддат билан киради ва у ердаги меъёрий биокимсвий жараёнларнинг бузилишига олиб келади. Бу ҳолат организм учун бир қатор ҳавфли касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Организмда токоферолнинг етарли бўлиши ана шу радикалларнинг ҳужайра мембранны орқали ичкарига ўтишига йўл қўймайди.

Токоферол таркибида кўп бўлган маҳсулотлар майонез, ёнгок ҳамда чакандадир (облепиха).

Организмни витамин Е билан етарли даражада таъминлаб туришининг энг осон ва арzon йўли бугдой донини ундириб, уни оқ майсаси билан истеъмол қилиш. Бугдой ўрнида бошқа донлар ёки донлар аралашмасидан фойдаланса ҳам бўлади.

Донлар уна бошлаганида ўзларининг озиқ модда сифатида туйимлилик ва фойдалилик даражасини купайтиради, уларда инсон учун ниҳоятда зарур бўлган аминокислоталар ҳосил бўлиб, энг муҳими уларниң бир-бирига нисбати одам организми учун энг маъқул ҳолатда бўлади. Айнан шу аминокислоталардан танада тўла қийматли оқсиллар синтезланади. Шу боисдаи бундай таомни доимий суръатда истеъмол қилиб туриш кони фойда. Айниқса, танада умумий дармонсизлик пайдо бўлганида, ҳомиладор ва эмизикилар оналар учун у алмаштириб бўлмайдиган озиқ модда ҳисобланади.

Униб чиқаётган турли хил ўсимликлар, масалан, картошка, пиёз, сабзи, шолюм ва бошқаларнинг таркибида кўпгина витаминалар (E, A, B ва C) ва бошқа биологик фаол моддалар мавжуд булиб, улар организмга жуда ҳам фойдалидир.

Витамин E яна бугдой ва бошқа донларнинг кепагида ҳам кўп бўлади. Ёрилган бугдоидан қилинган овқат (ёрма) бу ўринда айни муддао.

Токоферол танада заҳира ҳолда унга бой маҳсулотларни истеъмол қилиб туриш туфайли ёғ тўқималарда тўпланаади.

13-жадвалда витамин E учрайдиган маҳсулотлар ҳақида маълумот келтирамиз.

13-жадвал

Витамин E нинг манбалари (100 г маҳсулотда мг ҳисобида)

Маҳсулотларнинг номи	Токоферол миқдори
2-нав буғдои унидан қилинган нон	3,30
Гречка ёрмаси	6,65
Қаймоқ	0,16
Пишлок	0,34
Майонез	32,0
Сабзи	0,63,
Қалампир	0,67
Исмалоқ	2,50
Зардоли	0,95
Шафтоли	1,50
Олма	0,63
Чаканда (облениха)	10,30
Итбурун	1,71

Енгөк	23,0
Мол жигари	1,38
Товук тухуми	2,0

3.5. Витамин K (филлохинон)

Бу витаминни биринчи бўлиб ихтиро қилган америкалик олим Куики номи билан витамин K деб айтилади. Витамин K антигеморрагик витамиин ҳам дейилади, бунинг сабаби унинг қон томирларидан қон оқиб чиқишини тўхтатиш хусусиятига эга эканлигида. Маълумки, бадан бутунлиги бузилиб, қон оқса у бироз вақтдан кейин ивиб тўхтайди, бунинг учун қон томирларининг шикастланган девори фибрин оқсили билан тўрсимон ҳолда ўраб олиниб ёпилиши керак. Фибрин, қон плазмасида доимо мавжуд бўладиган фибриногендан синтезланади. Бундай синтезланиш тромбин оқсили таъсиридагина юзага келади, тромбин эса ўз навбатида қон плазмаси оқсили протромбиндан ҳосил бўлади. Бу жараён учун маҳсус фермент тромбокиназа керак. Витамин K мана шу ферментнинг фаол гуруҳи ҳисобланади. Бу витамин одатда соғлом одам йўғон ичагида мавжуд бўладиган маҳсус микроблар томонидан синтез қилиб турилади. Агар шу жараён тегишли сабабларга кўра кучсизланса ёки тўхтаб қолса кишида ўз-ўзидан бурун қонаши, ички аъзоларидан қон кетиши, қон қусиши ҳолатлари кузатилиши мумкин. Мана шундай пайтлари беморга витамин K препарати ёки унга жигар, карам, исмалоқ, ошкади, помидор каби филлохинонга бой маҳсулотлардан кўпроқ қўшилган овқат едириш лозим. Одамда учрайдиган витамин K тақчиллигита ингичка ичакдан айнан шу витаминнинг қонга ёмон сўрилиши сабаб бўлиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолат энгерит, интероколит каби ингичка ичак касалликлари туфайли, цирроз, ўт йўлининг қийшайиб ўн икки бармоқ ичакка ўт суюқлигининг кам чиқиб қолиши хасталиклари оқибатида юзага келади.

3.6. Витамин B₁ (тиамин)

Бу витамин таркибида олтингугурт элементи мавжудлиги боис у тиамин (юонча тион - олтингургут) деб юритилади. У авваламбор нерв системасининг меъёрий фаолияти учун зарур. Шунинг учун ҳам тиамин тақчиллигига

полиневрит (бери-бери) касаллиги юзага келади. У яна оқсиллар, ёглар, карбонсувлар ва сув алмашинуvida қатнашувчи ферментлар таркибиغا киради. Витамин В₁ донларнинг муртаги ва кепагида кўп бўлади. Келаги тўлиқ ажратилган юқори навли унлардан тайёрланган маҳсулотларда (нон, макарон, ҳар хил пишириқлар ва бошқалар) тиамин умуман учрамайди деса ҳам бўлади. Шунинг учун иқтисодий ривожланган мамлакатларда яшовчи аҳоли орасида унга тақчиллик катта, чунки улар кепагидан ва пўстлардан обдон тозалаб тайёрланган таомлар билан овқатланади. Танада тиамин етишмаслиги дастлаб хотиранинг пасайиши, сержаҳдлилик, асабийлашиш, уйқунинг бузилиши, иш қобилиятининг пасайиб кетишига олиб келади. Агар унинг олди ўз вақтида олинмаса оёқлар қақшаб оғрийди, киши юрганда тез чарчаб қолади, кичик ва катта болдир мускулларда оғриқ пайдо бўлади, юрак-қон томирлари ҳамда ошқозон-ичакларда меъёрий фаолият бузилади. Бундай белгилар кўпчиликда кузатилади ва унинг сабаби нимада эканлиги ҳаммага ҳам маълум эмас. Бундай пайтларда албатта врачга мурожаат қилиш керак, лекин кундалик истеъмол таомларингизни ҳам бир таҳлил қилиш ҳам муҳим. Агар улар тиамин кам учрайдиган маҳсулотлардан иборат бўлса билингки, асосий сабаб витамин В₁ тақчиллигиди. Яна шу нарсага зътибор қилиш керакки, тиамин ишқорий шароитда жуда тез парчаланиб, кислоталик муҳитга барқарор. Батъзан еган таомларингизда витамин В₁, етарли бўлса еган таомларингизда у аллақачон парчаланиб кетган бўлади. Шу нарса аниқданганки, бу витамин кофе таъсирида тез парчаланиб кетар экан. Бу борада аччиқ чойни севувчилар ҳам бироз ўйлаб иш қилишлари керак, чунки чойда ҳам кофедаги сингари кофеин бор. Агар одам овқатида карбонсувлар, айниқса ширинликлар кўп бўлса витамин В₁ га эҳтиёж анча ошиб кетади. Кофе ичишни хуш кўрган, овқат ўрнида турли хил ширинликлар еб юрадиган ёшларнинг (айниқса, қизларнинг) оёқ оғриги, паришонхотирлик, асабийлашиш, кайфият бузилиши каби ҳолатларга шикоят қилиши кўпинча шу сабаблидир. Бундай ахволни ширинликларга уч ёш болаларда ҳам тез-тез учратамиз. Шунинг учун улар овқатида витамин В₁ га бой маҳсулотлар бўлишига алоҳида зътибор бериш керак. Тиамин яна ёнғоқ, дуккаклилар (нўхат, ловия) ҳамда чўчқанинг жигар, буйракларида, ҳамир ва пиво ачитқисида кўп учрайди.

Турли хил хасталиклар туфайли кўп миқдорда дори-

дармоналар қабул қилиш организмнинг бу витаминг бисбатан талабини анча ошириб юборади. Шу боис даволанаётган беморлар овқатида тиаминли маҳсулотларнинг сероб бўлиши мақсадга мувофиқ.

14-жадвалда витамин В₁ (тиамин) учрайдиган маҳсулотлар ҳақида маълумот келтирамиз.

14-жадвал

**Витамин В₁ учрайдиган манбалар
(100 г маҳсулотда мг ҳисобида)**

Маҳсулотлар	Витамин В ₁	Маҳсулотлар	Витамин В ₁
Нўхат	0,81	Кора нон	0,17
Ловия	0,50	Бугдой нон	0,23
Соя	0,94	Бугдой кепаги	0,75
Гречка ёрмаси	0,43	Ачитқи (хамиргурӯш)	0,60
Чўчка гўшти	0,52	Мол жигари	0,30
Мол юраги	0,36		

3.7. Витамин В₁ (рибофлавин)

Бу витамин илк бор сутда топилган, шунинг учун ҳам уни лактофлавин ҳам деб аташади. У организмда доимий суратда содир бўлиб турадиган оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларини тезлаштирувчи (катализовчи) ферментларнинг коферменти ҳисобланади. Витамин В₂ нинг этишмаслиги натижасида бўй ўсицдан қолади, шунинг учун ҳам уни ўсиш витамини дейилади. Яна характерлari томони шундаки, танада у кам бўлса оғиз бўшлигининг шиллиқ қавати яллигланади. Айниқса, оғизнинг икки бурчагида тери ёрилиб узоқ вақт тузалмайди. Тил териси, кўз шиллиқ қавати ҳам яллигланиши ҳам мумкин, рангли кўриш заифлашади. Бундан ташқари рибофлавин тақчиллиги камқонлиликка, соchlарнинг тукилишига, тери юзасининг бузилишига олиб келади. Уни баъзан тери витамини ҳам дейишади. Чунки бу витамин етарли бўлса, тери силлиқ, юмшоқ, ёш кўринади.

Рибофлавиннинг авитаминози сут, қатиқ маҳсулотларини кам истеъмол қиласдиган Африка, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё ҳалқлари орасида тез-тез учраб туради.

Агар бир кунда одам бир стакан сут, оз мунча сузма еб турса бу витаминга бўлган эҳтиёж қонади. Иссиқ шароит-

да жисмоний иш қиладиган ва шу боис кўп терлайдиган, меҳнат қилиш жараёнида кўриш аъзоларига катта юклама тушадиган одамларнинг бу витаминга бўлган талаби анча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам бизнинг серқуёш ўлкамизда кўпинча меҳнат фаолияти кўп миқдорда тер суюқлиги ажралишини тақозо қиладиган кишилар истеъмол қиладиган озиқ моддаларда рибофлавин белгиланган меъёр даражасидан бироз юқори бўлиши керак.

Рибофлавин сут, пишлоқ, тухум, жигар, буйраклар, дуккаклилар, гречиха таркибида мўл бўлиб, ёргулкка жуда чидамсиз, шунинг учун бу маҳсулотларни қуёш нурида қолдирмаслик ёки қоронги жойда сақлаш лозим.

3.8. Витамин В₃ (пантотенат кислота)

Пантотенат кислота қарийб барча ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларида учрайди, шунинг учун ҳам унга бундай ном берилган юончча пантотен - ҳамма ерда мавжуд демакдир.

Ўз номидан келиб чиқиб, бу витамин етишмаса тажриба ўтказилган ҳайвонларда турли-туман касалликлар, жумладан организмни ўсишдан тўхташи, бадаңдаги тукларнинг тушиб кетиши, ички секреция безларида некроз (қуриб қолиши, ишдан чиқиши) ва қон қуюлиши, нервларнинг фалажланиши, иштагҳанинг йўқолиши ва бошқалар кузатилади. Одамда пантотенат кислотасининг тақчиллиги оёқ бармоқларнинг тез-тез увишиб қолишита, кейинчалик оёқ кағти ва бармоқларда кучли куйишган оғриқ пайдо бўлишига олиб келади. Бундай ўзгаришлар моддалар алмашинуви жараёнида карбонсувлар ва ёгларнинг бир-бирига айланиши ҳолатининг бузилишидан келиб чиқади. Чунки, витамин В₃ бу ҳолатни бошқариб борадиган ферментлар таркибига киради.

Бу витаминни баъзан умр узайтирувчи витамин ҳам дейилади, чунки у етишмаса соchlар оқариб, терилар бужмайиб одам қаригандек бўлиб қолади. Бу витамин қуёш нурига анча чидамли бўлсада, ишқорли ва кислотали муҳитда дархол парчаланиб кетади.

Мол жигари, гўшти, балиқ, тухум, хар хил донлар, дуккаклилар, рангли карам бу витаминга анча бой, у қисман йўғон ичак микрофлораси томонидан ҳам синтез қилинади.

3.9. Витамин PP (никотинат кислота)

Никотинат кислота ва унинг амидлари кимёвий модда сифатида узоқ вақтлардан бери маълум бўлсада, уларнинг пеллагра (пеллагра италянча - дагал, гадир-будир) касаллигини даволаща иштирок қилиши боис витаминаларга мансуб эканлиги 1937 йилда аниқланди. Бу моддаларнинг пеллаграни тузатувчи хусусияти бўлганлиги учун витамин PP пеллаграни йўқотувчи ҳам деб аталади. Витамин PP етишмаслигидан терининг қуёш тегиб турадиган қисмлари дагаллашиб қолади, ошқозоғи-ичак трактининг шиллиқ қавати яллиғланади, асаб ҳамда юрак-қон томирлари тизимларининг меъёрий фаолияти бузилади. Одатда бундай ҳолатлар овқатида макка-жўхори дони уни кўп ишлатиладиган аҳоли орасида тез учрайди. Бундай маҳсулотларда алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталардан триптофан жуда кам бўлади. Мана шу аминокислоталардан эса одам ва ҳайвонлар организмида никотинат кислотаси синтез қилинади. Шу боис овқатда триптофан кам бўлса танада витамин PP тақчиллиги кучайиб унинг авитаминози келиб чиқади.

Витамин PP га бўлган эҳтиёжни қондиришда сут, қатиқлардан етарли миқдорда истеъмол қилиш тавсия қилинади. Бу маҳсулотлар таркибида айнан никотин кислота бўлмасада, триптофан мўл бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, триптофандан никотинат кислотасининг синтезланиши витамин В₆ (пиридоксин, адермин) иштирокисиз бўлмайди. Шунинг учун ҳам пеллагра касаллиги фақат витамин PP етишмаслигидан эмас, балки витамин В₆ камлиги туфайли ҳам юзага келади. Бу ҳолатни пеллаграни даволаща ҳисобга олиниши шарт, яъни беморлар овқатини никотин кислотаси билан бойитишда бир йўла витамин В₆ сероб маҳсулотлардан ҳам қўшиб бериш лозим. Бу витамин организмда тўқималар нафас олишини таъминлайдиган оксидланиши ва қайтарилиш жараёнларида қатнашувчи ферментлар ва коферментлар таркибига киради. Тириклик асосини ташкил қилувчи метаболик жараёнлар эса яъни, гликолиз, фотосинтез, карбонсувлар, липидлар алмашинуви, аминокислоталарнинг дезаминлашуви, юқори энергияли боғлар синтезланиши шу биокатализторлар иштирокисиз ўтмайди.

Витамин PP анча барқарор модда бўлиб ёргулек ва кислородга чидамли. Унга бир суткалик талаб 20-25 мг бўлиб, бу кўрсаттич одамда ҳар хил стресс-омиллар (кучли ҳисаяжон, жисмоний ҳаракат ва бошқалар) таъсир этганида

ҳамда ошқозон-ичак ва юрак-қон томирлари хасталиклари даврида күпаяди. Бундан ташқари қунлик рационда мева-чева, сабзавотлар, сут, қатиқ ҳам бўлиб истеъмол қилинадиган маҳсулотлар асосан крахмалдан ташкил топган бўлса ҳам витамин PP га бўлган эҳтиёж анча юқори бўлади.

3.10. Витамин B₆ (пиридоксин ёки адермин)

В гурӯҳ витаминаларга кирувчи пиридоксин озиқ-овқат маҳсулотларида кўп учрайди, шунинг учун одамда бу витамин тақчиллиги кам учрайди. У шоли кепагида, нўхат, ловия, картошка, карам, сабзи, ҳар хил ачитқилар, ҳайвонларнинг жигари, гўшти ва буйраклари ҳамда тухум саригида сероб бўлиб, бу маҳсулотлардан тайёрланган овқатлар истеъмол қилиш билан одамда унга бўлган эҳтиёж қондирилади. Лекин, меҳнат фаолияти оғир жисмоний иш билан боғлиқ кишиларда, руҳий, ҳиссий зўриқишиларда, касалликлар туфайли кўплаб антибиотиклар қабул қилинганида пиридоксинга бўлган талаб бир мунча ошади.

Витамин B₆ аминокислоталар ўзлаштирилишини таъминлайдиган фермент таркибига киради, у етишмаслигидан танада оқсиллар ҳосил бўлиши пасайиб кетади. Пиридоксин иштироқида аминокислоталарнинг бир турдан иккincinnисига айланиши организм учун жуда муҳим, чунки бу ҳолат танада тегишли оқсиллар синтез бўлиши учун аминокислоталар фондини яратади. Шунинг учун ҳам бу витамин етишмаганида зарур оқсиллар тақчиллиги туфайли у ёки бу касалликлар келиб чиқади. B₆ витаминнинг авитаминози яна тери касаллиги - дерматитни чақиради ва у тиамин ҳамда рибофлавин қабул қилиш билан тузалмайди. Качонки бундай бемор овқатига жигар, ачитқи, шоли кепаги қўшиб берилганида яхши бўлган. Кейинчалик бу маҳсулотларда дерматитни даволайдиган модда ажратиб олиниб (1938 й) унга витамин B₆ ёки адермин деган ном берилган.

Пиридоксин ошқозон-ичак тизимида синтезланиши ҳам мумкин, деган фикр бор, чунки организмдан ажралган пиридоксин парчаланишининг маҳсулотлари, унинг овқат билан қабул қилинишига қараганда бироз кўп бўлар экан.

3.11. Витамин B₉ (фолат кислота ёки витамин B_c)

Витамин B₉ ни витамин B_c деб номланиши илк бор унинг жўжаларда олиб борилган тажрибаларда очилганидир

(инглизча chicken - жүжә).

Бу витаминнинг яна фолат кислота дейилишига сабаб унинг исмалоқ яшил баргларидан (лотинча фолиум - барг) ажратиб олинганидир. Бошқа ўсимликларнинг яшил баргларида ҳам (қоқи, ялпиз, қичитқи ўт, дастарбош ва бошқалар) у мүл бўлади, лекин қуриган баргда фолат кислота учрамайди, айниқса қуёш нури остида қуритилган баргларда у умуман бўлмайди. Қуритилган, қайнатилган ўсимлик маҳсулотлари биргина фолат кислотага эмас, балки бошқа витаминларга ҳам жуда камбагал бўлади.

Тажрибаларда шу нарса аниқланганки, агар жўжалар овқатидан фолат кислота умуман олиб ташланса, улар ўсиридан тўхтаб, танасида қон ҳосил бўлиши ниҳоятда пасайиб кетар экан. Витамин В₉ нинг бевосигта қон ҳосил бўлишида иштирок қылғанлиги учун ҳам айрим манбаларда антианемик витамин деб юритишиди.

Одамда овқатланиш қоидаларига риоя қилиб борилса бу витаминнинг авитаминози кам учрайди. Яна у ошқозон ичак микрофлораси томонидан ҳам синтез қилинади. Агар ичакларнинг транспорт вазифаси шикастланиб фолат кислота етарли миқдорда қонга ўтмай қолса одамда камқонилик, яъни анемия юзага келади. Бундан ташқари витамин В₉ авитаминози ҳазм аъзолари, жигар функциясининг бузилиши ва организм ҳимоя қудратининг пасайиши билан ҳам характеристикади. Фолат кислота тақчиллиги билан хасталикка учраганларда асабийлашув, уйқусизлик, тез чарчаш, паришонхотирик аломатлари учрайди.

Фолат кислота янги ҳужайра ва тўқималар ҳосил бўлишида, жумладан қизил қон танаачаларининг юзага келишида фаол қатнашади, агар у етишмаса эритроцитлар пишиб етилмайди, натижада кам қоналилк пайдо бўлади.

Витамин В₉ нинг табиий манбаларига исмалоқ ва ўсимликларнинг яшил барглари, помидор, сабзи, лавлаги, рангли карам, дуккаклилар, донли ўсимликлар, ҳайвонларнинг жигари, гўшти, балиқ ва тухум киради. Одамда унга бўлган суткалик эҳтиёж (жисмоний меҳнат кўп қиладиганлар ва ҳар хил стресс ҳолатларда фаолият кўрсатадиганларда ҳамда ҳомиладор, сут эмизадиган оналарда) 400 мкг ва унда ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

3.12. Витамин B₁₂ (кобаламин ёки антианемик витамин)

Бу витамин камқонлиликни даволовчи, яъни антианемик хусусиятта эга бўлиб, аксарият ҳолда ҳайвон маҳсулотларида, айниқса қора моллар ва жўжаларнинг жигарида кўп бўлади. Шунинг учун айрим ҳалқлар қадим замонлардан бошлаб камқонлиликни даволаща жигардан муваффақиятли равишда фойдаланиб келишган. У яна тухум саригида, буйракларда анча миқдорда учраб туради, қатиқ, кефирда махсус микрофлора фаолиятидан ҳосил бўлиб туради.

Америкалик олим Касл одамларда камқонлиликни даволаб ушбу касалликнинг келиб чиқиши иккита омилга, яъни «ички» ва «ташқи» омилларга боғлиқ деган муҳим хуносага келди. Ички омил шундайки, агар одам ошқозон ширасида хлорид кислота миқдори камайиб кетса витамин B₁₂ нинг ичак деворларидан қонга ўтишини таъминлайдиган махсус ташувчи оқсили модда ҳосил бўлмас экан. Ташқи омил эса истеъмол таомларида витамин B₁₂ мавжуд озиқларнинг бўлмаслиги ёки жуда камлиги билан характерланади. Бундай ҳолат кўпинча фақат ўсимлик маҳсулотлари билан таомланаидиган одамларда учрайди. Кобаламиннинг тақчиллиги биринчи навбатда иликларнинг қон ишлаб чиқаришига салбий таъсир қиласи. Бундай одамларда асаб тизими фаолияти бузилиб, у тез аччиқданадиган, жаҳддор, тез чарчайдиган бўлиб қолади.

Бу витаминга бўлган суткалик эҳтиёж 0,001 мг бўлиб, оқилона овқатланиш қойдаларига риоя қилиб юрилса, унинг авитаминози жуда кам ҳоллардагина содир бўлиши мумкин.

Ҳафтасида бир ёки имкон борида икки марта мол ва товуқ жигарини турли хил кўқатлар билан истеъмол қилиш бу авитаминозини оддини олишда, камқонлилик хавфидан қутилишда муҳим аҳамият касб этади.

3.13. Витамин С (аскорбат кислота)

Бу витаминнинг биологик хусусиятлари ва аҳамияти жуда кўп қўлланмаларда қайд қилинган.

Даставвал шуни қайд қилиш лозимки, кишининг бу витаминга талаби турлича бўлиб, у ҳар бир организмнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Айниқса, одам ҳар хил касалликларга чалинганида унга бўлган талаб ошиб кетади. Витамин С соглом организм учун суткасига 80-100 мг дан 200

мг гача керак. Юқумли касаллуклар билан оғриғанда эса бу күрсатгични 1000 мг гача чиқарыш тавсия қилинади. 15-жадвалда күндалик ишлатыладиган озиқ-овқат маҳсулотлардың рида бу витамин миқдори ҳақида маълумот көлтирамиз.

15-жадвал

**Озиқ-овқат маҳсулотларида аскорбат кислота миқдори
(100 маҳсулотда мг ҳисобида)**

Маҳсулотлар	Аскорбат кислота	Маҳсулотлар	Аскорбат кислота
Карам	45,0	Ошқовоқ	8,0
Картошка	20,0	Гилос	15,0
Бош пиёз	10,0	Нок	5,0
Сабзи	5,0	Шафтоли	10,0
Бодринг	10,0	Анор	4,0
Қалампир	15,0	Карам	10,0
Лавлаги	10,0	Олма	16,0
Редиска	25,0	Апельсин	60,0
Памидор	25,0	Лимон	40,0
Саримсоқ	10,0	Мандарин	38,0
Исмалоқ	55,0	Узум	6,0
Тарвуз	7,0	Чаканда	200,0
Қовун	20,0	Қора смородина	200,0
Наъматак	650,0	Құзықорин (құритилгани)	150,0
Мол жигари	39,0		

Жадвалда күрсатылған маҳсулотлардан ташқары аскорбат кислотаси ҳар хил қўкатларда ҳам (петрушка, қўк пиёз ва бошқалар) мўл бўлади.

Касаллуклар туфайли антибиотиклар, бошқа дори дармонлар тез-тез қабул қилиб турадиганлар, ҳар хил стресс-омиллар (руҳий-хиссий юкламалар, оғир жисмоний иш, узоқ муддатли жуда совуқ ёки иссиқ ҳароратта дуч келиш ва бошқалар) таъсирига учрайдиганлар, колбаса ва унга ўхшаш дудланган маҳсулотларни севиб истеъмол қилувчилар, транспорт қатнови кўп бўладиган йўллар атрофида яшайдиганлар, ҳомиладорликка қарши препаратлар оладиганларда бу витаминга бўлган эҳтиёж анча ошади.

Чекувчиларда ҳам аскорбат кислотага эҳтиёж анча кагта, кунига бир пачка сигарет чекувчилар учун витамин С

га бўлган меъёр талаби 20 % га оширилиши керак. Маълумки, витамин С етишмаслигидан тиш милклари тез қонайдиган бўлиб, цинга касаллиги юзага келади, тишлар тушиб кетади, одам тез чарчайдиган бўлиб қолади, меҳнат иш фаолияти пасайиб кетади ва ҳар хил касалликларга тез берилади. Кейинги пайтларда витаминнинг давомли етишмаслиги рак (саратон) касаллигига олиб келиши аниқданган. Бу ҳақда Япониялик олим К. Ниши истеъмол таомларида аскорбат кислотасининг узлуксиз дефицити ракка олиб келувчи учта сабаблардан биридир дейди.

Витамин С шамоллаш касаллигини олдини олиш ва даволашда тенги йўқ даво. Доктор Полинг Лайнус ўзининг «Витамин С ва шамоллаш» китобида кунига бу витаминдан 1-5 г қабул қилиб туриш шамоллашдан сақлади деб ёзди. Бунинг учун энг яхшиси наматак каби витамин С га бой маҳсулотлардан кўпроқ истеъмол қилиш керак. Агар еган овқат асосан қайнатилган ва қовурилган маҳсулотлардан иборат бўлса, мева-чевалар, кўкатлар кам истеъмол қилинса тез-тез шамоллаш ва юкумли касалликлар билан оғришнинг сабабларида бири шундадир. Витамин С нинг етарли миқдорда истеъмол қилиб турилиши ичаклардан темир моддасининг қонга сурилишини яхшилайди ва шу йўл билан камқонликни олдини олиш мумкин. Витамин С нинг яна бир фойдали хусусияти шундан иборатки, у хужайра ва тўқималардаги ҳаётий жараёнларни бузуб ташлайдиган эркин радикалларни зарарсизлантиришда ҳал қилювчи рол ўйнайди. Бу радикаллар экологик муҳитнинг ёмонлашуви боис (ҳаво ва сувнинг, озиқ-овқат маҳсулотларининг турли хил зарарли кимёвий моддалар билан зарарланиши ва бошқалар) киши танасида кўпайиб, одамни тез кексаришга ва эртаки ишга яроқсиз бўлиб қолипнига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун согласом одам ҳам ҳар куни камида таркибида 200-300 мг аскорбат кислотаси бор маҳсулотлардан истеъмол қилиб туриши керак.

Аскорбат кислотаси маҳсулотларни термик қайта ишлаш натижасида парчаланиб кетади. Шунингдек музлаган ва узоқ вақт очиқ ҳавода сақланган маҳсулотларда ҳам у анча камайиб кетади. Олма дарахтидан узилганидан 6-7 ой ўтиши билан ўзидағи витамин С нинг 50 % ини йўқотади.

Кўлгина кўлланма ва тавсияларда витамин С нинг миқдори ҳалқаро бирлиқда (МЕ) берилади. Унинг миллиграммлардаги энвивалент миқдорини аниқлаш учун ҳалқаро

бирлиқдаги сонни 20 га бўлиш керак, масалан, 1000 МЕ даги витамин С 50 мг га тенг ($1000 \text{ ME} : 20 = 50$).

3.14. Витамин Н (биотин)

Бу витамин тана терисининг меъёрий фаолияти учун зарур. У озиқ овқат маҳсулотларида, айниқса мол жигарида, тухум саригида, ачитқиларда, рангли карамда, нўхатда кўп бўлади. Биотин етишмаганида тери қипиқланиб, соchlар тушиб кетади. Ичаклар микрофлораси меъёрида бўлса, бу витамин керакли миқдорда синтез қилиб турилади ва унга бўлган эҳтиёж тўлиқ қонади. Биотинни биринчи марта тухум саригидан Кёғл деган олим ажратиб олган. Хом тухум оқида эса авидин деган гликопротеид бўлиб у биотин билан бирлашиб ичаклардан қонга сўрилмайдиган биотин-авидин комплексини ҳосил қилади, натижада бу витаминга нисбатан тақчиллик вужудга келади. Баъзи кишилар тухумни хомлай ичишни хуш кўришиади, бунинг хавфли томони айтилганидек авитаминоz Н ни келтириб чиқаришида. Сурункасига кўп миқдорда хом тухум ичилаверса озиқ моддалар билан қабул қилинган ва ичаклар микрофлораси томонидан синтезланган биотин тўлигинча биотин - авидин комплексига айланиб авитаминоz Н пайдо бўлади. Биотинга бўлган суткалик талаб 0,01 мг атрофида.

3.15. Витамин Р (цитрин)

Бу витаминга бир қатор комплекс бирикмалар кириб шуларнинг ичида одам учун муҳими цитрин ва рутинлардир. Улар капилляр қон томирларининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Витамин Р нинг етишмаслигидан айтилган қон томирларининг шикастланиши туфайли қон оқиши ҳоллари геморреj, бачадондан қон кетиши ва бошқалар кузатиласди. Одам тез чарчайдиган бўлиб қолади, оёқларда оғриқ пайдо бўлади.

Унинг авитаминози кўпинча С витамин етишмаслиги билан бирга учрайди. Лекни бундай пайтларда фақат С витаминни қабул қилиш капилляр қон томирлари ёрилишини тузатмайди. Шунинг учун бир йўла витамин Р бўлган маҳсулотларни ҳам қабул қилиш лозим. У итбурун, қора смородина, узум ва турли хил кўқатларда (петрушка, салат, шивит, кашнич ва бошқалар) кўп бўлади. Бу витаминга бўлган суткалик талаб 35-50 мг.

4. МАЪДАНЛИ МОДДАЛАР ВА ОВҚАТЛАНИШ

Инсон ҳаётида асосий озиқ моддалар - оқсил, ёғ, карбонсувлар ва витаминлар қанчалик катта аҳамият касб этса, озиқ-овқат, сув ва атмосфера ҳавоси билан танага қабул қилинадиган маъданли ёки минерал моддалар ҳам шунчалик муҳимдир. Уларнинг тегиши мөъёрдан кам ёки кўп бўлиши турли ўзига хос хасталиклар юз беришига олиб келади. Лекин шунга қарамасдан уларнинг одам ҳаётидаги ўрни, танада кечадиган тириклик жараёнларидан биологик моҳияти нисбатан яқин вақтлардан бери ўрганила бошланди ва бундай фаолият асосан у ёки бу касалликларни даволаш ва олдини олиш билан бошланди. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида йод элементи унинг буқоқ касаллиги билан боғлиқлиги туфайли, темир ва мис эса камқонилик (анемия) билан боғлиқлиги сабабли 60 йилдан кўпроқ вақт олдин батафсил текширила бошланди.

Инсон организмда барча кимёвий элементлар учрайди, лекин уларнинг миқдори турлича, масалан, кальций 1,5-2,2 %, фосфор 0,8-1,2 %, айримлари эса жуда ҳам оз бўлади (темир ва магний - 0,0003 %, мис - 0,00015 %, йод - 0,0004 % ва ҳоказо). Шундай бўлсада, улар ҳаётий жараёнларнинг мөъёрий кечишида албатта иштирок этиши лозим. Шу билан бир қаторда тананинг ҳар бир аъзоси, ҳужайра ва тўқималарида кимёвий элементлар аниқ бир нисбатда бўлади.

Танадаги барча ҳужайралар ва улар орасидаги суюқликлар ўртасида кимёвий элементлар миқдори ва нисбати даставвал истеъмол қилинадиган овқатда бу моддаларнинг мавжудигига, уларнинг ошқозон-ичак тизимидан сўрилиш хусусиятларига ва бошقا сабабларга боғлиқ бўлади. Агар у ёки бу элементта тақчиллик сезилганида уларни дорихоналардан олинган дори сифатида қабул қилишдан кўра табиий манбалар, яъни мева-чевалар, сабзавот маҳсулотларини танлаб қабул қилишда кўпроқ эътибор қилиш керак. Чунки, инсон учун шу маҳсулотлардагина керакли кимёвий моддалар маълум миқдорда ва нисбатда бўлиб, уларни истеъмол қилиш билан танамиздаги ҳужайра ва тўқималарни тегиши равишда микро- ва макрозлементлар билан таъминлаш осон кечади. Ўсимлик маҳсулотларини «тирик» ҳолда истеъмол қилиш орқали барча кимёвий элементларни етарли миқдорда қабул қиласиз.

16-жадвалда турли хил ўсимлик маҳсулотларида айрим

биоген элементларнинг қанча учраши ҳақида маълумот келтирамиз.

16-жадвал

Озиқ-овқат сифатида ишлатиладиган ўсимлик маҳсулотларида учрайдиган маъданли моддалар миқдори (100 г маҳсулотда мг ҳисобида)

Маҳсулотлар	Маъданли моддалар					
	Na	K	Ca	Mg	P	Fe
Бугдой нон	495	180	33	54	130	2,4
Гречка	--	167	70	98	298	8,0
Гуруч	26	54	24	27	97	1,8
Ловия	40	1100	150	103	541	12,4
Нұхат	69	873	115	107	329	9,4
Картошка	2,8	568	10	23	58	0,9
Карам	13	185	48	15	31	1,0
Сабзи	21	200	51	38	55	1,2
Помидор	40	290	41	20	26	1,4
Бодринг	8	141	23	14	42	1,4
Лавлаги	86	228	37	43	43	1,4
Бош пиёз	50	225	87	10	58	1,0
Ош қовоқ	14	170	40	14	25	0,8
Шолғом	17	357	35	22	26	1,2
Шовул	15	500	47	85	90	2,0
Шивит	43	335	223	70	93	1,6
Тарвуз	16	64	14	224	7	1,0
Қовун	32	118	16	13	12	1,0
Олма	26	248	16	9	11	2,2
Нок	14	155	19	12	16	2,3
Зардоли	30	305	28	19	26	2,1
Гилос	20	256	37	26	30	1,4
Узум	26	255	45	17	22	0,6
Қызил қаламп.	19	163	8	11	16	--
Саримсоқ	120	260	90	30	140	1,5
Апельсин	13	197	34	13	23	0,3
Лимон	11	163	40	12	22	0,6
Қароли	18	214	28	17	27	2,1

4.1. Натрий

Бу элемент танаңдаги барча ҳужайра, түқималар ҳамда биологик суюқликлар таркибида кенг таркалган булиб, у асосан ош тузи, яъни натрий хлор күринишида овқат ва ичиладиган сув билан қабул қилиб турилади. Шунинг учун унинг организмдаги моҳиятини баён қилишда гапни ош тузидан бошлаймиз. Ош тузи күпинча иккى хил күринишида, яъни саноат йўли билан қайта ишланган соф натрий хлор ва дengiz суви таркибида бўладиган ва бу сувни буғлатиш йўли билан ёки узоқ йиллар мобайнида дengiz тубига чўкма ҳолида тўплангандан кон тузи күринишида ишлатилади. Кон тузи таркибида ош тузидан ташқари яна бир қатор организмда нормал физиологик жараёнлар кечиши учун керак биомикроэлементлар мавжуд. Шу боисдан овқат учун, турли хил маҳсулотларни тузлаш учун (бодринг, карам, помидор, балиқ, гўшт ва бошқалар) кон тузидан фойдаланиш тавсия қилинади. Саноат йўли билан тайёрланиб сотувда бўладиган ош тузида кон тузидағи сингари фойдали хусусиятлар кам бўлади. Агар ҳайвонлар олдида бир идишда кон тузи, иккинчисида оддий ош тузи қўйиб қўйилса, улар кон тузини маъқул кўришади. Чунки, бу билан улар нафақат натрий хлорга бўлган эҳтиёжини қондиради, балки бошқа элементларни ҳам тегишли нисбатда ола олади. Кон тузининг бошқа тузларга нисбатан афзаллигини ҳайвонлар фарқига боради, лекин одамлар аксарият ҳолда бунга зътибор беришмайди, дуконларда қайта ишланиб оппоқ ҳолга келтирилган тузни истеъмол қилишади. Бундай туз асосан соф натрий хлор бирикмасидан иборат холос. Кон тузи ва дengiz суви буғлатилиб олинган туз таркибида натрий, кальцийдан ва бошқа элементлардан ташқари магний элементи ҳам бўлади. Магний эса саратон (рак) касаллигининг олдини олишда муҳим макроэлементdir. Онкологларнинг аниқлашича, агар ҳайвонга магнийсиз овқат берилса уларда тез-тез қон раки келиб чиқар экан. Шу нарса сир эмаски, дengиз маҳсулотларидан кўпроқ истеъмол қилиб кон тузини ишлатадиган мамлакатларда (Испания, Япония) кишилар анча соглом бўлишади. Шундай кичик бир тажриба қилиб кўриш мумкин, бир хил лаҳм гўштдан иккى бўлак олиб бирини оддий кимёвий тоза туз билан, иккинчисини эса майдаланган кон тузи билан тузлаб бир жойга қўйинг. Оддий туз ишлатилган гўшт иккинчисига қараганда тезроқ айнийди, могорлади.

Баъзи бир касалликлар борки, улар билан оғриган bemorлар тузни ниҳоятда кам миқдорда қўллаши ёки умуман ишлатмаганилиги мақсадга мувофиқ. Булар жумласига айрим буйрак касалликлари (анурия ёки сийдик ажратувчи танаачаларнинг яллигланиши), семизлик, хафақон, саратон ва бошқалар киради.

Соғлом одам суткасида ўртача 6-8 г ош тузи истеъмол қилиши меъёр ҳисобланади. Лекин иссиқ шароитда давомли жисмоний меҳнат қиладиганларда бу кўрсаттич 15-20 г гача етиш мумкин. Одам иссиқ кутилари оғир меҳнат билан шугулланса, танасидан ажралган тер суюқдигининг умумий миқдори суткасида 10 литргача етиши мумкин. Бунда тер билан 50 г гача ош тузи танаадан ажралиб чиқади. Бундай пайлари йўқотилган туз ўрнини қоплаш мақсадида ичиладиган сувга озмунча кон тузидан кўшиб қўйиш керак. Яна турли хил микроэлементларга бой минерал сувлардан ичиш фойдали ҳисобланади. Одам танасидан ажралган тер суюқдиги таркибида аминокислоталар, мочевина, витаминалар ва турли хил маъданли моддалар кўп бўлади. Жумладан, 100 г тер суюқдигида 10 мг кальций, 40-45 мг калий, 49-166 мг хлор бўлиши мумкин. Шуларни эътиборга олган ҳолда юқори ҳароратда меҳнат қиладиган одамларнинг истеъмол таомларини албатта минерал моддалар билан бойитиш керак. Бизнинг иссиқ иқдим шароитида кўп терлаш натижасида фақат тоза сув истеъмол қиласвериши билан чанқоқ босилиши қийин, шунинг учун бир йўла кўп сув ичишга тўғри келади. Бу ҳолат ўз навбатида юрак-қон томирлари, ажратиш аъзолари тизими фаолиятига катта юклама туширади, одам ланж бўлиб юрак уриши тезлашади, меҳнат қилиш қобилияти пасайиб кетади. Бундай пайлари кўпроқ сабзавот ва мевалардан тайёрланган салатлар еб уларнинг шарбатларидан ичиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади, чанқоқ босилади. Чунки, қайд қилинган маҳсулотларни истеъмол қилиш билан терлаш туфайли йўқотилган маъданли моддаларнинг ўрни тегишли нисбатда қопланади. Соғлом бўлиш ва юқори меҳнат унумдорлигига зга бўлиш учун мана шу қайд қилинган тавсияларга албатта амал қилиш керак. Ёзниг иссиқ кунларида шаҳар ва қишлоқларда мева-чева ва сабзавотлар мўл-кўл бўлади ва улардан кераклигича фойдаланавериши имкониятига кўчилик эта.

4.2. Калий

Бу элементнинг муҳим томони шундан иборагки, у организмдаги барча "юмшоқ" тўқималарнинг меъёрий ишларини таъминлайди (мия, буйрак, ошқозон-ичак, жигар, ички секреция безлари, тана ва юрак мускуллари). 16-жадвалда кўринганидек калий кўпгина ўсимлик маҳсулотларида анча мўл бўлади. Булар ловия, нўхат, картошка, шолғом, олма, зардоли, қароли, саримсоқ ва бошқалар. Шу билан бирга у айрим ҳайвон маҳсулотларида, масалан, мол гўштида (241 мг/100 г), балиқда (162 мг/100 г), сутгда (127 мг/100 г) анчагина учрайди. Одам кундалик истеъмол қиладиган овқати билан ўзига етарли бўлган калийни йигиб олади. Одатда калийга бўлган суткалик талаб 3-6 г атрофида, лекин калийга бўлган талаб натрийни (ош тузини) кўп истеъмол қилиш билан ошиб кетади. Натрий билан калийнинг истеъмол қилишдаги нисбати 2:1 бўлиши лозим, яъни икки ҳисса натрийга бир ҳисса калий тўғри келиши керак. Бу нисбат бузилганидан кейин кўпчилик тўқималарда меъёрий алмашинув жараёнлари бузилиб у ёки бу аъзоларда шиш пайдо бўлади. Чунки, танада натрий кўпайса унинг сувни ушлаб қолиш ҳусусияти туфайли тўқималар орасида суюқликлар миқдори ошиб сувли шиш пайдо бўлади. Бундай пайтлари калийга бой маҳсулотлардан кўпроқ истеъмол қилиш, касалланган аъзога калийга анча бой бўлган аралашма - асал қўшилган олма сиркасини суртиш керак.

Калий алмашинув жараёнлари нуқтаи назаридан натрийнинг антагонисти ҳисобланганлиги учун у қанчалик танада кўпайса натрий шунчалик ажратиш аъзолари орқали ташқарига чиқариб юборилади. Тўқималарда натрийнинг камайипи билан ошиқча суюқлик ҳам бартараф қилинади. Ушбу усулдан танада пайдо бўлган шишларни, яллигланишларни йўқотишда яхшигина фойдаланса бўлади. Бунинг учун, юқорида қайд қилганимиздек, олма сиркасига асал қўшиб оғриган жойга суртиш ва ҳар куни 1 стакан сувга 1 чой қошиқ сирка ва шунча асал қўшиб ичиб туриш керак (кунузоги билан бундай аралашмадан 3-4 стакан ичилади).

Калийнинг танага тегишли миқдорда қабул қилиб турилиши томирларда натрий тузларининг чўкма бўлиб тўпланишини камайтиради ва шу йўл билан склероз касаллигининг олдини олишни таъминлайди.

4.3. Кальций

Бу маңданли модда ҳам натрий, калий каби асосан туз күринишида қабул қилинади. Таңадаги кальцийнинг 99 % и сүяклар, тишлар ва тирноқлар таркибида бўлади, қолган 1 % и қон ва бошқа биологик суюқликларда ҳамда "юмшоқ" тўқималарда учрайди. Лекин, кальцийнинг аҳамияти фақат сүяклар ва тишларнинг шаклланиши билан чекланиб қолмасдан у қон ҳосил бўлиши ва ивиши, нерв ва мускуллардаги кўзгалувчанлик, хужайра мембрранасида кузатиладиган ўтказувчанлик жараёнларида фаол қатнашади. Кальцийга бўлган суткалик талаб ўртача 800 мг ни ташкил қилади, ёш болалар ва кекса одамларда бу кўрсаттич 1000-1200 мг гача бўлади. Ён болаларда сүякнинг ўсиши учун қўшимча кальций зарур бўлса, кекса кишилар ошқозон-ичак трактида кальций сўрилиши ёмонлашгани учун ундан кўпроқ истеъмол қилиб туришлари керак.

Юқоридаги жадвалга асосан кальцийга бой маҳсулотларни танлаб эҳтиёжни қондириб бориш мумкин. Жадвалда келтирилган маҳсулотлардан ташқари яна кальций сут, қатик, пишлоқ таркибида ҳам мўл бўлади.

Истеъмол таомлари билан қабул қилинадиган кальций кераклигидан кам бўлса ёки унинг ошқозон-ичак тизимидан қонга сўрилиши пасайса, сүякдаги кальций қонга чиқиб кетади, нагижада скелет сүяклари галвирсимон бўлиб қолади. Бундай сүяк мўрт бўлиб, сал-пал зарба таъсирида тез синади. Бу ҳолатни айниқса кекса одамларда кўп кузатиш мумкин, чунки уларда юқорида айтганимиздек кальцийнинг қонга сўрилиши анча кучсиз бўлади. Таркибида кальций камайиб галвирсимон бўлиб қолган сүякларга биринчи навбатда жаг сүяклари киради. Кекса кишиларда тана таркибидағи кальцийнинг камаймаслиги учун уларга кальций глюконат сингари дорилардан ташқари бу элементга бой бўлган ўсимлик маҳсулотларидан истеъмол қилиб турish тавсия қилинади. Гап шундаки, кальцийнинг ўз вақтида танага яхши сингиши учун фосфор, D, C, B₉ витаминалар керак. Шунинг учун организмни кальцийга бойитиш учун бу витаминларнинг ҳам таомларда тегишли даражада бўлишини таъминлаш лозим. Маълумки, бир йўла кальций ҳамда фосфорга бой маҳсулотлар бўлиб, олма, ловия, нўхат, бодринг, карам, шолғом, қатик, пишлоқ, тухум сариги, сариёғ ва бошқалар ҳисобланади. Булардан ташқари кунжут уруги энг кўп кальций сақлайдиган маҳсулотdir. Кунжут ёғини куйдирмасдан

ииплатиш мумкин, унда нафақат кальций, балки бошқа маъданли моддалар ва витаминалар ҳам мўл бўлади. Кунжутнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг ёғи тез ҳазм бўладиган энг фойдали ёғ ҳисобланади. Кальций ичимлик суви таркибида қабул қилиб турилади. Бу борада айниқса "қаттиқ" сув (құдуқ ва булоқ суви) муҳим аҳамиятта эга. Унинг таркибида бир қанча микрозлементлар (магний, литий, рух, кобальт ва бошқалар) билан бир қаторда кальций кўп бўлади. Шунинг учун ичишга "юмшоқ" сувдан кўра "қаттиқ" сув маъқул. "Юмшоқ" сув таркибида натрий элементи "қаттиқ" сувга нисбатан кўп бўлади, натрийнинг эса кўп истеъмол қилганларга хавфли томонларини биз айтиб ўтган эдик.

4.4. Фосфор

Бу маъданли модда мия, мускуллар, ички секреция безлари ҳамда тер безлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Мускуллар фосфорли бирикмаларнинг тўпланадиган асосий жойи ҳисобланади.

Фосфор бирикмалари овқатли моддаларни парчаловчи ферментлар таркибига киради. Энг муҳими - фосфорли гуруҳлар АДФ билан бирикиб танадаги барча ҳужайраларнинг физиологик фаолиятини таъминлаб турадиган АТФ ҳосил қиласи. Фосфор кальций билан биргалиқда суюклар ва тишларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятта эга.

Одамнинг фосфорга бўлган суткалик талаби 1600 - 1800 мг ни ташкил қиласи. У гўшт маҳсулотларида, сут ва сут маҳсулотларида, тухум ҳамда айрим ўсимлик маҳсулотларида кўп бўлади. Унга энг бой маҳсулот, жадваlda кўриниб турганидек, ловия ва нўхат ҳисобланади.

Организмда фосфор алмашинуви кальций алмашинуви билан чамбарчас боғлиқ. Один қайд қилганимиз сингари, кальцийнинг танага сўрилиши фосфорсиз ўтмайди ёки фосфор ўзлаштирилишида албатта кальций керак. Шунинг учун фосфорга тақчиллик ҳам фосфорли, ҳам кальцийли маҳсулотларни танлаб истеъмол қилиш билан бартараф қилинади.

Одатда кальций ва фосфор ўртасидаги нисбат 1:1,0-1,5 бўлганида улар яхши ўзлаштирилади ва бу иккала элемент иштирокида юз бериб турадиган физиологик жараёнлар меъёрида бўлади. Баъзан гўшт ва балиқни кўп истеъмол қилувчиларда (шимолий қутбда япончилар) айтиб ўтилган нисбат бузилиб, 1:3,9 га ўзгаради.

4.5. Магний

Организмда магний қатнашмаган бирорта ҳам ҳаётий жараён бўлмайди. Маълумки, танадаги ҳар бир аъзо тегишли ҳужайралар йигиндисидан иборат, ана шу ҳужайраларнинг фаолиятида бу биозлемент фаол қатнашади. Шунинг учун ҳам магний етишмаса одамда турли туман хасталиклар юзага келади, масалан, асабийлашиш, уйқунинг бузилиши, тез чарчаш, бош оғриги, бош айланиши, об-ҳаво ўзгаришига сезирлик, паришонхотирлик, юракнинг тез ури-ши, юрак ишлаш ритмининг бузилиши (аритмия), ошқозон ичак тизимида оғриқ пайдо бўлиши, ич кетиш ва бошқалар.

Магний организмдаги «ахборот узатиш» жараёнини бошқариб боради. Гап шундаки, нерв толаси бўйлаб импульсларнинг ўтиши асосан кальций ва магний ионларининг ҳаракатланиши билан амалга оширилади. Шу боисдан магнийнинг камайиши ахборотларнинг тана бўйлаб тарқалишига салбий таъсир қиласи, натижада ҳаётий жараёниларнинг бошқарилиши бузилади.

Магний бир қатор касалликларни, жумладан склероз, миокард инфаркти, асаб тизими хасталиклари, ички секреция безлари касалликлари, қон касалликлари, саратон ва бошқаларни даволаш ва олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, юрак-қон томирлари касалликлари қонда холестерин моддасининг кўшайиши билан хуруж қиласи. Холестерин миқдорининг бошқарилиши учун В₆ витамин (пиридоксин) керак. Пиридоксин эса магнийсиз ишлай олмайди. Шу боис танада холестерин миқдорининг меъёридан ошиб кетмаслиги учун истеъмол таомларида магний миқдорини кўпайтириш керак. Бундай маҳсулотларга майса ҳолигача ўстирилган бутдой дони, ловия, нўхат, соя, мош, тухум сариги, пишлок, қатиқ, қаймоқ, балиқ, карам, лавлаги, картошка каби ўсимлик ҳамда ҳайвон маҳсулотлари киради. У ёки бу сабабларга кўра юқоридаги маҳсулотлар етарли даражада бўлмаса ҳар куни 500-600 мг чамаси магний тузларидан (магний сульфат, магнесол ва бошқалар) қабул қилиш тавсия қилинади.

Кўпгина кардиолог олимларнинг аниқлашича, танада озмунча магний етишмаслиги дастлаб ҳар хил касалликларга, бундай тақчиллик чуқурлашган сари миокард инфарктига олиб келар экан.

Кудук ва булоқ сувларида кальций билан бир қаторда магний ҳам «юмшоқ» сувдагига қараганда мўл бўлади. Бундай

сувда овқат тайерлайдиган ва ундан ичимлик суви сифатида фойдаланадиган аҳоли орасида юрак касалликларининг, жумладан гипертониянинг, миокард инфарктининг кам бўлиши статистик маълумотларда қайд қилинган.

Маълумки, ҳозирги замон кишиси турли хил стресс-омиллар (кучли ҳис-ҳаяжон, юқори ҳарорат, камҳаракатлилик ёки гиподинамия, серташвишлилк, режалаштирилган ишларни улгурмаслик ва бошқалар) таъсирида яшайди. Бундай ҳолатда кишининг магнийга бўлган эҳтиёжи ошади. Агар истеъмол қилинадиган овқатларда магний етишмаса бунинг устига яна кучли стресс омиллар таъсир қилиб турса юрак-қон томирлари хасталикларининг келиб чиқиши учун кенг йўл очилади. Магнийнинг одам танасига жуда серқиррали таъсири шу билан тушунтириладики, у кўп ферментларнинг бевосита таркибиға киради, ферментларсиз эса тирик организмда моддалар ва энергия алмашинуви қарийб содир бўлмайди.

Кўтарилиган қон босимини меъёрига туширишда ёки гипертонияни бартараф қилишда магнийнинг аҳамияти катта. Гап шундаки, қон босими турли сабабларга кўра қон томирларининг торайишидан юзага келади. Масалан, ҳар хил стресс-омиллар, жумладан аччиқланиш, хафа бўлиш, руҳан тушкунликка тушиш, доимий равищда ташвишланиш, қаттиқ ҳаяжонланиш, ҳар хил нокулай об-ҳаво омилларининг таъсири танада заҳарли моддаларнинг кўпайиши ва бошқалар қон томирларининг торайишига олиб келади. Мана шундай пайтлари торайган томирларнинг ўз ҳолатига қайтариш учун магний жуда зарур (у марказий ва периферик нерв системасига ижобий таъсир қиласи), организмни тинчлантирувчи омил бўлиб ҳисобланади. Магний таъсирида ошқозон-ичак ҳаракатлари тезлашади, у ўт суюқлиги ажралишини рагбатлантиради. Шунинг учун ҳам ўт суюқлиги ажралишини кучайтириш учун магнезия қабул қилинади.

Магний буйракларда, ўт ва сийдик қопида тош қолишининг олдини олади. Каламушларда ўтказилган тажрибалар шу нарсани кўрсатадики, ҳайвонларга бериладиган овқат таркибидан магний моддаси бутунлай олиб ташланса, уларнинг буйракларида тошлар ҳосил бўлар экан. Одамларда ҳам ўт ва сийдик қопларида қум ва оксалат тош ҳосил бўлишининг олдини олишда магнийли маҳсулотларни истеъмол қилиб туриш жуда катта фойда беради. Баъзи кишиларда маълум сабабларга кўра ўт қопида ёки буйракларида тош ҳосил бўлиб, бу тошлар олдириб ташлангандан кейин улар

овқатланишига күпроқ эътибор бериш керак. Тош қолишининг асосий сабабларидан бири бундай одамлар истеъмол қиласиган таомлар миллий анъана ва тегишли одатлар боис магний элементига жуда камбагал бўлиши, ёки қабул қилинаётган кальций ва магний нисбати бузилганлигидир. Ут қопи ёки сийдик йўлларидан тош олдирғанлар яна аввалгилик овқатланаверса қайтадан тош қолиш хавфи туғилади. Буйракларда тош ҳосил бўлишига йўл қўймаслик учун зинг муҳим тадбир тегишли равишда тўғри овқатланишдир. Бунинг устига истеъмол қилинадиган овқатларнинг 70 % и тирик маҳсулотлардан, қолган 30 % и эса қайнатилган, пиширилган озик-овқатлардан иборат бўлиши тавсия қилинади. Шу нарса аниқланганки, Финляндия ва Африкада айрим аҳоли гурӯҳлари нуқул табиий маҳсулотлар билан овқатланишади, бунинг устига мева-чевалар, сабзавотлар ва донларнинг пўстини олмасдан истеъмол қилишади. Уларда магний, кальций, бошқа маъданли моддалар ва витаминаларга тақчиллик кузатилмайди. Шунинг учун ҳам улар буйракларда тош қолиш нима эканлигини билишмайди.

Агар одам фақат юқори навли ун ва ундан тайёрланган нон, макаронлар, турли хил ширинликлар, пишириклар, шакар истеъмол қилиб, мева-чева, сабзавотларни тирик ҳолда емаса унинг танасида магний тақчиллиги вужудга келиб у тез асабийлатадиган, тез чарчайдиган, ёмон ухлайдиган ҳатто ақлий жиҳатдан ҳам нуқсон ларга эга бўлиб қолади. Матъумот учун шу нарсани эслатамизки, шакар рафинатида, ҳар хил шинниларга (масалан, тут, лавлаги шинниси) қараганда магний 200 марта кам бўлади.

Магнийнинг кам истеъмол қилиниши унинг организмда камайиб кетишига олиб келади ва натижада одам тез чарчаб, оёқларнинг тез-тез увишиб қолишига, нажас чиқаришда оғриқ пайдо бўлишига, танадан ёқимсиз ҳид тарқалишига олиб келади.

Одам бу элементдан ҳар суткасида 300-600 мг қабул қилиб туриши керак, шунда унинг соглиги анча яхши бўлади. Бундай миқдордаги магнийни биз какао, ловия, нўхат, ёнгок, соя ва бошқа магний элементи кўп маҳсулотлардан оламиз. Ярим стакан ловияда 150 мг, шунча миқдордаги соядга зса 200 мг магний бўлади.

4.6. Рух

Бу элементнинг фойдалилигини инсоният анча илгари сезган, масалан, қадимги араблар танадаги жароҳатларнинг рухлик аралашма ёрдамида тезроқ тузалишини аниқлашган. Кейинчалик XX асрнинг бошларида, каламушлардаги тери куйиши ва бадандаги ҳар хил жароҳатлар, агар улар овқатдаги рухлик маҳсулотлар етарли бўлса тезроқ яхши бўлиши тажрибаларда тасдиқланган.

Одам қонида рух миқдорини аниқлашида шу нарса қайд қилинганки, давомли суратда ва кўп миқдорда ширинлик ҳамда тузли маҳсулотлар истеъмол қилинса, турли хил касалликларни даволашда кортизон кўп ишлатилса ва ҳомиладор бўлишнинг оддини олиш учун дори-дармонлардан тез-тез фойдаланилса бу элементга нисбатан тақчиллик юзага келар экан. Рухнинг танада камайиб кетиши дастлаб суюкларнинг галвирсимон бўлиб қолишига олиб келади. Бу жараёнда албатта кальций, фосфор, магний, фтор ва кремнийларнинг ҳам тақчиллиги ўрин тутади. Болаларда рухнинг тақчиллиги дастлаб Прасада касаллигига олиб келади. Бундай болаларнинг бўйи ўсмай қолади, жинсий ривожланиши жуда секин бўлади, тана териси қуруқлашади, иштача кучсиз бўлиб, жигар ва талоқ анча катталашган бўлади.

Рух етишмаслиги туфайли содир бўладиган белгилардан бири бу ич кетишидир. Бундай одамларда ҳаракат координацияси бузилиб, бармоқлар қалтирайди, қўзгалувчанлик кучайиб кетади. Яна шу нарса муҳимки, рухга нисбатан тақчиллик кучайса, жигарда заҳира сақланадиган А витаминнинг фойдаси йўқ. Бу витамин фақат рух етарли бўлгандагина жигардан ажралиб чиқиб одам организми эҳтиёжлари учун сарфланади. Алъкогол таъсирида танада рухнинг камайиб кетиши ҳайвонлар устида олиб борилган тажрибаларда кузатилган. Агар каламушларга оз-оздан этил спиртининг эритмасидан бериб борилса, улар танасида спирт қабул қилмаган гуруҳ ҳайвонларига қараганда рух миқдори сезиларли даражада пасайтганлиги кузатилади.

Болаларда рух етишмаслигидан иштача йўқолади, соч жуда секин ўсади, ҳар хил метал буюмларни ялаш ва ютиш иштиёқи пайдо бўлади. Рухга бўлган тақчиллик яна камқонликка олиб келади. Организмнинг рухга бўлган талабини қондиришида энг самарали йўл шу элементга бой маҳсулотлар билан озиқланишидир. Унинг манбалари сероб бўлиб, энг кўп учрайдиганлардан биринчи навбатда энди ўсаётган

буғдой майсаси, буғдой кепаги, мол жигари, балиқ, қүён гүшті, тухум сариги, какао, ёнгоқ, ловия, иұхат, күк чой, олма, апельсин, лимон, анжир, асал, лавлаги, помидор, картошка, шолғом, саримсоқ ва бошқалар.

Бир сутка давомида одам организмінде үртача 10-20 мг рух керак. Рухнинг шундай бир хусусияти борки, у мавжуд маҳсулотлар күпроқ истеъмол қилинса ҳам бу элементтің танадаги миқдори ошиб кетмайды. Рухнинг зиёда қисми ажратыш айзолари орқали ташқарига чиқарып юборилаверади.

4.7. Темир

Одам танасидаги барча ҳаёттің жараёнларнинг меъёрида бориши учун натрий, калий, кальций, фосфор, магний билан бир қаторда темир ҳам жуда зарур. Одам танасидаги мавжуд темирнинг 57 % и гемоглобин таркибида, 7 % и мускулларда миоглобин күренишида, 16 % и түқималарда учрайдиган металлоферментлар таркибида, қолган 20 % и эса жигар, талоқ, буйракларда, илиқда захира ҳолда туради. Унинг суткалик меъёри үртача 3-5 мг ни ташкил қилиб, истеъмол қилинадиган таомларда темир кам бўлса одамда дарҳол бу элементта нисбатан тақчиллик юзага келади ва у иш қилганда тез чарчаш, тери рангининг оқдиги, нафасга тўймаслик каби ҳолатлар билан характерланади. Бу белгиларнинг пайдо бўлиши қонда кислород ва карбонат ангидридни ташувчи гемоглобин моддасининг камайиб кетишидир, гемоглобин эса темир элементтисиз ҳосил бўлмайди. Гемоглобин қизил қон таначаларининг ёки эритроцитларнинг асосини ташкил қиласи. Битта эритроцитда 250 миллионта гемоглобин молекуласи бўлиб, унинг ҳар қайсисида 1 тадан темир атоми бўлади. Маълумки, эритроцитлар асосан иликларда ҳосил бўлади ва 30-90 кундан кейин жигар, талоқда ўз вазифасини ўтаб ўлади ва бир вақтнинг ўзида таркибидаги темирни ҳам йўқотади. Шу боис янги эритроцитларнинг шаклланиши ва ҳосил бўлиши учун озиқ-овқат маҳсулотлари билан темир доимий суратда қабул қилиб турилиши шарт. Бугун дунё соглиқни сақлаш ташкилотининг эълон қилган маълумотла-рига қараганда камқонлилик (анемия) ер юзидағи аҳолининг 20 % ида учрайди. Шу касалликнинг 80 % и темир этишмаслиги туфайли бўлар экан.

Турли хил озиқ-овқат маҳсулотлар билан организмга қабул қилинадиган темирнинг 10 % и ўзлаштирилади, яни қонга сўрилади. Шу нарсанни қайд қилиш керакки, ўсимлик

маҳсулотларидаги темирга нисбатан ҳайвон гүшти ва жигардан у анча яхши ўзлаштирилади (ўсимликлардаги темирнинг 1 % и организм томонидан ўзлаштирилса, гүштдан 10-25 % ўзлаштирилади). Баъзи бир озиқ моддалар темирнинг ўзлаштирилишига салбий таъсир қилади, буларга сут, тужум ва чой киради. Чой кўп ичилса темирнинг ўртача ўзлаштирилиши 10-12 % дан 2% га тушиб қолади. Шунинг учун ҳам кам қон одамларнинг аччиқ чой ичмаслиги тавсия қилинади.

Ҳомиладорлик пайтида темирга бўлган талаб анча ошади, лекин бундай аёлларнинг кўпчилиги бу пайт одатдагидек овқатланаверишади, ҳомиладор оналарнинг шу боис 33-73 % ида темир дефицитли анемия пайдо бўлади. Бундай анемияга учраган аёлларда бола ташлаш, эртаки бола тугилиши ва ҳатто боланинг ўлик тугилиши ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун бу кўрсаттични оқилона овқатланишни ташкил қилишда ҳисобга олиш лозим. Шуниси ҳам борки ҳар хил маҳсулотлардаги темир ичаклардан турли даражада сўрилади. Унинг сўрилишини яхшилаш учун истеъмол қилинаётган овқатларга С витаминга бой кўкатлардан қўшиш лозим, масалан тухум саригидаги темирнинг максимал даражада қонга ўтиши учун унга петрушка, шивит ва бошқа кўкатларни қўшиб истеъмол қилиш керак. Шунингдек итбурун, апельсин, лимон каби мева шарбатлари ҳам темир ўзлаштирилишини анча жадаллаштиради. Кекса одамларда темирни ўзлаштириш анча секин кечади. Шу боис улар овқатида С витаминга бой маҳсулотлар бошқаларникига қараганда кўпроқ бўлиши керак.

Темир моддаси мўл озиқ овқатларга мол гўшти, жигари, тухум сариги, кепаги ажратилмаган ундан тайёрланган нон, буғдой кепаги, карам, қароли, зардоли, майиз, ёнғоқ, кунгабоқар ва ошқовоқ уруғи, буғдой майсаси, ловия, нўхат ва бошқалар киради. Буғдой уни кепагидан ажратилса темир миқдори сезиларли даражада камайиб кетади, масалан, кепакли уннинг 1 кг да 30 мг темир бўлса, у кепагидан ажратилганидан кейин бу кўрсатгич 8,2 мг га тушиб қолади.

Тайёрланадиган салатларни темирга бойитишнинг энг осон йўли унга буғдой кепагидан сепиб истеъмол қилишадир. Темирга бой маҳсулотлардан яна бири бу қанд, новволлар тайёрланадиган шиннилардир. Шунингдек олма, нок, гирос, ертут, шафтоли ва қаролида ҳам темир мўл. Кундалик овқатда ва консервалар тайёрлашда кон тузидан фойдаланиш оддий ош тузига қараганда организмни темир билан етарли

даражада таъминланиши борасида мұхим ақамият касб этади. Бир килограмм кон тузи таркибида 450 мг темир бўлади.

Темирга энг бой ўсимликлардан бири бу учма ўтдир (крапива), шу боис камқонлиликни даволашда табиблар ундан кенг кўламда фойдаланиб келишган. Бу ўсимлиқдан олинган шарбатта (сиқиб сувини чиқариш йўли билан) бироз асал аралаштириб ичилса, танани темирга бой қиласи.

4.8. Мис

Ушбу элементнинг одам организмига таъсири анча илгаридан маълум бўлган. Масалан, мис конларида ишлайдиганлар радикулит касаллиги билан кам хасталантган, уларда қон босими ҳам сезиларли даражада кўтарилиб кетмаган ва саратон (рак) кам учраган.

Мис қон ҳосил бўлишига ижобий таъсир кўрсатади (маълум бир миқдоргача албатта) у тақчила бўлса жигарда темир миқдорда етарли бўлса ҳам гемоглобиннинг ҳосил бўлиши қийинлашади. Моддалар алмашинувида иштирок қиладиган айрим ферментлар мис иштироқида ишлайди. Мис нерв толаларини ўраб турадиган ва уларда ўтказувчанликни яхшилайдиган миелин пўстининг ҳосил бўлишида фаол қатнашади. Мисга тақчиллик икки ҳолатда, яъни унинг истеъмол таомларида етишмаслиги ва овқат билан етарли миқдорда қабул қилинган элементнинг ичаклардан ёмон сўрилиши туфайли рўй беради. Мис етишмаслиги туфайли соч оқаради, бунинг олдини олиш учун шу элементта бой маҳсулотлар - ёнгок, тухум сариги, қатик, қора нон, жигардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Яна у женшень ўсимлигининг баргларида энг кўп бўлади.

Мисга бўлган суткалик талаб 1-3 мг, лекин унинг танада кўпайиб кетиши заҳар каби таъсир этади. Айниқса унинг олтингугурт билан бирикмаси анча хавфли. Консерва, овқат мисли қозонларда тайёрланса, уларнинг таркибида С витамин тамоман йўқолар экан.

4.9. Йод

Одам учун зарур маъданли моддалардан бири ҳисобланади. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда қалқонсимон безининг катталапиши билан боғлиқ касалликни дengиз булувларининг кули билан даволашган. Кейинчалик бу модданинг йод эканлиги аниқланди. Йод етишмаслиги натижасида моддалар алмашинуви бузилиб, қалқонсимон без катта-

лашади, сочлар туша бошлайди, тана ҳарорати пасаяди, одам жисмонан ва ақлий жиҳатдан күчсизланиб қолади.

Йод қалқонсимон без гормони - тироксиннинг синтез-ланиши учун керак. Йод етишмаслиги туфайли қалқонсимон безнинг касалланиши денгиздан узоқ, тог ва тог олдида яшайдиган ахоли орасида кўп учрайди. Бунинг сабаби шундаки, қайд қилинган ҳудудлардаги йод биримларини тупроқдан ёмғир сувлари ювиг кетади ва истеъмол қилинадиган маҳсулотларда унинг миқдори камайиб қолади. Денгиз маҳсулотларида (дengиздан тутиладиган балиқлар, дengиз ўсимликлари) йод кўп бўлади. Денгизга яқин жойларда йод танага овқатдан ташқари ҳаво ва сув билан ҳам киради. Шунинг учун дengизлар билан ўраб олинган Японияда ахоли қалқонсимон без фаолияти бузилиши билан боғлиқ касалликлар (буқоқ, микседема, Базедов касаллиги ва бошқалар) билан кам хасталанади. Тайванликлар эса дengиз маҳсулотларидан маҳаллий урф-одатта кўра фойдаланишмайди, шунинг учун уларда бу касаллик кўпроқ учрар экан.

Одам учун суткасида 100-200 мкг йод талаб қилинади ва унинг 90 % и ўсимлик маҳсулотлари билан қабул қилинади (абсолют рақамларда эса бу кўрсаттич қўйидагича тақсимланади: 70 мкг ўсимликлардан, 40 мкг гўшт ва гўшт маҳсулотларидан, 5 мкг ҳаводан, 5 мкг сувдан).

Йодга бой маҳсулотларга дengиз балиқлари, тухум, гўшт, дengиз ўсимликлари, шолғом, саримсоқ, қовун, сабзи, карам, картошка, пиёз, помидор, ловия, узум, шовул ва бошқа кўкатлар киради. 1 кг ҳар хил сабзавотларда 20-30 мкг, 1 кг донлар йигиндисида (буғдой, арпа ва бошқалар) - 50 мкг, 1 л сувда - 55 мкг, 1 дона тухумда (хомида) - 35 мкг, 1 кг балиқда 100-200 мкг йод учрайди.

17-жадвалда озиқ-овқат маҳсулотларидан айримларида йод миқдори тўғрисида маълумот келтирамиз.

17-жадвал

Йоднинг айрим озиқ-овқат маҳсулотларидаги миқдори (100 г маҳсулотда мкг ҳисобида)

Маҳсулотлар	Йод миқдори	Маҳсулотлар	Йод миқдори.
Тухум	60	Сабзи	35
Сут	45	Картошка	32
Пиёз	44	Ловия	24
Шовул	39	Қора нон	14
Карам	37	Нўхат	10

Шуни айтиб ўтиш керакки, озиқ-овқатларни пишириш, қайнатиш туфайли уларнинг таркибидаги йод анча камайиб кетади. Масалан, гўшт қовурилганида ундаги йоднинг 64,5 %, қайнатилганида 48,3 %, картошка қайнатилганида 37-40 %, нон пиширилганида 38,7-84,0 % гача йод йўқотилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ вақт сақлашда тегишли қоидаларга риоя қилинмаса, улардаги йоднинг 35,5 % и йўқолиши мумкин.

Йодга бўлган тақчилликнинг оддини олиш учун ош тузи калий йод билан ёки натрий йод билан бойитилади. Бунинг учун айтилган йод бирикмасидан ҳар 100 кг ош тузига 1,0 - 2,5 г кўшилади.

Йоднинг спиртдаги эритмаси ёки сувдаги аралашмаси дезинфекцияловчи, заарсизлантирувчи, куйдирувчи модда сифатида тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади (операция юзасини, қўлни дезинфекциялаш, яралар ва жароҳатларга суртиш ва бошқалар).

Овқатланишда кон тузидан фойдаланиш кишининг йодга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки кон тузи таркибида бошқа микроэлементлар билан бир қаторда йод ҳам мавжудdir.

Денгиз ҳавосидан нафас олиш қалқонсимон без фаолияти бузилганда катта ёрдам қиласди. Бу ўринда Болтиқ ва Қора денгизлар алоҳида аҳамиятта зга, чунки улар сувининг таркибида йод кўп бўлади.

4.10. Кобалът

Бу маъданли модданинг биологик аҳамияти аниқланганига нисбатан кўп вақт ўтган бўлмасада, у шундай элементлар қаторига кирадики, унинг меъёридан ками ҳам кўпи ҳам организмга зарар келтиради.

Кобалът B_{12} витаминининг (кобаламин) таркибий қисмига киради. B_{12} витамин молекуласида 1 атом кобалът бор, унга бўлган тақчиллик камқонлик (анемия) касаллигини чиқаради.

Кобалътга бўлган суткалик эҳтиёж ўртача 14-78 мкг, камқонлик аломатлари сезилганида бу кўрсатгич 50-150 мкг гача бўлади.

Кобалътнинг асосий манбалари бўлиб, жигар, буйраклар, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, буғдой ва гречка ёрмаси, маккажӯхори, ловия, нўхат, саримсоқлар ҳисобланади (18-жадвал).

**Баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларида кобалт миқдори
(100 г маҳсулотда мкг ҳисобида)**

Озиқ-овқат турлари	Кобалт миқдори	Озиқ-овқат турлари	Кобалт миқдори
Нон	2	Лавлаги	4
Гречка ёрмаси	3	Пиёз	2
Макаронлар	2	Саримсоқ	8
Ловия	8	Бодринг	1
Нўхат	8	Шивит	2
Картошка	1	Шолгом	3
Сабзи	2	Қизил қалампир	3
Карам	2	Петрушка	4
Сут	7	Чўчқа гўшти	5
Мол гўшти	2	Мол жигари	8
Мол буйраги	5	Балиқ	5
Тухум	2		

Аниқланишича қаерда кобалтта камбағаллик бўлса, ўша ерда яшайдиган одам ва хайвонларда анемия (камқонлилик) кўп учрайди. Одам танасининг турли аъзоларида кобалтнинг миқдори ҳар хил, масалан, талоқда 35 мкг %, жигарда 25 мкг %, мускулларда 2,3 мкг %, қонда 60 мкг %.

Кобалт етишмаслиги соч оқаришига ҳам сабабчи бўлади. У танада нуклеин кислоталарнинг синтезланиши учун керак, касалликлардан кейин тана кучга знишида бу элемент муҳим аҳамиятга эга. Кобалтнинг ошқозон-ичак тизмидан қонга сўрилиши анчагина осон кечади.

Доим ўсимлик маҳсулотлари билан озиқланиш кобалтга нисбатан тақчиллик келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун суг, мол жигари, буйраклардан тегишли равишда овқатда ишлатиб туриш оқилона овқатни ташкил қилинча муҳим бўлиб ҳисобланади.

4.11. Фтор

Кобалт сингари фтор танада миқдори камайса ҳам, кўпайса ҳам зарар келтирадиган элемент ҳисобланади. Унга бўлган суткалик талаб 2-3 мг. Фтор энг кўп учрайдиган озиқ моддалар мол буйраклари, жигари, гўшти, бугдой уни, карам, сабзавотлар ва мевалардир (19-жадвал).

**Баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларида фтор миқдори
(100 г маҳсулотда мкг ҳисобида)**

Озиқ-овқат турлари	Фтор	Озиқ-овқат турлари	Фтор
Қора нон	72	Сабзи	27
Бүгдой нон	48	Картошка	17
Бүгдой уни	95	Карам	36
Гречка ёрмаси	28	Помидор	27
Макаронлар	26	Бодринг	24
Ловия	24	Петрушка	27
Нұхат	30	Салат	63
Құзықорин	33	Узум	26
Сут	22	Мол гүшті	34
Мол бүйраги	81	Мол жигары	76
Тухум	27		

Фтор скелет сүяклари ва тишининг таркибий қисмига кириб ҳозирги шароитда кўпинча нафас олинадиган ҳаво билан қабул қилинади. Бунинг сабаби шундаки, саноати ривожланган шаҳарларда фтор ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи завод чиқиндиси билан кўплаб ҳавога кўплаб кўтарилади. Танада фторнинг кўпайиб кетиши остеохондроз, сүяклар шакли ва рангининг ўзгариши, бугинлар қўпполлашиши, ҳаракатчанликнинг йўқолиши каби хасталиклар пайдо бўлади.

Тишлар кариеси касаллигининг олдини олиш учун ичиладиган сув фтор билан бойитилади, лекин шу нарсага амал қилиш керакки, 1 л сувга 1,0-1,5 мг фтор аралаштириш керак, бундан кўпи ҳам ози ҳам саломатликка зарар келтиради.

Чой таркибидағи фторнинг яхши ўзлаштирилиши учун уни дамлашдан олдин узоқ вақт қайнатмаслик ва дамланган чойни узоқ вақт сақдамасдан ичиш керак, акс ҳолда унданғи фтор чўкма ҳолига тушиб қолади ва танада фтор танқислиги юзага келиши мумкин.

Аччик чойда фтор миқдори меъеридан кўп бўлади, шунинг учун бундай чойга одатланмаган яхши. Фтор кўплаб қабул қилинса тишларда қора доғлар пайдо бўлади, тиш саргайиб, қорайиб ва муртлашиб ушала бошлайди.

Озиқ-овқатлар таркибидағи фторни камайтириш учун истеъмол қилинадиган маҳсулотларни сувда обдон ювиш керак, чунки фтор тузлари сувда тез эрувчан хусусиятга эга. Саноати ривожланган катта шаҳарларда бу нарсага кўпроқ эътибор бериш керак, чунки металл, гишт, чўян, минерал ўғитлар (масалан, суперфосфат) ва бошқа минерал ўғит ишлаб чиқарадиган ҳар қандай завод ҳавони фтор билан тўлғазиб юборади.

4.12. Марганец

Марганец ҳар бир җүжайранинг шаклланиши ва ривожланиши учун керак, яна у темир, мис каби элементларнинг яхши ўзлаштирилишини таъминлайди. В, витаминнинг ҳам фаолияти марганецга боғлиқ, у танада кам бўлса бу витамин ҳеч бир таъсир кучига зга эмас. Марганец кўпгина заҳарли моддаларнинг нейтраллаш ҳусусиятига зга. Шунинг учун ҳам овқатдан заҳарланиш ҳолатлари бўлганида ошқозоничак ювилгандан кейин марганецнинг калийли тузидан тайёрланган кучсиз эритмасини ичиш тавсия қилинади.

Марганецга бўлган суткалик эҳтиёж 5-7 мг атрофида бўлади. У кўп учрайдиган маҳсулотларга қора нон, буғдой нон, гречка ёрмаси ва бошқалар киради. 20-жадвалда айрим озиқ-овқат маҳсулотларида учрайдиган марганец миқдори ҳақида маълумот келтирамиз.

20-жадвал

Баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларида марганец миқдори (100 г маҳсулотда мкг ҳисобида)

Озиқ-овқатлар	Марганец	Озиқ-овқатлар	Марганец
Қора нон	1460	Сабзи	269
Буғдой нон	1165	Карам	240
Гречка ёрмаси	1460	Лавлаги	638
Макаронлар	406	Саримсоқ	370
Ловия	1390	Помидор	137
Нўхат	1270	Шивит	810
Картошка	243	Шовул	980
Малина	930	Петрушка	627
Мол буйраги	164	Мол жигари	345
Тухум	78	Мол гўшт	67
Балиқ	62		

Юқорида биз кўриб ўтган маъданли моддалардан ташқари яна шундайлари ҳам борки (қадмий, қалай ва симоб), улар заҳарли бўлиб организмга заҳар сифатида таъсир қиласди. Улар ҳаво, сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига турли йўллар билан (завод ва фабрикалар, транспорт воситаларидан ажralадиган чиқиндилар ва бошқалар орқали) кириб қолади ва шу боис биз ҳоҳласак, ҳоҳламасак нафас олиш, сув ичиш ва таомланиш жараёнлари давомида танамизга сингади.

5. СУВ АЛМАШИНУВИ

Юқорида биз күриб ўтган минерал моддаларнинг кўпчилиги организмга сувда эриган ҳолда қабул қилинади шу сабабли ҳам унга минерал моддали озиқ модда деб қараши мумкин. Сув биринчи нафбатда ҳамма ҳужайра ва тўқималар таркибида бўладиган органик ва анорганик моддаларни (ўзида эритган ҳолда) матъум қуюқлиқда ва осмотик босимда сақлайди. Бу эса тириклик учун зарур. Катта одамлар организмининг қарийиб 60% оғирлигини сув ташкил қиласиди. Танадаги турли хил аъзоларда унинг миқдори турлича. 21-жадвалда шу ҳақда маълумот келтирамиз (унда ҳар бир аъзо ёки тўқима таркибидаи сув % ҳисобида, ҳамда шу аъзо ёки тўқиманинг умумий тана массасига нисбати ҳам фоиз ҳисобида берилган).

21-жадвал

Танадаги турли хил аъзоларда сув миқдори

Сув миқдори, % ҳисобида	Аъзо ёки тўқима	Аъзо ёки тўқиманинг тана массасига нисбати, % ҳисобида
72,0	Тери	18,0
75,6	Мускуллар	41,7
22,0	Скелет	15,9
74,8	Мия	2,0
68,3	Жигар	2,3
79,2	Юрак	0,5
79,0	Үлка	0,7
82,7	Бўйраклар	0,4
75,8	Талоқ	0,2
83,0	Қон	8,0
74,5	Ичаклар	1,0
10,0	Еғ тўқимаси	10,0

Одатда соглом одамда сувнинг қабул қилиниши ва организмдан чиқарилиши бир-бирига тенг бўлади. Муҳит ҳарорати ўртача бўлиб, овқатланиш ҳамда кийиниш меъёрида бўлса бир суткада 2,5 л сув қабул қилинади, шунинг тенг ярми сув ва суюқликлар кўрининишида ичилади, қолган қисми овқат билан қабул қилинади ва асосий озиқ моддаларнинг оксиданишидан юзага келади, оксидланиш натижасида карбонсув, ёғ ва оқсилининг ҳар бир граммидан тегишли

равища 0,6, 1,09, 0,44 мл сув ҳосил бўлади. Сувнинг организмдан чиқарилиши сийдик ажратиш, тери ва ўпка орқали буғланиш ҳамда ахлат таркибида бўлади. 22-жадвалда шу ҳақида маълумот келтирамиз.

22-жадвал.

Катта ёшдаги одамларда бир суткалик сув баланси

Сув қабул қилиш	мл/сут	Сув йўқотиш	мл/сут
Бевосита ичиш билан	1200	Сийдик билан	1400
Овқат билан	900	Тери орқали	900
Оксидланиш билан	300	Ахлат билан	100
Жами:	2400		2400

Ҳар бир организмда ҳаётий жараёнларнинг маълум бир меъёрда бориши учун қабул қилинадиган сувнинг минимал миқдори мавжуд, бу 1,5 л чамасида. Агар ундан кам сув қабул қилинса, танада ноҳуш ҳолатлар келиб чиқади, масалан, гипертоник дегидратация, бу вақтда қон қуюқлашиб, унинг осмотик босими ошиб кетади.

Ҳар хил сабабларга кўра иссиқ шароитда ишлап билан кўп терлаш тана оғирлигининг 5 % и сув ҳисобида йўқотилса иш қобилияти сезиларли даражада пасайиб кетади, бу кўрсаттич 10 % га етса, ахвол янада оғирлашади ва 20 % га етганида киши ўлади. Қабул қилинадиган сув миқдорининг меъеридан кўпайиши ҳам маъқул эмас, бу вақтда сувдан заҳарланиш ҳолати руй беради (бош оғриги ва айланиши, меҳнат қилиш қобилиятининг пасайиши, кўнгил айниши ва бошқалар).

Табиий ҳолда сув бир қатор моддалар билан аралашган бўлади. Унинг таркибида катионлардан Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+ , K^+ , анионлардан CO_3^{2-} , Cl^- , SO_4^{2-} , биомикроэлементлардан эса Fe , P , J , Cu , Zn ва бошқалар кўп учрайди. Яна оқар сув таркибида тупроқдаги ҳар хил чиринди органик моддалар, кўпгина тузлар (нитратлар, нитритлар ва бошқалар) бўлади.

Туз ва минерал моддалардан иложи борича тозалаб олинган сув ҳақиқатдан ҳам энг фойдали сув деган фикрга кўшилиб бўлмайди. Сабаби юқорида айтганимиздек, сув минерал моддалар билан организмни таъминлайдиган воситачи озиқ модда ҳисобланади. Минерал моддаларсиз эса ҳаёт кечириш мумкин эмас, шунинг учун истеъмол қилинадиган сувда керакли моддаларнинг маълум меъёрда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

6. ОРГАНИЗМДА ЭНЕРГИЯ САРФИ ВА УНГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Инсон организммининг тириклиги ва ҳаёт кечириш билан боғлиқ барча ҳатти-ҳаракатлар, яъни юрак уриши, қон томирлари бўйлаб қон ҳаракати, нафас олиш ҳаракатлари, ҳазэм аъзоларининг фаолияти (ҳаракати, озиқ моддаларни парчалаш ва сўриш функциялари), жигар, талоқ, буйраклар, ички секреция безлари нерв тизимининг ишлаши, мускулларнинг қисқариб бўшани, хужайра ва тўқималарнинг кўлпайини ва янгиланиши, меҳнат фаолияти ва бошқалар тегишли миқдорда энергия сарфланиши билан амалга оширилади. Бу энергия эса танага истеъмол қилинадиган овқатлардаги асосий озиқ моддалар углеводлар, ёѓлар ва оқсиллар билан қабул қилинади. Қабул қилинган озиқ моддалар ҳисобидан организмнинг ўзига тегишли бўлган ҳужайралар, тўқималари юзага келади ва янгидан ҳосил бўлган органик моддаларнинг кимёвий йўл билан парчаланишидан тегишли энергия ажralиб чиқиб у организмнинг қайд қилинган барча эҳтиёжига сарфланади. Мана шу сарф қилинадиган умумий энергия уч таркибий қисмдан, яъни асосий алмашинув энергияси, овқатнинг специфик-динамик таъсири учун кетадиган энергия ва тананинг ташки фаолиятига (жисмоний, ақлий, руҳий-ҳиссий ва бошқалар) сарфланадиган энергиядан иборат.

Ҳар қандай организмнинг барча фаолиятлар учун сарфлаган жами энергияси унинг истеъмол қилинадиган овқати таркибидағи энергия билан қопланиши керак. Сутка даво-мида ейиладиган барча таомлардаги энергиянинг сарфлана-диган энергияга тенг бўлиши организм барча ҳаётий функ-цияларининг меъёрий равища боришини таъминлайди, агар у кам бўлса бажариладиган амалий ишлар (жисмоний ва ақлий меҳнат), уларнинг унумдорлиги, самарадорлиги пасаяди, организмнинг функционал ҳолларда кучсизланиши юз беради. Агар бу нарса сурункали ҳолда давом этса одам ориқлаб, бир қатор хасталикларга дучор бўлиши мумкин. Истеъмол таомлари билан танага кирган энергиянинг организм томонидан сарфланган энергиядан кўп бўлиш ҳоллари ҳам кишилар ҳаётида тез кузатилади ва бу ҳолнинг ҳам ўзига хос салбий томонлари бор, масалан, эҳтиёждан ортиқча энергия энг аввал семиришга ва у билан

боглиқ күргина давр касалларига - юракнинг ишемик касаллиги, қон босимининг юқори бўлиши, атеросклероз, қонда шакар ва холестериннинг кўпайиши ва бошқаларга олиб келади.

Маълумки, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлайдиган кипиларнинг бажарадиган меҳнати бевосита жисмоний ҳаракат қилиш нуқтаи назаридан ҳар хил ва шу боис улар сарфлайдиган суткалик энергия ҳам бир хил эмас. Шунинг учун бевосита иш жараёнида бажариладиган меҳнатнинг ҳажми, интенсивлиги ҳисобга олиниб ишга яроқли аҳоли 5 та асосий гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ақдий меҳнат билан шугулланадиган, кунлик иш фаолиятида жуда кам жисмоний ҳаракат бажарадиган кишилар, яъни илмий ходимлар, журналистлар, идора ходимлари, раҳбарлар, ЭҲМ операторлари, назоратчилар, педагоглар, пульт бошқарувчилари киради. Иккинчи гуруҳга иш жараёнида енгил жисмоний меҳнат қиласидиган саноат моллари сотувчилари, алоқачилар, ҳамширалар, санитарлар, талабалар, тикувчилар, радиоэлектрон саноати ходимлари, тарозибонлар, агрономлар, трамвай ва троллейбус ҳайдовчилар, конвойерда туриб ишловчилар, нарса ва предметларни ўраб берувчилар (упаковкачилар) ҳамда майший соҳа бўйича хизмат қилувчилар киради. Учинчи гуруҳга кундалик фаолиятида ўртача оғирлиқдаги жисмоний меҳнат қиласидиган чиланглар, станокларда ишловчилар ва уларни созловчилар, экскаватор, бульдозер ҳайдовчилар, жарроҳлар, темир йўлчилар, кимёвий завод ишчилари киради. Тўртинчи гуруҳга оғир жисмоний иш бажарувчилар, яъни пахтакорлар, сут согувчилар, полиз ва сабзвотлик билан шугулланувчилар, қишлоқ хўжалик экинларини суторувчилар, қурувчилар, ёғочга ишлов берувчилар, металлурглар киради. Бешинчи гуруҳга кундалик фаолияти энг оғир жисмоний меҳнат билан бөглиқ бетончилар, дараҳт йиқитувчилар, галла ва бопқа донларни ўриб-йигиб олувчилар, пичан ва беда ўрувчилар, юк ташувчилар киради.

23-жадвалда айтиб ўтилган гуруҳ вакилларининг энергия сарфи ҳақида маълумот келтирилган.

Шу нарсани қайд қилиш лозимки, жадвалда келтирилган рақамларни тамоман ўзгармас деб қараш нотўғри, чунки вақт ўтипи билан меҳнат шароити ўзгариб боради, ишлаб чиқаришда турли ёрдамчи воситалар пайдо бўлади (ЭҲМ, замонавий асбоб-ускуналар ва бошқалар).

Иккинчи томондан экологик номутаносиблик ҳам знергия сарфига фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис кишиларниң знергия сарфи меъёри тегишли вақт ўтиши билан қайта кўриб чиқилади. Келтирилган маълумотлар 1992 йилда зълон қилинган ҳужжатлардан олинган.

23-жадвал

Турли ёшдаги аҳоли гуруҳларниң суткалик знергия сарфи (ккал)

Асосий гуруҳлар	Еш гуруҳлари	Энергия миқдори	
		Эркаклар учун	Аёллар учун
I	18-20	2450	2000
	30-39	2000	1900
	40-59	2100	1800
II	18-20	2800	2200
	30-39	2650	2150
	40-59	2500	2100
III	18-20	3300	2600
	30-39	3150	2550
	40-59	2950	2500
IV	18-20	3850	3050
	30-39	3600	2950
	40-59	3400	2850
V	18-20	4200	-
	30-39	3950	-
	40-59	3750	-

Ҳар бир гуруҳга мансуб тегишли ёшдаги эркак ва аёлларниң суткалик знергия сарфини тиклаш учун шунга яраша овқат истеъмол қилиш керак. Овқат знергияси эса унинг таркибидағи оқсил, ёғ ва карбонсувларниң миқдори билан белгиланади. 24-жадвалда ҳар бир гуруҳ учун мұлжалланған асосий озік моддаларниң миқдори ҳақида маълумот келтирилган.

24-жадвал

**Турли ёшдаги аҳоли гурухлари учун мўлжалланган
оқсили, ёг ва карбонсувларнинг миқдори**

Асо- сий гурух	Ёш гурух- лари	Эркаклар учун				Аёллар учун			
		Оқсили- лар, г		Ёг- лар г	Кар- бон- сув- лар, г	Оқсили- лар, г		Ёг- лар г	Кар- бон- сув- лар, г
		Ж а- м- и	Хай- вон оқси- ли			Ж а- м- и	Хай- вон оқси- ли		
I	18-29	72	40	81	358	61	34	67	289
	30-39	68	37	77	335	59	33	63	274
	40-59	65	36	70	303	58	32	60	257
II	18-29	80	44	93	411	66	36	73	318
	30-39	77	42	88	387	65	36	72	311
	40-59	72	40	83	366	63	35	70	305
III	18-29	94	52	110	484	76	42	87	378
	30-39	89	49	105	462	74	41	85	372
	40-59	84	46	98	432	72	40	83	366
IV	18-29	108	59	128	566	87	48	102	462
	30-39	102	56	120	528	84	46	98	432
	40-59	96	53	113	499	82	45	95	417
V	18-29	117	64	154	586	-	-	-	-
	30-39	111	61	144	550	-	-	-	-
	40-59	104	57	137	524	-	-	-	-

Ишламайдиган аҳоли гурухлари (ёш болалар, ҳомиладор аёллар, сут эмизадиган оналар, қариялар) учун тегишли суткалик энергия сарфи ва шунга яраша қабул қилиш лозим бўлган озиқ моддалар миқдори ҳисоблаб чиқилган. 25- ва 26-жадвалларда птулар ҳақида маълумот келтирамиз.

25-жадвал

**Болалар ва ўсмирларнинг суткалик энергия сарфи ва
асосий озиқ моддаларга талаб меъёри**

Ёши	Жинс	Энер- гия, ккал	Оқсилилар, г		Ёглар г	Карбон- сувлар, г
			жами	Шун. хай. оқсили		
0-3 ой		115	2,2	2,2	6,5	13
4-6 ой		115	2,6	2,5	6,0	13
7-12 ой		110	2,9	2,3	5,5	13
1-3 ёш		1540	53	37	53	312

4-6 ёш		1970	68	44	68	272
6 ёшлилар		2000	69	45	67	285
7-10 ёш		2350	77	46	79	335
11-13 ёшли	Үғил	2750	90	54	92	390
11-13 ёшли	Қиз	2500	82	49	84	355
14-17 ёшли	Үғил	3000	98	59	100	425
14-17 ёшли	Қиз	2600	90	54	90	360

26-жадвал

Қариялар, ҳомиладор аёллар, сут эмизувчи оналарнинг суткалик энергия сарфи ва асосий озиқ моддаларга талаб меъёри

Жинси	Ёши	энергия, ккал	оқсиллар, г.		Ёғлар, г	Карбон-сувлар, г
			Жами	шундан ҳайвон оқсили		
Эркаклар	60-75 75 ва ундан юқори	2300 1950	68 61	37 33	77 65	335 280
Аёллар	60-75 75 ва ундан юқори	1975 1700	61 55	33 30	66 57	284 242
Ҳомиладор аёллар		+350	+30	+20	+12	+30
Сут эмизувчи оналар		+475	+35	+23	+15	+35

Юқорида келтирилган жадвалларда энергия сарфи ҳақидаги маълумотлар ўргача рақамлар бўлиб қайд қилганимиздек, улар ўзгармас эмас. Ҳар бир касб эгасининг бу борадаги кўрсатгичларини аниқ белгилаш учун тегишли асбоб-ускуна ва лаборатория жиҳозларидан фойдаланилган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш керак. Улар маҳсус лабораторияларда мутахассислар томонидан олиб борилади ва тегишли маълумогномаларда фойдаланиш учун эълон қилинади. 27-жадвалда айрим касб эгаларининг кунлик энергия сарфи

ҳақида маълумот келтирилган (В.И.Смоляр. Рациональное питание, Киев, 1991).

27-жадвал

Айрим касб эгаларининг суткалик энергия сарфи

Касб эгалари	Жинси	Энергия сарфи (ккал)	Касб эгалари	Жинси	Энергия сарфи (ккал)
Педагоглар	Эркаклар Аёллар	2804	Товуқчилик фермасида ишлайтиганлар	аёллар	2955
Илмий ходимлар	Эркаклар Аёллар	2792 2257	Сут согувчи	аёллар	3206
Қишлоқ хўжалик ходимлари	Эркаклар	3020	Үримийғим ишлар	Эркаклар аёллар	3915 3600
Трактор ҳайдовчилар	Эркаклар	3550	Хашак йигувчи	Эркаклар аёллар	4727 4260
Юк машина ҳайдовчилари	Эркаклар	3400	Ўроқчилар	Эркаклар	5250
Ер ҳайдашда плут бошқарувчилари	Эркаклар	5000	Пичан бօғловчилар	Эркаклар	5600

7. ИШТАХА ФИЗИОЛОГИЯСИ

Иштаха тушунчаси у ёки бу озиқ моддаларига эңтиёж, талаб билан боғлиқ ҳис-түйгүни ифодалайды. У мұрakkab физиологик ва биохимёвий жараён бўлиб, кишининг умумий ахволи, сиҳат-саломатлиги, унумли меҳнат қилиш каби жиҳатларида муҳим ўрин згалладайди. Организмнинг ички ва ташқи муҳитида бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар иштаха табиатига фаол таъсир қиласи.

Иштаханинг юзага келишида мавжуд бўладиган физиологик шарт-шароитларни ёки иштаха физиологиясини тўгри тасаввур қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Иштаханинг пайдо бўлиши кўпинча очлик түйгуси билан тушунтирилади. Очлик даставвал физиологик ҳолатдир. У озиқ моддаларининг киши танаси эңтиёжларига (тўқималарнинг янгидан ҳосил бўлиши, янгиланиши, ақлий, жисмоний меҳнат қилиш учун қувват бериш, қон, лимфа, гормонлар, ферментларнинг ҳосил бўлиши ва бошқалар) сарфланиши натижасида матъум бир меъордан камайиши туфайли содир бўлади. Бундай пайтда кўпинча киши ўзини нохуш сезади, холсизланади, боши айлануб оғрийди ва ҳоказо. Бу ҳолатлар маркази нерв тизимида бир қанча нейрон турӯхларининг (нерв марказларининг) кучли кўзгалишига олиб келади. Бундай нейронлар мажмуми овқатланиш маркази номи билан юритилади. У одамда бевосита овқатланиш билан боғлиқ бўлган ҳулқ-атвордан ташқари овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятини ҳам бошқариб боради. Овқатланиш марказининг энг муҳим нуқталари оралиқ мия соҳасидаги гипоталамуснинг ён ядроларида жойлашган. Агар гипоталамусдаги мана шу марказлар электрокоагуляция (максус ўтказгич орқали миянинг шу қисмига тегишли электр токи юборилиб айтилган ядроларни қўйдириш) қилинса тажриба олиб борилаётган ҳайвон умуман овқат емай кўяди, агар бу ядролар кучсиз ток билан қитиқлаб турилса ит тўярини билмай жуда кўп микдорда овқат еяверади. Шунинг учун ҳам бу нуқталар кейинчалик очлик маркази деб атала бошланди. Гипоталамуснинг ўрта қисмида жойлашган овқатланишга тегишли ядроларни тўқлик марказлари дейилади, чунки уларни қайд қилинганидек бузиб ташлаш ҳайвонларда очофатлик (тўймасдан овқат ейиш), кучсиз қитиқдаш эса овқат емаслик ҳолларини келтириб чиқаради. Табиий ҳолда очлик ва тўқлик

марказларининг қитиқланиши қон таркибидаги озиқ моддаларнинг (оқсил, ёғ, карбонсувлар) концентрациясига боғлиқ. Улар етарли бўлса, тўқлик маркази қитиқланиб иштаҳа бўтилади, камайиб кетганида эса очлик маркази қитиқланиб иштаҳа кучаяди. Бу марказлар қитиқланиши яна уларга ошқозон-ичаклардағи маҳсус рецепторлардан кеслиб турадиган импульслар таъсирида ҳам юз беради, масалан, ит ошқозонига резина балонча киритилиб ҳаво билан шиширилса у ошқозон деворига тегиб ундаги босимни сезувчи рецепторларнинг қитиқланиши туфайли гипоталамусга кўтарилиган импульслар иштаҳани пасайтиради. Лекин ўtkазилган тажрибалар марказий нерв тизимида гипоталамусдан ташқари ҳам очлик ва тўқлик туйгуларини уйғотадиган нерв ҳужайралари тўпламлари борлитини кўрсатади.

Бевосита овқат ҳазм қилиш аъзоларида мавжуд бўлган рецепторлар (интерорецепторлар) фаолиятининг иштаҳа тақламишига таъсири борасида бир-бирига зид маълумотлар тўпланган. Уларни уч гурухга бўлиш мумкин, биринчисига кўра интерорецепторлардан кўтариладиган импульслар иштаҳани фақат кучайтиради, иккинчиси буни рад этиб, бундай импульслар иштаҳани фақат тормозлайди деса, учинчи гуруҳ иштаҳа интерорецепторлардан келадиган импульсларига боғлиқ эмаслигини эътироф қиласи.

Очлик ва тўқлик сабабларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шу нарсани кўрсатадики, агар оч қолиб турган ҳайвонга овқатдан тўйган ҳайвон қони юборилса дарҳол унда очлик аломати йўқолиб овқат ейишдан тўхтайди. Бу ҳол очлик тўқлик сезгиси ёки иштаҳа асосан қондаги овқатнинг ичакларда парчаланиб шимишган компонентлари яъни оқсил, ёғ ва углеводлар маҳсулотлари билан белгиланади деган мантиқий холосага олиб келади. Бу фикрни тушунтиришда бир нечта назариялар бўлиб, уларнинг ҳар бирида маълум миқдорда қарама-қаршиликлар бор. Куйида шулар ҳақида тўхталамиз. Буларнинг ичида биринчиси глюкостатик назария бўлиб унга кўра иштаҳанинг пайдо бўлишида углеводлар ҳал қилювчи ўрин тугади ва қонда глюкоза миқдори маълум меъёрдан озайса - очлик, кўпайса - тўқлик сезгиси гипоталамусдаги тегишли нуктадарнинг қитиқланишидан вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда қонда глюкозанинг камайиши (гипогликемия) иштаҳани пайдо қиласа, кўпайиши (гипергликемия) уни йўқотади. Лекин ҳайвонлар устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида

чиқарылған бұндай хүлоса клиника шароитида ҳам тасдиқланмайды. Қонда глюкозанинг камайиши баъзан иштаха уйғотмаслиги ёки күпайишига қарамасдан иштега бўғилмаслиги ҳолатлари тез-тез учраб туради. Шунинг учун бу борадаги текширишлар давом эттирилиб яна бир назария - аминоақидостатик назария яратылади. Үнга кўра очлик ва тўқлик туйғуларининг юзага келишида оксиллар алмашинуви ҳал қилювчи омил бўлиб, қондаги аминокислоталар концентрацияси иштахани белгилайди. Бу фикр шундай тажрибаларга асосланганки, агар оч ит қонига аминокислоталар аралашмасидан қўйилса қондаги глюкоза миқдори паст даражада қолсада дарҳол иштаха йўқолар экан, бир вақтнинг ўзида глюкоза меъёрда сақлансада, аминокислоталар камайиб кетганида ҳайвонда яна очлик туйғуси пайдо бўлиб, у овқатта ташланади. Аммо бу назария ҳам асосий масалани ечиш учун етарли эмас, масалан гепатит билан касалланганда қонда аминокислоталар жуда камайиб кетсада, овқатта иштаха йўқолиб кетади ва ҳоказо. Шундан кейин маълум гурӯҳ текширувчилар иштаха ҳосил бўлишини қонда липидлар концентрациясига боғламоқчи бўлдилар (липостатик назария), лекин бу борадаги маълумотлар етарли даражада асосга эга бўлмасдан иштаха масаласини ойдинлаштиргади. Навбатдаги назария термостатик назария унга кўра иштаха муҳит ва тана ҳароратига боғлиқ деб қаралади. Кўпчилик биладики, ҳаво иссиқ бўлганида ёки иситма чиққанида кишининг иштахаси бўғилиб овқат етиси келмайды, салқин пайти, айниқса совуқ шароитида кўпроқ овқат ейлади. Бу назария тарафдорларининг фикрига кўра, танадаги иссиқ ва совуқни қабул қилювчи рецепторлар билан эслатылған овқатланиш маркази орасида боғланиш бор. Иссиқ таъсирида юзага келган импульслар тўқлик марказини, совуқ таъсирида пайдо бўлганлари эса очлик марказини қитиқлади. Ҳаво совуқ бўлганида кўпроқ энергия сарфланиши туфайли овқатта эҳтиёж ошади. Лекин шу билан бир қаторда ҳаво анча иссиқ бўлганида ҳам иштега баъзан кучли бўлишини ушбу назарияга кўра тушунтириш қийин.

Оч қолиб катта иштаха билан овқатланаман деб турган одам бирданига анча сув ичиб олса бирмунча камроқ овқат ейди. Шунга кўра иштаханинг гидратацион назарияси пайдо бўлди. Лекин кўп тажрибалар натижасига кўра гидратацион назария иштахани аниқлашда фақат қисман аҳамиятта эга бўлиши мумкин деган хүлосага келинди.

Ички секреция безлари функцияларининг бузилиши натижасида овқатга бўлган эҳтиёжнинг ўзгариши тиббиёт амалиётида кузатилиб келинган. Бу ҳолат академик А. М. Уголов ва унинг шогирдлари томонидан ўн икки бармоқ ичакдаги овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятига таъсир қиладиган гормонлардан ташқари яна бевосита иштаҳага таъсир қилувчи биологик фаол моддалар борлигининг очилишига олиб келди. Бу моддалар кейинчалик иштаҳани бошқарувчи гормонлар номи билан юритила бошлиди.

Кўриб ўтилганидек, қайд қилинган назарияларнинг биронтаси ҳам иштаҳа табиатини тўлиқ очиб бера олмайди, ҳар бирининг ҳам маълум миқдорда нуқсонлари, ноаниқликлари бўлиб, иштаҳанинг фаолланиши ёки тормозланишини қондаги айнан қайси моддалар амалга оширади деган саволга аниқ жавоб йўқ.

Маълумки, ҳар бир тирик организм ҳар қандай шароитда ҳам ўз гомеостазини (ички муҳити ҳисобланган қон ва лимфа таркибининг бир хиллигини) сақлашга ҳаракат қиласди, чунки бу ҳолат ҳаётнинг асосидир. Шунга кўра қонда глюкоза, аминокислоталар, липидлар, сув ва бошқа биологик фаол моддаларнинг ўзгариши билан иштаҳанинг бошқариб бориладиган ҳар хил ҳолга ўтиши вақтингчалик ва бу боғланишда аниқ корреляция бўлиши қийин (маълум вақт ўтиши билан иштаҳа туйғуси қандай бўлишидан қатъий назар қон таркиби ўз меъёрга келтирилади). Демак, иштаҳа интегратив жараён бўлиб, бир нечта сабабларга кўра юзага келади, дейиш мантиқан тўғри чиқади. Мана шундай фикрга кўра иштаҳа бошқарилишининг метаболик назариясини яратган академик А. М. Уголов асосий масала истеъмол қилинган таомдаги қувват (энергиянинг) ажralишида деб тушунтиради. Асосий озиқ моддалари ҳисобланган оқсиллар, ёглар ва углеводларнинг организмда оксидланиб қувват бериши Кребс циклида билан ниҳоясига етади. Бу йўл билан ҳосил бўлган қувват гипоталамус томонидан ҳисобга олинади ва унинг миқдорига қараб иштаҳа белгиланади. Ҳақиқатан ҳам агар Кребс циклининг маҳсулоти ҳисобланган лимон кислотасининг натрийли тузи оч қаламушлар қонига юборилса соф глюкоза юборилганидагига нисбатан иштаҳа кучлироқ ва тезроқ бўтилар экан. Демак, биз юқорида таърифлаган иштаҳа ҳақидағи глюкостатик, аминоацидостатик ва липостатик назарияларнинг асл моҳияти қондаги глюкоза, аминокислоталар ва липидлар миқдори билан эмас,

балки улар метаболизмидаги Кребс цикли маҳсулотлари миқдори билан тушунтирилади. Метаболитик назария бу борадаги бошқа назариялар еча олмаган муаммоларни ҳал қилишга имкон берди. Умуман метаболик назария иштаха тұғрисидаги биз олдин күриб ўтган назарияларни инкор қылмасдан, балки уларни Кребс цикли орқали ойдинаштиради. Биз юқорида истеъмол қилиниши лозим бўлган таомларга нисбатан юзага келадиган иштаҳанинг асосий моҳиятини озиқ моддалардаги мавжуд кувватта bogлаб таърифладик ва бу ҳолат моддалар ва энергия алмашинуви нуқтаи назаридан тириклик учун зарур. Шу билан бир қаторда одам ва ҳайвонларда яна алоҳида олинган айрим моддаларга нисбатан ҳам иштиёқ, иштаха юзага келади, масалан, баъзан ёш болалар кесак, бўр, ёғоч кўмири, ҳомиладор аёллар эса аччиқ ёки шўр нарсаларни, сут ва сут маҳсулотларини ейишга рўжу қўйишиди. Озиқ билан қабул қилинган умумий моддалар мажмуасида қайси модда организм талабини қондирадиган даражада бўлмаса ёки у танадан одатдагидан кўпроқ миқдорда чиқарилиб юборилса шунга нисбатан иштаха кучаяди. Бунинг тескарисича бирон модда овқат билан одатдан кўпроқ қабул қилинганида айнан шу моддага нисбатан иштаха бўғилади. Агар одам узоқ вақт фақат углеводли овқат еб юрса гўшт истеъмол қилишга мойиллик кучаяди. Ҳудди шундай аҳволни яна давомли оч юрган одамларда кузатиш мумкин. Бундай иштаҳани маҳсус ёки специфик иштаха дейилиб, унинг ҳам юзага келиши борасида кўпдан-кўп тадқиқотлар олиб борилган.

Маҳсус иштаҳанинг шаклланишида гипоталамусдаги овқатланиши маркази, ошқозон-ичаклардаги интерорецепторлар, қонда тегишли моддаларнинг миқдори ва умумий моддалар алмашинуви жараённанда қатнашадиган, ҳужайраларнинг ички ва ташқи мухитидаги ва K^+ ионларининг концентрацияси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Иссиқ иқдим шароитида давомли жисмоний иш бажариш туфайли юзага келадиган Na^+ ва K^+ ларнинг номуганосиблиги шу моддалар сероб маҳсулотларга нисбатан маҳсус иштаха уйғотади ва бундай овқатларни истеъмол қилган кишилар аҳволи яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ошади.

Шундай қилиб, иштаҳа мураккаб физиологик жараён бўлиб, унинг юзага келиши кўриб ўттанимиздек, одам организмида таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омилларнинг интеграцияланиши туфайли рўй беради. Бу ўринда ташқи

ҳаво ҳарорати, ҳар хил ҳис-түйгули кечинмалар, овқатнинг ҳиди, мазаси, қон таркибидаги глюкоза, аминокислоталар, липидлар, сув ва минерал моддалар, биологик фаол бирикмалар, моддалар алмашинуви маҳсулотлари ҳамда интерорецепторлардан овқатланиш марказига чиқадиган импульсларнинг ҳар бири муҳим ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Иштаҳанинг юзага келишида шунчалик кенг маълумотлар бўлишининг катта биологик аҳамияти бор. Агар ҳар хил сабабларга кўра бу тизимнинг бир қисми функциялашмаса, масалан кишида таъм билаш, ҳид билиш аъзолари фаолияги бузилса, истеъмол таомларнинг таркиби узоқ вақт бир хил бўлиб қолса ёки овқатланиш марказига интерорецепторлардан тегишли ахборотлар келмай қолса ва бошқа ҳолатларда мана шу етишмовчиликларнинг ўрни ишгаҳа шаклланиши тизимдаги бошқа қисмлар фаолиятининг ўзгариши билан тўлдирилади. Бундай ҳолатлар натижасида ҳар қандай ноқулай вазиятларда ҳам организмда зарур озиқ моддалар истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳис-түйгу ёки иштаҳани тиклаб яшаб қолиш учун замин тайёрланади.

8. ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ФИЗИОЛОГИК МОҲИЯТИ

Истеъмол таомларининг таркиби, миқдори ва сифати кўпчиликка маълум. Матбуотда асосий озиқ моддалар оқсиллар, ёғлар, карбонсувлар ҳамда витаминалар ва минерал моддаларнинг ейиладиган овқатда қанча бўлиши ҳақида маълумотлар бериб борилади. Шунга кўра овқатимизни таркибан мақсадга мувофиқ бўлишига иложига қараб ҳаракат қиласиз. Бу тушунчалар рационал ёки оқилона овқатланишнинг муҳим шартлари бўлиб, уларга риоя қилиш кўптина хасталикларни масалан, витаминалар етишмаслиги туфайли содир бўладиган шапкўрлик, цинга, рапхит ва бошқа касалликларни олдини олишда, бартараф қилишда, бир қатор муваффақиятлар келтирди. Лекин, оқилона овқатланишнинг яна бир муҳим шарти овқатланиш тартиби, режимига риоя қилиш кўпинча эътибордан тушиб қолди ва бунинг оқибатида инсоният бир қатор касалликларга мубтало бўлиб, иқтисодий социал ва экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Овқат ҳозир бўлса бас, уни вақти-бевақт истеъмол қилишнинг гувоҳи бўласан, масалан, ўзбекчиликка хос меҳмондорчиликларда бундай ҳолатни тез-тез кузатиш мумкин. Яқинда овқатланган бўлсада мазали тайёрланган навбатдаги таомдан ўзни тийиш қийин, қолаверса мезбонни хафа қиласлик учун ҳам ундан бир оз тамадди қилиш одат тусига кирган. Шундан кейин овқат ҳазм бўлишининг бузилиши, ич дамлаш, ич кетиш, безовта бўлиш каби нохушликларни кўпчилик ўз бошидан кечирган. Бу ҳолатларнинг юзага келишидаги сабабларни изоҳлашдан олдин бошқа мисолларга мурожат қиласиз.

Баъзан шароит тақозоси билан ўз вақтида овқатланимаса кучли очлик туйгусидан ташқари қон босимининг кўтарилиши, бош оғриғи, кўнгил айниши каби ҳолатлар содир бўлади. Бундайларни кўпинча очликка чидамсиз одамга чиқаришади. Ҳақиқатдан ҳам кўринишидан соппа-соғ бўлсада қисқа муддатли очликдан кейин хасталангандарни орамизда учратиш мумкин. Бунинг кўпинча очлик туфайли қонда шакар камайиб кетган бўлса керак ёки еган овқат тамоман ҳазм бўлганидан кейин кишининг мадори қурийди, шунинг учун унинг боши оғрийди, нохуш бўлади деб изоҳлашадилар. Аслидачи, қайд қилинган кўнгилсизликларнинг сабаби фақат ошқозон-ичакларда озиқ моддаларнинг тулаши ёки камайиб кетишида бўладими? Сичқонларни (бир

хил жинсдаги ва бир хил ёшдаги) алоҳида-алоҳида қафасларга қамаб кўйилган ва сутка давомида уларга овқат бериладиган қопқоқ икки соат давомида очилган холос, лекин биринчи гурӯҳда бундай имконият тонг ёришиши билан, иккинчисида эса қоронги тушиши билан яратилган. Натижа шундай бўлганки эрта тонгда овқат ейиш имкониятига эга бўлган гурӯҳ ҳайвонлари вақт ўтиши билан ўлиб кетишган, кечқурун овқат ейдиганлари эса яшайверган.

Олиб борилган тажрибаларнинг иккинчи қисмида шу нарса кузатиладики, ҳайвонлар белгиланган тартибда ҳар доим бир вақтда, яъни кеч тушиши билан ва икки соат давомида овқатлантирилаверса, овқат вақти бўлиши билан уларда фаол ҳаракат қилиш (қафас ичиде чопиш) бошланар экан. Агар овқат вақти олдинга ёки кейинга суриса янги тартибда овқатланишига ўрганиш юзага келганидан кейин яна олдингидек айнан овқат берилишидан олдин улар серҳаракат бўлиб қолар экан. Шуниси диққатта сазоворки 29 соат вақт ўтиши билан ёки 19 соатдан кам вақт ичиде амалга оширилса овқатдан олдинги кузатилган ҳаракатчалик юз бермасдан бундай тартибда овқатланишга ҳайвонлар умуман ўргана олмасдан оқибатда ўлиб кетар экан. Бу ҳолатни шартли рефлекслар назарияси билан тушунтириш қийин. Ҳақиқатан ҳам шартли рефлекслар билан иш олиб борилганда тажрибалар куннинг айнан маълум вақтида такрорланса натижа яхши бўлади, белгиланган вақтдан 3-4 соат ёки олдин ёки кейин ўтказилган тажрибаларнинг сўрови бўлмайди, буни кўпгина ҳайвонлarda ўтказилган шартли рефлектор тажрибаларда синаб кўрилган. Нега шундай? Ушбу ва олдинги савомларга жавоб топиш учун кейинги йилларда жорий қилинган биоритмологияга мурожат қиласиз. Унда шу нарса эътироф қилинганки одам, ҳайвон ва ўсимликлардаги тирикликни таъминловчи барча биологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ёки даврийлиги доимий равиша тақрорланиб туради. Физиологик функцияларнинг бундай тақрорланиши биологик соатлар ҳам деб юритишади. Одамда бундай биоритмлар у она қорнида ривожланаётган пайтларданоқ шаклланар экан. Биоритмларга хос вақт ҳисоблаш механизми танадаги ҳар бир ҳужайра, шу жумладан ДНК, РНК молекулалари дастурига ирсий равища киритилган бўлади. Биоритмлар даставвал ернинг қуёш атрофида (1 йил арафасида) ва ўз ўқи атрофида (24 соат чамаси) айланишидан юзага келади. Чунки бу ҳаракатлар даврий равища

такрорланиб атроф-мухитнинг ёритилиши, ҳарорати, намлиги, электр майдон ва бошқаларни фаол ўзгартиради. Тирик организмларнинг мана шундай ўзгаришларга мослашганлари яшаб қолади, қолганлари эса ўлиб кетади. Мослашиши учун эса барча физиологик жараёнларда даврий таракор ҳолатларга хос ўзгаришлар қилиш зарур. Биоритмлардан айниқса суткалиги уни циркадиан ритмлар дейилади, ҳар хил салбий таассуротларга, доим бир хил таракорланадиган тартибнинг ўзгаришига жуда сезгир бўлади ва бу борадаги озмунча четта чиқишилар организм меъёрий ҳолатини бузуб турли хил қасалликларга олиб келади. Ҳозиргача одамда 300 дан ортиқроқ ҳар хил физиологик функцияларнинг биоритмлар ўзгариши билан маълум даражада меъёрдан четлатиши фанда аниқланган.

Одам организмидағи физиологик функцияларнинг энг мураккаб ва давомиллардан бири бу овқат ҳазм бўлишиди. Биз истеъмол қиласидан таомлар юқори молекулали бирикмалардан ташкил топган бўлиб, улар шу тариқа тўтиридан-тўтри қонга сўрилмайди. Бунинг учун тегишли бобларда айтиб ўтганимиздек овқат ҳазм қилиш йўлидаги маҳсус безлардан ширалар ажралади ва озиқ моддалар улар билан аралашиб ҳазм бўлиш бошланади. Озиқ моддаларнинг парчаланиши ёки гидролизланиши бир йўла бўлмасдан пешма-пеш боради, масалан, крахмалнинг шакаргача парчаланишида бир фермент қатнашса шакарнинг глюкозага айланишида ўз навбатида иккинчи фермент ишлайди. Крахмалдан ташқари оқсил ва ёвлар ҳам шунингдек пешма-пеш ўз ферментлари таъсирида оддий молекулалар ҳолигача гидролизланганидан кейингина қонга сўрилади холос. Бу ферментлар маҳсус ҳужайралар томонидан (меъда, меъда ости бези, ичак девори ва бошқа жойларда) ҳар бир овқатланишга хос алоҳида алоҳида миқдорлар билан ишлаб чиқарилади, яъни нонушта даврида ажратилган ферментлар тушлик овқатни ҳам ҳазм қилишда қатнашмайди, балки унинг учун янгидағи ферментлар ишлаб чиқарилади. Худди шунингдек, кечки овқат ферментлари ҳам мустақил равишда синтезланади. Ҳали бу билан овқатнинг тўлиқ ҳазм бўлиши тамом бўлмайди. Оддий молекулалар ҳолига келтирилган озиқ моддаларнинг ичак деворларидан қонга ўтиши учун ҳам маҳсус ташувчи молекулалар бўлади, агар улар ўз вақтида етарли миқдорда ҳосил қилинмаса қонга озиқ моддалар ўтиши кескинлашмайди. Аниқланишича, мана шу фермент молекулалари ва

молекулаларнинг синтез қилиниши ва фаолияти суткалик биоритмларга бўйсунади. Бир кунда белгиланган вақтда овқатланиш вақти яқинлашиши билан қайд қилинган ҳазм молекулалари синтезланиб тайёргарлик кўрилади, натижада истеъмол қилинган овқат тез ва осон ҳазм бўлади. Биринчи мисолимизда бемаҳал очқолмасдан ейилган овқатни ҳазм қилиш учун ошқозон-ичаклар томонидан ҳеч бир тайёргарлик кўрилмаган бўлади, овқат тушганидан кейингина тегишли ферментлар ажрала бошлайди, оқибатда гидролизланиш анча кечикиб унинг тўла-тўқис бўлиши қийин. Бундай йўл билан борадиган ҳазм албатта ўз вақтида ейилган овқатга қарагандা қийин ва ёмон бўлади.

Энди иккингчи мисолимизга келсак, ҳозир киши ошқозон-ичак тизимидан нарчаловчи ферментлардан ташқари 20 дан ошиқ гормон ва гормонга ўхшаш биологик моддаларнинг синтезланиб қонга ўтиб туриши исботланган, уларни интестинал ёки ичак гормонлар дейилади. Улар овқатли моддалар ҳазм бўлишигагина таъсир қиласдан, балки қон томирлари тонуси, юрак фаолияти, моддалар ва энергия алмашинуви жараёнларини ўзгартириш ҳамда иштаҳани бошқарив бориш хусусиятига эга. Ичак гормонлари одам оч ва тўқ бўлганида турли хил миқдорда ва фаолликда ажралади. Шунга кўра киши одатдагидан давомлироқ оч қолса, ўз вақтида овқатланмаса қон босими ўзгариб, бош оғриши, кўнгил айниши каби нохуш ҳолатларга тушиб қолиши ҳеч гапмас.

Сичқонлар устида олиб борилган тажрибалар натижасини тушунтиришда даставвал уларни қоронги пайти, яъни кечаси фаол бўлиб, кундузи кам ҳаракатлилиқда умр ўтказишга мослашганлигини ҳисобга олиш керак. Шундай экан эрталаб тонг ёришиши билан улардаги барча физиологик жараёнлар, шу жумладан овқатли моддаларни истеъмол қилиш ва ҳазм қилиш ҳам кучсизланиб кетади, ҳайвон танасининг талабига яраша овқат емайди (бунга ҳар иккала тажриба қўйилган турув ҳайвонлари етган овқатни ўлчаб осонлик билан исботлаш мумкин), еганини ҳам яхши ҳазм қила олмайди, натижада улар ориқлаб охирида ўлади.

Энди сичқонларга суткасида бир марта ейиладиган овқатни охирги овқатланишдан 29 соатдан кўп ёки 19 соатдан кам вақт ичидан берилганида уларнинг бундай тартибга мослаша олмаганлигига келсак, суткалик ритмларга асосан ҳар сутканинг маълум соатларидагина физиологик

функциялар фаоллашади ёки сусайди. Айни мисолимизда ҳазм аъзоларидан ферментлар акрала бошланиши ҳар 19-20 соатдан кейин бошланиб, то 29 соатгача давом этди ва шу даврда ейилган овқатнинг ҳазм бўлиши осон кечади, ундан ташқари вақтда қабул қилинган овқатни ошқозон-ичак кутмайди, натижада у мақсадга мувофиқ равишда ҳазм бўлмайди.

Юқорида айтилганлардан ўз вақтида овқатланишининг муҳимлиги ҳақида тегишли хулоса чиқариш қийин эмас. Энди яна бир нарса муҳимки, қайд қилинганидек ҳар қайси овқатланишда (нонушта, тушик, кечки овқат) озиқ моддаларни гидролизлайдиган ферментлар ва парчаланиш маҳсулотларини қон ҳамда лимфага ташийдиган маҳсус ўтказгич молекулалар оқсил моддалардан янгидан синтезланади. Бунинг учун анча-мунча энергия сарфланади, бу молекулалар асосан энг муҳим, тўла қийматли оқсиллардан ҳосил бўлади. Қизиги шундаки биз ейдиган онқатнинг таркиби ва миқдорига қараб ферментлар ва ташувчи молекулалар ҳам маълум таркибда, тартибда ва миқдорда синтезланар экан. Яна, олдин еган овқатимиз бутунги ҳазмда қатнашувчи макромолекулалар ҳосил бўладиган маҳсулотdir, яъни олдинроқ еган овқатимиздан кейинги ейдиган овқатимиз учун ҳазм молекулалари ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам вақти-бевақт, пала-партиш тўғри келган овқатларни истеъмол қиласвериши уларнинг ҳазм бўлишини мураккаблаштиради ва қийинлаштиради. Кўпгина дам олиш кунлари, байрамларда одатимизга кўра ёғли, ҳар куни ейдиган овқатимизга қараганди сифати, таркиби, миқдори билан анча-мунча фарқ қиласиган таомлар истеъмол қиласиз. Баъзан эса бундай кучли таомлардан усти-устига кўпроқ тановвул қилиб қўйилса безовта бўлишини кўпчилик билади. Бундай нохушликларнинг асосида ҳар бир ейиладиган овқатнинг специфик-динамик таъсири ётади. Овқатни егандан кейин уни ҳазм қилиш учун юқорида айтилгандек тегишли таркибда ва миқдорда шира ишлаб чиқариш, кимёвий парчаланиш йўли билан ҳосил бўлган янги моддаларни қон ва лимфага ўтказиш, зиёдасидан заҳира моддалар ҳосил қилиш, қонда кўпайиб кеттан қисмларини қайта ишлаб буйраклар ва тери орқали чиқариш учун анчагина энергия сарфланади. Бу энергия миқдори истеъмол таомлари таркибидан оқсил моддалари сероб бўлса (масалан, кўй гўшти ейилса), сезиларли даражада кўпаяди ва бундай таомлардан тўйиб олгандан кейин ошқозон-ичаклар

шиддат билан ишлаб, танаңдағи асосий энергияни ўзига тортади, натижада кишини үйқу босади, ланж бўлади ва ҳоказо. Чунки асосий эътибор, энергия сарфи ҳазм жараёнинг қаратилган бўлиб, бошқа фаолиятлар чекланади. Овқатнинг специфик-динамик таъсири яна юракнинг тез уриши, қон босимининг кўтарилиши, нафас олишнинг тезлашиши ва ҳатто тана ҳароратининг кўтарилиши каби ҳолатларга олиб келади. Овқатланишдан кейин бўладиган бундай безовталиклар, айниқса кишининг ёши бир жойга бориб қолгандан кейин яққол сезила бошлайди. Шу сабабли бундай кишиларнинг овқатланиш тартибига риоя қилиши ниҳоятда муҳим. Овқатлардан кўпроқ еб қўйиш ёки тоби қочган одамнинг турли таомларни аралаштириб тановвул қилиши баъзан ёмон оқибатларга олиб келмаслигини таъминлаш учун бу фикрлардан хабардор бўлиш кони фойда албатта.

Ҳозирги ҳаётда турли хил фавқулодда омилларнинг масалан, кучли ҳис-ҳаяжон билан боғлиқ ниҳоятда серташвишлилк, шошма-шошарлик, хафачилик, руҳан эзилиш, аччиқданиш, газабланиш, тажаввузкорлик ёки бевосита марказий нерв тизими ва мускул фаолияти билан боғлиқ серҳаракатлилк (масалан, катта спортда) ва кам ҳаракатлилк (кун узоги бир жойда ўтириб ишлаш) яна ниҳоятда иссиқ ёки совук ҳарорат таъсири ҳам овқатланиш тартибини анча бузиб юборишига олиб келади. Бундай пайтларда организмнинг асосий эътибори ҳозиргина санаб ўтилган ҳолатларга, яъни стресс-реакцияларга қаратилиб энергиянинг қарийиб ҳаммаси шуларга сарфланади, овқатланиш ва уни ҳазм қилиш билан боғлиқ жараёнлар эса сусаяди.

9. АҚЛІЙ МЕХНАТ КИШИЛАРИНИҢ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Маълумки, ақлий меҳнат билан шугулланувчилар деганда олимлар, ёзувчилар, журналистлар, тарбиячилар, айрим тибиёт ходимлари, котибалар, ўқитувчилар, ҳисоб-китоб билан шугулланувчилар, идора ходимлари, компьютер ҳамда бошқарувчи пультлар билан ишловчилар, раҳбарлар ва бошиқалар тушунилиб, уларниң меҳнат фаолияти юқори дара жадаги рухий-жиссий таранглик ва нисбатан камжәракатлық билан ҳарактерланади. Бундай ҳолат организмшынг барча физиологик функцияларига таъсир қилиб марказий нерв тизими ва юрак қон томирларига катта юклама туширади.

Олиб борилған илмий тадқиқотлар шу нарсаны күрсатадыки, ақлий меҳнат кишилари орасыда ортиқча тана массасига зета бўлғанлар бошқа аҳоли гуруҳларига қараганда анчагина кўп бўлиб, улар собиқ иттифоқ даврида ўртача 32,7 % ни ташкил қилган. Бу тоифа одамлар истеъмол қиладиган таомларнинг умумий энергия заҳираси аксарият ҳолларда эҳтиёждан ортиқ, асосий озиқ моддаларнинг бир-бираига нисбати меъёр даражасидан четта чиққан (овқатланиш формуласи бузилган) ва овқатланиш тартиби (режими) ҳам оқилона овқатланиш принципларига тўғри келмайдиган бўлади (Организация рационального питания работников умственного труда. Методич. рекомендации, - Киев, 1984, 280 с; Смоляр В. И., Грачева Л. Ф., Дунаевский Г. А. Фактическое питание, энергограты и некоторые показатели здоровья женщин, занятых умственным трудом. Вопр. питания, 1984, №3).

Ақлий меҳнат билан шугулланувчиларнинг барчаси меҳнат фаолияти учун энергия сарфлаш бўйича аниқланган гурухларнинг биринчисига, яъни энг кам энергия сарфловчи гурухга мансуб бўлиб, суткасида бу кўрсаткич ўртача 2100-2450 ккал ни ташкил қилади. 28-жадвалда ушбу гуруҳ вакиллари учун кунлик овқатдаги энергия миқдори, оқсил, ёғ ва карбонсувлар миқдори кўрсатилган.

Ушбу гуруҳ одамлари учун кунлик овқат энергиясининг 12 % и оқсиллар, 30 % и ёвлар ва 58 % и карбонсувлар ҳисобидан бўлиши, истеъмол қилинадиган ёвларнинг 55 % и ҳайвон ёвлари, 30 % и ўсимлик ёвлари бўлиши тавсия қилинади. Улар ҳар куни 60-70 г шакар қабул қилиб туриши керак. Ақлий меҳнат кишиларда кўпинча овқат билан қабул қилинадиган ва ҳар хил фаолият учун сарфланадиган энергия

дисбаланси, кундалык овқат таркибий қисмининг мақсадга номувофиқлиги ҳамда яққол камҳаракатлилик (гиподинамия) кузатилганлиги боис тана массасининг меъёрдан ошиқ бўлиши ва моддалар ҳамда энергия алмашинувининг бузилиши

28-жадвал

Ақлий меҳнат билан шугулланувчиларнинг энергия ва асосий озиқ моддаларга бўлган талаби

Ёши (йиллар)	жинси	Энер- гия, ккал	Оқсиллар		ёглар, г	карбон- сувлар, г
			жами, г	шундан ҳайвон оқсили, г		
18-29	Эркак- лар	2450	72	40	81	358
30-39		2300	68	37	77	335
40-59		2100	65	36	70	303
18-29	аёллар	2000	61	34	67	289
30-39		1900	59	33	63	274
40-59		1800	58	32	60	257

билин боғлиқ хасталиклар (атеросклероз, гипертония, юракнинг ишемик касаллиги, буйраклар ва жигарда тош ҳосил бўлиши ва бошқалар) тез-тез учраб туради. Шунинг учун улар истеъмол қиласидан таомлар таркибида антисклеротик моддалар кўпайтирилиб, асосий озиқ моддалари ҳисобидан қабул қилинадиган ва организм томонидан сарфланадиган энергиянинг баланслаштирилиши, турмуш тарзида жисмоний тарбия ва спорт билан шугуланиб туриш тегишли ўрин олиши зарур. Уларнинг овқати биологик жиҳатдан тўла қийматли, энергетик жиҳатдан эса баланслаштирилган бўлмоғи керак. Бу нарса овқат тайёрлашда тегишли маҳсулотларни танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Чунончи, оқсиллар ва ёглар бобида ҳайвон маҳсулотлари тегишли меъёрдан ошиб кетмаслиги, овқатга тўла қийматли ўсимлик ёгларидан, клетчатка (целлюз) сингари озиқ толаларига бой карбонсувлардан (кепаги ажратилмаган ундан тайёрланган нонлар, пўсти олинмаган сабзи, олмалар ва бошқа сабзавотлар, мевалар) кўпроқ ишлатиш маъқул. Овқат ёглар алмашинувини бузмайдигаи ва антисклеротик хусусиятта эга моддаларга (метионин, цистин, витамин А, витамин А, витамин В₁, витамин В₂, витамин РР, витамин С ва бошқалар) бой бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай моддаларнинг табиий манбалари балиқ, мол, қўй ва паррандалар гўлгти, сут, қатиқ, пишлоқ, ўсимлик ёглари, гречка ва сўли ёрмаси, мош, нўхат, ловия, соя, кўкатлар, мева ва сабзавотлар.

29-жадвалда ақлий мәхнат вакиллари учун мүлжалланған суткалик озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ҳақида маълумот келтирамиз.

29-жадвал

Ақлий мәхнат кишиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига суткалик тахминий эҳтиёжи

Маҳсулотлар	массаси, г (брutto)	Маҳсулотлар	массаси, г (брutto)
Нон	167	Тухум (дона)	1
ёрма ва дуккаклилар	35	ёғ, шундан	
гүшт ва гүшт маҳсулотлари	200	Сариёғ	20
Макаронлар	10	Шакар	70
Балиқ сут маҳсулотлари	40	Картошка	385
Қаймоқ	50	Сабзавотлар	300
Пишлок	15	Хўл мевалар	200
	20	Усимлик ёғии	15

Жадвалда кўринганидек, ақлий мәхнат кишиларининг кунлик овқатида нонга жуда кам ўрин берилган (167 г). Бу ҳолат республикамиз шароитида қарийиб учрамайди десак ҳам бўлади. Ерли ҳалқ овқатланишида нон бирор кўпроқ ишлатилади, бу миллий анъана, урф одат тусига кириб қолган. Лекин кўлгина илмий тадқиқотлар шу нарсанни тасдиқлайдики, нонни меъёрдан ошиқча истеъмол қилиш айтиб ўтилган энергетик дисбалансни вужудга келтиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди, чунки у энергетик қиймати юқори бўлган озиқ овқат маҳсулотлари қаторига киради. Боз устига биз олий навли ундан тайёрланган ионларни хуш кўрамиз ва анча-мунчасини еб қўямиз. Бу нарса ўз наебатида оқилона овқатланиш принципларини янада чуқурроқ бузилишига олиб келади. Бундай ҳолатни яхшилаш учун бирданига кам нон ейишга ўтиш анча қийин, киши ўзини бундай янги тартибга аста-секин ўргатиб бориши керак. Кунига 400-500 г нон истеъмол қиласидаганлар бир ҳафта давомида бу кўрсаттични 300-350 г, иккинчи ва учинчи ҳафтадар давомида 200-250 г атрофида ушлаб туриши билан бемалол бир ой деганда айтилган меъёрга тушиб олиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида жадвалда кўрсатилган бошқа маҳсулотларни тегишли миқдорда қабул қилишга, ундаги хилма-хилликни бузмасликка риоя қилиш зарур.

10. КИЧИК ЁШДАГИ (1-3 ЁШДАГИ) БОЛАЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Бу ёшдаги болалар овқатланиши улар организмининг физиологик ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиши керак. Даставвал овқат тез ҳазм бўладиган, ҳажми унча кўп бўлмаган хилма-хил маҳсулотлардан тайёрланади. Болада 8-10 та тишларниң чиқиши билан унга чайновчи мускулларниң ривожланиши учун қаттиқроқ, нон, сухари (қуритилган нон), олма, сабзавотлар бўлғаги, суюкли гўшт берилиб бориши фойдали. Уч ёшли болаларда ошқозон ҳажми бироз кенгаяди, шунинг учун уларга бериладиган овқат миқдори ҳам тегишли даражада кўпайтирилади (300-400 мл). Баъзан болада иштаҳа яхши бўлиб анчагина миқдорда овқат ейишга мойиллик бўлади, бундай пайтлари қанча ҳоҳласанг шунча еявер деб қўйиш хотүгри, чунки у ёшлидан эҳтиёждан кўп овқат истеъмол қилишга ўрганиб қолади ва бу ҳолат биринчидан ошқозон ҳажмини кенгайтириб юборса, иккинчидан ортиқча семириш ва у билан пайдо бўладиган салбий асоратларга олиб келади. 30-жадвалда кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган суткалик тахминий асосий озиқ моддалари, витаминалар ва минерал моддалар ҳақида маълумот келтирилган.

30-жадвал

Кичик ёшдаги болаларниң асосий озиқ моддаларига суткалик талаби

Озиқ модда ўлчов бирликлари	Миқдор	Озиқ маҳсулотлари, ўлчов бирлиги	Миқдор
Оқсиллар, г	45	Фолат кислога (вит B _c) мкг	100
Шундан ҳайвон оқсили	34	Никотинат кислота (вит PP), мкг	10
Ёғлар, г	44	Аскорбат кислота (вит C)	45
Шундан ўсимлик ёғи	5-10 3-5	Ретинол (вит A) мкг	450
Карбонсувлар, г	176	Токоферол (вит E), мг	7
Тиамин, вит B ₁ мг	0,8	Кальцеферол, (вит. Д), мкг	400
Рибофлавин, (вит B ₂) мг	0,9	Кальций, мг	800

Пиридоксин (вит B ₆), мг	0,9	Фосфор, мг Магний, мг	800 150
Цианкобаламин (вит. B ₁₂), мг	1	Темир, мг	10

Эслатма: Суткалик оқсил., ёг ва карбонсувларнинг умумий знергетик қиймати 1540 ккал (6,5 Мж) ташкил қиласди.

Богча ёшидаги болаларнинг күнлик овқатида ҳар хил гүштлар, жумладан, мол, қўй, бузоқ, парранда іўштлари, балиқ, калла-пойча, ўсимлик ёглари, ёрмалар, дуккаклилар, сабзавотлар (карам, сабзи, шолғом ва бошқалар) меначевалар, ёнгоқ, кўкатлар тегишли миқдорда бўлиши керак. Яна уларга ҳафтада бир-икки марта овқатига озроқ саримсоқ кўшиб бериш керак (унинг бактерияцидлик ва яллиғланишга қаршилик кўрсатувчи хусусиятларидан келиб чиқдан ҳолда). Боланинг күнлик овқатига ошқозон-ичак тизими ҳаракат фаолиятини кучайтириш учун озиқ толаларига бой маҳсулотлардан (у кўпинча қора ноңда, пўсти олинмаган олма, сабзи, карам, шолғом кўкатларда мўл бўлади) ҳам тегишли ўрин бериш керак. Улар иложи борича ҳар куни мева-чевалардан қиши кунларида шу ёшдаги болалар учун мўлжалланган мева шарбатларидан, консервалардан тановвул қилиб туриши керак. Бундай овқатланиш улар организмининг керакли витаминалар, минерал моддалар ҳамда биологик фаол моддалар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

11. БОГЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ (3-6 ЁШДАГИ) ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Болалар шу ёшга етиб келганида улар овқатидаги асосий озиқ моддаларнинг (оқсиллар, ёғлар, карбонсувлар) миқдор жиҳатидан тақсимланиши катта одамларникideк ёки 1:1:4 бўлиши лозим. Улар овқатида хилма-хиллик бўлиш, турли хил гўшт ва гўшт маҳсулотларига, сабзавот (сабзи, карам, лавлаги, помидор, бодринг, қовун, тарвуз, ошқовоқ ва бошқалар) ва мева-чеваларга етарли ўрин берилиши керак. Уларнинг кунлик овқатида мўлжалланадиган шакарни иложи борича асалга ёки ҳар хил майизларга алмаштирган маъкул. Бу маҳсулотлар таркибидағи ширинлик шу ёшдаги болалар учун ниҳоятда фойдали бўлган фруктоза, глюкоза кўринишида бўлади. Богча ёшидаги болалар суткасига тахминан 500 г сут, қатиқ истеъмол қилишлари керак, бу улар организмини тўла қийматли оқсиллар билан таъминлашда муҳим. Бундай болалар учун оз миқдордаги саримсоқ, пиёз анча фойдали, лекин уларнинг кунлик овқатидан кофе, аччиқ чой, горчица, сирка каби ўткир аччиқ таъмли моддалар олиб ташлангани маъкул.

3-5 ёшли болалар учун бир кунда истеъмол қилинадиган овқатнинг умумий миқдори 1700-1800 г, 5-6 ёшли болалар учун эса 1900-2100 г бўлиши тавсия қилинади. (Ладодо К. С., Отт В. Д., Фатеева Е. М. Основы рационального питания детей. - Киев, Здоровья, 1987 - 256 с). 31-жадвалда bogcha ёшидаги болаларнинг асосий озиқ моддаларига бўлган тахминий талаб меъёрлари келтирилган.

31-жадвал

**Богча ёшидаги болаларнинг асосий озиқ моддаларига
суткалик талаби**

Озиқ моддалари, ўлчов бирликлари	миқдор	Озиқ моддалари, ўлчов бирликлари	миқдор
Оқсиллар, г шулардан ҳайвон оқсиллари	60	Аскорбат кис. (вит С), мг	35
	37	Цианкобаламин (вит В ₁₂) мкг	1,5
Ёғлар, г шулардан ўсимлик ёги	60	Фолат кислота (вит. В _c), мкг	40
	11	ретинол (вит А1), мкг	400

Карбонсувлар, г	240	Токоферол (вит Е), мг	10
Тиамин (вит В ₁) мг.	0,4	Кальцифероль (вит Д), мкг	100
Рибофлавин (вит В ₂), мг	0,5	кальций, мг	1200
Пиридоксин (вит В ₆), мг	0,5	фосфор, мг	1450
Ниацин (вит РР), мг	6,0	магний, мг	300
		темир, мг	15

Эслатма: Суткалик оқсил, ёг ва карбонсувларниң умумий энергетик құймагы 1750 ккал ни (7,3 МЖ) ташкил қиласы.

Богча ёшидаги болаларнинг овқатланишида шу нарасаға әзтиғор бериш керакки, улар асосий овқатланишлар орасыда (масалан, түшлик билан кечки овқат ёки нонушта билан түшлик орасыда бирор нарса еб құймаслиги керак. Бундай болалар ширинилектарга жуда ўч бўлишади, айниқса ҳозир улар учун хориж қанд-қурслари кўп учрайди. Овқатлангунча шулардан оз бўлсада тамадди қилган болада асосий овқатта иштага йўқолади, чунки ошқозонга тушган битта, иккита конфет ёки шоколад тегишли меъда ширасини ажратиб бу ерда овқат ҳазм бўлиш жараёнинг «қизғин» вақтини ўtkазиб юборади, танага сўрилган ширинлик иштага ҳа билан «алданади» қўяди. Бундай ҳолни катта одамларда ҳам кўриш мумкин.

Болада иштага бўлмаганида уни мажбурлаб овқатла-ништа ундаш керак эмас, чунки ҳоҳиш бўлмаганида ейилган овқат ёмон ҳазм бўлади. Бунинг асосий сабаби меъда ва ичакларда тегишли ферментларга эга бўлган ҳазм пирамиданинг керакли миқдорда ажратилмаслигиdir. Натижада ейилган таом белгиланган вақт ичидан тегишли қисмларга парчаланмайди (ферментларнинг кучсизлиги ва камлиги натижасида) ва ичак деворларидан қонга сўрилмайди. Бундай пайтларда болани ўз ҳолига қўйиш керак, бир марта ўз вақтида овқат емаса ҳам қўрқингичи ҳол юз бермайди. Турли хил ўйинлар ёки машгулотлар билан шугулланиб оч қолганидан кейин ўзи овқатлансин.

Богча ёшидаги болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан қандай таъминланаётганligини ёки түгри овқатланиб меъёрий ўсиб боришлигини уларнинг ёшига қараб бўй узунлигини ва тана массасини ўлчаш йўли билан ҳам билса бўлади. Бунинг учун маҳсус жадваллар тузиб чиқилган (32-жадвал). Боладаги тегишли кўрсатгичлар шу рақамлардан юқори ёки паст бўлса, унинг ривожланишида маълум

нүкssonлар борлиги ҳақида хulosса чиқарилади ва бундай пайтлари тегишли мутахассисларга мурожат қилині лозим.

32-жадвал
Богча ёшидаги болаларнинг ўртача меъёрий бўй узунлиги ва тана массаси

Ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар	
	бўй, см	тана массаси, кг	бўй, см	тана массаси, кг
1 йил 3 ой	76-78	10,37-12,43	74-80	9,4-11,64
1 йил 6 ой	78-85	10,81-12,81	78-84	10,58-12,22
1 йил 9 ой	82-87	11,53-13,81	80-87	11,39-13,35
2 ёш	85-92	12,01-14,07	82-90	11,28-14,00
2 ёш	88-96	13,00-14,92	87-95	12,57-15,29
3 ёш	92-99	13,85-16,05	91-99	13,58-16,12
4 ёш	98-107	15,83-18,45	95-106	14,50-17,54
5 ёш	105-116	17,62-21,76	96-106	16,97-19,99
6 ёш	111-121	19,62-24,18	111-116	18,83-23,85

12. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Ўқувчи ёшлар организми бир томондан жадал ўсиш ва ривожланиш билан характерланса, иккинчи томондан ўқиш ва жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шугулланиши туфайли бериладиган руҳий-хиссий ва жисмоний юкламалар улар организмидаги кўпгина физиологик ва биокимёвий жараёнларга фаол таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси ўқувчининг қаңдай ва қанча овқатланиши билан яқиндан боғлиқ. Агар овқатланиш оқилона бўлса, бу ёщдаги болаларнинг биринчи навбатда ўсиб улгайиши, ақлий ва жисмоний камолотта етиши, қийин фанларни ўзлаштириши, ҳар хил юқумли касалликларга берилмаслиги, ноқулай муҳит омилларига чидамлилиги юқори бўлади. Шунинг учун уларнинг овқатланишига ота-оналар, мактаб жамоатчилиги ва қолаверса давлат ташкиллари етарли аҳамият бериши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ўқувчилар ёш нуқтаи-назаридан уч гурӯҳга бўлинади, яъни кичик мактаб ёши (6-10 ёшлилар), ўрта мактаб ёши (11-13 ёшлилар) ва мактаб ёши (14-17 ёшлилар).

Истеъмол қилинадиган асосий озиқ моддаларнинг (оқсиллар, ёѓлар, карбонсувлар) энергетик қиймат нисбати 14:31:55 миқдор нисбати эса 1:1:4 кўринишда бўлиши тавсия қилинади. Шу нарсани ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, агар 6 ёшли болаларда тавсия қилинадиган оқсилларнинг 65 % ини ҳайвон оқсили ташкил қилиши лозим бўлса, бу кўрсатгич мактаб ёщдагиларда 60 % га туширилади, чунки биринчи синф ўқувчиларида тана аъзоларининг шаклланиши ва ўсиши анча тез бўлади. Шунинг учун уларга тўла қийматли оқсиллар бирмунча кўпроқ керак бўлади.

Қўйида (33-жадвалда) шу гурӯҳлар учун алоҳида алоҳида асосий озиқ моддаларга бўлган ўртача талаб ва умумий энергия сарфи меъёрларини келтирамиз.

33-жадвал

Ўқувчиларнинг асосий озиқ моддаларига бўлган суткалик талаби ва умумий энергия сарфи ҳақида маълумот

Ёши йиллар	Умумий энергетик қиймат, ккал	оқсиллар, г		ёѓлар, г		Карбон- сувлар, г
		Жами	шундан ҳайвон оқсили	Жами	шундан ўсимлик ёги	
6	2000	66	43	79	13	285

7-10	2350	77	46	92	16	335
11-13 (ўтил бола)	2750	90	54	84	18	390
11-13 (қиз бола)	2500	82	49	100	17	355
14-17 (ўтил бола)	3000	98	59	84	80	425
14-17 (қиз бола)	2500	82	49	84	17	355

Шу нарсани алоҳида таъкидлаймизки, ўқувчилар истеъмол қиласиган ва осон ҳазм бўладиган шакар, конфет, шоколад кабилар кўпин билан умумий карбонсувлар миқдорининг 20 % идан ошмаслиги керак. Акс ҳолда бундай карбонсувлар танада ёғга айланиб семириш аломатлари ва у билан боғлиқ асоратлар юзага келади.

Ўқувчи ёшлар овқатланишида витаминалар ва минерал моддаларга ҳам алоҳида эътибор бермоқ керак. Чунки ёш организмнинг ўсиши, улгайиши ва ҳар томонлама тўлиқ шаклланиши учун улар жуда зарур. 34-жадвал (1-илова)да шу ҳақда маълумот келтирамиз.

35-жадвал

Мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган суткалик озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ва энергетик қиймати

Маҳсулотлар	Ёшга қараб суткалик талаб, г				
	7-10 ёш	11-13 ёш		14-17 ёш	
нон маҳсулотлари (ун хисобида)	244	Ўғиллар	Қизлар	Ўғиллар	Қиз лар
Картошка	256	320	256	320	256
полиз маҳсулотлари	300	360	360	420	420
мевалар	244	280	280	336	336
Шакар	70	80	90	80	80
ўсимлик ёги	15	20	18	20	18
гушт маҳсулотлари	190	220	203	254	229
балиқ маҳсулотлари	80	120	80	140	

сүт маҳсулотлари	1609	1733	1658	1864	1718
тухум, дона	1	1	1	1	1
Умумий энергетик қиймат, ккал	2320	2720	2466	2983	2625

Үқувчи ёшларнинг кундалик овқатида ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдор жиҳатидан биринчи навбатда уларнинг ёшига боғлиқ (35-жадвал). Уни ҳисоблаб чиқища тегишли қўлланмадан фойдаланилади (К. С. Лидодо, В. Д. Отт, Е. М. Фатаева. Основы рационального питания детей. Киев: Здоровья, 1987. - 256 с).

13. ТАЛАБАЛАРИНГ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Талаба ёшлар ақолининг бошқа гурухларидан ўзига хос айрим хусусиятлари билан ажралиб туради ва шу боис уларнинг кунлик овқатланишида мана шу жиҳат ҳисобга олиниши лозим. Биринчидан, улар организми ўсаётган ва кенг кўламда ривожланаётганлиги сабабли бир қатор физиологик ва биокимёвий жараёнилар ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади. Шунинг учун улар организми истеъмол таомларининг сифати, миқдори ва бошқа хусусиятларига ўзгаларга нисбатан анча сезгир бўлади. Иккинчидан, талабаларнинг кўпчилиги узок қинилоқлардан шаҳарга келиб овқатланиши нуқтаи назаридан бошқача шароитга тушиб қолади. Оддин улар озиқ толаларига бой, дагал маҳсулотлар ва улардан қилинган овқатни кўпроқ истеъмол қилиб юрган бўлса, шаҳар шароитида юқори навли ундан тайёрланган ҳар хил пишириқлар, колбаса, турли туман шириналлар, чанқоқbosди ичимликлар тановвлу қилишади. Бу ҳолат одатдаги ҳазм жараёниларини бирмунча ўзгартириб, уларда ич дам бўлиши ва қотиши каби нохуи ҳолатларга олиб келиши мумкин. Учинчидан, талабалар ўқиш жараёнида катта руҳий-ҳиссий юкламага дуч келади, маърузалар ва амалий машғулотлар давомида уларга қисқа вақт ичида бериладиган билимларнинг ҳажми кенг бўлиб уни ўзлаштириб олиш анчагина асабий кучланиши талаб қиласди. Ўқув юртларида жорий қилинган билим олишнинг рейтинг усули талабалар ҳаётида бир қатор кўшимча ақлий кучланиш-ларга олиб келди. Кунлик, оралиқ ва якуний назоратлар уларнинг йил давомида доимий ташвищда юришини юзага келтиради. Бундай кучли юклама бошқа ҳаёт тизимлари сингари овқатланиш жараёни ва ҳазм аъзолари фаолиятига бефарқ бўлмайди. Назорат ишлари, имтиҳонлар, синовлар тошириш жараёнида юрак уриш частотасининг тезлашиши, қон босимининг юқори бўлиши, кучли ҳис-ҳаяжонда бўлиш, асабийлашиш билан бирга ошқозон-ичакларнинг ҳаракат ва секретор (шира ажратиш) функциялари ўзгариб овқатнинг ёмон ҳазм бўлиши, ич кетиш, баъзан эса ич оғриши ҳолатларига ҳам олиб келади.

Кўриб ўғилган ўзгаришларнинг салбий

томонларини бартараф қилишда ва талабаларнинг фанларни чуқур ўзлаштириб олишда оқилона овқатланиш омили муҳим аҳамият касб этади.

Куйида талаба ёшлар учун мўлжалланган суткалик озиқ-овқат маҳсулотларининг таҳминий миқдори 36-жадвалда келтирилган (В. И. Смоляр, Рациональное питание. Киев, 1991).

36-жадвал

Талабалар учун мўлжалланган суткалик асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори (г)

Маҳсулотлар	Миқдори	Маҳсулотлар	Миқдори
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	240	Нон	400
Балиқ	64	Ун маҳсулотлари	100
Тухум	36	Шакар, кондитер маҳсулотлари	100
Сут ва сут маҳсулотлари	500	Картошка	320
Ҳайвон ёғи	35	Полиз маҳсулотлари	340
Ўсимлик ёғи	22	Мева чевалар	70

Талаба ёшларнинг овқатланишида қузатиладиган камчиликлардан энг муҳими уларнинг кўпинча овқатланиш тартибига тўлиқ риоя қиласлигиdir. Масалан, В. И. Смолярнинг таъкиддашибича, талабаларнинг 25-47 % и эрталаб нонушта қилишмайди, 17-30 % и бир кунда 2 марта овқатланишиди, 40 % и эса тушлик қилишмайди ёки уни онда-сонда ейишади, 22 % и эса кечки овқат истеъмол қилишмайди. Уларнинг кунлик овқатида яна оқсиллар, айниқса ҳайвон оқсиллари, витаминалар анча-мунча камлиги қайд қилинган. Ҳозир талабанинг тўла қийматли оқсиллардан, гўштли овқатларнинг қимматлиги туфайли, кераклигини истеъмол қилиш анча қийин. Бу муаммони ҳал қилишда улар калла-пойча, юрак, ичак ва шулардан тайёрланган учча қиммат бўлмаган сардакли (заливное) овқатлардан фойдаланиши мумкин. Чунки бу таомлар таркибида гўштда бўладиган барча алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар мавжуд, ундан 150-200 г истеъмол қилиш билан организмнинг оқсилларга бўлган талабини бемалол қондириш мумкин.

Талабалар овқатланишида яна бир камчиликлардан бири уларнинг вақт етишмаслиги боис шошилиб апил-тапил таом ейишида. Бунинг оқибатида одатдагидан ўзгачча муҳит

пайдо бўлади ва турли хил ошқозон-ичак касалликлари юзага келиши мумкин. Шунинг учун уларнинг 4-5 соат шутулланганидан кейин тамадди қилиб олиш танаффус-ларини 30-40 дақиқагача узайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу нарсани ўкув юртларининг раҳбарияти ҳисобга олса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида қайд қилганимиздек, талабалар ҳаётининг анча жўшқин ўтиши улар танасининг витаминалар ва айрим минерал моддаларга бўлган талабни доим юқори бўлишига олиб келади. Шунинг учун улар иссиқ овқатни кўқатлар ва салатлар билан ейишга ҳаракат қилиши, сабзи, кўк пиёс ва шунга ўхшаган маҳсулотлардан уларни пилирмасдан алоҳида истеъмол қилиб туриши мақсадга мувофиқдир. Шириналлар ва шўр таомларни (тузланган бодринг, карам, помидор ва бошқаларни) меъёрдан кўп истеъмол қилиш тавсия қилинмайди.

Физиологик меъёр нуқтаи-назаридан талабаларнинг кунлик овқатидаги умумий энергия миқдори йигитлар учун 2585 ккал, қизлар учун 2434,5 ккал бўлиши тавсия қилинади. Оқсиллар истеъмол қилинган кунлик таомлардаги энергиянинг камида 18 % ини ташкил қилиши керак. Шу миқдордаги оқсилнинг 60 % и ҳайвонлардан олинадиган тўла қийматли бўлиши лозим. Ёглар эса умумий энергетик қийматнинг 30 % ини ташкил этмоғи ва шу ёғнинг ярмиси ўсимлик ёглари бўлиши керак. Талабалар организмининг айрим минерал моддаларга бўлган кунлик талаби қўйидагича: калций - 800 мг, фосфор - 1600 мг, магний - 500 мг, калий - 2500 мг, темир - 10 мг.

Юқорида келтирилган оқилона овқатланиш бўйича тавсияларга амал қилиш талабалар организмининг меъёрида ўсиб ривожланиши ва уларнинг яхши билим олишида мухим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

14. СПОРТЧИЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Олиб борилган махсус илмий тадқиқотлар спортчи организмида овқатланиш жараёнларининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжудигини кўрсатади. Айниқса катта спортда юқори натижаларга эришиш, шугулланиш ва мусобақалар давомида спортчи организмига бериладиган кучли юкламалар моддалар ва энергия алмашинувининг дастлабки ва муҳим босқичларига катта эътибор бериш кераклигини тақозо қиласди. Бу борада йигилган маълумотларни таҳдид қилиб чиқиш спортчи овқатланишида куйидаги асосий бешта принципга амал қилиш зарурлигини кўрсатади:

1. Спортчи организмининг тегишли энергия билан таъминланиши у сарфлаган умумий энергияга мос келиши.
2. Овқатланишда озиқ моддалар, сув витаминалар ва минерал моддаларнинг умумий миқдорининг ва бир-бирига нисбатини спорт тури, бажариладиган жисмоний юкламанинг тезлиги, давомийлиги ва кўламига қараб белгилаш.
3. Шугулланиш, мусобақа ва қайтарилиш даврлари айнан ўзига хос ҳолда овқатланишни (озиқ моддаларни баланслаштириш, миқдори, тартиби) талаб қиласди.
4. Мускул массаси ва кучини ошириб беришда унга мос келадиган кунлик овқатни белгилаб олиш.
5. Адекват овқатланишни белгилашда спортчи организмининг физиологик, биокимёвий хусусиятлари, миллий анъаналар ҳамда об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиш.

Бажариладиган ҳар қандай жисмоний иш ҳажми, тезлиги ва кўламига кўра тегишли миқдорда энергия талаб қиласди. Организмнинг бундай энергияга бўлган умумий эҳтиёжи яна унинг жинси, об-ҳаво шароитлари, психоэмоционал кечинмаларига қараб ҳам турлича бўлади. Овқат билан организм эҳтиёжини қоплаш учун қабул қилинадиган энергия эса кўриб ўтганимиздек, асосий озиқ моддаларидан қанча ва қандай ҳолда ейилишига борлиқ. Кунлик овқатнинг умумий энергетик қиймати эса унинг таркибидаги оқсил, ёғ, карбонсувлар миқдори билан аниқланади. Бу моддалар ичida айтиб ўтилганидек, углеводлар асосий энергетик манба ҳисобланиб, спорт машгулотлари билан шугулланилганида даставвал айнан улар ишга тушади. Ёғ ва оқсиллар бу борада иккинчи ва учинчи даражалидир, уларнинг энергия ҳосил бўлиши учун сарфланиши тегишли шароит тутиганида

содир бўлади (давомли оғир юкламалар бажариш, углеводларнинг камайиб кетиши ва бошқалар).

Булардан ташқари жисмоний фаолият учун энергия бермасада меъёрий физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг бориши учун витаминалар ҳамда минерал моддалар ҳам керак. Бу моддаларга бўлган талаб доим бир хил бўлмасдан бажариладиган ишнинг хусусиятларига қараб ўзгариб туради. Шундай экан турли спорт тури билан шугулланишда истеъмол қилинадиган овқатнинг ҳажми, таркиби ва улар билан қабул қилинган энергия миқдорини билиш муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Кўйидаги ҳар хил спорт тури билан шугулланишда истеъмол қилинадиган меъёрий овқатнинг энергетик қиймати 37-жадвалда келтирилган.

37-жадвал

Айрим спорт турларига кўра қабул қилиниши лозим бўлган кунлик овқатнинг энергетик қиймати

Спорт тури	Эркаклар (ккал)	Аёллар (ккал)
гимнастика, қиличбозлик	3600-4200	3000-3600
волейбол, баскетбол	4200-4500	3600-3800
футбол	4400-4800	3200-3600
қисқа масофаларга югуриш, сакраш, наиза улоқтириш	4200-4700	3700-4200
узоқ масофаларга югуриш	5000-5500	-
бокс, кураш, оғир атлетика: енгил вазнда	4200-4500	-
ўрта вазнда	5000 гача	-
огир вазнда	6000 гача	-
сузиш	4000-4500	3400-3800
узоқ масофага сузиш	5000 гача	4200 гача
от спорти	4300-4800	3700-4100

Спортнинг ҳар хил тури билан шугулланувчилар орасида тўгри овқатланиш масаласи ҳал қилинса, биринчидан, қўлга киритилган натижалар юқори бўлади, иккинчидан, спорт билан шугулланиш жараёнида кўнгилсиз таркибий ва функционал ўзгаришларнинг олди олинади ва ниҳоят учинчидан, маълум даражада иқтисодий тежамкорликка эришилади. Лекин ҳамма гап ҳар бир спорт тури билан шугулланувчилар учун кундалик юкламани таркибий ва миқдорий жиҳатдан аниқ қилиб белгилашнинг жуда қийинлигида. Ҳозирга қадар қанчалик тадқиқот ишлари олиб борилмасин бу борада ечilmagan муаммолар ниҳоятда кўп.

Маълумки, спортнинг ҳар қандай тури билан шугууланишда тегишли мақсад маълум режага асосан машқ қилиш орқали амалга оширилади. Машқлар режаси эса уч босқичда ўтказилади, яъни тайёрланиш, мусобақалар ва ўтиш босқичларида шу босқичларнинг ҳар бири даврида олиб бориладиган машқ давомида бажариладиган юкламалар ҳажми, тезлиги ҳамда дам олишнинг ўзига хос хусусиятлари спортчилар олдига қўйилган мақсад асосида ташкиллаштирилади. Айтиб ўтилган давр яна босқичларнинг ҳар бирида спортчиларнинг овқатланиши ҳам қайд қилинган умумий мақсадга мувофиқ равишда тузиб чиқилади. Масалан, тайёрланиш босқичида асосий эътибор умумий жисмоний тайёргарликка қаратилади. Тайёрланиш босқичида машқ қилиш асосан умумий мускул массасининг ўсишига қаратилган бўлади, шунинг учун ҳам бу даврда таркибида оқсили кўпроқ кунлик овқат олдиндан тузиб чиқилиши ва бир кунда камида 4-5 марта овқатланиш мақсадга мувофиқ. Тайёрланиш босқичида спортчиларнинг кунлик овқатида В₁, В₂, РР ва С витаминалар етарли миқдорда бўлиши тавсия қилинади, чунки улар машқ қилиш туфайли танада содир бўладиган моддалар ва энергия алмашинувининг қайта ташкил қилиниши учун зарур. Машқ қилишининг турли даврларида айрим витаминларга бўлган талаб меъёрлари 38-жадвалда келтирилган.

38-жадвал

Спортчиларнинг турли машқ қилиш даврларида айрим витаминларга талаби (мг)

Машқ қилиш даврлари	Ретинол (вит. A)	Каротин	Тиамин (вит. В ₁)	Рибофлавин (вит. В ₂)	Ниацин (вит. РР)	Аскорбат кислота (вит C)
одатдаги машқ қилиш	2	2	3	2	20	75
машқ қилишининг асосий даври	2	3	10	2,5	25	100-150
мусобақа даври	2	2	10	2	25	200-250
мусобақадан кейин (3-4 кун ўтганда)	1	2	3	3	25	200-250

Бу босқичда машқ қилиш қон таркибида бир талай үзгаришларни чақиради. Улардан энг мұхими - күплаб гемоглобин ва миоглобинларнинг ҳосил бўлиши, қайсиким организмнинг темир элементига бўлган талабини оширади. Шунинг учун эҳтиёжни қониқтириш мақсадида темирли маҳсулотлардан етарли миқдорда тановвул қилиш лозим.

Чаққонликни оширадиган ва тез бажариладиган машқлар кишининг фосфорга бўлган талабини ҳам оширади. Бу элемент сут, қатиқ маҳсулотлари ва гўштда сероб бўлади. Биз юқорида чаққонликни шакллантирувчи ҳатти-ҳаракатларга бой тайёрланиш босқичида қабул қилинадиган озиқ моддаларнинг асосий қисми углеводлардан иборат бўлишини айттанди, асосан сабзавот ва мева-чеваларни назарда тутдик. Углеводлар ҳиссасини нон ва нон маҳсулотлари, макаронлар ҳисобидан кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки овқатда нон ва макаронлар ҳисобидан углеводлар кўпайса, танада чаққонлик ва тезликни оширувчи физиологик ва биокимёвий жараёнлар кўнгилдагидек бўлмайди.

Тезлик оширилишига йўналтирилган машқлар, масалан, қисқа масофаларга югуриш, узунликка ва баландликка сакраш, спорт ўйинлари билан шугулланадиган спортчиларнинг истеъмол таомларида оқсиллар, карбонсувлар ҳамда фосфор кўпроқ бўлиши керак.

Машқ қилиш жараёни ва спортчида катта нерв-психологик юклама тушадиган спорт турлари билан шугулланувчилар (гимнастикачилар, боксчилар, қиличбозлар, тоб чангиси билан шугулланувчилар ва бошқалар) овқатида оқсиллар, фосфор ҳамда витамин В, кўпроқ бўлиши керак.

Кўпроқ иссиқдик йўқотиш билан bogliқ бўлган спорт турлари билан шугулланилганда, масалан сузиш ва спортнинг қишки турлари, кундалик ейиладиган ёғ миқдори кўпайтирилиши маъкул. Чунки ёғ юқорида кўриб ўтганимиз сингари оқсил ва карбонсувларга қараганда икки баравар кўпроқ иссиқдик манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Кўриш анализатори фаолияти оширилишини талаб қиласди спорт турлари (отиш спорти, қиличбозлик) билан шугулланувчилар рационида витамин А сероб бўлиши керак.

Қандай спорт тури билан шугулланишдан қатъий назар, ҳар бир спортчининг овқатланиш бобидаги индивидуал хусусиятлари, миллий анъаналари, урф-одатлари ҳам мұхим аҳамиятга эга. Чунки организм узоқ йиллар давомида истеъмол қилиб келинган таомларга ўрганиб қолган бўлади,

танадаги моддалар ва энергия алмашинуви жараёнлари айнан шундай таомларга адаптацияланган бўлади. Ҳазм аъзоларида амалга ошириладиган гидролизланиш ва сўрилиш жараёнлари ҳам «ўз» таомларига мослашиб уларни тез ва тўлиқ ўзлаштиради. Масалан, кавказликлар кўпроқ гўштли таомларни хуш кўришса, Болтиқ бўйи мамлакатларида сут ва сут маҳсулотларини севиб истеъмол қилишади. Ўзбеклар овқатида нон ва ун маҳсулотлари кўпроқ ўрин тутади ва ҳоказо. Агар спортчи мусобақалар ва йигинларда қатнашиш учун ўзга мамлакатларга бориб қолса, у ейдиган таомлар тури ва миқдорининг одатдаги ҳолдан кескин ўзгариши даставалуниң ошқозон-ичак тизимида бир қатор ҳазм бўлиш жараёни билан bogлиқ салбий силжишларни юзага келтиради (ҳазм ферментлар спектри ўзгача бўлади). Бу ҳол ўз наубатида меъёрий моддалар ва энергия алмашинувини вактинча бўлсада издан чиқаришга олиб келиши мумкин. Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг содир бўлмаслиги спортчи ёки ўзи ўргангандан овқат турлари, у ҳам бўлмаганида шунга яқин таомлар билан овқатланиши ёки янги овқат турларига бир неча ойлаб ўрганиши, яъни адаптацияланиши керак.

Тайёрланиш босқичида спортнинг барча турлари билан шутгулланувчилар учун истеъмол таомларнинг сервитамишли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Айтгиб ўтганимиздек, бу нарса умумий моддалар ва энергия алмашинув жараёнини мақсадга мувофик равишда мосланишига олиб келади.

Мусобақа кунлари овқатланиш кутидалик машқ қилиш пайтларида бўладиган овқатланишдан бир мунча фарқ қиласди. Қуйида шулар ҳақида баён этилган фикрларни таҳлил қилиб, айрим тавсиялар бермоқчимиз. 1) Мусобақага оч қолган ҳолда қатнашманг. 2) Старт олдидан иложи борича суюқликларни кам истеъмол қилинг. 3) Ҳар хил овқатни ошқозон-ичак тизимида қанча вақт сақланишини ҳисобга олинг. 4) Қийин ҳазм бўладиган таомларни емаганигиз маъқул. 5) Агар стартлар орасида вақт етарли бўлса тез ҳазм бўладиган таомлардан, ичимликлардан кам миқдорда тановвул қилинг. 6) Финишдан кейин кўп вақт ўтмасдан мева-чева шарбати, кисель ичиб олинг, бу мусобақа пайти кўп миқдорда сарф бўлган углеводлар ўрнини босади.

Биз юқорида спорт машқлари бажаришнинг турли давр ва босқичларида овқатланишга бўлган умумий талаблар ҳақида гапирдик. Шу нарсани қайд қилиш керакки, ҳеч вақт спортчи учун айнан қандай овқатланиш кераклигини узил-

кесил айтиб бўлмайди. Чунки ҳар бир организмнинг ўзига хос хусусиятлари, шугуланишнинг асосий мақсадлари, объаво шароитлари ва бошқа қатор омиллар бунга йўл қўймайди. Лекин овқатланишдаги қонун-қоидаларга амал қилиш ҳар бир спортчи учун керак.

Спортчининг овқатланиш тартиби даставвал бажариладиган жисмоний юклама сутканинг қайси соатларда амалга оғирилиши билан белгиланади. Агар машқ қилиш ва мусобаба-қа куннинг биринчи ярмига тўғри келса, эрталабки нонушта миқдор жиҳатидан кўп бўлмаслиги унинг таркибида шакар, фосфор, витамин С етарли бўлиб, қийин ҳазм бўладиган моддалар бўлмаслиги, энергетик қиймати кунлик овқатнинг ўртача 30-35 % ини ташкил қилиши керак. Эрталабки овқат таркибида клетчатка ва қийин эрийдиган ёғлар иложи борича кам бўлиши, гўштлар қайнатилган ёки майдалангандан бўлиши, сабзавот-кўкатлар сероб бўлиши мақсаддага мувофиқдир.

Тушлик овқат суткалик овқат энергетик қийматнинг 35-40 % ини ташкил қилиб, унинг физиологик моҳияти машқ қилиш натижасида сарфланган моддалар ва энергиянинг тикланишига қаратилган бўлади. Тушлик таркибида нонушта ва кечки овқатдан фарқли гўшт, ёғ, клечатка каби меъдада узоқ туриб қоладиган озиқ моддалар бўлиши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тушликнинг бундай бўлиши объавоси салқин ўлкалар шароитига тўғри келади. Бизнинг Ўрта Осиё мамлакатларида эса бундай тартибида овқатланиш баҳор, кечки куз ва қиши фаслларида мумкин. Ёзинг иссиқ кунлари эса овқатланишда бошқача тартиб ўрнатилади. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Кечки овқатнинг вазифаси тушлик ва нонушта ҳисобига ўрни қопланмай қолгап энергия ва моддалар сарфини тўлдириш ҳамда спортчи организмининг эртанги кунда бўладиган машқларга тайёрлашдан иборат. Шу билан бир қаторда у кўп миқдорда бўлиб ошқозон-ичак тизимини қийнаб қўймаслиги керак. Кечки овқатнинг энергетик қиймати кунлик умумий энергиянинг 25-30 % и атрофида бўлади. Ўйқута ётишдан 0,5-1,0 соат оддин бир стакан кефир, қатиқ, ичган маъқул. Чунки бундай сут маҳсулотлари уйқунинг тинч ва бир текисда бўлишини таъминлайди, ичакларда чириш жараёнини чақирадиган микроорганизмларнинг кўпайиб кетмаслигига олиб келади. Агар мусобаба ва мапп қилиш куннинг иккинчи ярмида ўтказиладиган бўлса, тушлик овқат бироз ихчамлаштирилади. Унинг энергетик қиймати 30-

35 % га туширилиб, ҳажми катта бўлмаслиги, таркибида клетчатка кам бўлиши керак.

Яна шу нарсага амал қилиш керакки, машқ қилишни овқатланишдан камида 2-3 соат ўтгаңдан кейин бошлаган мъекул. Мусобақа шароитида бу вакт 3,5 соатгача чўзилади. Машқ тутагандан эса камида 30-40 минут ўтказиб овқатга ўтириш керак.

Иссик иқлим одам организми, жумладан, спортчиларга кучли таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади. Юқори ҳарорат, қуруқ ҳаво, давомли қуёш нури танадаги физиологик, биокимёвий жараёнларни ўзгартириб юбориши мумкин. Хусусан овқатланишнинг бундай шароитда қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапирсан, даставал шунни қайд қилиш лозимки, айтиб ўтилган омиллар таъсирида киши кўп сув, у билан кўргина минерал элементлар йўқотади. Иссик ҳарорат иштаҳани бўгиб, ошқозон-ичак тизимида озиқ моддаларни парчалайдиган ферментлар фаоллигини кўпинча пасайтириб юборади, шунинг учун ҳазм жараёнлари қийин кечади. Бунинг устига кучли жисмоний машқ бажариш овқат ҳазм бўлиши билан боғлиқ жараёнларни янада мураккаблаштиради. Ҳавонинг иссиқ пайтида жисмоний иш қилишнинг қанчалик қийинлигини кўпчилик тасаввур қила олади, лекин унинг физиологик-биокимёвий моҳиятини тушуниб олиш ҳамма учун айниқса, спортчилар учун фойдадан ҳоли эмас. Гап шундаки, ейилган ҳар қандай овқат танада ўз-ўзидан моддалар алмашинувининг бир мунча кучайишига олиб келади, буни айтилгандек, овқатнинг специфик-динамик таъсири дейилади. У оқсили овқат, айниқса кўй гўшти кўп ейилганида энг юқори бўлади. Иссик пайти шундай овқат ейилиб кучли жисмоний машқ бажарилса организмга уч томонлама катта юклама тушади, яъни, биринчидан, ташки ҳарорат, иккинчидан, ейилган овқатнинг специфик-динамик таъсири ва учинчидан, бажариладиган жисмоний машқ туфайли тана ҳароратининг ошиб кетиши билан боғлиқ юкламадир. Шунинг учун ҳам бундай шароитларда машқ қилишда овқатланиш омилига алоҳида эътибор бериш ҳар бир спортчи ва мураббийлардан талаб қилинади.

Аввало спортчи овқатида минерал моддалардан натрий, фосфор, кальций, темир ҳамда витаминалар бир мунча кўпайтирилиши зарур ва бунинг учун истеъмол қилинадиган ош тузи миқдори 25-30 г га етказилиши керак. Яна минерал моддалар мажмуасидан иборат маҳсус аралашмалар, минерал

сувлар ва сервитамин кўкатлардан сурункали ҳолда истеъмол қилиб туриш зарур.

Иссиқ иқлум шароитда айниқса, сув ичиш режимига кўп эътибор бериш мъъқул, чўнки кўп терлаш туфайли айттанимиздек, сув ва минерал моддалар танадан чиқарилиб, киши чанқайди. Бундай пайтларда кўп сув ичишнинг фойдаси кам. Энг яххиси мевалардан тайёрланган шарбатлар, минерал сувлар, кўк чой ҳамда биз севиб ичадиган кўкатли чалоп истеъмол қилиш мақсадиа мувофиқдир.

Иссиқ пайтлари беносита ейиладиган овқат ҳақида гапирсак, бундай шароитда машқ қилиш ва овқатланиш режими ўзгача бўлади.

Биринчидан куннинг иссиқ пайтларида машқ ўтказилмасдан шугулланиш асосан кечга яқин салқин туша бошлаганидан кейин амалга ошириш мъъқул. Шунга яраша овқатланиш режими ҳам ўзгартирилади. Одатда эрталабки енгил нонуштадан кейин тушлик ҳам осон ҳазм бўладиган, знергияси етарли, оқсилли, ёт кам овқатдан иборат бўлиши керак. Бундай овқатнинг энг мъъқули биз севиб ейдиган қайнатма шўрва бўлиб ҳисобланади, унга тегишли гўшт, картошка, шолғом, нўхат, ёғ ва кўкатлар солиб тайёрлансан спортчи организми учун жуда фойдали. Яна кўкат, бодринг, пиширилган гўшт, нўхат солиб тайёрланган чалоп ҳам бу ўринда анча яхши бўлади. Машқ қилиш куннинг салқин соатларига қолдирилганлиги туфайли шугулланишдан 2 соат один енгилгина иккинчи туплиқ қилиб олиш тавсия қилинади.

Иссиқ иқлумли ўлкаларда овқатланиш бобида асосий эътибор кечки овқатга қаратилади. Бундай тартиб Республика изда яшайдиганларнинг барчасига аён. Одатда кеч тушиб салқин бўлгандан кейин ўзбек хонадонида кечки овқатта ўтиришади ва у миқдор жиҳатидан ҳам, знергия жиҳатидан ҳам нонушта ва тушлиқдан кўп бўлади. Бу хил овқатланиш спортчилар ҳаётида ҳам ўз ўрнини эгаллаши керак. Кечки овқат айттанимиздек юқори калорияли бўлиб, уйқудан камида икки-уч соат один ейилиши мақсадга мувофиқдир. Баъзан кечки овқат кам миқдорда бўлиши керак, овқатнинг кўп қисми нонушта ва тушлиқда бўлиши зарур деган фикрларни эшитиб қоламиз. Бу тўғри эмас. Бизнинг шароитимизда овқатланиш режими иссиқ иқлим ҳамда бошқа специфик ҳусусиятларга кўра ўзига хос бўлишини халқимизнинг кўп йиллик урф-одатлари, миллий анъ-аналари тасдиқлайди. Биз олиб борган маҳсус илмий тадқи-

қотлар ушбу фикр түгрилигини яна бир бор мәъкуллайди.

Спортчи овқатланишининг мақсадга мувофиқдигини аниқлашда иккита кўрсатгич муҳим. Булардан биринчиси тана массасини доимий равищда кузатиб бориш. Бунинг учун массани ўлчаш маҳсус тарозида, эрталаб ҳожатдан кейин, нонутиштагача, доим бир хил кийимда олиб борилиши керак. Агар бу кўрсатгич умумий мускул массаси ошмасдан кўпайса ёки танадаги сув ва ёғнинг озаймаслигидан камайса тегишли равищда овқатланишининг меъёридан ортиқ ёки кам бўлаётганлиги ҳақида холоса қилиш мумкин. Иккинчи кўрсатгич шундан иборатки, спортчи машқ қилиш ва дам олиш жараёнларида ўзини ланж, оғир, ҳолсиз, ошиқча қўзғалувчан бўлмаслиги керак, аксинча у машқлардан кейин яхши кайфиятда ва ўзини «қушдек» енгил ҳис этиши керак.

15. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Республикамиз аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойларида яшаб, асосан ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Уларнинг серунум меҳнат қилиши ва бир вақтнинг ўзида уларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда ҳамда узоқ умр кўришини таъминлашда овқатланиш омили мухим аҳамият касб этади. Бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалик соҳасида ишлайдиганлар аҳолининг қолган қисмини ташкил қиласидаган гурӯҳлардан бажарадиган меҳнатининг энергетик талаби нуқтаи-назаридан хилма хил ҳамда бевосита меҳнат қилиш жараёнида организмга турли-туман нокулай ташки мұхит омиллари (иссиқ, совуқ ҳарорат, чанг, заҳарлы моддалар, кучли вибрация ва бошқалар) таъсир этиб туриши билан ажралиб туради. Яна шу нарса маълумки, уларнинг меҳнат қилиши ва дам олишини аниқ бир вақт билан белгилаб қўйиш қийин. Кимлардир кундузги соатларда ишласа, бошқалар кечки соатларда фаолият кўрсатишади. Мана шу қайд қилинган ҳолатлар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида (пахта, ғалла, полиз, мева маҳсулотлари етиштирадиганлар, чорвадорлар ва бошқалар) меҳнат қиласидаганлар орасида оқилона овқатланишни тегишли равишда ташкил қилиш бўйича умумий тавсиялар берилишини анча қийинлаштиради. Шунинг учун бу тоифадаги аҳолининг мақсадга мувофиқ овқатланиши ҳақида гапирилганда аввало уларнинг қандай меҳнат билан, сутканинг қайси соатларида, қанча давомлиликда ҳамда қанақа техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда ишлашларини аниқ билиш керак.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг овқатли моддаларга бўлган талабини аниқлашда уларнинг бевосита энергия сарфлаш бўйича қайси гурӯҳларга мансублигини аниқлаб олиш керак. Масалан, агрономлар ва бригадирлар бу борада III-гурӯҳга мансуб бўлса, ширкат ва жамоа хўжаликларида бевосита жисмоний иш қиласидаганлар ҳамда механизаторлар IV-гурӯҳга киради.

Ҳисоб-китоб қилиб кўрилишича, қишлоқ хўжалик ишчиларининг суткалик энергия сарфи ўртача 3600-4000 ккал ни ташкил қиласар экан. Экиш ва ҳосилни ўриб-йигиб олиш пайтлари эса бу кўрсаттич 4560 ккал ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин. Б.О. Дўстжонов ўз тадқиқотларида

Ўзбекистон пахтакор аёлларининг бир суткада ўртача 3350 ккал, ғаллачилик билан шугулланувчи деҳқонларнинг 3965,4 ккал энергия сарфлашини аниқлаган (Б. А. Дусчанов. Гигиенические принципы и методические основы нормирования питания хлопкоробов. Ўзб. тиб. журн., 1993, № 5, 47-50 б; Дусчанов Б.О. Суточная потребность в энергии и обоснование норм и питания зерноводов Узбекистана Ўзб. тиб. журн., 1995, № 2, 45-46 б.).

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг овқатланиши борасида кузатувлар Россия ва Украина давлатларида бир мунча батафсилоқ олиб борилган. Масалан, В. И. Смолярнинг (Рациональное питание. Киев, 1991) таъкидлашича, Украинада турли хил қишлоқ хўжалиги ишлари билан шугулланувчи меҳнаткашларнинг истеъмол қиласидаги таомларидаги умумий энергия миқдори ўртача сарфланадиганига қараганда 6-16 % кўп бўлиб, бундай овқатланиш бу тоифадаги одамлар орасида тана массасининг меъёр даражасидан юқори бўлишига мойилликни ошириб юбормоқда. Уларнинг 50 % и ошиқча тана массасига (меъёрга нисбатан 15-29 га% кўп) эга эканлиги кўрсатиди. Меҳнаткашларнинг кунлик овқатида ҳайвон ёғлари ва карбонсувларнинг меъердан кўплиги, оқсиллар, полиз маҳсулотлари, кўкатларнинг эса анча камлиги аниқланган.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари овқатланишининг характерли томонидан бири шуки, улар овқати кўпинча бир хил бўлади (ҳар хил озиқ моддалардан фойдаланиб турли таомлар тайёрлашнииг имконияти кам, бўлганида ҳам кишилар қандай овқатга ўрганишган бўлса қайта-қайта шу таомларни тайёрлашади), таркибида айниқса, қиши ва баҳор пайти, витаминалар жуда кам бўлади. Ушбу фаслларда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида витаминалар кескин камайиб кетади, лекин бизнинг шароитда ҳар қандай фаслда ҳам сабзи, карам, шолгом каби сабзавотлар ва кўкатлар етарли бўлиб, улар таркибидаги витаминалар узоқ муддатли сақланиши билан сезиларли даражада камаймайди. Фақат уларни давомли қайнатиш ёки қовуриш витаминаларининг анча қисмини (учдан бир қисмидан ярмигача) йўқотишга олиб келади. Шунинг учун айтилган маҳсулотларни пиширмасдан ёки камроқ қайнатиб, иложи борича тирик ҳолда истеъмол қилишни фойдалигини тушунтириш ва унга ҳар ким тўлиқ амал қилиши керак.

Витаминалри маҳсулотлар билан қишлоқ аҳолисини

таъминлаб туришнинг имкониятлари бор, чунки ҳар хил кўқатларни қиши фаслида экиб ҳосил олиш ва улардан кенг кўламда фойдаланиш Республикамиз шароитида мумкин. Бунинг учун алоҳида иссиқхоналар қуриш шарт эмас, озгина ерни полизтилен плёнка билан ёйиб кўқатлар уруги сепиб қўйилса бас. Мана шундай шароитда ерқалампир (хрен) яхши ўсади, унинг илдизи таркибида эса аскорбин кислотаси (витамин С), лимон ва апельсинга нисбатан анча кўп. Шунинг учун бозордан қиммат нарҳда цитрус меваларини сотиб олмасдан ҳам организм эҳтиёжини кўпгина витаминалрга тўлиқ ва осонгина қондириш мумкин. Бунинг учун бироз эътибор ва овқатланиш маданияти ҳақида тушунчага эга бўлиш талаб қилинади, холос.

Ўрта Осиё давлатлари, хусусан Республикаимизда қишлоқ хўжалик ходимларининг тушлик овқати кўпинча дала шийлонларида ўтказилади. Бундай шароитда овқатланишнинг ўзига хос талаблари ҳисобга олиниши керак. Масалан, тайёрланган овқат икки соат мобайнинда истеъмолчиларга тарқатилиши лозим, акс ҳолда унинг бузилиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Дала шийлонларида тегишли музлаттичлар етарли бўлмаслиги сабабли ҳам пиширилган овқатни кўрсатилган вақт ичида еб тамомлаш ва уни шунга яраша тайёрлаш керак. Яна шу нарса муҳимки дала шийлонларида тез бузиладиган хусусиятта эга калла-пойча яхнаси, сардакли овқатлар, гўшт солиб тайёрланган бўғирсоқлар ва бошқалардан фойдаланиш тавсия қилинмайди.

16. ҲОМИЛАДОР ВА СУТ ЭМИЗУВЧИ ОНАЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Кўлгина ўтказилган илмий тадқиқотлар, кузатув ва тажрибалар шу нарсани тасдиқлайдики, ҳомиладор ва сут эмизувчи аёллар оқилюна овқатланишида миқдор (истеъмол таомларидаги умумий энергетик қийматнинг организм эҳтиёжидан зиёд ёки кам бўлиши), сифат (таомлардаги асосий озиқ моддаларнинг меъёр даражасидан оз ёки кўп бўлиши) ва тартиб (овқат қабул қилиш вақти) принциплариning бузилиши ҳомиладорлик ва бола туғилиши жараёнларида бир қатор кўнгилсиз воқеалар ва асоратларга олиб келади (Самборская Е. П., Гутман Л. Б., Закревский А. А. и др. Основы лечебного питания беременных. Киев, 1984; Закревский А. А., Хорошун В. Д., Крызоков Т.П. Особенности питания беременных и кормящих женщин «Педиатрия», 1989, № 10, 65-69 стр. ва бошқалар). Бундай нохуш ҳолатларга мисол қилиб ҳомиладорлик токсикози, чала туғилиш, ўлик туғилиш, кам қонлилик, болалар ўлимининг кўп бўлиши ва бошқаларни олиш мумкин. Олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра 1990 йилда дунё бўйича она организмида кузатилган энергетик тақчиллик туфайли туғилган болаларнинг 12,9 млн. таси 5 ёшга киргунча ўлган. Шулардан учдан бир қисми туғилгандан кейин бир ой ҳам яшамасдан, яна шунчаси 1 ёшга тўлмасдан ҳаётдан кўз юмган (Питание глобальная проблема. Рим, 1992). Бир вақтнинг ўзида шу нарсани қайд қилиш керакки, ривожлананаётган мамлакатлардаги бу тоифадаги оналар овқатланишида асосий озиқ моддаларнинг етишмаслиги туфайли энергетик тақчиллик ёки умумий энергетик эҳтиёжнинг айрим озиқ моддалари, масалан карбонсувлар ҳисобидангина қондирилиши ҳолатлари тез-тез учраса, ривожланган мамлакатларда бунинг тескариси, яъни асосий озиқ моддаларнинг эҳтиёждан кўп истеъмол қилиш натижасида содир бўладиган энергетик дисбаланс ҳолатлари кўп учрайди.

Республикамида айтиб ўтилган ҳолатларнинг ҳар иккаласи ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг оқибатида соглом авлод етиштириш маълум даражада оқсаятти, десак муболага бўлмайди. Агар қишлоқдаги ҳомиладор ва сут эмизадиган оналар овқатида асосий озиқ моддаларга тақчиллик тез-тез кузатилса, шаҳарларда ўзига тўқ оиласларда у ёки бу энергияга бой маҳсулотлардан эҳтиёждан кўп истеъмол

қилиш натижасида ҳомиланинг меъёридан ошиқ каттариб кетиши туфайли туғиши жараённида она ва боланинг жиiddий жароҳат олиш ҳоллари учраб турибди. Бундай жароҳат туфайли бола асаб тизими давомли равишда шикастланганича қолади, у ақлан тўла қонли бўлмаслиги мумкин. Туғилган бола массасининг катта бўлиши (4 кг ва ундан юқори) кўпинча оналар томонидан карбонсувлар (айниқса шириналлар) ва ёг маҳсулотларини меъёридан кўп истеъмол қилиш натижасида рўй беради. Ҳисоб-китоблар шу нарсани кўрсатадики, 5 та массаси меъёр даражасидан ортиқ туғилган болаларнинг биттаси 3 ёшга киргунча ҳар хил неврологик касаллуклар билан оғриб туради, жисмоний жиҳатдан заиф бўлади ва ҳоказо.

Озиқ моддалар ва энергия тақчиллиги шароитида бир томондан туғилган болаларда кўп физиологик функцияларнинг (масалан, ошқозон-ичак тизимида ҳазм жараёнларида қатнашувчи ферментларнинг ривожланиши, озиқ моддаларнинг сўрилиш интенсивлиги ва бошқалар) қиёмига етмаганлик, юқумли касаллукларга бериувчанлик ҳолатлари кузатиласа, иккинчи томондан она организми тез-тез камқонлик ҳолатига учраб қатор хасталикларга дучор бўлмоқда.

Она ва бола ҳаётидаги бундай камчиликларни олдини олиш ва бартараф қилишда ҳомиладор ва сут эмизувчи оналарнинг тўгри овқатланиши, яъни тегишли, етарли овқатланиш маданиятига эга бўлиши муҳим омил ҳисобланади. Шу боис қуида бутоифа аёлларнинг оқилона овқатланишига доир айрим фикрларни баён қиласиз.

Ҳомиладор аёлларнинг оқилона овқатланиши таркиби ва миқдори жиҳатидан ҳам она организмининг, ҳам ривожланётган эмбрионнинг меъёрий талаб даражасига мос келиши ҳамда ҳомиладорлик жараёнининг текис боришини таъминлаш керак. Улар учун мўлжалланган таомлар бу ўринда даставвал таркибидаги алмаштириб бўлмайдиган (организмда мустақил ҳолда синтезланмайдиган) аминокислоталар ва тўйинмаган ёг кислоталари, витаминалар ҳамда микро- ва макроэлементларга тегишли миқдорга эга бўлиши лозим. Бир вақтнинг ўзида бу таомлар ҳар бир ҳомиладор аёл учун унинг ёши, тана массаси, меҳнат фаолияти, миллий анъана-лари, ҳомиланинг ёши, об-ҳаво шароитлари, йил фасллари ва бошқаларга мос бўлиши талаб қилинади. Шу аёллар учун мўлжалланган озиқ овқат маҳсулотларининг ўртача миқдори, уларнинг энергетик қиймати ҳақида маълумотларни 39-жадвалда келтирамиз.

Ҳомиладор аёлларнинг озиқ моддаларга бўлган талаби

Маҳсулотлар	Суткалик талаб	
	Ҳомиладорликнинг биринчи ярми	Ҳомиладорликнинг иккинчи ярми
Оқсилилар, г	100-110	110-120
Ергар, г	75	85
Карбонсувлар, г	300-350	400
Витамин С, мг	70	72
Витамин В ₁ , мг	1,5	1,7
Витамин В ₆ , мг	2,0	2,0
Витамин В ₂ , мг	2,0	2,0
Витамин РР, мг	15,0	19,0
Витамин В ₅ , мг	15,0	20,0
Витамин В ₆ , мкг	600,0	600,0
Витамин В ₁₂ , мкг	4,0	4,0
Витамин А, мкг	1200	1250
Витамин Д ₁ , МЕ	500	500
Витамин Е, МЕ	15	15
Умумий энергия микдори, ккал	2400-2700	2800-3000

Эслатма: Озиқ моддаларининг ушбу меъёри ўртача бўй (155-165 см) ва тана массасига (55-60 кг) эга аёллар учун мўлжаллаб ҳисоблаб чиқилган.

Агар ўртача бўй ва тана массасига эга ҳомиладор аёллар учун суткалик энергия сарфи 1900 ккал бўлса, сут зэмизадиганлар учун 3200 ккал бўлиши керак. Агар бундай аёллар ўртача интенсивликдаги жисмоний иш бажаришса, кўрсатилган сонларга 1 соат иш учун 50-100 ккал, оғирроқ иш бажаришганда 200 ккал гача кўшилади. Мехнат фаолияти кам ҳаракатлилик билан характерланадиган оналар эса қайд қилинган энергетик микдорнинг 75-85 % и тўғри келадиган овқат истеъмол қилишлари лозим.

Ҳомиладорликни биринчи ярмида аёллар кўнгилла-рига хуш келадиган маҳсулотларни истеъмол қиласверишлари мумкин, айниқса мева ва сабзавотлардан кўпроқ ейишлари керак. Лекин улар саримсоқ, қалампир каби буйраклар фаолиягини кучли қўзғатадиган маҳсулотларни емагани маъқула.

Ҳомиладор аёллар учун оқсилларнинг аҳамияти жуда катта, чунки улар ҳисобидан бачадон, йўлдош, сут безлари ўсади, қон миқдори кўпаяди. Шунинг учун агар бундай аёл тегишли миқдорда оқсили қабул қиласаса унинг организмида турили хил физиологик жараёнлар бузилиб, ҳар хил юқумли қасалликларга берилувчанлик ошиб кетади. Оқсиллар асосан сут ва сут маҳсулотларидан қабул қилинса маъқул, лекин гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳам тегишли миқдорда истеъмол қилиб турилиши керак. Ҳомиладорликнинг 4-ойидан бошлаб аёл ҳар бир кг тана оғирлиги ҳисобига 1,2-1,3 г оқсили истеъмол қилиб туриши тавсия қилинади.

Ҳомиладор аёлларнинг ёғ ва ёғли моддалар истеъмол қилишларида шу нарсага эътибор бериш керакки, улар организми сут ва сут маҳсулотлари, қаймоқ каби озиқ моддалардан тегишли ёғни осонгина ўзлаштириб олади. Улар учун қийин ҳазм бўладиган, масалан, чарви ёгларини ейиш маъқул эмас. Семиз аёллар ҳам чегараланган миқдорда ёғ истеъмол қилиб туриш керак, чунки, ёғда эрувчи витаминалар (А, Д, К, Е) ва тўйинмаган ёғ кислогалари асосан шу озиқ модда билан танага кириб туради.

Ҳомиладор аёллар организми учун карбонсувлар энергия берувчи моддалардан бири бўлиб ҳисобланади, лекин уларни ширинликлар (шакар, ҳар хил қанд-қурслар, шоколадлар ва ҳоказо) кўринишида камроқ ейиш керак. Чунки, улар меъёридан кўп истеъмол қилинса, дарҳол семириш юзага келиб, аёлнинг сут безлари атрофида, тери тагида, ички аъзолар атрофида ёт кўлпайиб, ҳомила оғирлиги ҳам меъёридан ошиб кетади, натижада тутиш жараёни қийинлашади. Карбонсувларни клечаткага бой карам, сабзи, лавлаги, шолгом, кўкатлар, картошка, мева-чевалар, ҳар хил ёрмалар ҳолида қабул қилиш улар учун кони фойда.

Ҳомиладор аёлларнинг сув ва минерал моддаларга талаби анча-мунҷча юқори бўлади, бу бир томондан табиий албаттга. Ривожланаётган ҳомилада асосан сув ва минерал моддалар шаклланаётган аъзо ва тизимлар учун керак. Лекин ҳар хил тузли маҳсулотларни хуш кўрганлик учун еявериш ичиладиган сувнинг миқдорини меъёридан ошириб юборади. Шунинг учун бундай маҳсулотларни истеъмол қилишда эҳтиёт бўлиш керак. Овқат билан қанчалик миқдорда ош тузи кўп қабул қилинса, она танасида шунча кўп сув тўпланади. Ҳомиладор аёллар учун ош тузига бўлган суткалик талаб (еяиладиган таомларнинг таркибидағи умумий туз кўрини-

шида) 6-8 г агрофида бўлиш тавсия қилинади.

Ҳомиладор ва сут эмизувчи оналарнинг бир қатор минерал моддаларга, жумладан кальций ва темирга бўлган эҳтиёжи анча ошади (сугкасида тегишли ҳолда 1100-1200 ва 20-25 мг гача). Шунинг учун улар кунлик овқатида сут, қатик, жигар, буйраклар, тил, олма, майиз, ўрик, қарам, шафтоли каби маҳсулотларга кенг ўрин бериш керак. Шуни ҳам кент таъкидлаш лозимки, ҳомиладор аёлларда, айниқса ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида ҳомила ривожланиши боис ошқозон ҳолати ўзгариб ўз ўқи атрофида 45° гача бурилади. Ошқозон мускуллари қисқариб овқатли моддани ичакка суриш функцияси бироз кучсизланади, ҳазм ширалари миқдори ва фооллиги ўзгарамади. Буларнинг барчаси овқат ҳазм бўлиш жараёнига (ощозон-ичакларнинг ҳаракат функциясига, озиқ моддаларнинг парчаланиши ва сўрилишига) қисман салбий таъсир қиласи. Бу ҳолатлар ўткинчи, факат истеъмол таомларини меъёрида еб, ҳаракат қилиш ва дам олиш тартибларига тўғри амал қилиб туриш лозим.

Ҳомиладор аёллар учун овқатланиш тартиби муҳим. Улар 4 маҳал, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида 5 ва 6 маҳал овқатланишга ўтиш керак. Бир марта истеъмол қилинадиган овқат миқдори унчалик кўп бўлмаслиги, один мева-чева, сабзавотли салатлар ейилиб кейин асосий овқатдан тановвул қилиш керак. Мақсад овқат ошқозон-ичакларда узоқ туриб қолмаслигига ва унинг осон ҳазм бўлишига эришиш керак. Акс ҳолда улар бижгиб газ, ҳар хил заҳарли моддалар ҳосил бўлади. Бу ривожланаётган ҳомила учун бефарқ бўлмасдан уни қийнаб қўйиши, ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Овқат билан қабул қилинадиган умумий энергиянинг асосий озиқ моддаларига нисбатан тақсимланиши оқсишлар учун 15-30 %, ёғлар учун 25-30 % ва карбонсувлар учун 40-45 % ни ташкил қилиши керак.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида аёллар учун бир кунлик овқат ўртача қўйидаги таркибда ва миқдорда бўлиши тавсия қилинади: (г ҳисобида) гўшт ва гўшт маҳсулотлари - 120; балиқ - 100; ёғсиз творог - 170; кефир - 200; сут - 250; қаймоқ - 30; сариёғ - 15; ўсимлик ёғи - 25; шакар - 40; қора нон - 100; бугдой нон - 100; унли кондитер маҳсулотлари (унли ширин пиишириқлар) - 100; макарон, ёрмалар - 60; картопка - 200; қарам - 100; лавлаги - 100; сабзи - 100; бошқа сабзавотлар - 200; мева-чевалар - 200; кўкватлар 30 - 50.

17. КЕКСА КИШИЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШИ

Маълумки, одам ёши ошиб бориши билан унинг организмдаги барча тизим ва аъзоларнинг функциялари тегишли хужайра ва тўқималардаги физиологик жараёнларнинг кучсизланиши боис заифлаша бошлади. Бу ҳолат эртами-кечми ҳаммада ҳам учрайдиган нарса, лекин овқатланиш маданиятига оғишмай тойинимай амал қилиш йўли билан унинг вақтидан олдин юз беришини бартараф қилиш мумкин. Кекса кишиларнинг оқилона овқатланиш борасидаги илмий тавсияларни кундалик ҳаётда кўллаш уларнинг нафақат соглигини кафолатлайди (бир вақтнинг ўзида), умрни узайтиради, мазмунли ҳаёт кечиришига ҳамда серунум меҳнат қилишга олиб келади.

Кексаридан бориши билан даставал танадаги моддалар ва энергия алмашинувни сусая бошлади. Бу ҳолат асосий алмашинувнинг пасайишида, ўзлаштириладиган кислороднинг камайишида оқсили, ёғ ва карбонсувлар алмашинувнинг сусайишида жигар, буйрак, юрак каби аъзолар тўқималаридан оксидланиш жараёнини амалга оширадиган ферментлар фаоллиги кучсизланишида ўз аксини топади.

Қарилик аломатларининг биологик вақтидан олдин пайдо бўлишига олиб келадиган асосий сабаблардан бири бу кексая борадиган одамларда тез-тез учраб турадиган энергетик дисбаланслик ҳолатидир. Яъни киши овқатни эҳтиёждан кўп истеъмол қиласди, бошқача айтганда, ейилган таомларда мавжуд бўладиган умумий энергия организмнинг турли хил фаолиятлари учун сарфланганидан кўп бўлади. Табиийки одам 30-40 ёшдан кейин болалигидагиdek югуриб елиб юрмайди, транспорт воситаларидан кўпроқ фойдалана-диган бўлиб қолади. Жисмоний куч талаб қиласиган ҳатти-ҳаракатларни кам бажаради. Кўпроқ ўтириб бажарадиган ишлар билан машгул бўлади. Лекин ейдиган овқати аксарият ҳолда ёшлик вақтидагидан қолишмайдиган, айрим ҳолда кўп ҳам бўлади. Натижада семириш аломатлари пайдо бўлади. Одам танасини ёғ босади, тўлишади, камҳаракат бўлади ва ҳоказо. Бундай семириш аломатлари киши соглиги учун тамоман фойдасиз бўлиб, уларнинг юрак, буйраклар, жигар тана мускуллари орасида ошқозон-ичаклари орасида ёғ тўпланади. Оқибатда турли хил касалликлар (гипертония,

атеросклероз, юракнинг ишемик касаллиги, қандали диабет ва бошқалар) келиб чиқади.

Бундай ҳолатларни олдини олиш учун ёш ошиб борган сари қуңдалик истеъмол қилинадиган таомлардаги умумий энергия миқдорини камайтириб бориш тавсия қилинади (Григорьев Ю. Г., Козловская С. Питание и феномен долголетия. - 1988 г. Методические рекомендации по организации питания людей пожилого и старческого возраста. - М., 1975). 40-жадвалда ушбу фикр ўз аксини топган. Унда 20-30 ёшлилар учун тавсия қилинадиган кунлик таомларнинг умумий энергияси 100 % деб қабул қилинган ва ёш ошиб борган сари ҳаракатнинг чекланиши, кам жисмоний иш бажариш ва бошқалар сабабли истеъмол қилинадиган овқат энергиясининг тегиши равишда камайтириб борилиши фоиз ҳисобида келтирилган.

40-жадвал

Кунлик овқат энергиясининг ёш ўтиб борган сари камайтирилиши (20-30 ёшлилар кунлик таомларининг умумий энергиясига нисбатан % ҳисобида)

Еш (йиллар)	Овқат энергияси, %	Еш (йиллар)	Овқат энергияси, %
20-30	100	51-60	86
31-40	97	61-70	79
41-50	94	70 дан юқори	69

Кекса кишилар овқатланишининг мақсадга мувофиқ бўлишида қуйидаги 5 тамойилга амал қилиш тавсия қилинади.

1) Кундалик истеъмол таомларидағи умумий энергиянинг шу вақт давомида сарфланадиган энергияга тенг бўлиши.

2) Истеъмол таомларининг антисклеротик (склероз пайдо бўлишига қарши) хусусиятга эга бўлиши.

3) Таомларнинг хилма хиллиги ва улар таркибидағи зарурый моддалар ва бирималарнинг меъёрий нисбатда бўлиши.

4) Кунлик ейиладиган овқатларнинг танадаги барча ферментлар тизимини фаоллаштирадиган моддалар (витаминалар, макро- ва микрозлементлар, биологик фаол моддалар ва бошқалар) билан етарли даражада бойитиши.

5) Истеъмол таомлари иложи борича ферментлар таъсирида осон парчаланадиган озиқ моддалардан иборат бўлиши.

Кекса кишилар истеъмол қиладиган кундалик таомлар юқоридаги тамойилларга асосланган ҳолда миқдор жиҳатдан бир неча чекланган ва бир вақтнинг ўзида таркибий жиҳатдан бундай организм талабларига максимал даражада жавоб берадиган бўлиши керак. Кекса кишилар кунлик овқатининг умумий энергияси ва шу энергияни беришда иштирок этадиган озиқ моддаларнинг миқдори ҳақида маълумотлар 41-жадвалда келтирилган.

41-жадвал

Кекса кишилар учун тавсия қилинадиган суткалик овқатнинг энергияси ва таркиби

Ёш (йиллар)	Умумий энергия, ккал	Оқсиллар, г		Ёғ-лар, г	Карбон сувлар, г
		Жам и	шундан ҳайвон оқсили		
Эркаклар: 60-74 75 ва ундан юқори	2300	69	38	77	333
	2000	60	33	67	290
Аёллар: 60-74 75 ва ундан юқори	2100	63	35	70	305
	1900	57	31	63	275

Кекса кишилар ейдиган овқат таркибидаги оқсилнинг 55 % и ҳайвон оқсили бўлиши лозим. Шу миқдорнинг ярмини сут маҳсулотларидағи (сут, кефир, сузма), иккинчи ярмини эса гўшт, балиқ оқсиллари ташкил қилгани маъқул. Улар истеъмол қиладиган жами ёғнинг 1/4 қисмини сарёғ, шунчасини ўсимлик ёги, қолган қисмини эса овқат тайёрланадиган озиқ маҳсулотлардаги ёғ ташкил қиласа, мақсадга мувофиқ булади. Кундалик ейиладиган карбонсувларнинг 15 % и шакардан (тахминан 50 г), кўпроқ қисми сабзавот ва мевалардан, қолгани ун маҳсулотларидан иборат бўлиши керак. Умуман олғанда, кексайиб бориш билан кунлик овқатланиш формуласи ўрта ёшли одамларда оқсил ёғ ва карбонсувлар хиссасини ифодалайдиган 1 : 1 : 4 ҳолатдан 1 : 0, 8 : 3,5 кўринишга ўтиш тавсия қилинади (Смоляр В.И. Рациональное питание. - Киев, 1991, - 366). Бу ўзгарини кўриниб турганидек кексалар овқатидаги энергетик чекланиш асосан истеъмол таомларидағи ёғ ва карбонсувлар хисобидан бўлиши керак. Оқсиллар улиши эса камаймаслиги

лозим. Чунки унда организмда ҳужайра ва тўқималарнинг емирилиб бориши (катаболик жараён) ёш ва ўрта ёшлиларга қараганда анча тезлашган бўлади, уларни ўрнини босадиган янги ҳужайралар эса асосан тўла қийматли оқсиллардан синтезланади. Шунинг учун кекса кишилар гўшт, тужум, сут ва сут маҳсулотларидан етарли даражада истеъмол қилиб туришлари муҳим аҳамият касб этади. Кексалар учун тавсия қилинадан овқатланиш формуласидаги карбонсувларнинг камайиши асосан нон ва ун маҳсулотлари ҳисобидан бўлгани маъкул, чунки уларнинг энергетик қиймати анча юқори. Масалан, 100 г нонда 210 ккал энергия мавжуд. Агар одам ҳар куни шунчак нон ёки макаронларни ошиқча истеъмол қилиб борса бир йилда тана массаси улардан синтезланган ёғ ҳисобидан 7 кг га кўпайди. Бундай семириш ейиладиган нон ва ун маҳсулотлари олий навли бўлганида янада яққолроқ кўзга ташланади. Умуман олганда кекса кишилар ейдиган ноннинг фақат бир қисмигина олий навга тегишли бўлиб қолганининг қора ундан бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрта ҳисобда кекса кишилар кунлик ейдиган нон микдори 300 г дан ошмаслиги тавсия қилинади. Кунлик овқатда ёғ ҳиссасининг кескин камайиши ёки унинг умуман бўлмаслиги анча хавфли. Чунки, биринчидан, жуда кам ёғли ёки ёғсиз овқатни сурункали истеъмол қилиш организмга совуқча ва бошқа нокурай об-ҳаво шароитларига чидамсиз қилиб, юқумли касалликларга бардошлигини камайтиради. Яна бир қатор витаминалар (ёғда эрувчи ретинол - витамин А, кальциферол - витамин Д, токоферол - витамин Е, филлохинон - витамин K) танага асосан ёғ билан ўтади, холос. Яна шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, ёѓлар кўпгина склерозга олиб келмайдиган (антисклеротик) моддаларнинг масалан тўйинмаган ёғ кислоталари, фосфатидлар ва бошқаларнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади, қайсиким организмда синтезланмасдан доимо тегишли миқдорда овқат билан (ёғ билан) қабул қилиб турилиши керак.

Кишилар орасида, кексара бошлаган одамлар ёғ истеъмол қилишни камайтириш керак, чунки у танада холестеринни кўпайтириб юборади, деган нотўрги тушунча бор. Холестерин организмнинг меъёрий физиологик функциялари учун зарур, у ҳар бир ҳужайранинг мембранны таркибига кирадиган алмаштириб бўлмайдиган модда, утдан кўпгина ҳаётий зарур биологик фаол моддалар синтезланади. Шунинг учун уни пешма-пеш озиқ моддалар билан истеъмол қилиб

туриш шарт (албатта тегишли меъёрда). Агар организмга холестерин кириши тўхтатилса унинг ҳалок бўлиши муқаррар. Ҳаёт учун организмнинг ўзида синтезланадиган холестерин хавфли. Танада бир суткада ўртача 2000 мг гача холестерин ҳосил бўлиб туради. 100 г қўй ёғида у 29 мг, шунча мол ёғида 73 мг, сариёғда эса 237 мг ни ташкил қиласди. Бир кунда истеъмол қилинган ёѓлар билан 100 мг холестериннинг танага кириши ҳеч бир хавф түғдирмайди, фақат ҳайвон ёѓлари таркибида тўйинган ёғ кислоталари холестерин синтезланишини кучайтиради, мана шундай ёѓларни камроқ истеъмол қилиш билан организмда холестерин кўпайиб кетмаслигини тъминлаш мумкин. Ҳозирги илмий маълумотларга кўра холестеринни кўпайтириб юборадиган нарса бу кам ҳаракатлилик, асабийлашув, руҳий-хиссий зўриқиш ва эндокрин безлар фаолиятининг бузилиши шароитида эҳтиёждан кўп овқатланишди. Агар киши сурункали равишида ҳар хил стресс омилларга дуч келаверса (ўйда, ишда, хафа бўлиш, руҳий тушкунликка тушиш, тажавузкорлик, аччиқданиш, эртанги кунга ишонмаслик, ишлаб чиқаришда юз берадиган вақтинча омадсизлик ва бошқалар) унинг танасида ёѓлар алмашинуви бузилиб холестерин кўпайиб кетади. Хулоса шуки, кекса одамлар танасида холестериннинг кўпайиб кетмаслиги учун овқат билан холестерин қабул қилишдан тамоман воз кечиш ногўри, фақат тўйинган ёғ кислоталар кўп бўлган маҳсулотлардан (чўчқа ёғи, қўй ва қора молларнинг чарви ёғи ва бошқалар) ўзини бироз тийиши, асабийлашишидан сақланмоги даркор.

Кекса одамларда склерознинг олдини оладиган моддалардан энг муҳими бу фосфатидлардан ҳисобланган мураккаб ёғ - лецитиндир. У организмда холестериннинг салбий таъсирини нейтраллаш хусусиятига эга. Унинг таъсирида қонда холестерин тезда камаяди. Шунинг учун кундалик овқат билан ҳар куни ўртача 10 г лецитин қабул қилиб туриши керак. У тухум саригида энг кўп учрайди (тухум сариги ёғида унинг миқдори 90 г/кг, яна у мияда 60 г/кг, жигарда 25 г/кг бўлади). Антисклеротик фосфатидлар ўсимлилк ёѓларидан соя ёғида (3900 мг/100 г) пашта ёғида (2500 г/100 г), кунгабоқар ёғида (1400 мг/100 г) кўп бўлади. Ҳайвон ёѓлари фосфатидларга бой эмас (мол ёғида 70 мг/100 г, чўчқа ёғида 50 мг/100 г, қўй ёғида 10 мг/100 г).

Ўсимлилк ёѓларида яна кекса одамлар учун зарур бўлган токоферол (витамин Е) кўп учрайди. У мускул

тизимининг, айниқса юрак мускулларининг функциясини яхшилашда муҳим аҳамиятта эга. Токоферол, бундан ташқари жигарни ёғ босишидан сақлайди, тўқималар томонидан кислород ўзлаштирилишини яхшилади Капилляр қон томирларини кентгайтиради. Ўсимлик ёғларидан ташқари токоферол буғдой муртагида энг кўп учрайди (250 мг/100 г).

Шунинг учун кекса одамларга кўпроқ рафинация қилинмаган ўсимлик ёғларидан (рафинациялаш натижасида ёддаги фосфатидлар йўқолиб кетади), кепакли ундан тайёрланган (буғдой унидаги дон муртагида витаминалар, минерал моддалар кўп бўлади) нон истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Кўлгина витаминалар антисклеротик хусусиятга эга бўлганлиги боис, кексая борган сари уларнинг кунлик меъёри ошириб борилади. Бу борада айниқса витамин С нинг (аскорбат кислотаси) аҳамияти муҳим. У қон томирлари зластиклигини, юрак фаолиятини яхшилади, холестерин алмашинувини меъёрига туширади (яъни холестерин синтези ва парчаланиши стабиллашади). Кекса одамларда витаминаларга бўлган эҳтиёж миқдори 42-жадвалда келтирилган.

42-жадвал

Кекса одамларда витаминалар қабул қилиш меъёри

Ёш (иyllарда)	Тиамин, мг	Рибофлавин, мг	Пиридоксин, мг	Цианкобадамин, мг	Фолацин, мкг	Ниацин, мг	Аскорбат кисл, мг	Ретинол, мкг	Токоферол, МЕ	Кальциферол, МЕ
Эркаклар: 60-75 ёшлилар	1,4	1,6	1,6	3	200	15	58	1000	15	100
75 ва ундан кatta	1,2	1,4	1,4	3	200	13	50	1000	15	100
Аёллар: 60-75 ёшлилар	1,3	1,5	1,5	3	200	14	52	1000	12	100
75 ва ундан кatta	1,1	1,3	1,3	3	200	12	48	1000	12	100

Кекса кишилар овқатланишининг яна бир муҳим томони шундан иборатки, улар истеъмол қиласидиган таомлар организм муҳит реакциясини кўпроқ ишқорли томонга

буриш керак. Бунинг учун овқатлар ишқор эквивалентли ўсимлик маҳсулотларидан, чунончи, сабзавотлар, мева-чевалар ҳамда сут ва сут маҳсулотларидан тайёрланиши лозим. Ишқор эквивалентли моддаларга кўпгина минерал моддалар ҳам киради (кальций, калий, магний), бунинг устига ёш ошиб борган сари кишининг кальцийни ўзлаштириб бориши қийинлашади ва шу боис бу элементга нисбатан эҳтиёж ошади. Уни қондириш учун сутка давомида ярим литр сут ёки қатиқ ёки 100 г пишлоқ истеъмол қилиш (бу маҳсулотлар таркибида кальций кўп бўлади) тавсия қилинади.

Қариялар калий элементига бой маҳсулотлардан танаввул қилиб туриш керак. Чунки у юрак фаолиятини яхшилайди, танадан ортиқча сув ва ош тузини чиқиб кетишини таъминлайди. Етарли миқдордаги калийни қабул қилиш учун кексалар кунига 200 г чамаси картошкага истеъмол қилсалар кифоя (картошқада у кўп бўлади). Магний элементи ҳам қариялар учун фойдали, у ошқозон-ичак ҳаракатини жадаллаштиради, ўт суюқлиги ажralишини яхшилайди, қон томирларини кенгайтиради (шу боис уни қон босимини туширадиган моддалар қаторига киритишади), бу моддалар гўшт, балиқ, сабзи, картошкага лавлаги ва бошқа сабзавотлар ҳамда меваларда кўп бўлади.

Кекса кишиларнинг кунлик овқатида сут, қатиқ маҳсулотларига етарли ўрин берилиши керак. Чунки улар даставвал энг муҳим оқсилларнинг манбаси, кейин ичаклардаги микробларнинг (микрофлорани) барқарор ҳолда бўлишини, ошқозон-ичак йўлида кузатиладиган чириш жараёнининг олдини олишда фаол қатнашади. Чириш жараёнининг кучайиб кетиши эса организмда ўзини ўзи заҳарлаш ҳолатини олиб келади. Шундай қилиб кексарганда тегишли овқатланиш маданияти талабларига амал қилиб бориш ҳамда қарияларнинг мазмунли серунум ҳаёт кечиришига улар умрини узоқ бўлишига олиб келадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

33-жадвал

Үзүүчилгөнүү ингелиннэр на минерал мөддөлдөрүнүү булан сүткөлийн талабы

Өш. бийллар	Тиа- мины, мг	Рибоф- лавин, мг	Пири- локсин, мг	Циам- хобала- мин, мг	Фа- лат кис- лота	Низ- тин, мг	Аско- рбат кис. мг	Роти- ниол, мг	Токо- ферол иц	Кал- цифе- рол, мг	Кал- ций, мг	Маг- ний, мг	Фос- фор, мг	Те- мир иц
0	1	1,2	1,3	1,5	200	13	60	500	10	100	1000	250	1500	12
7-10	1,2	1,4	1,6	2,0	200	15	60	700	10	100	1100	250	1850	12
11-13 (үтнэл бөлд)	1,4	1,7	1,8	3,0	200	18	70	1000	12	100	1200	350	1800	15
11-13 (жээ бөлд)	1,3	1,5	1,6	3,0	200	17	70	800	10	100	1100	300	1850	18
14-17 (үтнэл бөлд)	1,5	1,8	2,0	3,0	200	20	70	1000	15	100	1200	300	1880	15
14-17 (жээ бөлд)	1,3	1,5	1,6	3,0	200	17	70	80	12	100	1100	300	1850	18

Фойдаланилган ва тавсия қилинадиган адабиётлар

1. Болтаев М. Н. Абу Али ибн Сино великий мыслитель, учёный энциклопедист средневекового Востока. Казань, 1999 г.
2. Бузник И. М. Энергетический обмен и питание. М., 1978 г.
3. Витебский Я. Д. Питайтесьrationально. Курган, 1991 г.
4. Гогулан М. Законы здоровья. М., 1998 г.
5. Дольник В. Р. Существуют ли биологические механизмы регуляции численности людей? Природа, 1992, № 6, стр 3-16.
6. Дўсчанов Б. О. Ўзбекистон металл ишлаб чиқиш саноати ишчиларининг овқатланиш гигиенаси (Бекобод металл ишлаб чиқариш корхонаси мисолида). Ўзбекистон тиббиёт журнали, 1993 й, № 4, 58-61 бетлар.
7. Дўсчанов Б. А. Гигиенические принципы и усулические основы нормирования питания хлопкоробов. Мед. журнал Узбекистана, 1993, № 5, стр. 47-50.
8. Дўсчанов Б. О. Хоразм таомлари. Тошкент, 1994 й.
9. Дўсчанов Б. А. Суточная потребность в энергии и обоснование норм питания зерноводов в условиях Узбекистана. Мед. журнал Узбекистана, 1995, № 2, стр 45-46.
10. Дўсчанов Б. О. Ерли дон маҳсулотларидағи микрозлементлар таркибий қисмини гигиеник баҳолаш. Ўзбекистон тиббиёт журнали. 1995 й, № 4, 10-12 бетлар.
11. Дўсчанов Б. А. Суточные энергетические затраты рабочих некоторых отраслей металлургической промышленности Узбекистана. Мед. журнал Узбекистана, 1996 г, № 3, стр 33-34.
12. Дўсчанов Б.А., Аллаёров К.Б. К вопросу о степени загрязнения объектов окружающей среды Хорезмского вилоята. Мед. журнал Узбекистана, 1999 г, № 3, стр 81.
13. Дўсчанов Б. О., Юсупова О.Б. Болаларнинг оиласи тўгри овқатланишининг гигиеник асослари. Педиатрия, 2001, № 2, 20-24 бетлар.
14. Княжинская Л. А. Рост населения и продовольственная программа. М., 1980 г.
15. Ким Ю.А., Дусчанов Б.А. Гигиенические аспекты оптимизации качества и безопасности пищевой продукции в условиях сочетания негативной экосреды с жарким климатом. Мед. журнал Узбекистана, 2000 г, № 3, стр 70-72.

16. Ладодо К.С., Отт В.Д., Фатеева Е.М. Основы рационального питания детей.
17. Литвина И.И. Три пользы. М., 1989 г.
18. Михайлов В.С., Трушкина Л.А., Могильный Н.П. Культура питания и здоровье семьи. Москва, 1987 г.
19. Нас 6 миллионов. Экологический вестник, 1989 г. № 5-6, стр. 2-3.
20. Павлоцкая Л.Ф., Дуденко Н.В., Эйдельман М.М. Физиология питания. М., 1989 г.
21. Петровский К.С. Гигиена питания. М., 1971 г.
22. Питание глобальная программа. Рим., 1992 г.
23. Покровский А.А. Беседы о питании. М., 1964 г.
24. Покровский А.А. О биологической и пищевой ценности продуктов питания.«Вопросы питания», 1975г, № 3, стр. 25-40.
25. Покровский А.А. Питание и болезнь. «Вопросы питания», 1976, №1, стр. 18-33.
26. Потребность в энергии и белке. Женева, ВОЗ, 1987 г.
27. Рацион, питание и предупреждение хронических заболеваний. Доклад исследовательской группы ВОЗ. Женева, 1993 г.
28. Реушкин В. Режим питания. Зачем он нужен? Наука и жизнь, 1989 г, № 9, стр 60-65.
29. Смоляр В.И. Рациональное питание. Киев, 1991 г.
30. Столмакова А.И. и др. Популярно о питании. Киев, 1988.
31. Уголев А. М. Питание через призму здравоохранения. «Коммунист», 1988 г, № 17, ноябрь, стр. 42-48.
32. Уголев А. М. Теория адекватного питания и трофология. С. Петербург, 1991 г.
33. Химический состав пищевых продуктов (под. ред. И. М. Скурихина и М. Н. Волгарёва). М., 1987-1989.
34. Экхольм Э. Окружающая среда и здоровье человека. М., 1980 г.
35. Құрбонов Ш. Қ., Құрбонов А. Ш. Овқатланиш физиологияси-нинг асослари. Қарши, 2000 й.
36. Соҳибов Д. Витаминалар ва уларнинг ҳаёт учун аҳамияти. Тошкент, 1961 й.

Мунарижа	Бет
1. Ҳазм (овқат ҳазм бўлиши) физиологияси.	5
1.1. Овқат ҳазм бўлишининг моҳияти. Ҳазм жараёнларининг классификацияси.	6
1.2. Ҳазм аъзолари функцияларини ўрганиш усуллари.	9
1.3. Оғиз бўшлигига ҳазм.	10
1.3.1. Сўлак ажралиши.	11
1.4. Ошқозонда ҳазм.	14
1.4.1. Секретор функция.	14
1.4.2. Меъданинг ҳаракат(мотор-эвакуатор)	19
1.5. Ингичка ичақда ҳазм.	21
1.5.1. Меъда ости безининг секрецияси. Меъда ости бези ширасининг таркиби ва хусусиятилари.	22
1.5.2. Ўт ажратиш ва ўт чиқариш.	25
1.5.3. Ичак секрецияси.	28
1.5.4. Ингичка ичак бўшлиги ва мембранасида озиқ моддаларининг гидролизланиши.	29
1.5.5. Ингичка ичакнинг мотор (ҳаракат) функцияси.	30
1.6. Сўрилиш жараёни.	32
1.6.1. Оқсилларнинг сўрилиши.	34
1.6.2. Углеводларнинг сўрилиши.	35
1.6.3. Ёѓларнинг сўрилиши.	36
1.7. Йўғон ичақда ҳазм.	37
1.8. Ҳазм физиологиясининг ёшга боғлиқ жиҳатлари.	40
1.8.1. Антенатал даврида ҳазм.	41
1.8.2. Лактотроф ва аралаш овқатланиш даврида ҳазм.	43
1.9. Кексалик ва ҳазм.	49
2. Озиқланиш физиологияси.	51
2.1. Оқсилларнинг организм учун аҳамияти.	51
2.1.1. Оқсилларнинг биологик қиймати.	52
2.2. Ёѓларнинг организм учун аҳамияти.	57
2.3. Карбонсувларнинг организм учун аҳамияти.	62
3. Витаминалар.	70
3.1. Витаминаларнинг кашф қилиниши ва асосий хусусиятлари.	70
3.2. Витамин А. (ретинол).	73
3.3. Витамин Д. (кальциферол).	76
3.4. Витамин Е. (токоферол).	77
3.5. Витамин К. (филлохинон).	80
3.6. Витамин В ₁ (тиамин).	80
3.7. Витамин В ₂ (рибофлавин).	82
3.8. Витамин В ₃ (пантотенат кислота).	83
3.9. Витамин РР (никотинат кислота).	84
3.10. Витамин В ₆ (пиридоксин ёки адермин).	85
3.11. Витамин В ₉ (фолат кислота ёки витамин В _c).	85
3.12. Витамин В ₁₂ (кобаламин ёки антианемик витамин).	87
3.13. Витамин С (аскорбат кислота).	87

3.15. Витамин Р (цитрин).	90
4. Мәддәлар ва овқатланиш.	91
4.1. Натрий.	93
4.2. Калий.	95
4.3. Кальций.	96
4.4. Фосфор.	97
4.5. Магний.	98
4.6. Рух.	101
4.7. Темир.	102
4.8. Мис.	104
4.9. Йод.	104
4.10. Кобальт.	106
4.11. Фтор.	107
4.12. Марганец.	109
5. Сүв алмашынуvi.	110
6. Организмда энергия сарфи ва унга таъсир күрсатувчи омиллар.	112
7. Иштаха физиологияси.	118
8. Овқатланиш тартиби ва унинг физиологик мөҳияти.	124
9. Ақлий мәхнат кишиларининг оқилона овқатланиши.	130
10. Кичик ёшдаги (1-3 ёшдаги) болаларнинг оқилона овқатланиши.	133
11. Бөгча ёшдаги болаларнинг (3-6 ёшдаги) оқилона овқатланиши.	135
12. Мактаб ўқувчиларининг оқилона овқатланиши.	138
13. Тарабаларнинг оқилона овқатланиши.	141
14. Спортчиларнинг оқилона овқатланиши.	144
15. Қишлоқ хұжалик мәхнаткашларининг оқилона овқатланиши.	153
16. Ҳомиладор на сут эмизувчи оналарнинг оқилона овқатланиши.	156
17. Кекса кишиларнинг оқилона овқатланиши.	161
Фойдаланылған ва тавсия қилинадиган адабиётлар	169

Ўқув нашр

Ш. Қ. Қурбонов, А. Ш. Қурбонов, О. Р. Каримов

**ҲАЗМ ВА ОЗИҚЛАНИШ
ФИЗИОЛОГИЯСИ**

ўзбек тилида

Техник муҳаррир: М. Раҳматов

Босмахонага 09.12 .2004 йилда берилди. Босишга 14.12.2004
йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/32 Офсет қоғози.
Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоги 6,8
шартли буёқ оттиск 10,46. Нашр босма табоги 10,4
150 нусхада Эркин нархда

Қарши ДУ нинг кичик босмахонасида чоп этилди.
Қарши шаҳар, Кўчабог 17-уй.



